


СОБИРЖОН ХАКИПОВ



ХАТАР
ЧАНГАЛИДА

**Kitob shu yerda ko‘rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**

Ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

Собиржон ҲАКИМОВ

ХАТАР ЧАНГАЛИДА

Қисса



**Тошкент
«IJOD-PRESS»
2018**



УЎК: 821.512.133-3

КБК:84(5Ў)7

Х-20

Тақризчи :

**Муҳаббат Йўлдошева – Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси, ёзувчи**

Ҳакимов, Собиржон

**Хатар чангалида: Қисса / С.Ҳакимов. – Тошкент, Ijod-Press,
2015, – 256 б.**

ISBN 978-9943-994-02-7

Ушбу асар одам савдоси билан боғлиқ воқеаларни қамраб олган. Олис юртларда бошига мусибат тушган кишилар кечмишлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Кимлардир ўзга юртларда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳолатларга тушаётгани ҳамда оила, Ватан нақадар лазиз ва муқаддаслигини англаб етаётгани ҳақидаги бу асар сизда қизиқиши уйғотади деган умиддамиз.

Қисса ҳаётда учраб турган воқеалар асосида ёзилган бўлиб, ёзувчининг бадиий тўқималари билан янада бойитилган. Ижодкор ўз асари орқали китобхонни бу каби хатар билан боғлиқ жараёнларга ҳеч қачон лоқайд бўлмасликка ундаиди.

УЎК:821.512.133-3

КБК:84(5Ў)7

ISBN 978-9943-994-02-7

Мартнинг дастлабки ўн кунлиги ўтиб, қишининг нафаси кесила бошлаган пайт. Қуёш чиқиши билан кўчаларнинг лойи бир-икки соатда қуриб оёққа ёпишмайдиган бўлиб қолади. Лекин орадан бир-икки кун ўтгач, яна ёмғир ёғади-ю, лой кўчаларда юриш қийинлашиб кетади. Баҳорнинг инжиқлик даври худди чақалоққа ўхшайди: бир қарасанг, фингшиб қолади, бир қарасанг қиқирлаб кулади. Ана шу қиқир-қиқир кулгани қуёшли кунлар. Улар борган сайин кўпайиб бораверади. Қанчалик чиранмасин совуқ енгилган, илиқ кунлар тобора устунлик қилаверади. Бундан бу ёғига табиат соатма-соат, кунма-кун иссиқ кунлар сари интилаверади. Одамлар қалбида эртанги кунга ишонч, умид мустаҳкам жой олган. Чунки олдинда ёруғ ва илиқ кунлар бор. Ана шу умид одамни руҳлантириб туради, ҳаётга чанқофини ошириб юборади. Бундан одамнинг олдинга, фақат олдинга интилгиси келаверади. Хаёлда янги-янги режалар туғилаверади. Бирор уй қуриш, бирор тўй қилиш тадоригига тушиб қолади. Ҳуллас, яаш суури.

Ўлмасжон кўчанинг одамлар кўп юрадиган четидан юриб келар экан, ўзича бу йил ёзда қиладиган ишларини хомчўт қилиб келарди. Аввало, бу йил дарвозахонадаги икки хонали уйни сувоқдан чиқариб, чиройли қилиб битказади. Кейин таътил пулига

янги дарвоза сотиб олиб эскисини алмаштиради, ана ундан кейин ўқиш бошлангунча беш-олти кун дам олса ҳам бўлаверади. Шу ўйлар билан бўлиб у уйига етганини ҳам билмай қолди. Дарвозадан унинг беш яшар ўғли – дўмбоққина, лекин ҳаракатчан Абдуқодир велосипеднинг эски филдирагини юмалатиб чиқиб қолди.

– Дадам келди, апа, дадам келди! – ортига қараб қичқириб қўйиб, филдиракни ташлади-да, Ўлмасжоннинг олдига югурди.

– Тоғли шоколад обкелдизми?

– Ҳа, ўғлим, мана, – Ўлмасжон чўнтағидан бир дона шоколад чиқариб берди ва ўғлини кўтариб олди.

– Бизнига апам келди, – деди Абдуқодир.

– Ие, маза қилибсан-ку.

– Апам менга бир коса қаймоқ олиб келди, – бидирлади Абдуқодир. У Ўлмасжоннинг онасини апа деб атарди. Олмахон аяни болалари ҳам, набиралари ҳам апа деб чақиришарди. Бу қишлоқда кўпчилик онасини “апа” дер, бу ўзларига эриш туюлмас, қайтанга бу ерликлар ота-оналарини “ота”, “апа” деб чақиришса хурсанд бўлишарди. “Хозирги ёшлар қизик, – дейишарди қариялар, – ота-онасини “дада”, “ая” деб чақиришади. Қаёқдаги сўзларни ишлатишади. Ўзимизнинг тилда “ота”, “апа” деб чақиришаверишса, бўлмайдими?”

Ўлмасжон айвонга чиқди-ю, онаси билан сўрашди.

– Келинг, апа, қайси шамоллар учирди? – у онасининг рўпарасига ўтириб қўлинни дуога очди. Абдуқодир югуриб келиб кампирнинг бикинига жойлаши.

– Илоҳо, омин, худойим тинчлик, хотиржамлигини ато қилсин, – деб кампир дуо қилди.

– Нодира, кел, чойни янгилаб бер, – деди кампир.

Ўчоқ бошида овқат қилаётган келин ийманибина келди-ю, Ўлмасжонга “келдингизми?” деди ва чойнакни олиб ўчоқ бошига кетди.

— Мен ҳозир... кийимимни алмаштириб чиқай, овқат вақти ҳам бўлиб қолибди, — деб Ўлмасжон ўрнидан турди ва ичкари уйга кириб кетди. У қайтиб чиққанда Нодира чинниларга қуйилган маставани дастурхонга олиб келган, кампирни овқат ичишга қистарди.

— Олинг, апа, овқатингизни ичинг, мана ўғлингиз келди, кўп сиқилаверманг, бир маслаҳат берар, — деди у.

— Ў, болам-а, ўйланмай, сиқилмай бўладими? Мана иккинчи йилга кетяпти икки болам дунёнинг бир бурчида дом-дараксиз юрибди: на бир хабар бор, на бир нишон. Бири боласи чақалоқлигига кетган, мана, боласининг тили чиқди, оёғи чиқди — ҳозир югуриб юрибди, отасидан эса ном-нишон йўқ. Бирининг ўғли тўй қиласидан бўлди. Ҳадемай мактабга боради. Келинлар ҳам тилло экан, шу пайтгача кўз ёшларини менга кўрсатишмади.

Гап Ўлмасжоннинг укалари Музaffer ва Шуҳратлар ҳақида кетаётганди. Музaffer тўртинчи, Шуҳрат бешинчи ўғил, ўргада Қобилжон, Салима, улардан кейин Зилола, Авазбек ва Шаҳло. Ўтган йили Музaffer ва Шуҳрат Россияга ишлагани кетишганди. Улар билан қишлоқдан яна уч-тўрт йигит ҳам кетган, аммо сувга тушган тошдек дом-дараксиз эдилар. “Ана хабар келар, мана келар” билан ҳаш-паш дегунча орадан шунча вақт ўтиб кетди.

— Нимага хавотир оласиз, боши омон бўлса, бир кун келар. Шунга ҳам дикқат бўлиш керакми? — Ўлмасжон жойига чиқиб ўтираётиб беписандгина га-

пирди. Аслида у ичидан қиринди ўтиб турса ҳам, кампирни тинчлантириш учун шундай деяётганди.

— Сен шундай дейсану, лекин бу эси йўқлар наҳотки икки йилда ҳам бир марта тилпон қилиб қўймайди? Иккови тирикмикан деб ўйланиб қоламан-да, болам, мени ўйламаса ҳам, болаларини ўйлашмайдими?

— Дараги чиқиб қолар, мен ҳам сўраб-суриштиряпман, — деди Ўлмасжон. Кампир кўзига ёш олди.

— Олинг, овқатни ичинг, буни кейин гаплашамиз, кампиршо, дунёда сиз тилаган нарсани ҳамиша бажарганмиз, бундан кейин ҳам бажарамиз. Ҳозир овқатни ичиб олай, кейин икковиниям ўзим беш секундда топаман, — деди Ўлмасжон ҳазиллашиб.

— Ҳим-м. Топганингда бу маҳалгача топардинг, — деди кампир кўзларини енгининг учига артаркан, — отанг раҳматли тирик бўлгандаям бир гап эди. Ҳеч бўлмаса, Россияга бориб келаётгандардан сўраб-суриштиради.

— Ҳозир, кампиршо, ҳозир, — деди Ўлмасжон яна ҳазиллашиб, — овқатимни еб бўлай. Қишлоқда Россияга борган одам борки, ҳаммасининг уйига кириб чиқаман.

— Ҳа, сен суриштирмасанг ҳам, ўзим топиб қўйдим дарагини, — деди Олмахон ая тумшайиб.

— Ие, ахборот агентлигингиз жуда яхши ишлайди-да, кампир-шо, қаерда экан у бетавфиқлар? Ўзим бориб, қулоқларининг тагига ўзим учун бир шапалоқ, сиз учун икки шапалоқ уриб ҳузурингизга еткашиб келаман-да, қўл-оёқларини боғлаб оёқларингиз остига ташлайман ва дейманки, “Эй инсофизлар, шу муштипар апамни икки йил кўзларини нигорон қилганларинг учун ҳозир сенларнинг кўзларингни ўйиб олиб оёқларига суртаман”.

— Ҳай-ҳай, — деди Олмахон ая гүё ростдан ҳам Ўлмасжон шу ишни қилаётгандай, — ундей дема, болам, ундей дема. Ҳазилингни қўй, сен билан маслаҳатлашгани келдим. Мен ростдан ҳам уларнинг дарагини топдим.

— Қаерда экан, апа? — сўради Ўлмасжон жиддий тортиб. Бу вақтда Нодира ҳам ўзига овқат қуйиб келиб уларнинг қаторига ўтирди. Абдуқодир эса қўлидаги шоколадини бир амаллаб очиб иккига бўлдида, бир бўлагини Олмахон аянинг оғзига тутди.

— Ма, апа, буни е.

— Ҳозир, болам, кейин ейман, сен еб туравер, — кампир унинг қўлини итарганди, яна тихирлик қилиб туриб олди.

— Ма, е, еб қўй-й.

— Ҳа, бўпти, болам, айланай, — боланинг бошини силаб пешонасидан ўпаркан Ўлмасжонга қараб гап қотди. Ўлмасжон ҳам Абдуқодирга қараб “жим ўтири” деб пўписа қилиб қўйди.

— Анови пастки Чагирдаги уста Умаралининг бир боласи ҳам Москвада экан. Шу яқинда отасига телефон қилибди. Айтибдики: “Музаффар, Шухратларнинг дарагини эшийтдим. Яқинда бизнинг олдимизга бир бола қочиб келди. Бирор танимайдиган ҳолда озиб-тўзиб кетибди, кимлигини айтмабди, зўрға учтўрт кунда ўзига келтирдик. Бир ўрмонда ўттизқирқ болани ҳеч қаёққа чиқаришмай ишлатишар экан. Икки йил ишлатишиб бир сўм пул беришмабди. У ердан қочишининг иложи йўқ эмиш. Бу бола бир тасодиф билан қочиб чиқибди. Яхшиям, бизнинг ишлаётган жойимизни билар экан.” Ана. Болам, укаларинг ёмонларнинг қўлига тушиб қолган. Тилизўрда айтяпти-ку, ҳар куни одамларни сотиб

юборадиганлар бор деб. Ана шунақаларнинг қўлига тушишган улар. – Шундай деб кампир йиғлаб юборди.

Ўлмасжоннинг қўли оғзига қошиқни олиб борган ерида тўхтаб қолди. У қошиқни овқатга солди-ю, олдидаги косани нари сурди.

– Бўлди, апа, йиғламанг, ҳар тугул икковиям тирик экан, шунисига шукур, – деди.

– Мен ҳам шунисига шукур деб ўтирибман, болам, қўлимдан йифидан бошқа нимаям келарди. Ўшангага олдингга келдим-да, Умаралиникига бор-чи. Яхшироқ сўраб-суриштири. Агар иложини қилолсанг, ўғли билан тилипонда гаплашиб анигини сўраб билганинг-да...

Ўлмасжон нима дейишини билмай ўйланиб қолди. Унинг индамай қолганини кўриб Нодира дарров қайнасининг гапини қувватлади.

– Бир бориб анигини сўраб-суриштиринг. Агар дараклари чиқса, бир чорасини топармиз. Бу ёқда акам (у Қобилжонни “ака” дерди) бор, Авазбек бор, битмайдиган иш борми? Ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг чораси бор.

– Үндай бўлса, мен ҳозир Умарали аканикига борраман, ўғлининг телефонини сўраб келаман. Бугун кеч бўлди. Эртага дарсим ҳам йўқ. Агар телефонини берса, эрталаб ўғлига телефон қилгани шаҳарга тушаман. Сиз бугун шу ерда қимиirlамай ўтириб туринг, бугун ётиб қоласиз. Абдуқодир ҳам бир маза қилиб сиз билан ётсин, – деди Ўлмасжон. Ўзининг номини эшитиб Абдуқодир ҳам кампирни қучоқлаб олди.

– Апам бугун бизникида ётади. Мен билан ётади, ур-е!

- Сан келгунча қимирламай ўтираман, болам, — деди кампир.
- Мен келгунча Қобилжонга хабар бериб қўйгин,
- Нодирага тайинлади Ўлмасжон, — кечқурун келсин, маслаҳатлашамиз. Бу ишнинг астойдил тагига етмасак, бўлмайди, шекилли. — У кийиниб чиқиб кетар экан Абдуқодирга “Апангни қўйиб юбормагин, бугун бизнида қолади”, деб ҳазиллашди. Абдуқодир эса кампирнинг қолишини эшишиб ўзида йўқ хурсанд, унинг пинжига кириб маҳкам қучоқлаб олганди.

* * *

Умарали уста ёши эллик бешларда, баланд бўйли, соқол қўйиб олган, эгнига қора сатин тўн, оёғига кирза этик кийиб, эшигининг олдидаги ариқ бўйида уч-тўртта қўйни боқиб юрган экан.

- Ассалому алайкум, уста ака, — деди Ўлмасжон.
- Э, каратечи, ваалайкум ассалом, қайси шамоллар учирди биз томонларга ё битта-яримтасини “ия” қиласман деб келдингми? — деб ҳазиллашди уста.
- Э, йўғ-е, сиз бор жойда биз қўл қовуштириб турмиз, уста ака, — деди Ўлмасжон ҳам кулиб.
- Ҳа, бор бўл, бор бўл, — уста уни бир қўли билан қучиб кулди. Бу одам дангалчи, шоиртабиат, айни пайтда ёшлигида жанжални пулга сотиб оладиган хилидан бўлганини Ўлмасжон ёшлигида кўп эшиганди. Бунақа одамлар кексайганда қуйилиб, мўмин-қобил, юмшоқтабиат бўлиб қолишади. Устанинг юз-кўзидан Ўлмасжонга хайриҳоҳлиги сезилиб турар, гўё ўзининг издошини тимсолида кўрарди. Шунинг учун кўча-кўйда кўрганда унга ўзини яқин оларди.

Собиржон Ҳакимов

— Бизда бир муаммо пайдо бўлди, уста ака, — деди Ўлмасжон унинг кўзига боқиб .

— Агар муаммонг мен билан ҳал бўладиган бўлса, айт, ҳал қиласиз.

— Эшитган бўлсангиз керак, менинг икки укам Россияга кетиб, мана икки йилдирки, дом-даракла-ри йўқ.

— Ҳа, эшитганман, куни кеча ўғлим телефон қи-либ уларнинг дарагини айтган, — деди уста маъқул-лаб.

— Ўша ўғлингизнинг телефон рақамини берсан-гиз. Ўзим анигини сўраб билайчи, нима гап, нима воқеа? Икки йилдан бери хуноб бўлиб кетдик. Ай-ниқса, апам жуда қийналаяпти, ким Россиядан га-пирса оғзига қарайди.

— Албатта, Олмахон опамга қийин, она-да. Бўл-маса, сен шу ерда қўйларга қараб тур, ма, мановини ушла, — у қўлидаги гавронни Ўлмасжонга берди, — мен уйга кириб телефонни олиб чиқаман, рақамини ўзинг ёзиб оласан, — шундай деб уста шошиб уй то-мон юриб кетди.

Уста уйидан телефонни олиб чиқиб Ўлмасжон-нинг қўлига тутқазди.

— Мана, хоҳласанг, шу ердаёқ телефон қилиб ола-вер, ўғлимнинг исми Рўзивой, билсанг керак.

— Пули кетиб қолади, — деди Ўлмасжон.

— Э, қилавер, кеча анчагина пул солдирганмиз.

Устанинг ийиб турганидан фойдаланиб Ўлмасжон ҳам “Рўзивой” деб ёзилган рақамни босди. Пича ку-тиб тургандан кейин у томондан бирор “Алло, дада” деди. Уста “гапиравер” деб қўли билан имо қилди. Ўлмасжон ўзини танитиб, ёнида дадаси турганини айтиб Рўзивойга нима мақсадда телефон қилаётга-

нини тушунтириди. Беш дақиқага яқин давом этган суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, ўзларининг қишлоғидан Салим деган бола ҳақиқатан ҳам Музаффар ва Шуҳратлар билан узоқроқ бир ўрмонда бирга ишлаган экан. Уларнинг аҳволи ҳозир оғир эканлигини, ишлаётган жойларидан ҳеч қаёққа чиқарилмасликларини, уларни олиб келган одам йигирма етти нафар болани бирорга сотиб юборганини Рўзивой тез-тез айтиб берди. Салим ҳозир ёnlарида ишлаётган экан.

— Мен тез кунларда етиб бораман, Салимга айт, ука, сизларнинг ёнингиздан жилмай турсин, — тайинлади Ўлмасжон, — қолган гапни ўша ерда гаплашамиз.

Ўлмасжон гапини тугатди-ю, телефонни ўчириб устага узатди.

— Қалай, дараги чиқдими?

— Топдик, худога шукур, сизга раҳмат, уста ака, — Ўлмасжон шундай деб ёнидан пича пул олди-ю, устанинг қаршилигига қарамай тўнининг ичига, қўйнига солиб қўйди.

— Устани, ҳай, нодон бола, ол бунингни, — деганига қўймади.

— Олаверинг, уста ака, мен тез бориб кампирни кўнглини хотиржам қиласай, насиб қилса, сиздан ош қарз бўлдик, укаларим келганда гаплашамиз энди.

Устанинг ҳай-ҳайлашига қарамай Ўлмасжон жўнаб қолди.

* * *

Ўлмасжон кечқурун Кобилжон билан Авазбекка Музаффар билан Шуҳратнинг аҳволини тушунтириди.

— Икковиям шу ерда туппа-тузук ишлаб турғанди, бало бормиди Россияда! — тутоқди Қобилжон.

— Мен уларга айтдым. Ҳавас қилманлар у ёқларни. Сизларни олиб кетаётган одамнинг күзлари бежо десам, қулоқ солишмади, — уқтириди Авазбек.

— Ўзи ким олиб кетган уларни сен танийсанми? — Ўлмасжон Авазбекдан сўради.

— Аравонлик Садрбек деган бола келган, — гапга қўшилди кампир, — жуда намозхон, тақводор одамга ўхшовди. Икки гапнинг бирида “худо хоҳласа”, “Аллоҳ” деб гапирган. Унинг бунаقا иш кўрсатишини қаёқдан билайлик, болам.

— Оғзида худонинг номи-ю, қилган ишидан ит ҳазар қиласди, — куюнди Қобилжон.

— Ҳамма айб ўзларида-да, бирор “юр” деса, сўраб-суриштирумай кетаверадими? — яна гап суқди Авазбек.

— Муҳокамани бас қилайлик, бўлар иш бўлган. Энди нима қилишни ўйлайлик, — укаларини тинчиди Ўлмасжон. Ҳаммалари бир муддат жим қолишиди. Олмахон ая ҳам нима дейишни билмас, болаларининг ҳаммаси ҳам бола-да, “бориб укаларингни олиб кел” дегани иккиланиб қолганди. Яқингина — далада ё нариги қишлоқда бўлса экан “югур, чақир” дегани. Номи айтишга осон — Россияда. Қайси бурчак-сурчакда-ю, қандай одамлар қўлида экан. Уларни олиб келаман деб бориб буниси ҳам ёмонларнинг қўлига тушиб қолса... Бундан худо сақласин, ўзи икковининг ташвиши ҳам етарли бўлиб турибди. Жимликни Нодира бузди.

— Ўзингиз бориб сўраб-суриштиришингиз керак. Бу ерда ўтирволиб “ундоқ, бундоқ” деган билан иш

битмайди. Боринг, билинг – қанақа ҳолат. Унга қараб иш қиласиз.

– Тўғри, бориб анигини билмагунча бу ерда бир чора тополмаймиз, – деди Қобилжон. У ҳозир акасига “сиз боришингиз керак”, дея олмай турганди,

– Ўзинг борасанми, болам? – сўради кампир. Унинг сўроғида “борма, жон болам”, деган мазмун билан “бориб укаларингни аждар оғзидан қутқар, тўнғич ботирим” деган мазмун уйқаш эди.

– Агар бораман десангиз, йўлкирани ярмини мен кўтараман, – деди Авазбек.

– Пенсиямдан йиғиб қўйган пулим бор, – деди кампир Авазбекка қараб.

– Мен кетиб қолсам... – Ўлмасжон Нодирага қарди.

– Биздан хижолат бўлманг, кунимиз ўтаверади, қийналмаймиз, акам бор, Авазбек бор, – Нодира кампирнинг олдида унинг кўнгли учун дадил-дадил гапираётганди, аслида ичидан нима ўтаётганини Ўлмасжон сезиб туради.

– Мактабдан жавоб беришармикин?

– Ўз ҳисобингиздан таътил сўраб ариза ёзасиз, кетаверасиз, дарсларингизни мен ўтиб тураман.

– Ҳозир Москва совуқ, эҳтимол, бирор ойдан кейин борарсиз, – Қобилжон акасига саволомуз қарди.

– Уларни топгунча ҳам анча вақт ўтиб кетади, борадиган бўлса, ҳозир жўнаворгани маъқул, – деди Авазбек.

Кампир ёнида тиззасига бошини қўйиб ухлаб қолган Абдуқодирнинг бошини силаб:

– Қўй, болам, сениям у ёқларга жўнатгани кўнглим

бормай турибди, бормай қўявер. Ҳудойим бир йўлини очса, келишиб қолар балки. – деди.

– Бирор қўлида ишлаётган хизматкорини қўйиб юборармиди, апа, – Ўлмасжон секин гапирди, – бориб қўлимдан келса, бир чора топарман. Москвада ҳам кўп ҳамқишлоқларимиз бор, ёрдам беришар.

– Бир нарса деёлмай қолдим, болам. “Бораман” десанг, йўлингни тўсолмайман, “бормайман” десанг, “боргин” деёлмайман.

– Ҳаммаси яхши бўлади, апа, – кампирнинг кўнглини кўтарди Ўлмасжон, – эртага сен, Қобилжон, Анжонга бориб самолётни суриштириб келсан. Москвага учадигани борми, йўқми. Бўлса, қайси кунлари учади, билет нархи қанча? Мен эртадан хужжатларимни тўғрилайман.

– Бозор кунидан кейин жўнайдиган бўлинг, мен бир қўйни сотай, оз-моз пул бермасам... Йўлкирани кўплашиб йифмасак, битта-иккита одамга қийин бўлади, – Қобилжон Авазбекка “нима дейсан?” дегандай қаради.

– Мен ҳам бозор куни кечқуунга пул тайёрлаб қўяман, – маъқуллади Авазбек.

– Икковинглар ҳам овора бўлманглар, айтдим-ку, йиғиб қўйган пулим бор, шуни олиб билетга ишлатарсан, – кампир болаларини қайтармоқчи бўлди. Шошқалоқроқ Авазбек дарров апасининг оғзини ёпди.

– Ҳа, энди бир кампирнинг пенсиясига қараб қолибмизми?

– Жиндек ёрдам бўлармикин дейман-да, болам.

– Сиздан ёрдам – намозингизда дуо қилиб ўтираверинг, шу етади.

Кенжә ўғиллигига бориб Авазбек баъзан кўнгилга қарамай гапириб юбораверарди.

— Дуо қиласман, болам, дуо қиласман, қўлимдан бошқа нимаям келарди, — хўрсинди кампир.

— Ўзимда ҳам пича бор, пул масаласида қийналмаймиз, апа, — кампирни тинчлантириди Ўлмасжон.

— У ерга боргандан кейин ҳам анча пул кетади, бу ёғини ҳам ўйлаш керак, — мулоҳазасини билдириди Қобилжон, — борибоқ уларни дарров топиб қайтолмайсиз, ҳали худо билади у ерда қанча қоласиз? Ҳеч бўлмаса, бир ойга етадиган пул билан бориш керак.

— У ёғи бир гап бўлар, — Ўлмасжон укасига қаради. Бу унинг “апамнинг олдида кўп гапничувалаштирма” дегани эди.

— Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди, демак, гап шумен эртага самолётни суриштираман, қолган гапни кейин гаплашамиз, ҳозир дуо қилайлик, эртага ишга бориш керак, — Қобилжон апасига қаради. Шу билан кампир дуо қилди; ўринларидан туриб ташқарига чиқишиди.

Укалари кетгандан кейин ҳам Ўлмасжон ҳовлида анча пайт турди. Кампирнинг жойини солиб бериб Нодира ҳам ёнига чиқиб келди. У секин юриб келиб Ўлмасжоннинг ёнида тўхтади.

— Икки ойга қолмай келсам керак, — унинг кўнглига қараб гапирди Ўлмасжон.

— Нима бўлсаям соғ-саломат келсангиз бўлди.

— Кетаётганимдан хафамисан?

— Хафа бўлсам-бўлмасам боришингиз шарт, нимаям қилардим.

— Абдуқодир ичикиб қолмасмикин?

— Ўйин боласи, энди катта бўлиб қолди, кўни-

киб қолади, – Нодира халатининг чўнтағидан қўлини олиб елкалари қунишиб, қўлларини бир-бирига ишқади. Ўлмасжон уни секин қучиб уйга бошлади. Хотинининг кўзларидан ёш томаётганини у пайқамади. Нодира билинтирмай кўз ёшларини енгига артди.

* * *

Самолёт Домодедово аэропортига қўнганида соат Москва вақти билан кундузги ўн икки бўлганди. Ўлмасжон аэропортдан чиқди-ю, қатор турган таксиларни четлаб ўта бошлади. У бирон арzonроқ кира қилувчи машина топмоқчи эди. Аэропортнинг Кремлга олиб борувчи йўлига чиқиб, бироз юргач, йўл четида тўхтади. У шу ерда чорак соатча тургач, рўпарасига бир “Жигули” келиб тўхтади.

– Каёққа борасан, юртдош? – шофёр эгилиб сўради.

– Мен узоқроқ жойга бораман, шаҳар марказига эмас.

– Қаерга?

– Дмитров шаҳрига.

Шофёр чўзиб ҳуштак чалди.

– Йўлимиз бир экан, чиқавер, ўзим ўша ёққа боряпман. У ерга бир юз олтмиш беш километр, анча йўл.

– Қанча бераман?

– Қанча беришинг ўзингга боғлиқ, чўнтағинг кўтарганини айтавер.

– Икки юз.


– Майли, ўтири.

Ўлмасжон шофёр ёрдамида сумкаларини юкхона-

га жойлади-да, машинага ўтирди. Ўттиз беш ёшлар чамасидаги шофёр йигитнинг исми Саша бўлиб, ўзи хушчақчақ, гапга чечан чиқиб қолди. Тезла иккенинг тили бир-бирига мос келиб қолиб ҳангома-лашиб кетишиди. Сашанинг ичакузди латифалари-ни эшитиб Ўлмасжоннинг ғубори тарқади. Устидан руҳини босиб турган юк тушиб, енгил бўлиб қолди. Улар Дмитров шаҳрига кириб келганларида гарчи кеч тушаётган бўлса ҳам, Ўлмасжоннинг кўнгли равshan, худди машғулот пайтидагидек, ўзини эркин тутарди.

Саша бу ерларни жуда яхши билар экан. Чамаси, аввал ҳам йўловчиларни олиб келиб юрган бўлса ке-рак. Курилаётган биноларни кўрсатиб “бу ерда то-жиклар ишлайди, бу ерда украинлар, бу ерда бело-руслар ишлайди” деб танишириб борди. Ниҳоят, дарахтзор жойнинг этагида қурилаётган беш қаватли иморатнинг олдига етганда “шу ерда ўзбеклар иш-лайди, манови икки қават қилиб қурилаётганида эса молдаванлар” деб машинани тўхтатди. Ўлмасжон ун-дан телефонини сўраб олди-да, Рўзивойга қўнғироқ қилди. Кўнглида “агар Рўзивойлар бу ерда бўлмаса ҳам, барибир, тушаман-да, юртдошлардан бир кечага жой сўрайман” деган ўй ўтди.

- Алло, кого вам? — сўради телефондан.
- Рўзивой, сенмисан?
- Ие, Ўлмас ака, сизмисиз?
- Ҳа, етиб келдим. Беш қаватли бинонинг олдида турибман, машинада.
- Кўк “Жигули”дами?
- Ҳа, ўшанда.
- Мен сизларни кўриб турибман, ~~— деди Рўзивой,~~
- тушаверинг, шест секундда олдинизда бўламан.



Саша юкларни туширишга ёрдамлашиб, қуюқ хайрлаши. Керак бўлиб қолса, деб телефон рақамини ҳам ёзиб берди. “Жигули” ўрнидан жилиши билан Ўлмасжон ортига ўгирилиб ўзи томон келаётган икки йигитни кўрди. Йигитларнинг бири новча, ориқ, иккинчиси тўладан келган, қоп-қора бола эди. “Ана шу новчаси Рўзивой бўлса керак” деб ўйлади Ўлмасжон. Икки йигит ҳам пахтали шим ва қалин куртка кийган, қўлларида қўлқоп, телпакларининг қулоғини тушириб олишган эди.

— Юртимизнинг шамолини олиб келдингиз, ака, — деб новча йигит қулочини ёзди. Учови қучоқлашиб сўрашганларидан кейин “бу бола Азимжон, Шермат новвойнинг ўғли”, дея ўртоғини таништирди Рўзивой. “Куни кеча шу болалар ёшида эдим, бугун буларни танимайман ҳам, катта бўлиб қолишибди, умрнинг ўтганини кўр”, деб ўйлади Ўлмасжон.

— Шу ерда ишлар экансизлар-да, — Ўлмасжон шундай деб новча бола, Рўзивойнинг елкасини силади.

— Шаҳар кўрган одамсиз, ака, қийналмай топиб келишингизни билардим.

— Ўзиям манзилни топмасам уят бўладиган қилиб тушунтиридинг-да телефонда.

Икки йигит кулишди.

— Юринг, энди, бизнинг ишхонамиз ҳам шу ер, ётогимиз ҳам, — Рўзивой сумкаларнинг бирини елкасига илди. Азимжон билан Ўлмасжон ҳам биттадан сумкани олишиб унга эргашдилар.

Беш қаватли иморатнинг учинчи, тўртинчи қаватларида иш қизғин: сувоқ, оқлаш, бўяш ишлари бораётган, биринчи ва иккинчи қаватлари қўлдан чиқарилиб топширишга тайёрлиги учун бу қават-

даги баъзи хоналарда йигитлар ётиб юришар экан. Улар иккинчи қаватдаги кенгрөң залга киришди. Зал иккига бўлинган бўлиб, бирида беш-олтита матрац ташланган, матрацларнинг тагига феноплас тўшалган, чойшабларнинг ҳаммаси бир хил кўринишга келган, яъни рангини билиб бўлмайдиган ҳолда кир босган. Иккинчи хонада қўлда наридан-бери қилиб ясалган стол ва курсилар, алюмин ликопча ва финжонлар. Бурчакдаги тўртта фишт устига қўлда ясаб ўрнатилган спирал устида қоп-қора бўлиб кетган чойнак буғ чиқариб турибди. “Бу ерда нима бало, битга ем бўлишяптими булар” деган хаёл ўтди Ўлмасжондан.

— Шу ерда биз яшаймиз, — деди Рўзивой, — қалай, чидаса бўладими?

— Аҳвол оғир, ука, — Ўлмасжон кўнглидагини айтди-қўйди.

— Йўқдан кўра бор. Бизга шуниси ҳам бўлаверади. Квартирада турсак, ҳамён кўтармайди — чидаймизда. Лекин сизга сал дурустроқ жойни эплаймиз, чораси бор.

Ўлмасжон унинг гапини бошини қимирлатиб маъқуллади. Рўзивой “нима қилай?” дегандай сумкани елкасидан олиб тараддуланиб қолганини кўриб:

— Сумкаларни очинглар, нима бўлса, борини стол устига олиб қўйинглар, буларни сизларга келтирганман. Қишлоқдан нечта бола бўлса ҳаммасини чақиринглар, — деди Ўлмасжон.

— Ўзиям иш вақти тугаб қолди, ҳадемай ёпирилиб келишади, — деди Азимжон ва дарров стол устини тартибга келтира бошлади. Бу икки йигит беш

дақиқа ўтмай рисоладагидай дастурхон тузатиши. Рўзивой анча тартибли ва режакор экан: қишлоқдан келтирилган нарсаларнинг бир қисмини шундай моҳирлик билан жой-жойига қўйдики, унга қараб туриб Ўлмасжон “ҳа, бу – ҳар ерда нонини топиб кетади”, деб ўйлади.

– Сумкалардаги нарсаларнинг ҳаммасини ол, булар сизларга, – яна қайтарди у.

– Э, ака, ҳали икки-уч кун меҳмон кутамиз, сизнинг келганингизни эшитиб, бошқа шаҳарчалардагилар ҳам келишади.

– Уларга ҳам етади, олавер, борини олавер.

Барибир Рўзивой сумкаларнинг ҳаммасини бўшатмади, тоғ писта, қоқи, ёнғоқ, ер ёнғоқ, қурут, жийдалардан бир қисмини бир сумкага жойлади-да, бурчакка олиб бориб қўйди. Учови ўтиришиб бир пиёладан чой ичиши.

– Телефонда тузукроқ гаплашолмадик, ҳалиги Салим деган бола шу ердами? – сўради Ўлмасжон.

– Шу ерда туппа-тузук ишляяпти, фақат ҳужжати йўқ, беркитиб юрибмиз, шаҳарга чиқмайди, текширилаётган пайтда юз-икки юз рубль бериб амаллаб олиб қоламиз, уйига пул ҳам жўнатди бир марта, – бидирлади Азимжон.

– Қандай қилиб қочиб келибди?

– Бунинг тарихи узун. Ўзи келганда сўрайсиз. Жуда фалати гаплар, – оғирлик билан жавоб берди Рўзивой.

– Бу ердан узоқ эканми ишлаган жойи?

– Глубинка глубина дейишади у ёқларни. Шаҳар четида Талдом деган бир шаҳарча бор, бизнинг Марҳаматча келади, ундан у ёғи ўрмон, ўша ёқларда. Бу

ердан тахминан юз ўн-юз йигирма километрлар келади. Омади бор экан, қочиб қутулиди, – жавоб берди Рўзивой.

- Демак, бир имкони бор эканки, қочиб қутулган.
- Йўқ, йўқ, у ердан қочишнинг имкони йўқ экан. Ўттиз олтида йигитни қуролланган одамлар ишлатишар эмиш. Менимча, миллатчилар, шекилли. Бу ерда шунаقا тоифалар ҳам бор.
- Музаффар билан Шуҳрат соғ эканми, сўрадингми?
- Айтишича, улар яхши.
- Икковини нима қилиб бўлса ҳам қутқариб келишим керак, – Ўлмасжон хомушгина сўзлади.
- Бу жуда қийин иш, ака, – деди Рўзивой, – чунки бу ерда бизнинг арзимизни эшигадиган одам йўқ: на мелисаси, на бошқаси. Айтишади-ку “мусофир итнинг думи қисиқ” деб. Бундан ташқари, ўзимизнинг болалардан ҳам ёрдам кутиб бўлмайди, қуролли одамларга қарши боришга йигитлар ҳам кўнишмайди.
- Тўғри, бу ерга ҳамма ўз савдоси билан келган, – Ўлмасжон Рўзивойнинг гапини тасдиқлар экан, “бу савдо қийин савдо бирордан ёрдам сўраб бўлмайди”, деб қўйди ичидаги. Унга ҳозир Салим керак эди. Ўша бола билан гаплашиб яхшигина маълумотга эга бўлиш ва унга қараб режа тузиш лозим. У англадики, бел боғлаган иши дарров амалга ошадиган эмас, балки бунга бир ой кетар, балки бир йил – олдиндан бир нарса деб бўлмайди. Ўлмасжон шу хаёллар билан ўтираси экан, ташқаридан фўнғир-фўнғир овозлар эшитилиб, ўн чоғли йигит кириб келишди. Ҳаммаси ўзларининг қишлоғидан. Буларнинг ичидаги Салим ҳам бор эди.

* * *

Эрталаб Рўзивой ўрнидан турганда, Ўлмасжон жойида йўқ эди. У ҳайрон бўлиб ташқарига қаради, лекин деразага ойна ўрнига плёнка тортилгани учун ҳеч нарсани илғай олмади. Эринчоқлик билан елкасига сочиқни ташлаб пастга тушди. Унинг эрталабда ташқарига чиқиб қорда юзини ювиш одати бор эди. “Тоза ҳаво – танга даво”. Бир-икки керишдида, кейин қўлига эндиғина бир ҳовуч қор олгандики, дарахтзор томонда югуриб юрган Ўлмасжонни кўриб қолди. Ўлмасжон энди югуришдан тўхтаб машқ бажара бошлади. Унинг ҳаракатлари енгил, кўрган одамнинг, айниқса, ёш йигитларнинг ҳавасини келтириар эди. Рўзивой ҳовуҷидаги қорни ташлаб у томонга юрди.

- Қойил, ака, ҳали ҳам каратэ билан шуғулланасизми?
- Конфу билан бир умр ошно бўлсам керак, – деди Ўлмасжон машқини тугатиб.
- Биз бўлса эрталаб туришга ҳам эринамиз.
- Мен учун кунда етти-саккиз чақирим югуриш кундалик режим, одатланиб кетганман. Агар сен ҳам болалигингдан шуғулланганингда эди, ҳайрон бўлмаган бўлардинг.
- Ҳозир сиздақасини топиш қийин бўлса керак.
- Мендақа йигитлар юртимиизда ҳозир жуда кўп. Уларга ҳавас қиласман: эркин, хоҳлаган жойда, хоҳлаган спорт залида шуғулланишлари мумкин. Назаријани биладиган устозлар ҳам кўп. Бизнинг ёшлигимизда бунақа имкониятлар қаёқда эди!
- Ҳеч мусобақаларга қатнашиб кўрганмисиз?

— Йўқ, бунга имкон бўлмаган, ука, — у Рўзивойнинг елкасига қўлини ташлаб бино томон етаклади,

— роса кучга тўлган пайтларимда бошқачароқ мусобақаларда қатнашганман.

— Ҳозир ҳам спорт формасида экансиз, — Рўзивой ялтоқланди.

— Конфу билан шуғулланган одам бир умр спорт формасида бўлади, — Ўлмасжон шундай деб йигитнинг юзига қараб кўз қисиб қўйди.

— Ёшлигингида анча уришқоқ бўлганингизни эшигтанман.

— Тўғри, лекин ҳеч қачон бирорни калтаклаш мақсадида бўлмаганман. Баъзан шароит муштлашишни талаб қилган пайтларни инобатга олмаганди. Конфу, бу — энг аввало, санъат, қолаверса, жисмоний ва руҳий тарбия ҳисобланади. Буни ёдда тутмаган киши бир куни панд ейди.

— Агар ҳозир муштлашиш керак бўлиб қолса, неча одам билан муштлаша оласиз? — Рўзивойнинг болаларча саволидан Ўлмасжон кулиб юборди.

— Билмайман, бу шароитга боғлиқ, — деди кулгидан тўхтаб.

— Йўқ, энди мисол учун-да, — яна қизиқсинди йигит, — масалан, бу ерда август ойида бир кун борки, десантчилар куни ҳисобланади. Шу куни шаҳарга чиқиб бўлмайди, чунки десант аскарлари шу куни қутуришади, йўлларида учраган қора миллатларни бозор ва кўчаларда уриб-тепиб кетаверишади. Бундан шу пайтгacha неча-неча одам жаблангану... Демоқчиманки, шу... десантчиларга рўпара келиб қолсангиз нечтасини ура оласиз?

— Айтдимку, шароитга боғлиқ деб.

— Энди, тахминан-да? Тўртгасига кучингиз етадими?

Ўлмасжон пича тараддуланиб қолди ва лунжини бир шишириб ламини чиқарди-да, секин деди:

— Агар вазни ўзим билан тенг бўлса, ўнгасининг қўлидан соғ чиқаман.

Рўзивой “ўҳ-хў” деди-ю, бошини чайқаб қўйди.

Иккови ичкари кирганларида йигитларнинг баъзилари ўриниларидан туриб чой қўйиш тараддулига тушиб қолган эдилар.

Нонуштадан кейин Ўлмасжон Салимдан гаплашиб олиш учун қолишини сўради.

— Сен бугунча қолавер, — деди унга Рўзивой, — прогул ёзилмайди, ўзим прорабга айтиб қўяман.

Йигитлар ишга жўнаб кетганларидан кейин Ўлмасжон билан Салим хонада ёлғиз қолишиди. Ювошгина, тортинчоқ бу бола гўё Ўлмасжон уни айблаётгандай кўзларини ердан узолмасди.

— Омалинг бор экан, ука, соғ-саломат қутулибсан,

— деди Ўлмасжон уни гапга солиш учун.

— Бир ўлимдан қолдим, ака, зўрға бу ерга етиб келдим.

— Ўзи нима бўлганди? Менга бир бошдан, шошилмай айтиб бер. Биласанки, мен бу ерга бекорга келмаганман: Музaffer билан Шуҳратни қутқариб кетишим керак.

— Бу ишнинг уддасидан чиқолмайсиз, ака, бу жуда қийин иш. У ерда уларни ўттиз чоғли қуролланган одам қўриқлайди.

— Нима иш қилдинглар у ерда?

— Аввал борганимизда дарахтларни кесиб икки чақиримча жойни тозаладик, кунда ҳам кавладик.

Хозир ўша ерда котлован кавлаб шунга бетон қуяёт-гандик. Болалар билан жуда күп қийналдик.

— Сизларни уришдими?

— Йўқ, лекин “қочсанглар, отамиз” деб қўрқи-тиши. Ростдан ҳам улар ҳеч нарсалан тоймайдиган одамлар. Ҳужжатларимизни олиб қўйишган. У ердан одам боласининг қочиши қийин.

— Сен қандай қилиб қочдинг?

— Ўша ерда биттасининг ити бор эди. Шу ит нима бало бўлиб ўлиб қолди. Мени шу итни қўмдиргани ўрмоннинг ичкарироғига олиб бориши. Тўрттаси мен билан от қўшилган чанада боришганди, мен қат-тиқ ерни роппа-роса ярим кун кавладим, ўзи атига бир метрча кавладим, холос, ер қаттиқ, метин бўлиб кетган-да. Тўрт қўриқчи ичаверишди-ичавериши, бир маҳал қарасам, тўртови ҳам “пишиб” қолиб-ди. Секин бир нарса олмоқчидай чанага яқинлаш-дим-да, отларнинг арқонини қирқиб қўйдим, кейин шартта бирига миндиму қамчи солдим. Қўрққаним-дан отни ураверибман-ураверибман, қаёққа кетаёт-ганим билан ишим йўқ, олдинга чоптираверибман. Икки кун ўрмон ичиди дайдиб юрдим, отнинг қор-нига, бўйнига оёқ-қўлларимни босиб иситиб жон сақладим. Тўртинчи кун от йиқилиб қайтиб турма-ди. Мен гасодифан йўлга чиқиб қолдим, қарасам, ахлат ташийдиган машина келаяпти. Таваккал деб йўлга ётиб олдим. Бахтимга, машинада ўзбек бола бор экан, спирт ҳидлатишибди, ароқ ичиришибди, хуллас, бир амаллаб шаҳарга тирик етказдириб ке-лишибди. Кейин бу ергагилар дарагимни эшитишиб касалхонага бориши. Бўлган гап — шу.

— Сизларни қишлоқдан ким олиб келганди? Эши-

тишимча, аравонлик одам олиб келган экан, бу ерда ўша одамни кўрибсан деб эшитдим.

— Тўғри, кўрдим, лекин улар билан ҳазиллашиб бўлмайди. Бу ерда уларнинг бир тўдаси бўлса керак, одам олиб сотадиган. У одамнинг исми Садрбек. Ўша бизни бу ерга “оийга етти юз доллардан маош қилиб бераман”, деб олиб келганди. Келган куни мизнинг эртасига “сизларга ишга рухсатнома тайёрлаймиз”, деб паспортларимизни йиғишириб олди. Эртаси куни “бугун иш жойи билан танишиб келасизлар”, деб автобусга чиқарди-ю, ўша жойга олиб бориб ташлади. Кейин билсак, Садр бизнинг ҳар биримизни икки минг доллардан сотиб юборган экан. Буни у ерадагилар айтишиди.

- Ўша Садр сени кўрса танирмикин?
- Менимча, танимайди, чунки менга ўхшаганларнинг нечтасини сотгандиру...
- Яхши. Ундай бўлса, ўша ифлосни менга кўрсатиб кўясан.
- Уларни қаерда юришини билмайман-ку.
- Тўғри келиб қолганда-ла, кўрдим дегунча ё менга, ё Рўзивойга телефон қиласан, қаерда бўлсам етиб келаман. Афт-башарасини бир кўриб олсам, бас.

Салим “тушундим” дегандай бошини ликкиллатди. Шундан кейин Ўлмасжон Салимдан укалари ишлаётган жойга қандай бориш мумкинлигини батафсил тушунтириб беришини сўради. Салим ҳам унга имкони борича аниқ қилиб у ерга бориш йўлларини айтди. У айтган еранча олис, одамлари ташлаб кетган чекка қишлоқлардан кейин бошланиб Архангельск томон тулашиб кетган ўрмонлар ичида эди. Салимнинг айтишича, Талдом деган шаҳарчадан кейин За-

прудний деган посёлка келади, ўша Запруднийдан у ёғи яна ўттиз чақирилар ўрмон ичидан юриб борилиши керак. Ёмон томони шуки, у томонларда аҳоли йўқ, одам бормайди, машина қатнамайди. Ёлғиз одам ўрмон ичида адашиб кетиши тайин. Айниқса, ҳозир, ердан қор кетмаган пайтда, у ерларга бориш ҳақида ўйламаса ҳам бўлади.

Бу муаммолар Ўлмасжонни ўйлантириб қўйди.

* * *

Апрель бошланган бўлса ҳам бу ерлардан ҳали қор кетганича йўқ. Дарахтларнинг шохларида қолмаган бўлса ҳам ер бетида бир қаричча қор ҳали ҳам ястаниб ётибди. Тўғри, ора-чора қуёш тушадиган жойларда ерлар қорайиб кўриниб қолганди, аммо бу дегани ҳали қиши тугади дегани эмасди. Бу ўрмонларнинг ичи шу қадар кенг эканки, адоги йўқ. Бунинг устига бу ерда қишида совуқдан, ёзда ҳар хил касалликдан ўлиб кетиш ҳеч гап эмас. Ёз келса, пашшасига тоқат қилиб бўлмайди.

Дарахтлардан тозаланган жойда баландлиги икки метр, эни бир ярим метр қилиб улкан бир бинонинг пойдевори қуйилмокда. Ўттиз беш йигит эрта тонгдан қоронфи тушгунча шу ерда ишлашади. Ейишишишнинг мазаси йўқ: баъзи кунлари нон бўлади – овқат йўқ, баъзида овқат бўлса, нон йўқ. Йигитларнинг ҳаммаси ўзбеклар. Ёшлари худди саралаб олингандай бир-биридан унчалик фарқ қилмайди. Ҳаммаси йигирма беш-ўттиз ёшлар атрофига. Иш жойлари шу ер, ётоқлари юз қадамча наридаги ёғочдан қурилган бино. Яхшиям, ўрмон – ўтин кўп, бўлмаса, бу шароитда ҳаммаси совуқдан нобуд бўли-

шарди. Иш бошқарувчи қанчалик қистамасин, барига бир, йигитлар имиллаб ишлашади. Улар учун меҳнат кунни бир амаллаб ўтказиш учунгина керак. Иш билан овунишади, хотиралар билан овунишади. Лекин нимагадир ишонишади, ниманидир кутишади. Ўша нимадир озодлик – бу ердан чиқиб кетиш. Афсуски, бунинг иложи йўқ. Атрофда ўттиз чоғли қўриқчи бор. Уларнинг яшайдиган жойлари ҳам йигитларники билан ёнма-ён, аммо у бинога буларни киритиш майди. Бу ерга ҳар замонда цемент ёки озиқ-овқат олиб келадиган юк машиналарни ҳисобга олмагандан ҳеч қандай машина йўл топиб келмайди. Юк машиналарни ҳам қўриқчилар уч-тўрт чақирим нарида кутиб олишиб яна ўzlари текшириб, кузатиб қўйишади. Хулласи калом, нажот ташқаридан келмаса, бошқа имкон йўқ, ўzlарининг кучлари етмайди.

Темир апаловкага баёқдаги охирги қоришмани ташлади-да, Музаффар лопаткани ерга ташлади. Чўнтағидан рўмолчасини олиб бўйинини артди ва нарироқ юриб бориб, ерга чўнқайиб ўтириб олиб ўрмонга тикилди. Қанийди, ҳозир қаноти бўлса-ю, шу ўрмоннинг устидан учиб ўтиб Ўзбекистонга жўнаса. Шу кунларда Ўзбекистонда ўрик, олмалар гуллаб, ариқлар бўйига ялпизлар роса бодраб чиққандир. У ўз хаёлидан энтикиб кетди. Билмайди – бошини ушлаб ўтирган кўйи қанча ўтирди. Бир пайт унинг ёнига укаси Шуҳрат келиб ўтирди.

– Жонга тегиб кетди бу меҳнат. Ёз келиши билан шу ўрмонга кираману тўғри келган томонга кетаверман, охири бир ерга олиб чиқар, – деди.

– Бу хаёлинг бўлмағур хаёл, – унинг юзига қарамай гапирди Музаффар, – битта-иккита одам бу ўр-

монда қочаман деб ё ботқоққа чўкиб ўлади, ё бирор ёввойи ҳайвонга ем бўлади.

— Бас, энди ўзим биламан, аввал ёз келаверсин,
— деди у ўкиниб — ё бу ердан қочиб қутуламан, ё
отимни бошқа қўяман.

— Унда отингни бошқа қўявер, — деди Музатфар.

— Менга ишонмайсанми? Ҳали мана кўрасан ўзинг,
— Шуҳрат акаси икки ёш катта бўлса ҳам сенсираб
гапириб ўрганиб қолганди.

— Ёз келсин-чи, бир гап бўлар, бу йил бир чораси-
ни топамиз, албатта, — укасини юпатган бўлди Му-
затфар.

— Бу лаллайишимизда чора топиб бўпмиз, — жи-
риллади Шуҳрат, — у деймиз, бу деймиз яна қишига
етволамиз-да, яна шу ерда қолаверамиз. Ановилар
берса еймиз, урса ўламиз, — у шундай деб қўриқчи-
лар биноси томонга ишора қилди.

— Бу ердан кетишнинг чораси шуки, — қўлини би-
гиз қилиб силтаб гапирди акаси, — ҳамма баравар
жўнаши керак, бўлмаса, ёлғиз одам бу ердан чиқиб
кетолмайди.

— Ҳамма баравар жўнаса булар аямай отиб ташла-
шади.

— Ана шунинг чорасини топишимиз керак.

Иккови бир муддат жим қолишганидан кейин
Шуҳрат гўё тансиқ бир янгилик айтиётгандай:

— Бугун тушимда акамни кўрибман, — деди. Музат-
фар ялт этиб унга қаради.

— Тушимда акам қор кечиб келаётганмишу йўли-
ни чакалаклар босиб кетганмиш. Оёғига оғир этик
кийиб олганмиш, чакалакларни телиб-тепиб мен
томон келармиш, мен эса қатқалоқ музга ботиб тур-

ганмишман. Акам томон қўлимни узатсам, қўлимга чакалак илашиб қолармиш. Мен чакалакни ушлаб бир тортганимни биламан, уйғониб кетдим. Ўзиям ғарқ терга ботиб кетибман.

Музаффар унга қараб анқайиб қолди. Пичадан кейин бошидан қалпоғини олди-да:

— Бу тушиңг хосиятли туш, Шуҳрат, ишонавер, акам бизни излаб йўлга тушибди, юрагим сезялти,
— деди.

— Кошкийди, шундай бўлса, аммо бир ўзи нимаям қилоларди, — бошини чайқади Шуҳрат.

— Ҳа-а, тўғри айтасан. Қанийди, ичимиизда акамга ўхшаган тўртта йигит бўлганда — бу ердан аллақачон чиққан бўлардик.

— Агар акам қасд қилса, бу ерга етиб келиши мумкин, — акасига умидвор тикилди Шуҳрат.

— Етиб келиши мумкин, аммо ўша абраҳ Садрни топа олса, етиб келади.

— Ҳа-а, агар Салим тирик бўлса ҳам етиб келади.

— Салим ҳақида бир нарса деёлмайман. Ановилар “қочиб кетди” дейишиди-ю, лекин бу ҳали маълум эмас. Ўзлари бир ёқлик қилишдими уни ё ростдан қочиб кетдими? Қочиб кетган тақдирда ҳам йўл топа олдими, йўқми?

— Ахир, “отларни олиб қочди” дейишли-ю, от одам яшайдиган жойга олиб боради, — умидворлик билан акасига тикилди Шуҳрат.

— Илойим, шундай бўлиб чиқсин, — деб Музаффар ўрнидан турди. Кун ботиб бораётган, кечки изғирин бошланиб қолганли. Йигитлар иккита-учта бўлиб ётоқ сари кетишаётганди. Музаффар қалпоғини кийиб олдинга юрди. Укаси ҳам индамай унинг ортидан эргашди.

Музаффар елкалари кенг, соchlари жигарранға мойил, қўллари бироз дағал, аммо панжалари бақувват, бурни қўйилиб тушган, қошлари бир кўтарилиб кейин сийраклашиб кетган, бўйи акаси Ўлмасжон билан баравар эди. Мундоқ таърифлаганда Ўлмасжоннинг айнан ўзи эди-ю, унга нисбатан озгина қўполроқмиди-ей, ё дағалроқ дейиш тўғри бўлармиди, хуллас, акасининг сал қўпол нусхаси эди. Агар Ўлмасжонни бир кўрсатиб кейин Музаффарни кўрсатсангиз кўп одам фарқлай олмасди. Ака-укаларнинг ичидаги шуниси айнан Ўлмасжонга ўхшарди. Фақат Ўлмасжонда ихчамлик ва чаққонлик бўлса, Музаффарнинг жисмида ёввойи бир куч бор эди. Кўпчилик бақувват одамлар каби у ҳам анча босиқ ва сермулоҳаза йигит бўлиб, ҳар қандай оғир вазиятда ҳам у ўзини босиб тура олар, бўлар-бўлмасга жириллаб кетиш унинг табиатига ёт эди. Аммо бир ишга қасд қилса, чуқур ўйлаб кўрар, бошлаган ишини охирига етказмай қўймасди. Бу ерга келганларнинг дастлабки ойларидаёқ қутулиш йўлларини, қочиш тадоригини бошлаганди. Бироқ унинг олдида бир неча муаммолар бор эди-ки, шу нарсаларни ҳисобга олишга мажбур эди у. Музаффарни паспортини олиб қўйишгани ҳам, ўрмон ҳам, совуқ ҳам, бу ерларнинг ботқоғи ҳам қўрқитолмас, уни қўрқитиб турадиган сабаб Шуҳрат эди. Қанчалик жizzаки ва чиранмачоқ бўлмасин, бу ердаги йигитлар ичидаги энг нимжони Шуҳрат. Ўзи болалигида ҳам сал нарсага шамоллаб қолар, тез-тез боши оғриб турарди. Баъзида бош оғриғи қўзиганда икки-уч кун ҳеч нарса емас, бошини ўраб ёта-верарди. Уйда ҳам, бу ерда ҳам шу. Яхшиям, ёнида акаси бор: ҳар қандай ҳолатда ҳам ёнидан қўймайди.

Доим ёнма-ён ишлашади. “Сен шошмай, дам олиб, дам олиб ишлайвер, кўп чиранма”, деб таъкидлайди. Доим бир хаёли Шуҳратда бўлади. Иш бошқарувчи билан гаплашиб қорин оғриқ, бош оғриқ, ғриппга қарши дорилар олдирап, йигитлар ҳазиллашиб “Музаффар – аптека” деб қўйишарди. Чирангани билан Шуҳрат йўл азобига чидамаслиги аниқ. Музаффарни тўхтатиб турувчи асосий сабаб ана шу эди.

Улар ётоқ жойга ҳаммадан орқада кириб келишди.

– Қани, болалар, печкани бир туринглатиб юборинглар, – деди Музаффар.

– Ҳозир боплаймиз, – Анваржон деган йигит хона ўртасидаги катта печкага қайин ғўлаларини тиқа бошлади.

Кенг залнинг ўртасида печка, унинг атрофига йигитлар матрацларни қатор қилиб ташлаб олишган, ҳар бирида бигтадан титилиб кетган, кирдан яғири чиққан адёл. Улар шу ерда ётишади, шу ерда овқатланишади. Печка устига катта қозонни қўйиб овқат қилишади. Овқат қилинаётганда хона исиб, ҳаммаси бурчак-бурчакка қочишади. кечаси эса иложи борича печкага яқинроқ ётишга интилишади. Тунда печкага ўтин ташлаб туриш ҳам навбат қилиб қўйилган. Навбатчи ухлаб қолса, дилдираб қолишади. Бирордан дакки эшитмаслик учун навбатчи доим сергак ётади. Бу ерга келган кунлариданоқ йигитлар бир-бирларига суюниб қолишган, ҳамма иш тенг тақсимланганди: хонани тозалаш, идишларни ювиш. ўтин қилиш – ҳаммаси навбати билан. Болаларнинг ҳаммаси гўё келишиб олишгандай Музаффарни ўзларининг етакчиси деб тан олишган. Унинг айтганига кўнишади, унга суюнишади. Бу ердагилардан жисмоний жиҳат-

дангина эмас, талбиркорликда ҳам у анча ладил эди. Баъзан соқчиларнинг биронтаси йигитларга сал қаттиқ тегиб қўйса, тиккама-тикка сўкишиб ҳам кетарди. Унинг рус тилини яхши билиши шу ерда иш берди. Тез-тез у иш бошқарувчи Пархом деб аташалиган одам билан тортишиб турар, “пулнимизни қачон беррасан?”, деб тихирлик қиларди. “Мен билмайман, – дерди Пархом, – босс нима деса шу: “бер” деб менга пул берса бераман, бўлмаса йўқ”.

“Унда паспёrtlаримизни олиб бер, бу ердан кетайлик”, – дерди Музаффар.

“Сизларни босс анча пулга сотиб олган, пулларингни тўласанглар кетасизлар, бу ёғи... бор, ана боссга ўзинг айт”, – дерди Пархом. У шундай дерди-ю, аммо Музаффарнинг босс билан рўпара бўлишини истамасди. Бунинг сабаби нимада эди, ҳеч ким билмасди. Бир неча маротаба Музаффар ундан боссга учраштиришини сўради, аммо Пархом унга босс ким эканлигини ҳам айтмас, уни кўрсатмасди ҳам. Бу ерда бирорта бошлиқни йигитлар шу пайтгacha кўришмаган, ҳамма иш шу Пархом орқали амалга ошириларди.

– Мана, яқинда ўтин қилишдан ҳам қутуламиз, Анваржон, баҳор келиб қолди, – Музаффар Анваржоннинг елкасига қоқди ўтиб кета туриб.

– Ҳа, баҳор келяпти, ҳаводан тафт келиб қолди, – унга қўшилди Рустам.

– Ҳадемай ўрмон ҳам уйғонади: қушлар сайрайди, гуллар очилади, – ҳомушгина деди Элдор. Биз ҳам уйғонсак бўларди, қачонгача бу сассиқ ўрани тўлдиривб ётамиз, яқинда ҳаммамизни бит босиб кетади, – писандаги Азизбек деган йигит. Эндиғина тўшаги устига ўтирган Музаффар унга қараб:

— Бугун шу масалани гаплашамиз. Ё бу ердан ҳаммамиз кетамиз, ё пулларимизни олиб уйга жўнаталимиз.

Болаларнинг ҳаммаси унга ўгирилдилар.

— Биздан уйдагилар умидини узишган, — деди кимдир паст товушда.

— Гап бундай, — леди Музаффар, — мен ҳозир нариги бинога бораман-да, Пархомдан ўша босс билан мени учраштиришини қаттиқ туриб талаб қиласман. Сизлар эса ҳамманглар ташқарига чиқиб яланг жойда тўп бўлиб туриб мени кутасизлар. Бу сизларнинг далдангиз бўлади менга.

— Яна бир иш чиқиши қийин-да, бу ишдан, — деди Ҳасанбой деган бола.

— Ҳар қалай жим турмаслик керак-да.

— Нима? Индамай ётавериш керакми?

— Музаффар тўғри айтяпти, буни ҳозироқ қоронги тушмай бошлаш керак.

Болалар бири олиб, бири қўйибчувиллаб кетишиди.

— Бундан бир иш чиқмаса, ҳамма қочишга тайёрланади. Ердан қор кетиши билан силжиймиз, болалар, — уқтириди Музаффар, — пичоқ бориб суюкка етди. Ё остидан, ё устидан. — У шундай деб елкасига курткасини ташлади-да, ташқарига йўл олди. Йигитлар ҳам бирин-кетин унинг ортидан ташқарига чиқиб ётоқхонанинг олдидаги яланг жойга тўплана бошладилар.

* * *

Эзгулик ёвузлик устидан аста-секин ғалаба қилганидай илиқ иқлим ҳам тобора ўз кучини кўрсата

бошлади. Гарчи кунора ёмғир, қор ёғса-да, Москвада ҳам ҳаво илиб, қорлар эрий бошлади. Энди баланд бинолар четида осилған сумалаклар йўқ, қор ҳам ёққани ёққандай эриб кетар, ёки ёғаётган қор бирданнига ёмғирга айланарди. Қурилиш биноларида ҳам айрим ташқарида бажариладиган ишлар бошланганди. Келганига икки ярим ҳафтадан ошган бўлса ҳам, Ўлмасжон бир чора тополмади. Глубинкага боришнинг ҳозир мавриди эмаслигини англади. У ерга бориш учун кунлар исиб, ўрмонда тунаш мумкин бўладиган пайтни кутиши лозим эди. Бундан ташқари, бир ўзи бир иш чиқара оладими, йўқми? Бу ҳам муаммо. Бегона жой, барибир, бегона-да. Бекор, болаларнинг овқатига шерик бўлиб юравериш ҳам ноқулай. Уйдан олиб келган пуллари ҳам тугаёзди. Уйда икки-уч ойга етадиган пули бу ерда уч ҳафтага ҳам етмади. Шунинг учун айтишар экан-да, “ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди”, деб. Бир куни кечқурун йигитлар ишдан қайтишганларидан сўнг Рўзивойни бир четга тортиб ўзига муносиброқ иш топиб берини сўради.

— Сизга, ака, бу ерда, қурилишда ишлаш тўғри келмайди, — деди Рўзивой, — биронта магазинми, супермаркетдами иш бўлса, яхши бўларди. Мен танишларимдан суриштириб кўраман.

Икки-уч кун ўтдики, лекин Рўзивой жим. Ё иш тополмади, ё суриштиргани вакти бўлмали. Бугун яна ётоқда бир ўзи қолган Ўлмасжон ётиб-ётиб зериқди. Тушликка яқин туриб кийинди-ю. болалар ишлаётган биноларни айланиб келиш учун ташқарига чиқди.

Беш қаватли бинода йигитлар ишлашаётган бўлса,

ўша бинонинг рўпарасида яна икки қаватли бино. Кўринишидан бу бинода асосий оғир ишлар якунланган, фақат у ер-бу ерда бўяш ва монтаж ишлари қолганга ўхшарди. Чунки эшик ва деразалар ростмана ўрнатилган, ташқи томони фойдаланишга топшириш учун тайёрга ўхшарди. Бу бинонинг чапроғида яна бир беш қаватли бино. Бу ҳам чала, чунки буни деразаларга тортилган плёнкадан ҳам билса бўлади. Демак, ичкарида иш қаттиқ кетяпти. Ҳалиги шофёр Саша айтганидай, бу ерда тожиклар, анови икки қаватлисида молдованлар ишлашса керак. Икки бинонинг орасида у ер-бу ерда фидираклари олиб ташланган уч-тўртта вагонетка кўринади. Бу вагонеткаларда ҳар хил иш қуроллари сақланса керак, белкурак, бўёқ ва ҳоказо дегандай. Вагонеткаларнинг биридан бир нечта челакни бир-бирига кийдириб чиқсан йигитни кўриб Ўлмасжон ўйлагани тўғри эканига ишонди. Икки қаватли бинонинг ёнига етганда унинг рўпарасидан шошиб келаётган Рўзивой чиқиб қолди.

— Ҳа, ака, зерикдингизми? — сўради у.

— Ётаверсанг, қашшанг бўлиб қоласан одам. Бир биноларни айланиб келай дедим, — деди Ўлмасжон, — қаёққа бунча шошилиб?

— Эртагаликка раствор буюртма бериб қўяй. Иш бошқарувчи ҳозир тушликка кетиб қолади. Баъзида тушликка кетиб “учиб” қоладиган одати бор.

Унинг гапидан Ўлмасжон кулди.

— Сиз шу ерда туриб туриңг. Мен ҳозир кираману чиқаман, — шундай деб Рўзивой вагонеткаларнинг бири томон ўтиб кетди.

Ўлмасжон икки қаватли бинонинг рўпарасига бо-

риб тўхтади. Чиройли ва ихчамгина бу бино нимага мўлжалланганини ўзича чамалаб кўрди. “Нима бўлиши мумкин бу? Магазинми, дорихонами, ё бирон идорами?” Лекин нимага мўлжалланган бино эканини тополмади. У атрофни кузатиб тураган, бино ичидан тўрт йигит гаплашиб чиқиб келишди. Уларнинг бири “гугуртинг борми?” деб сўради. Лабига сигарет қистириб олганини кўриб Ўлмасжон “йўқ, ошна, чекмайман”, деди. У йигит Ўлмасжонга бошдан оёқ қараб чиқди-да:

- Сен кимсан? — деб сўради.
- Кўриб турибсан-ку, оддий одамман.
- Йўқ, миллатинг нима? — сўради йигит.
- Ўзбек.
- Гап бундай, ўзбек, мен сендан чекасанми деб сўрадимми?
- Ақлинг бўлганда ўзингга керакли жавобни тушунган бўлардинг, — деди Ўлмасжон ҳам.

Ҳалиги йигит Ўлмасжонга яқинроқ келди.

— Ўзинг бирчувриндисан-ку, димоғинг баланд!

Унинг гапидан Ўлмасжоннинг ростмана жаҳли чиқа бошлади. Қўлларини чўнтағидан олди, мушт қилиб тугди-ю, кўрсаткич бармоғини бир чиқариб йиғди. Бу унинг жангга ҳозирлигини билдирарди.

— Мен сени шу ерда чувариндингни чиқариб қўяман, тентак. Сен кимга рўпара бўлганингни англайсан, — деди Ўлмасжон ғижиниб.

Нариги йигитларнинг бири шеригининг ёнига келиб унинг билагидан тутди.

— Сен пачофимни чиқарасанми? — кўзларини қисиб сўради йигит, — кўрмаяпсанми, олдингда тўртта ростмана эркак турганини.

— Қани, бир уриниб кўр тўртовинг, кўрсатиб қўяман ким эркаклигини.

Нариги уч йигиг хўмрайганча келишиди-ю, шерикларининг йўлини тўсишди. Улардан иккитаси ўзга тилда бир нималар деб чулдирашиб ҳалиги жанжалкашни орқага сургай бошлашди. Улардан бири Ўлмасжонга облон тикилди-да:

— Кейин гаплашамиз, ҳозир шошиб турибмиз, — деди ва у ҳам шерикларига қараб бир нималар деди.

— Ҳозир гаплашиб қўяверайлик, орқага суриб нима қиласан, — унинг кўзига қўлини бигиз қилди Ўлмасжон. Лекин учови унга қарамай шерикларини қўлтиқлашиб нари кетишди. Уларнинг ё чиндан ҳам ишлари зарур эди, ё Ўлмасжоннинг иш кийимида эмаслиги, янги спорт формасида эканлиги иккилантирди. Улар кетганларидан кейин Ўлмасжон бошини чайқади: “тавба, булар сал телбароқми нима бало”. Шу дамда вагонеткадан Рўзивой чиқиб қолди. У Ўлмасжоннинг олдига келди-ю, уни бошқача авзойини кўриб сўради:

— Нима бўлди, ака?

— Ановилар, — Ўлмасжон кетаётганларни кўрсатди, — мени муштлашишга таклиф қилишди-ю, зарур ишлари чиқиб қолиб ўzlари қочиб қолишли. Ким ўзи улар?

— Ҳа, уларми? Молдаванлар. Шу ерда ишлашади. Булар билан ўчакишманн. Кетаверишсин ўз йўлларига. Буларнинг табиати ўзи шунаقا. Бу ерда монтаж ишларини қилишади. Биз биноларни суваб тайёр қилиб қўлдан чиқариб берамиз, булар провада-сроводаларни улашади. Ўзларича бизни қора ишчи деб ҳисоблашади. Бизга доим юқоридан қараб қўпол мумомала қилишади.

- Бир панд ейишади бунақада.
- Яхшиям, биз оғир халқмиз, бўлмаса, булар билан аллақачон қирличоқ бўлардик.
- Бу ерда миллатчиликнинг кимга кераги бор, ўзлариям бу ерлик эмас-ку, — деди Ўлмасжон афсус билан.
- Булар бизга шунаقا қилишади. Анови ерда, — Рўзивой нариги беш қаватли бинони кўрсатди, — чечен, осетинлар ҳам бор, лекин уларга фиринг дейиша олишмайди.
- Улар ўз қадрини билишади. Бир-бирини бироғга туртдириб қўйишмайди.
- Гапингиз тўғри, биз сал уюшмаганмизда ўзи. Бироғ биримизни туртса, иккинчимиз индамай тураверамиз.
- Бизда аҳиллик одат ҳали урф бўлмагандек. Ҳеч бўлмаса манови руслардан ўrnak олмаймиз. Владивостокда яшайдиган рус одам Москвада яшайдиган ўзининг миллатдошини бу Москвалик ёки Чукоткалик деб айирмачилик қилмайди. Биз эса нариги қишлоқлик, бериги қишлоқлик деб ҳатто қишлоқ, кўчаларгача бир-биримизни ажратамиз, гўё у шаҳарлик, ё бу шаҳарлик бўлгани учун айбордай.
- Рўзивой унинг гапини маъқуллади. Иккови суҳбатлашиб йигитлар ишлаётган бино томон юрдилар. Йўлида кета туриб Ўлмасжон Рўзивойга тайинлади:
- Кўлингдаги йигитларни одамгарчиликка, бирбири учун жон фидо қилишга ҳам ўргатишинг керак. Бегона юртда бироғга хор бўлмаслик учун аҳиллик лозимлигини доим уқтириб туришинг шарт. Бу болаларнинг соғ-саломат уйларига қайтиб боришлари учун сен жавобгар экансан.
- Шундай дейсизу, баъзиларни ўз қадрини би-

лишга ўрғатиш қийин, жуда қийин иш бу. Бизнинг феъл-авторимизда шу нарса борки, ғуур нима әкан-лигини баъзида унтутиб кўямиз, — афсусланиб деди Рўзивой. — Бир қирда, бир сирда туришни билмаймиз. Мана мисол учун ўша молдаван йигитларни бўйсундириб ҳам олдик дейлик. Кейин болаларни тийиб бўлмай қолади: бўлса-бўлмаса уриш қўзийдиганлар кўпаяди. “Хой биродар, бу ерга бирор билан муштлашгани эмас, бола-чақа боқаман деб келгансан. Сал орқа-олдингіа қара” десанг, қулоқ соладиган топилмайди. Мана, ўзингиз маош тарқатган кунларим кузатинг-а, кўпчилик ҳатто кечаси ҳам ухламайди, ё магазинма-магазин ароқ излаб чопади, ё қизларнинг орқасидан югуради. Шунинг учун баъзиларининг пулларини оламану сигаретига ҳам пул бермай ўзим уйларига жўнатиб юбораман. Аччиқ-тирсиқ қилса, “кейин англайсан” дейману кетавераман.

— Бу яхшилигингни уйларига борганда билишади. Сен гап-сўзларга парво қилма, — уни олқишилади Ўлмасжон.

Иккови йигитлар ишлашаётган бинога кириб бордилар. Йўлда Ўлмасжон ўзига лойинқ бирор иш топиб беришини яна эслатди. Зарур нарса эсига тушгандай Рўзивой жойида тўхтаб Ўлмасжонга қаради.

— Эсимдан чиқай дебди. Шолковода ишлайдиган танишларимга телефон қилгандим. Бир жойда иш бор экану сизга тўғри келармикин?

— Қанақа иш?

— Хусусий савдо фирмасида юк ташувчилик. Суриштирасам, унчалик қийин эмас экан. Савдо қиладиган қизларга эрталаб товарларини олиб чиқиб бериб, кечқурун яна омборга олиб кириб бериш керак экан. “Ўн беш минг ойлик бераман” дебди хўжайини.

- Шароити яхшимикин?
- Билмадим. Агар ёқса, ишлаб кўрасиз, ёқмаса, ёнимизга қайтиб келаверасиз, бошқа иш топамиз, — деди Рўзивой.
- Боришга-ку, боравераман, аммо хўжайини қанақа одам эканини билишим керак-да.
- Айтишича, фирманинг эгаси армани экан. Шартлари қанақа бўлади — буни юзма-юз гаплашиб ҳал қилиш лозим.
- Борсаммикин?.. — иккиланиб қолди Ўлмасжон.
- Бораман десангиз, кечки пайт Шолковога автобус бўлади, кузатиб қўяман. Телефон қиласман, у ерда йигитлар кутиб олишади. Ихтиёр ўзингизда. Аммо мен учун сизнинг шу ерда юрганингиз яхши.
- “Бекор юргандан бекор ишла” деган. Майли, кечки рейсда кетавераман. Телефон қилиб қўявер йигитларга. Бу ерда сизларнинг нонингизга шерик бўлиб юравериш ҳам ноқулай, — кулди Ўлмасжон.
- Э-э, ака, унақа деманг-да, — астойдил хафа бўлди Рўзивой.
- Ҳазиллашдим, ҳазиллашдим. Мен ҳам ўзимнинг юқимни ўзим кўтаришим керак-да. Агар ёқмаса, ёнингларга қайтиб келаман, — Ўлмасжон Рўзивойга маъноли кулиб қўлинни узатди. Иккови қўл сиқишилар...

Кечки пайт Ўлмасжон автобусда Шолковога жўнаб кетди.

* * *

Музaffer қўриқчилар биносининг эшигига етиб борганда ичкаридан бўйи ундан баландроқ, кўзлари совуқ бир йигит чиқиб келди.

— Бу ерда нима қилиб юрибсан? — дағаллик билан сүради у.

— Менга Пархомни чақириб қўй, — секин, аммо тушунарли қилиб деди Музатфар.

— Пархом ҳозир дам оляпти, бу ерда ўралашмай биндишкангга жўна, — деди йигит яна дағдаға билан.

— Дам олаётганини биламан. Лекин ҳозир ҳал қиладиган ишим бор.

— Сенга “жўна бу ердан” дейилди, тушунмадингми? Ё пешонангдан дарча очилганда тушунасанми?

— Менинг пешонамдан дарча очасан, лекин эртага босс сенинг пешонангдан дарча очади. Агар ҳозир Пархом чиқмаса, эртанги иш бажарилмай қолади. Мени олдига киритмаганинг учун Пархом сени айбдор қиласи. Кўрасанки, ҳамма айб сенга тақалади. Чақирмасанг, ўзинг биласан. Мен кетдим, — Музатфар орқасига бурилди-ю, кета бошлади. У билардики, минг дағдағи қилгани билан босс номини эшишиб соқчи питирлаб қолади. Уни кетишга қўймай Пархомни чақириб беради. Иш жойида бир муаммо пайдо бўлган деб ўйлаши тайин. Худди у ўйлаганидай тўрт қадам босмай орқадан ҳалиги соқчининг овози эшитилди:

— Эй, тўхта.

Музатфар орқасига ўгирилди.

— Нима, у ерда, — йигит қурилиш бўлаётган жойга ишора қилди, — бирон нарса бўлдими?

— У ерда иш чатоқ, — деди Музатфар атайлаб, — ҳозир тўғриламаса, эрталаб Пархомнинг калласи кетади. Кўряпсанми, ишчилар ҳаммаси ётоқقا кирмай туришибди. Ё ҳозир, ё ҳеч қачон.

Соқчи йигит ётоқхона олдида тўпланиб турган йигитларни кўрди-ю, ростдан ҳам зарур бир иш бор экан, шекилли деб ўйлаб: “шу ерда кутиб тур, ҳозир Пархомни чақираман”, деб ичкари кириб кетди.

Орадан ўн дақиқача ўтгач, битта кўйлакнинг устидан пўстинни елкасига ташлаб Пархом чиқиб келди. Ўзи қизил юзли, соқол қўйиб олган, ёши қирқлар атрофидаги бу одам қаттиққўл бўлса ҳам Музаффар унга анча-мунча аччиқ-тирсиқ гапларни айтаверар, баъзан ошкора бақир-чақир қилиб сўкишиб ҳам кетарди. Музаффарни йигитларнинг етакчиси деб билганиданми, Пархом дағдаға қилгани билан унга зуфум қилмасди. Баъзиде соқчилар Пархомнинг тарафини олиб Музаффарга ташланишса, унинг ўзи уларни қайтарар, “биз иш юзасидан, сизлар аралашманглар”, дерди.

- Нима бўлди, Музаффар? — Пархом зинадан тушиб келди. Унинг оғзидан гупириб ароқ ҳиди келарди.
- Гаплашиб олишимиз керак, Пархом.
- Бемаҳалда нима гапинг бор эди, боя айтсанг бўларди-ку.
- Иш пайтида мавриди бўлмади. Гап шуки, энди баҳор келди, ҳадемай ёз бошланади, — узоқдан гапни айлантирди Музаффар.
- Тўғри айтасан, ҳаводан илиқ тафт кела бошлиди. Шуни айтгани келганмидинг? Юр, ичкари кирайлик, сен билан юз граммдан отамиз.
- Йўқ, Пархом, мана, келганимизга ҳам икки йил тўлай деб қолди. Сен билан анча қадрдон бўлиб қолдик. Тўғри, баъзан сўкишдик, баъзан тортишдик. Аммо биз сенинг яхши одам эканлигинги билдик. Сен ҳам бизга ўхшаган бир тутқунсан, холос. Бугун

сенинг олдингга энг муҳим гапни айтиш учун келдим,
— Музаффар иложи борича босиқлик билан дона-дона
қилиб гапирди. Пархом унинг юзига тикилди.

— Айтмоқчиманки, эртага бизни ўша босс билан
учраштирасан. Бизни ё ҳаммамизни отиб ташласин,
ё пулимизни берсин, — у қўли билан йигитлар томон
ишора қилди. — Биз бу ерда, у ёқда болаларимизнинг
аҳволи нима кечди? Агар бизнинг ҳақимизни берма-
са, бир кечада қочиб кетамиз. Бундан бу ёғига совуқ-
дан ўлмаймиз. Бир амаллаб йўл топамиз бу ўрмонда.

— Сен босс билан ҳазиллашма, — овозини па-
сайтириб олазарак қараб гапирди Пархом, — қочиб
кетсанглар, ҳаммангизни қуён овлагандай биттама-
битта топиб отади у, гапимга ишонавер. Сенинг дов-
юраклигингга ишонаман, аммо гапим чин.

— Бўлмаса, босинг билан мени учраштирасан.

— Учрашиб нима қиласан у билан?

— Шунча вақтдан бери унга етарлича ишлаб бер-
дик. Бундан бу ёғига шартнома билан ишлаймиз.
Шуни айтаман.

— Фу, у сен билан пачакилашиб ўтирмайди. Бир
марта “пак”— тамом, — Пархом бармоқларини тўп-
понча қилди.

— Нима бўлишидан қатъи назар. Учраштирасан-
ми, йўқми?

Пархом бошини сарак-сарак қилиб, ўйланиб қол-
ди.

— Бу уринишингдан ҳеч нарса чиқмайди, Музаф-
фар. — Пархом гапни айлантира бошлагандан кейин
Музаффар унга охирги имкониятни кўндаланг қил-
ди.

— Агар эртага босс билан мени учраштиришга вაъ-

да бермасанг, ҳозир, шу пайтнинг ўзида биз ўрмонга кетамиз. Табиийки, анови соқчиларинг ортимиздан қувишади. Лекин ўйлама, биронтамизни тирик қайтариб келишолмайди. Ҳаммамиз охирги томчи қонимиз қолгунча олишамиз. Кураш аёвсиз бўлади. Биз ўлиб кетганимиздан кейин босинг сени ҳам тирик қолдирмайди. Биз бўлмасак, унга сенинг ҳам керагинг йўқ. Бундан ташқари, сен унга ортиқча гувоҳ бўласан, холос. Гувоҳлар эса бу одамларга яхшилик келтирмайди. Сениям гумдон қиласди-да, ўрнингга бошқа одамни олиб келади. Иш эса яна давом этаверади. Шу қурилиш, шу ўрмон, соқчилар... фақат бу оламда сен билан биз бўлмаймиз.

Пархомнинг кўзлари катта-катта очилиб бақрайганча Музаффарга тикилиб қолди. Енги билан нимагадир оғзини артди-да, лунжини шиширди.

— Тушунсанг-чи, Музаффар, мен боссдан “манови топшириқни бажарасан”, деб талаб қилолмайман.

— Сен унга топшириқ бермайсан. Мен билан учрашиши лозимлигини айтасан, тамом.

— Мен бундай қилолмайман. Сен унинг феълини билмайсан.

— Ўзингга ҳавола. Мен ҳозир йигитларнинг олдига боришим билан улар йўлга тушишади. Биз шунга аҳд қилдик. Энди ортга қайтмаймиз. Шунча одамнинг қонига зомин бўласан. Бу дўзахий ишинг жавобсиз қолмайди, — Музаффар йигитлар томон бурилди-ю, лекин жойидан жилмай туриб қолди.

— Яхши, — деди Пархом, — мен айтиб кўраман телефонда, лекин уқтириб қўяй, бу ишинг билан бoshингга бало орттириб оласан, холос.

Музаффар Пархомни кўндира олганидан хурсанд бўлиб кетди-ю, сир бермай қовофини солиб сўради:

- Гапингга ишонсам бўладими?
- Мен сенга айтдим-ку, айтаман.
- Эртага тушликка қолмай учрашишим шарт.
- Мен телефонда айтаман, бироқ қачон учрашасан, буниси унга боғлиқ. Эҳтимол, эртага, балки индинга.
- Буниси ҳам сенга боғлиқ. Эртага тушликкача учрашмасам, йигитлар аҳдидан қайтишмайди.
- Яхши, яхши, — деди Пархом, — мен боссга иложи борича тушунираман, эртага учрашасан.
- Келишдик. Гапингга ишондим. Бориб йигитларга ваъдангни етказаман, — Музаффар йигитлар томон йўл олди.
- Мен сенга ваъда бердим. Йигитларни тинчлантириб қўй, яна бирор ишкал чиқариб юрманглар. Унутма, кеча-ю кундуз кўз остидасизлар. Ҳар бир дарахт остида кўз борлигини уқдир уларга! — Пархом орқада вайсаганча қолди.

* * *

Эртасига тушлик чоғида қўриқчилардан бири келиб Музаффарни босс чақираётганини айтди. Йигитлар орасида ғовур-ғувур бошланди.

- Ака, ҳаммамиз бирга борайлик, булардан ҳар балони кутиш мумкин, — деди Анваржон.
- Тўғри, тўғри, — унга қўшилишди бир неча йигит. Аксарият йигитлар Музаффар билан бориш истагида бўлса ҳам, “бу ёфи нима бўларкин?”, деб иккиланяётганлар ҳам бор эди.
- Мендан хавотир олманглар, ётиғи билан тушуниришга ҳаракат қиласман, — Музаффар қўлинин қоқиб ўрнидан турди.

— Тўхта, мен сен билан бораман, — унга эргашди Шуҳрат.

— Йўқ, овқатингни сявер, кўпчилик бўлиб борсак, булар бунт қилишяпти деб ўйлаши мумкин. Тағин ҳамма иш чаппасига айланиб кетмасин, — тўхтатди Музаффар.

Алижон деган йигит:

— Музаффар гўғри айтяпти, — деб ҳаммага бир-бир қараб фикрини маълум қилди: — Бу ерда биз кўтарилганимиз билан ҳеч нарса қилолмаслигимизни айтиб ўша бошлиқдан бизга ҳақ беришларини сўрайди, холос. Кўпчилик бўлиб борсак — бўлмайди.

Музаффар унинг гапини маъқуллаб, йигитларни жойидан жилмасликларини тайинлади-да, қўриқчига “кетдик” деб ишора қилди. Хавотир ва иккиланиш билан йигитлар уни кузатиб қолишиди.

Қўриқчи ўзларининг биносига олиб борди. Бу бинонинг ичига аввал Музаффар ҳеч кириб кўрмаганди. Бинонинг ичига киришлари билан бу ердаги бир неча эшикларга кўзи тушди. Ўрта йўлак, икки томон қатор хоналар экан. Тансоқчи уни йўлакнинг охиридаги хонага бошлаб кирди. Эни уч, узунаси тўрт газли хонада тўрт нафар йигит курсиларда ўтиришарди.

— Володя, боссга айт, олиб келдим, — деди қўриқчи йигитларнинг бирига. Басавлат йигит ўрнидан туриб ичкаридаги яна бир хонага кириб кетди. Нариги уч йигит эса Музаффарга тикилиб қолишиди. Бу йигитлар худди саралаб олингандай бўйлари бир хил ва бақувват йигитлар эди. “Босс деганининг тансоқчилари шулар экан-да”, ўйлади Музаффар, чунки буларни илгари кўрмаганди. Ҳаял ўтмай ичкаридан бояги Володя дегани чиқди-да, қўли билан ичкари-

ни кўрсатди. Улар ичкарига кирдилар. Бу хона анча кенг, тартибли, ўртага узун стол қўйилган, икки томонида тўрттадан стул. Юқорида диван ва кресло. Креслода эса ёши ўттизлар атрофидаги ранги заҳил, Музаффарга қиёслаганда пачоқ ва нимжонгина йигит сигарет гутатиб ўтиради. Бу босс деганлари шу кичкинагина одам эканлиги Музаффарни ажаблантириди. У Музаффарни бошдан оёқ кузатиб чиқди-да:

— Сенми ғалаён кўтармоқчи бўлган? — деди.

Шу дамда нариги хонадаги тўртови кириб келиб Музаффарнинг ортида, эшик олдида туриб олишиди. Йигит бу одам билан ғиди-биди айтишиб бирор натижага эришолмаслигини сезди. Агар ҳозир тихирлик қилса, хонадан тирик чиқмаслиги аён. Шунинг учун ётифи билан, юмшоқлик билан гапириш кераклигини англади.

— Кечирасиз, агар шундай демаганимда Пархом мени сиз билан учраштирмасди, — деди ўзини иложи борича самимий кўрсатишга тиришиб.

— Айтишларича, қочиб кетамиз деб дўқ урибсан?

— Қочиб қаёққа борамиз. Ҳамма ёқ ўрмон, адашиб ботқоққа чўкиш ё бўлмасам ёввойи ҳайвонларга ем бўлгимиз йўқ. Бунинг устига, қўриқчиларингиздан ҳеч ким тирик қочолмайди бу ердан.

Унинг гапидан босснинг чеҳраси ёришиди. Музаффар таъбига мос келадиган гап қилганди.

— Нега бўлмаса Пархомни қўрқитдинг?

— Мен сиздан баъзи нарсаларни илтимос қилмоқчи эдим.

— Нимани?

— Одамни бир кўришда билса бўлади. Сизга қараб туриб ичимдагини айтаверсам бўлар экан деб ўйла-

дим ҳозир, — Музаффар тилёғламалик қилишга ўтди.
Босс ўрнидан туриб сигаретини кулдонга босди-да:

— Русчани яхши гапирав экансан. Сен билан гаплашса бўлади. Аммо баъзи юртдошларинг борки,
ҳайвонсифат: на гапиришни билади, на муомалани.

Музаффарнинг ичидан қиринди ўтиб турса ҳам
яна юмшоқлик билан жавоб берди:

— Ҳар хил одам бор.

— Аммо сенинг юртдошларинг ичидаги ёмонлари
кўп-да, — кулди босс.

— Бунга ўзим ҳам ҳайронман. Нимагадир баъзилар
шунаقا дейди.

— Мана сен ўзинг айт-чи, тил билмайдиган одам
билан тиллашиб бўладими?

Музаффар “ўзинг нечта тилни биласан, ифлос”,
деб юборишига озгина қолди-ю, ичидагини ютишга
мажбур бўлди.

— Фақат имо-ишора билан, — деди у ҳазилга монанд қилиб.

— Та-ак, мана ўзинг тан олдинг, имо-ишора билан
соқовлар гаплашади. Сизларнинг ҳаммангиз соқов-
сиз-да, — деди босс мазах билан.

— Нима деб ўйласангиз — шу. Аммо мен сизга бу
масалада учрашмоқчи эмасдим.

Босс юриб келди-да, Музаффарнинг икки елкаси-
ни қўллари билан уриб қўйди ва сўради:

— Хўш, нима масалада? Айтиб қўйишим мумкин-
ки, мен учратган шунча юртдошларинг ичидаги сал
гаплашса бўладигани сен экансан. Менга ёқиб қол-
динг. Айт тилагингни.

— Биз икки йилга яқинки, қўлингизда ишляяпмиз.
Шу вақт ичидаги меҳнатдан бўйин товлаганимиз йўқ.

Буюрилган ишни қиляпмиз. Бу сизга хурматимиздан, агар бирор ножүя ҳаракат қилған бўлсак, ана, Пархом айтсин. Энди сиздан шуни сўрамоқчиманки, бизнинг ҳар биримизнинг оиласиз, бола-чақамиз бор, уларнинг ҳоли нима кечди, билмаймиз. Бундан буён бизга маош белгилаб қўйсангиз.

- Маош?
- Ҳа, маош. Ахир, биз ҳам тирик жонмиз.
- Маошни мен сизларни олишдан аввал тўлаб қўйганман. — Босс унга бақрайиб тикилди. У эса ҳайрон бўлиб қараб тураверди.
- Тушунмадингми? — сўради босс.
- Йўқ, — бош чайқади Музаффар, гарчи ҳаммасини билиб турса ҳам.
- Гап шундаки, — бош ва ўртанча бармоғини қарсиллатди босс, — мен сизларнинг ҳар бирингизни икки мингдан уч йил муддатга сотиб олганман. Яна кимдан дегин, ўз юртдошларингдан. Сизларнинг маошларинг ҳам шу ҳисобдан кетган.
- Биз буни билмаймиз. Бизнинг ҳаққимиз нима бўлади?
- Буни энди мен билмайман. Ўша, сени сотган юртдошингни топганингда сўрайсан.
- Демак, сиз бизга ёрдам бермас экансиз-да?
- Қандай ёрдам берай, ахир, ҳали сизларга сарфлаган пулимни чиқариб олганим йўқ-ку. Яна бир йил ишлаб берсанглар, ана ўшанда қарздан қутуласизлар. У ёғини кейин ўйлаб кўрамиз.
- Биз ҳеч кимдан қарз эмасмиз, — Музаффарнинг жаҳли чиқиб кетди, овози ҳам бир парда кўтарилиди. Босс унга қаҳр билан тикилди-да, сўнг ортида турган йигитларга қоши билан имо қилди. Шу он-

даёқ бўйнига тушган кучли зардан Музаффар олдинга, босснинг оёқлари тагига қулаб тушди. У ўрнидан тураг-турмас қовурғасига тушган тепкидан яна чўзилиб қолди. Бири уни яна тепмоқчи эди босс кўрсаткич бармоғи билан ишора қилиб йигитларини тўхтатди. Бироздан кейин унинг ишораси билан икки йигит Музаффарни ўрнидан турғизиши.

— Бу ерда овоз кўтариш керак эмаслигини унутиб қўйдинг, шекилли, — босс юзига секин шапатилади. Бироздан кейин секингина сўради:

— Сенга ҳаммаси тушунарлими?
— Нима тушунарли? — Музаффар кафти билан оғзини артиб сўради.

— Бу ерда фиринг демай, айтилган топшириқни баъжарасизлар. Маош ҳақида эса гап бўлиши мумкин эмас. Мен товар учун икки карра ҳақ тўламайман. Тушундингми?

Музаффар индамади. Босс унга тикилиб тағин сўради:

— Тушунарлими?

Музаффарнинг олдида бу ердан соғ-саломат чиқиши масаласи кўндаланг бўлиб қолди. Агар ҳозир қайсалик қиласидиган бўлса, ёвузнинг қўлидан омон чиқмаслигини сезди. Ягона чора бўйсуниш, эртага озод бўлиш учун бу ердан ҳозир қутулиб чиқиш эди. Кейин бирор чора топар, балки, шунинг учун ўзини мажбуrlаб зўрга жавоб берди:

— Тушунарли.
— Бу бошқа гап, — босс олдидаги столда турган шишадан иккита рюмкага озгинадан конъяк қўиди ва бирини Музаффарга тутди.
— Олдик бўлмаса. Сен яхши йигит экансан, ту-

шунувчан. Сендан аввалги иккитаси тушуммагани учун ҳозир ҳам тушуммай хилват ўрмонда ётибди, эҳтимол, нарёқда тушунишгандир ҳаммасини.

Музаффар унинг қўлидан рюмкани олиб алам билан кўтариб ташлади.

— Ана бўлди, — рюмкасини столга қўйиб қўлларини бир-бирига ишқади босс, — энди бориб Пархом нима деса шуни қилинглар. Юртдошларингга ҳаммасини ўзинг тушунтириб қўй. Агар бирортаси сал қийшайса, ўша куни ҳаётига нуқта қўйилади. — Босс қўлининг орқаси билан йигитларига “олиб чиқинглар” деб ишора қилди...

Музаффарниң қайтишини кўзлари тўрт бўлиб кутиб турган йигитлар уни баравар ўринларидан туриб кутиб олишди. Аммо унинг тунд юзини кўриб ҳаммалари индамай тураверишди. Шуҳрат унинг олдига келди-да:

— Сени уришдими? — деб юзига синчиклаб тикилди. Музаффар қўлини силтади ва йигитларга қараб:

— Аҳвол чатоқ, болалар, — деди.

— Демак, бундан бу ёғи ўзимизга боғлиқ, — деди Алижон, — ё қочиб қутуламиз, ё ўлиб.

— Падаринга лаънат. Ўзим ҳам сезувдим бир илиқлик бўлмаслигини... — Рустам сўкинди.

— Хўш, нима деди? — сўради Алижон.

— Бизни уч йилга сотиб олган экан, ҳар биримизни икки минг доллардан. Ойлик маошимиз ҳам шу ҳисобда эмиш. — Музаффар худди ўзи айбдордай ёнбошига қараб гапирди.

— Энди нима қиласиз, бирор нарса қилишимиз керак-ку?! — жириллаб кетди Шуҳрат.

— Энди ҳеч нарса қилмаймиз, — укасига қараб қо-

воғини солди Музаффар, — энди йўл фақат битта: ҳеч ким ортиқча ҳаракат қилмайди, ҳаммамиз ишни давом эттирамиз. Кунлар илиши керак, унгача биз Алижон билан режа тузамиз. Энг қулай кун келишини кутамиз, энг қулай кунни. Шундай қилишимиз керакки, булар ғафлатда қолсин. Сафимиздан биронта хато бўлмай бу ердан чиқиб кетишимиз керак. Қочишга узоқ ва пухта тайёрланамиз. Агар имкон қила олсак, ўрмонни ўрганишимиз лозим.

— Тўғри, энди атрофлича ва мукаммал тайёрланишимиз керак, — деди Алижон ҳам.

— Ановиларни қандай чалғитамиз? — сўради Шуҳрат, боши билан қўриқчилар томонга ишора қилиб.

— Бунинг ҳам йўлини топамиз, — деди Алижон, — шундай қиласизки, ҳаммаси бошларини чанглаб қолади.

— Булар билан ҳазиллашиб бўлмайди, бундан бу ёғига буларни босс пишиқтиради. Огоҳ бўлинглар, ҳар бир қадамимиз қаттиқ назоратда. Айтмоқчиманки, бевақт, маслаҳатсиз ҳеч биринглар ўзингларча иш тутманглар, агар қочишга уринган одамни ушлаб оладиган бўлишса, аввало, ўша одамни соғ қўйишмайди, қолаверса, ҳаммамизнинг йўлимиз тўсилади. Қочишга уриниш фақат бир марта бўлади ва у амалга ошиши керак, бўлмаса, бошқа имкон бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир қадамимизни минг марта ўлчаб, оёғимиз қаерга тушишини кўриб туриб, сўнг қадам босишимиз керак, — болаларга уқтирди Музаффар.

Болалар унинг гапини маъқуллашиб, бири у деди, бири бу деди. Ўзаро муҳокама қилишаётганда улар-

ни ишга турғизиш учун Пархом келиб қолди. Уни кўриб ҳамма жим бўлди.

Бирордан сўнг йигитлар оғир қадамлар билан ишга йўл олдилар.

* * *

“Шўрванинг шўрvasи” дегандай Ўлмасжоннинг ишга кириши ҳам “унга учра, бунга учра” бўлиб кетди. Уни кечаси Шолковода кутиб олган Иброҳим деган йигит эртасига бир чечен йигитга рўпара қилди.

— Бу боланинг исми Мурод, сизга иш топиб беришга ваъда қилган, — деди у. Ўрта бўй, қорачадан келган бу чечен йигитни Ўлмасжон синчиклаб кузатди. Кўзларида айёрлик кўрмагач, унга эргашиб айтилган жойга бирга кетди. Иккови пиёда шаҳарнинг қоқ марказигача гаплашиб кетишиди. Муроднинг гап-сўзларидан англашича, бу бола Иброҳим билан қадрдон, анча йиллардан буён бирга ишлашар экан. Ўлмасжон сездики, Мурод алдайдиган ёки бирорни бирорга сотиб юборадиган йигит эмас. Йўлда Муроднинг ўзи ҳам бу фирмадаги шароитни, унинг эгасини ҳам яхши билмаслигини, фақат “ишчи бўлса, топиб берасан” деган илтимосини бажараётганини айтиб берди. Гаплашиб кетишаётиб Муроднинг Ўзбекистонда, Иброҳимнинг уйида ҳам бир неча марта бўлгани аён бўлди. “Демак, бу алдамайдиган хилидан экан” хаёлидан ўтди Ўлмасжоннинг.

— Шолково — ўзи кичкина шаҳар бўлгани билан одам кўп, ҳар хил одам бор, бу ерда кечаси ташқарига чиқма, ўзингга ҳушёр бўл, — деб уқтириди Мурод. Улар шаҳарнинг катта кўчасида жойлашган икки қаватли бино олдида тўхташди. Бинонинг пештоқи-

га “Севан” деб ёзиб қўйилган, ичкарисида бир неча хоналар мавжуд бўлиб, бу ер асосан омбор эди. Шу хоналарнинг бирини эшиги олдида икки йигит эшикнинг икки томонида худди соқчи каби туришибди. Мурод уларнинг биридан “Хорен қаерда?” деб сўради. Йигит боши билан ичкарига имо қилди. Мурод эшикни очди-ю, ичкари кирди, Ўлмасжон ҳам кирмоқчи эди, ҳалиги йигит “сен қаёққа?” дея унинг енгидан тутди. “У мен билан”, деди Мурод. Шундан кейин Ўлмасжон ҳам ичкари кирди. Ичкарида бўйдор, қиррабурун, ориқ бир йигит бир қўлини шимининг чўнтағига тиқиб сигарет тутатиб дераза ёнида тик туради.

— О, Мурат, кел, азизим, — деди у қулочини ёзиб.

— Сенга ишчи олиб келдим, — деб Мурод сўрашиб бўлгач, Ўлмасжонни кўрсатди. Шундан кейингина Хорен Ўлмасжон билан сўрашди ва уни худди витринадаги кийим кийдирилган манекенни томоша қилаётгандай кўздан кечириб чиқди.

— Сендан худди шунақасини топиб бер дегандим, қара, бақувват, ёш.

Учови стулга ўтирганларидан кейин Мурод Хорен билан икки оғиз гаплашди-ю, кетиш тадорикига тушиб қолди.

— Мен кетаман, бу ёғини ўзинглар келишиб оласизлар. Ҳа, айтганча, — у Хоренга юзланди, — бунинг паспорти йўқ, умуман, ҳеч қандай ҳужжат сўрамасанг ҳам бўлаверади, бу менга қарашли одам.

Ўлмасжон йўлда келаётиб “фирма раҳбарига паспортимни бермайман” деганди, шуни эслаб қолган экан, шекилли, Мурод гапни тўғрилаб қўйди.

— Чатоқ экан-ку, — бошини чайқади Хорен, — мен

ҳужжатсиз ишга олоғмайман. Ҳодимларимнинг ҳам-
масини ҳужжати менда сақланади, бўлмаса, буларга
ишониб бўладими?

Ўлмасжон унинг гапидан кейин “бу ҳам роса бўл-
ган экан-ку, яхшиям, Муродни пишиқтириб қўйга-
ним”, деб ўйлади.

— Майли, ўзинг биласан, — тиззасига шапатилаб
ўрнидан турди Мурод, — Ўлмас ўзимизга ҳам керак.

Хорен дарров унинг гапини бўлди.

— Мурод, майли, сенга қарашли одам экан — ола-
ман. Мен чеченларга ишонаман. Ахир, чечен дўстла-
рим кўп. Сен учун оламан.

— Яхши, аммо айтиб қўйдим, бу бизга қарашли
одам. Агар хоҳламассанг ўзим билан ишлайверади.

— Йўқ, йўқ, ташлаб кетавер. Маошини вақтида бе-
раман, ётоғи шу ерда, омборхонада бўлади. Аммо ин-
тизомни бузмаслиги керак. Бу ерда тартиб-интизом
кучли. Бўлар-бўлмасга бироннинг ишига ҳам ара-
лашмаслиги керак. Шуларни ёдида тутиши лозим бу
йигит.

— У ёғидан хавотир олма, бу жуда тартибли одам,
— деди Мурод.

Иккови қўл олишдилар. Мурод хайрлашаётib Ўл-
масжонга кўз қисиб қўйди. Бу билан у “хавотир
олма, сени ўзимга тегишли дедим, алдамайди” де-
гандай бўлди.

Мурод кетгандан кейин Хорен Ўлмасжонни олиб
чиқиб омборни кўрсатди. Катта залнинг ичидаги чой,
гугурт қутилардан тортиб пардоз-андоз буюмла-
ри, сақичу этик кремларгача ҳамма нарса бор эди.
Омборхонадаги молнинг кўплигидан одамнинг эси
оғади. Ўзиям йўқ дегандага тўртта “КамАЗ”нинг юки

бор эли бу ерда. Йўлакка чиққанларидан кейин бир эшикни очиб: “Бу жойда тўртта юртдошинг ётади. сен ҳам сиғасан”, – деди Хорен.

– Улар қаерда? – сўради Ўлмасжон.

– Ҳозир менинг дачамда ишлашяпти, кечқурун келишади.

Иккови яна қайтиб аввалги хонага киришди. Ойига ўн беш минг маошга иккаласи ҳам рози бўлиб келишдилар.

– Юртдошларинг келгунча ҳозирча дам олишинг мумкин. Нима иш қилишингни кечки пайт омборчимиз Сергей айтади, – деди Хорен ва хонадан чиқди. Унга эргашиб Ўлмасжон ҳам йўлакка чиқди. Хорен ташқарига чиққач, ҳалии икки йигит ҳам унга эргашдилар. Ташқарида турган “Жип”нинг орқа эшигини бири югуриб бориб очди, иккинчиси рулга ўтириди. “Бу – анча бадавлат одам, шекилли”, ўйлади Ўлмасжон. У нима қилишини билмай кўчага чиқиб томоша қила бошлади. Бу кўча шаҳарнинг энг каттава гавжум кўчаси эди. Беш-ўн қадам нарироқда, қатор кетган пештахталарда қизлар савдо қилишяпти. Ўлмасжон тикилиб уларнинг баъзиларини ўзбек қизларига ўхшатди. “Шу қизларга юк олиб чиқиб бераман, шекилли”, ўйлади у. Кўчанинг баъзи жойларида майдончалар бўлиб, бу майдончаларга уч-тўрттадан столлар қўйилган, ҳар хил салқин ичимликлар сотиляпти. Ўлмасжон айланиб юриб атторлик моллари билан савдо қилаётган бир қизнинг олдига келиб қолди. Қиз унга тикилиб қараганини сезиб, унинг олдига борди.

– Ўзбекмисиз? – сўради қиздан.

– Вой, келинг, ака, – хурсанд бўлиб кўзлари порлаб кетди қизнинг.

- Бугун ишга келдим, шу ердаги анови “Севан”-супермаркетига, – жавоб берди Ўлмасжон. Қиз унинг гапидан жилмайди.
- Бу бизнинг супермаркет. Шу ерда ишлаймиз.
- Ие, бирга ишлар эканмиз-да.
- Ҳим, насиб қилса, бирга ишлаймиз. Қаердансиз, ака?
- Мен Андижонданман, ўзингиз-чи?
- Самарқанддан.
- Исмингиз нима?
- Гулрухсор.
- Менини Ўлмасжон. Бу ерда бошқа ўзбек йигитлар ҳам бор эмиш, танийсизми?
- Ҳаммасини танийман, – деди Гулрухсор, – кечки пайт келишади, танишиб оласиз. Аммо, ака, фирманинг раҳбарига ҳужжатингизни берманг, – овозини пасайтириди қиз, – анови йигитларнинг ҳаммасини паспортларини олиб қўйишган, хоҳласа маошларини беради, хоҳламаса – йўқ. Ишқилиб паспорtingизни бериб қўймадингизми сиз ҳам?
- Йўқ, ҳужжатларим ўзимда.
- Зинҳор берманг. Сўрашса ҳужжатим йўқ деяверинг.
- Анови қизлар ҳам ўзбекларми? – Ўлмасжон нарироқда савдо қилаётган қизларни кўрсатди.
- Ўзбек ҳам, тоҷик ҳам бор. Ўзбек ва тоҷиклар ўнтамиз, ичимиизда бир рус аёл ҳам бор – Валя она деймиз. Ўзи шу ерлик. Таниш-билишлари кўп. Бизнинг маошларимизни доим олиб беради. Ундан фирмадагиларнинг ҳаммаси ҳайиқишиди, ҳатто мелиса-пелисага тушиб қолсангиз “Валентина Георгевна” десангиз, мелисалар ҳам қўйиб юборишиди.

Қиз бирпасда олам-жаҳон гапни бидирлаб ташлади. Бу ердаги туриш-турмуши-ю, бир хонада юз доллардан ўн олти нафар аёл яшашидан тортиб, бу ерда ишлаётган йигитларнинг фирма раҳбаридан тез-тез калтак еб туришларигача ахборот бериб улгурди.

— Фақат ичларида Нодир деган бухоролик йигит бор, шуниси сал ўзини камситиб қўймайди, дадилроғи шу, — деди қиз.

Ўлмасжон қизнинг гапларидан аҳвол чатоқ эканини билди. “Яна бир балоларга рўпара бўлдим” хаёлидан ўтди унинг.

— Ишқилиб, қизларни уришмайдими булар? — яrim ҳазил қилиб сўради қиздан.

— Вой, йў-ўқ, ўлибдими? Эркак киши аёлларга қўл кўтариб. Агар бизга қўл кўтаришса, Валя опа қўйиб қўймайди. Яхшиям, баҳтимизга шу хотин бор, бўлмаса, ким билади...

— Ҳа, майли, пешонада нима бўлса кўраверамиз, — деди Ўлмасжон, — майли, сизни савдодан қўймай бўлмаса. — У қиз билан хайрлашиб яна супермаркет томон қайтди. Хонага кириб эшикка яқин қўйилган кароватга ўтириб хаёлга толди.

Кечга яқин қоронги тушиш арафасида бир армани йигит қизларнинг юкларини олиб кириб беришини айтди. Ўлмасжон омборхонадаги араваларнинг бирини олди-да, ташқарига судради. Юкларни аравага ортиб бир неча маротаба омборга ташиди. Бу орада қизлар билан танишиб олишга ҳам улгурди. Омборга киргандаридан кейин ҳам қизлар уни гапга солишга ҳаракат қилишди. Ҳар бири кунлик ҳисобларини омборчига топширас, Ўлмасжон омборчи кўрсатган жойга молларни жойлаштирасди. Бугун неча пул-

лик савдо бўлди, қанча мол сотилди, қанчаси қолди – омборчи биттама-битта қизлардан қабул қилиб оларди. Ниҳоят, охириги қиз ҳисобини топшириб, Ўлмасжон юкларни белгиланган жойга қўйганидан кейин омборчи эшикни беркитди. Ўрта бўйли, ўттиз ёшлар атрофидаги бу йигит Ўлмасжондан “чарчамадингми?” деб сўради.

– Биринчи иш куним тугади, – жавоб берди у.

– Кел, танишиб олайлик, – у калитларни фуфайкасининг чўнтағига солиб қўлини Ўлмасжонга узатди, – Менинг исмим Сергей, Сергей Павлович. Серёжа деяверасан.

– Ўлмас. Миллатим ўзбек. Аммо миллат ажратмайман, – деди Ўлмасжон.

Сергей унинг гапидан кулиб юборди.

– Нега ундай дейсан? – сўради кулгидан тўхтаб.

– Ҳа, энди, бу ерда бизга муомала бошқачароқ эканлигини кўрдим. Ҳар эҳтимолга қарши айтдимда.

Сергей унинг елкасидан қучиб ташқарига бошлади.

– Тўғри, бу ерда миллатдошларингга ола қарайдиганлар ҳам бор, лекин сен айтгандай мен ҳам одам ажратмайман. Ишонаманки, сен билан чиқишиб кетамиз. Бу ерда мен билан ишлар экансан. Икковимиз буғундан бошлаб шу омборнинг ишини юритамиз. Ишинг кўп ҳам қийин эмас. Фақат эрталаб саҳарлаб туришингга тўғри келади, савдога қизлар улгуришлири керак. Кечқурун юкларни олиб кириб берасан – тамом, бошқа ишинг йўқ. Кун бўйи дам олиб юраверасан.

– Бошқа қиладиган ишим йўқми?

— Сени бошқа ишга жүннаттирмайман. “Шу ерда керак бўлади”, деб олиб қоламан. Ўзи кундузи ҳам баъзи товарларни қизларга етказдириб турувчи одам керак менга.

Ўлмасжон Сергейнинг гапига “тушундим” дегандай бош силкиб қўйди.

— Энди икковимиз ужин қилиб келамиз-да, молларни бир ҳисоблаб чиқамиз.

Сергей супермаркет ёнидаги кичкинагина барга бошлади. Ўлмасжон у билан борарди-ю, чўнтаgidаги пулинни ҳисобларди: “икковимиз учун етармикин?”

Барга киришганларидан кейин Сергей ундаги бе зовталикни сезди, шекилли:

— Ҳар куни тушлик ва кечки овқатни шу ерда ейсан. Бу бар ҳам Хоренга тегишли, бизнинг хизмат вазифамизга шу ерда овқатланиш ҳам киради, — деб кулди.

Иккови овқатланиш баҳона яхши танишиб олдилар. Сергейнинг очиқ-сочиқлиги Ўлмасжонга маъқул тушди. Айни дамда Сергейга ҳам Ўлмасжон ёқиб қолди. Бир соатдан ортиқроқ гаплашиб ўтиришгач, Сергей “турамиз” деб ўрнидан қўзғалди. У ошпазларнинг бирини чақириб:

— Бу йигитнинг исми Ўлмас. Хорен айтган бўлса керак, ҳар куни шу ерда овқатланади, — деди. Ошпаз боши билан маъқул ишорасини қилгач, ташқариға йўл олдилар.

Иккови омборхонада бир соатга яқин ҳисоб-китоб билан шуғулландилар. Омборда ҳар бир сотувчининг ўзига ажратилган жойи бўлиб, эрталаб шу ердаги молларни элтиб бериш, кечқурун Сергейнинг назоратида яна шу ерга келтириш керак эди. Сотувчи-

ларнинг молларини бир-бирига аралаштирмасликни қаттиқ тайинлади у. Соат ўнларга борганда:

— Бугунча етарли ишладик. Энди бориб дамингни ол, — деб Ўлмасжонга рухсат берди.

Ўлмасжон ётоқхонага кириб келганда бу ерда тўрт нафар йигит: бири кароватда ўтирас, бири ётиб олиб телевизор томоша қилас, иккитаси ўзаро гаплашиб ўтиришарди. Улар билан тезгина чиқишиб кета қолди. Ҳаш-паш дегунча танишиб олдилар. Қорачадан келган, бўйи Ўлмасжон билан teng, билаклари бақувват йигит ўзини Нодир деб таништирди. “Анови қиз айтган йигит шу экан-да”, ўйлади Ўлмасжон ва унга зимдан синчков назар ташлади. Унинг қаериидир полвон йигит Бахтиёрни эслатди. “Бунақа йигит билан дўст бўлсанг, доғда қолмайсан”, хаёлидан ўтди унинг. Нариги уч йигит худди эгизакдай жуссалари кичкинароқ, ёшлари ҳам йигирма-йигирма иккиларда эди.

— Холмат.

— Алишер.

— Искандар.

Йигитлар бирин-кетин ўзларини таништирилар.

— Биз учовимиз сирдарёликмиз, ака, Нодир акам бухоролик. — деди Искандар, — сизни кўриб Ўзбекистоннинг ҳавосидан бир нафас олгандай бўлдик.

— Юртни соғинибсизлар-да.

— Э, нимасини айтасиз, қани энди қанотимиз бўлса-ю, учиб кета қолсак, — деди уларнинг бири.

— Шуни айтадилар-да, узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши деб.

— Биз буғдой излаб келгандик, бу ерда фақат сомон экан, — ҳазил аралаш жавоб берди Холмат.

— Ажаб эмас буғдойни ҳам топсанглар, сабр қилиб пича ишлаб кўринглар, — Ўлмасжон устидаги курткасини ечиб кароватнинг оёқ томонига ташлади.

— Бу кепатада буғдой тугул сомондан ҳам айрилишимиз тайин, — деди Нодир. Ўлмасжон унга савол назари билан қаради.

— Эртадан кечгача тиним билмай ишлаймиз, ҳали юкка, ҳали дачага югурамиз. Баъзи пайтларда вокзалга бориб цемент ҳам туширамиз, елкаларимиз яғир бўлиб, қўлларимиз қадоқ бўлиб кетди. Аммо оладиган ойлигимиз зўрга қоринни қоплайди. Уйга икки-уч ойда бир пул жўнатамиз. Бу ерда биримиз икки бўлиши қийинга ўхшайди, — Нодир унинг саволига жавоб бергандай бўлди.

— Бўлмаса, тузукроқ жойдан иш излаш керак экан.

— Паспортимни берганда ҳозир кетардим. Аммо бу одам туллак экан. Бошида яхши гапириб “ишга рухсатнома тўғрилайман”, деб олганча паспортларимизни қайтармади. Нодир акамга-ку, ҳар замонда бўлса ҳам пулинни беради, лекин бизни “гиринг десанг, ўзингдан кўр”, деб қўрқитгани қўрқитган. Рост, ҳар замонда бир кайфияти яхши бўлса, оз-оздан пул беради, лекин доим эмас, — Искандар хафа бўлиб қўлидаги сочиқ билан кароватига бир урди.

— Ишқилиб, сиз ҳам паспортингизни бериб қўймадингизми? — сўради Нодир.

Ўлмасжон “чиқ” этиб бошини чайқади.

— Берманг, ака, — деди Алишер.

— Менда паспортнинг ўзи йўқ, — маъноли кулди Ўлмасжон.

— Шундай денг сўраса. Агар бўлса, паспортингизни шу ерда ишлаётган қизларга бериб қўйинг, улар

ўзларининг ишларига пишиқ, сақлаб беришади. — Нодир шундай деб кароватига чўзилди.

Ўлмасжон йигитларнинг гоят чарчаганларини сезиб “энди дам оламиз” дегандай ечина бошлади. Уни кутиб туришгандай йигитлар ҳам бирин-сирин ўрингларига чўзилишди. Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас йигитларнинг ҳаммаси жимиб қолиши. Ўлмасжон секин туриб ёниқ қолган телевизорни ўчирди. У Холматнинг ёнидан ўтиб келар экан, унга беихтиёр қаради. Лунжини бир гомонини ёстиққа қўйиб лабларини чўччайтириб беозоргина ухлаб ётарди у. Масъум бир гўдакка ўхшарди гўё. “Ҳа, укам-а, Россияни орзу қилиб келаверибсан-да, бу жойларда бoshингга бундай савдолар тушиши тушингга ҳам кирмаган бўлса керак”, ўйлади Ўлмасжон.

* * *

Май ойининг ўнинчи куни кечки пайт Ўлмасжон биринчи марта маош олди. Ҳамма: қизлару йигитлар омборхонанинг ёнидаги кичкинагина хона эшиги олдида навбат кутиб туришли. Қизлар бари хурсанд, йигитларнинг қовоқлари солиқ. Йўлакда Хоренning уч нафар қўриқчиси кутиб туришибди. Ичкарида Хорен ва яна бир шериги маош беришяпти. Аввал аёлларнинг маошларини беришиб, улар тарқаб кетгандаридан кейин хонага биринчи бўлиб Ўлмасжон кирди. Хона ўргасига қўйилган столда ёшгина армани йигит ўтириб, олдидаги бир қоғозга қўл қўйдирди-да, диванда сигарет тутатиб ўтирган Хоренга қаради.

— Сен билан ўн беш мингга келишганмиз-а? — сўради Хорен.

- Шунақа, ўн беш мингга келишганмиз.
- Мител, бунга ўн беш минг бер, — деди у ҳисобчи.

Ҳисобчи ўн беш мингни санаб бўлгунча Хорен унга арманчалаб бир нималар деди. Чамаси, “бу билан пачакилашмай қўя қолайлик” деди, шекилли. Чунки ҳисобчи пулни санаб бўлга, Ўлмасжоннинг елка ва қўлларига синчиклаб қаради. Унинг кўзларига қаттиқ тикилган Ўлмасжоннинг нигоҳидан кўзларини олиб қочди. “Бу ерда гавдага қараб маош беришар экан”, деб ўйлади йигит. У пулинини олиб йўлакка чиққа, ичкарига Нодир кириб кетди. Холмат эса Ўлмасжоннинг енгидан тутди:

- Ака, кетмай туриңг.
- Ҳеч қаёққа кетмайман, шу ерда, хонада бўламан,
- деди Ўлмасжон.
- Йўқ, шу ерда туриб туриңг, ака, — яна сўради Холмат.
- Ҳўп, шу ерда тураман, — деди унга ва пулинни чўнтағига солиб деворга суюнди. Шу тобдаёқ Нодир қовоғини солиб чиқиб келди.
- Қанча берди? — дарров сўради Алишер. Бошқалар ҳам унга тикилишиди.
- Ўн икки минг, — хўмрайиб жавоб берди Нодир. Холмат Ўлмасжонга бир қараб қўйди-ю, ичкарига кириб кетди.
- Сизга ўн икки минг берган бўлса, бизники роса чатоқ экан-да, — деди хавотир билан Искандар. Нодир индамай елка қисди. Шу онда ичкаридан Хоренning баланд овозда сўкингани ва Холматнинг “Нимага, нимага?” деган овози эшитилди. Йўлакдаги махсус чироқ бир ёниб ўчиб, ғалати жиринглаган

товуш эшитилганди, қўриқчи йигитлардан иккитаси югуриб келишиб хонага кириб кетиши. Бир оздан кейин эшик очилди-да, ўша қўриқчилардан бири Холматни бир қоп сомонни ирғитгандай йўлакка улоқтириб ташлади. Эшикда Хоренning заҳил ба-шараси кўринди.

— Сенга бу ҳам кўп. Аслида сени боқаётганим учун менга тўлашинг керак, — деди у ва қўриқчига бир имо қилди. Ўша йигит келиб Холматнинг ёқасидан ушлаб турғизди-да, юзига бир мушт урди. Орқаси билан деворга қапишиб қолган йигитни яна урмоқчи эди, қўлини Ўлмасжон ушлаб қолди. Қўриқчи қўлини чиқариш учун бир силтади, аммо Ўлмасжон қўлини қаттиқ қисди.

— Қўлингни ол, — деди дўриллаб соқчи.

— Ёқасидан қўлингни ол, — деди Ўлмасжон. Соқчи бир силтанди-ю, яна тортиб ололмагач, Холматнинг ёқасини бўшатиб Хоренга қаради. Бу орада Нодир ҳам Ўлмасжоннинг ёнига келиб турди.

— Майли, қўйвор, — деди Хорен, — ҳозирча шунинг ўзи етади. Энди эси кириб қолди, яна бир ой индамай ишлайди бу қўй.

Соқчи Холматни қўйиб юборгач, Ўлмасжонга ёвқараш қилиб туриб қолди. Унинг қарashiда “бунисининг ҳам бир таъзирини берайми” деган маъно бор эди. Ўзига ташланмоқчи бўлиб турган соқчини Ўлмасжон огоҳлантириди.

— Худо кўрсатмасин, сендан енгиладиган одам эмасман!

Соқчини Хорен қўли билан тўхтатди ва унга жойига боришини кўрсатди. Ўлмасжонга юзланиб:

— Сени биринчи марта кечираман. Аммо бўндан

кейин юртдошларингнинг орасига тушма, – деб тағин хонасига кириб кетди. Ичкаридаги иккинчи соқчи ҳам уларнинг ёнидан ўтиб йўлак охирига юрди. Бироздан сўнг ичкарига Искандар билан Алишер кириб кетиши, Холмат эса қўлидаги пулни фижимлаганча юваниш хонасига йўналди. Унинг ортидан Нодирга бир қараб қўйиб Ўлмасжон ҳам йўл олди.

Жўмракни очиб қўйиб Холмат юзига сув сепар, елкалари силкиниб-силкиниб тушарди. Ўлмасжон унинг ортидан пича қараб тургандан кейин:

- Қанча берди? – деб сўради.
- Бор-йўғи олти минг рубль берди, холос, ифлос. Яна тағин еган овқатимни миннат қиласди. Ўзи асли бошида бу иблис билан ойига ўн саккиз мингдан келишганмиз, лафзингга...
- Қанчадан бери ишлайсан бу ерда? – Ўлмасжон сенсираб сўради.
- Роса бир йил бўлди, – Холмат рўмолчасини олиб юзига босди.
- Бир йилдан буён аҳвол шуми?
- Холмат кузларини пирпиратиб бошини силкиди.
- Хафа бўлма, ука, хоҳласанг, қурилишга жойлаб қўяман, танишларим бор.
- Ҳужжатимни бермайди бу ифлос, – ўқинч билан деди йигит.
- Мен оламан. Аммо шундай оламанки, бу кимса бор-буудан айрилади, – деди Ўлмасжон.
- Холмат унинг гапидан кўнгли кўтарилиб жилмайди. Иккови олдинма кейин ётоқ томон юрдилар.
- Мени ҳимоя қиласман деб ўзингиз балога гирифтот бўлманг, – деди Холмат йўлда.

— Кимлигимни ҳали билмайсан, укам, — Ўлмасжон унинг елкасидан беозоргина қучди. Ўзининг қучоғида юриб бораётган болани гүёки укаси Шуҳрат деб хаёл қилди. Бир кўнгли “у ҳам шу боланинг кунига тушиб турибди ҳозир” деса, бир кўнгли “ҳар қалай ёнида Музаффар бор, бирорвга туртдириб қўймайди”, дерди.

Иккови ётоқхонага кирганларидан кейин ортларидан йигитлар ҳам кириб келишди. Учовининг ҳам қовоғи солиқ, индамайгина жой-жойларига ўтиришиди.

— Сенга қанча берди? — Холмат Алишердан сўради.

— Олти минг.

— Сенга-чи?

— Менга ҳам шунча, — Искандар кароватида ўтириб бошини қуи эгди. Болалардан кўпроқ пул олгани учун Нодир сал ўнгайсиз ҳолда ўтиради. Ўлмасжон унга қаради.

— Ҳаммаси ўзимизнинг бўшлигимииздан. Мен ҳам башарасига отиб юборгим келади пулини. Ўн беш мингга бу ерда бошқа миллат одами ишламайди. Агар манови болалар дадил, сал-пал ўзини эплайдиган бўлганида бошидан сир бермасдик, пулимизни келишиб, шартнома қилиб олардик, — ўкинч билан гапирди Нодир.

— “Буларни тарафини оладиган йўқ, ўзларининг ҳеч нарсага кучлари етмайди”, деб ўйлайди бу, — гапга қўшилди Искандар.

— Ёнидаги анови қўриқчиларига ишоняпти-да, — болаларча сўзлади Алишер.

— Агар кучим етганда, ҳаммасини кунини кўрсатиб қўярдим, — Холмат қўлларини мушт қилиди. Ҳам

— Ҳозир ҳам кўрсатиб қўявер, — унга жилмайиб қаради Ўлмасжон.

— Устимдан кулманг, ака, мен рост айтяпман.

Ўлмасжон унинг астойдил хафа бўлганини сезиб қўнглидаги гапини айтди:

— Мен сенинг устингдан кулмадим, ука, Бор гапни айтяпман. Бу ерда янгиман, биринчи марта индамадим. Лекин яна бир марта биронтангизга қўл кўтаришса, кунларини кўрсатиб қўяман. Кейинги сафар маош олганларингда ҳамманглар ўн беш мингдан кам олмайсизлар.

Болалар унга анграйиб қаравди. Нодир мийигида кулиб қўйди. Ҳозир унинг “роса мақтанчоқ экан-ку бу одам”, деб ўйлаётганини Ўлмасжон сезиб турарди. “Нима деб ўйласа, ўйлайверсин, вақт етиб билиб олар”, деб Ўлмасжон унга изоҳ бериб ўтирмади. Шу кеча беш йигит биринчи марта очилиб-ёзилиб гаплашиб ўтирдилар. Ўлмасжон улардан Хорен ҳақидаги ҳамма маълумотларни билиб олди. Маълум бўлишича, улар Хоренning янги қураётган дачасида ишлашар, бу ер улар учун фақат ётоқ вазифасини бажаар экан. Хоренning идораси шу ерда, йўлак этагидаги яширин эшикдан чиқиб бориладиган иккинчи қаватда жойлашган. Йигитларнинг фикрича, уларнинг хужжатлари ҳам шу ерда бўлиши керак.

— Бу ерда қизларга зўрлик қилмайдими, ишқилиб? — Нодирдан сўради Ўлмасжон.

— Менимча, йўқ. Қизларни анови Валя опа қаттиқ ҳимоя қиласди. Яна билмадим. Кун бўйи биз дачада бўлсак, — елка қисди Нодир.

— Ўзлари-чи? Сизларга шикоят қилишмайдими?

— Йўқ. Қўлимиздан бир иш келмаслигини билишиб индай мас балки.

— Қизларнинг орасига тушиб нима қиласиз, — яна соддалик билан гапга суқилди Алишер.

— Улар бизнинг ор-номусимиз, укажон. Қайси юртда бўлсак, аёлларимизни асрashingиз керак, — унга уқтириди Ўлмасжон, — аёлларнинг ибоси, ҳаёси ва ор-номуси эркакларнинг қаддини фоз қилади, гурур билан кўкрагини кўчада кериб юришига сабабчи. Аёлинни асролмаган эркакнинг бўйни эгик, елкаси букик бўлади.

— Қойил. Бунақа гапни энди эшишишим. Аммо — лекин тўғри гап айтдингиз, — деб юборди Нодир. Бошқалар ҳам унинг гапини маъқуллашди. Шундан кейин гаплар уланиб-уланиб, охири, Афандига бориб тақалди. Ярим кечага бориб ҳам латифа айтиш тугамади. Ҳаммалари Искандар айтган латифалардан қотиб-қотиб кулишди. Бу бола кичкина бўлишига қарамай латифага шунақа уста эканки, ҳамманни думалатиб қўйди.

— Бўлди, бўлди, ичагимни узворасан, — дерди Холмат кароватида ётволиб кулар экан. Нодир ва Ўлмасжонларнинг ҳам кулгидан юзлари бўғриқиб кетганди. Ниҳоят, Нодир ўрнидан туриб чироқ ва телевизорни ўчирди.

— Энди ухламасак, кун бўйи уйқисираб юрамиз. Галингнинг давомини эртага айтасан, Искандар, — деб кароватига ётди-да, бошига ёстиқни бостириб олди.

— Саҳар туришимиз керак, ётинглар энди, — Ўлмасжон кулгидан зўрға тўхтаб йигитларни огоҳлантириди. Шундан сўнг бирин-кетин йигитлар ҳам аста-аста тинчиб қолдилар. Ўлмасжоннинг эса уйқуси келмас, гарчи саҳарлаб туриши лозим бўлса-да, уҳ-

лай олмасди. Ўйлари яна укаларига бориб тақалди. Қандай қилиб уларнинг ёнига йўл топиш мумкин? Етиб борган тақдирда ҳам уларни қутқариш қўлидан келармикин? Бир ўзи бу ишнинг уддасидан чиқармикин? Укаларини қўриқлаётган одамлар чакана одамлар эмаслигини сезиб турарди. “Ё Рўзивойнинг олдига қайтсаммикин, — ўйлади, — ўша ерда йигитларнинг ичидан кучли-кучли икки-уч одам топсан, балки менга ҳамроҳ бўлишар?” Аммо тезда бу фикридан қайтди, чунки ҳамма ҳам бу ерга ишлаб пул топгани келган, бирор билан бирорнинг нима иши бор? Шу хаёллар билан бўлиб ухлаб қолганини ҳам сезмайди.

Эрталаб Сергейнинг енгил турткисидан кўзини очди.

— Ўлмас, тур, қизлар келиб қоли shadedi.

Ўрнидан апил-тапил турди-ю, ювиниш учун елкасига сочиқни ташлаб Сергейнинг оргидан эргашди.

Шу куни тушлик пайтида Сергейдан Глубинка ҳақида айлантириб суриштириб кўрди.

— У ёқларга бормаганман. Айтишларича, у ерлар жуда овлоқ. Ҳар хил ҳайвонлар бор, бундан ташқари, у ерларда одам яшамайди, — “нимага сўраяпсан?” дегандай Ўлмасжонга тикилди у. Ўлмасжон “шундай, ўзим” деди-ю, мақсадини айтмади.

Тушликдан кейин савдо қилаётган қизларнинг олдига борган йигит жанжалнинг устидан чиқди. Майда-чуйда, атторлик моллари билан савдо қилаётган Сапура деган тожик қизнинг савдо растасига етиб қолганди. Шу пайтда Сапуранинг олдидан бир тўда йигит ўта бошлади. Беш-олти нафар йигит – ҳаммасининг боши тақир қилиб қирилган, оёқлари-

да красовка, жинси шим ва бўйинларида занжирлар. Кўрган одамнинг эти жунжикади бу тўдадан. Улардан бири Сапуранинг олдига келганда пештахтадаги сигаретдан бир пачка олди-ю, қўлини кўтариб:

— Привет, азиятка, — деди ва индамай кета бошлади.

— Пули-чи, пулинин ким тўлайди?! — унинг ортидан қичқирди Сапура. Аммо ҳалиги нусҳа индамай кетавергач, Сапура унинг ортидан югуриб етиб борди-да, енгидан тутди. Шунда кутилмаган воқеа рўй берди. Ҳудди олдиндан келишиб олишгандай бояги йигитлар айланга бўлиб туриб олишди-да, уларнинг бири Сапурани сигарет олган шериги томон итариб юборди.

— Мана сенга пул, ёввойи!

Йигитлар ҳаммаси баравар ҳоҳолашиб қизни биридан бирига улоқтира бошлишди. Бири қизнинг ёқасидан тутиб “шарр” эткизиб кўйлагини йиртиб юборди.

— Нима қиляпсизлар, болалар?! — уларнинг олдига югуриб борган Валя опани ҳам йигитларнинг биттаси қаттиқ туртиб юборди. Аёл асфальтга ўтириб қолди ва чинқириб юборди:

— Аҳмоқлар! Нима қиляпсанлар?! — Валентина Георгевна шу ондаёқ ҳалиги йигитлар томон юрган Ўлмасжонни кўриб жонҳолатда ўрнидан турмоқчи эди, тиззалаб қолди.

— Ўлмас, тўхта!!!

Аммо Валя опа Ўлмасжоннинг олдини тўсишга кеч қолганди. Ўлмасжон тўдадаги йигитларнинг бирини елкасидан ушлаб ортига туртиб юборди ва ўзига йўл очиб Сапуранинг олдига етиб, унинг қўлидан тутди.

— Тезда қоч!

Сапура кўйлагининг йиртилган жойини кўкрагига иккала қўли билан босганча тўдадан қочиб чиқди.

— Сен нега бизнинг ишга аралашяпсан? — йигитларнинг бири Ўлмасжонга мушт отди. Аммо у йигитнинг қўлини қайирди-да, ортига ўтиб олди, энди орқада одам йўқ, ҳимояланиш учун имкон бор эди. Аммо бу атига бир неча сония давом этди. Тўдадаги йигитлар бирданига Ўлмасжонга ташланишди. Тарстурс этган овоз эшитилди-ю, Ўлмасжон тўдадан ажралиб чиқди. Ерда йигитларнинг иккитаси чўзилиб қолди. Ўлмасжон тезда ўзини йўл четига олди ва рақибларига қараб чама қилди. Унинг қаршисида беш йигит турарди. Бироқ бу йигитлар энди унинг учун кўп ҳам хавфли эмаслигини сезди. Шу топда Валя опа:

— Улар билан ўчакишма, қоч, қочиб кет! — деб Ўлмасжон томон кела бошлади.

— Бу ёқقا келманг, Валя опа, — Ўлмасжон шундай деб олдига етиб келган йигитнинг башарасига айланниб шундай тепдики, у нариги шерикларига бориб урилди. Йигитларнинг иккитаси тўхтади, иккитаси эса Ўлмасжонга яқинлаша бошлади. Ўлмасжон эса кўлларини мушт қилди, оёқларини “маҳкам турсин” дегандай у ёқ-бу ёқقا буриб жойлаштириди-да, рақибларни кута бошлади. Уларнинг бири ташланиши билан у ўтириб бир оёғини айлантирганди, рақиби учиб тушди, ўрнидан туришга қўймай уни бўйнига бир тепди-ю, иккинчи йигитга қайрилди. Аммо униси ҳужум қилишга бетламади.

— Биз сен билан ҳали гаплашамиз, — деди у ва ортига қайрилди. Унинг ортидан туриб келган

бошқа шериклари ҳам орқага қайтиши. Бироздан кейин Ўлмасжоннинг ортида ётган йигит ҳам ўрнидан туриб “уриб қолмасмикин?” деган хавотирда Ўлмасжонга қарай-қарай шерикларининг ортидан оқсоқланиб жўнаб қолди.

— Ўлмас, қоч, бекин! — деди Валя опа. Кўчанинг этагида икки милиционер югуриб келмоқда эди. Буларнинг одати шунаقا: жанжал бўлса, бир ерда биқиниб туришади-да, тугагандан кейин келиб жабрланганни олиб кетишади. Чунки жабрланганларнинг аксарияти ерлик халқ бўлмайди-да. Мелисаҳонага олиб боришиб жабрлангани устига яна таҳқирлашади: уришади, туртишади, ёнидаги бор пулинни олиб қўйишади, қолганига депорт.

Ўлмасжон ёнбошдаги тор кўчага ўзини урди. Бироз югуриб бориб ортига қаради: ҳеч ким йўқ. Айланма йўллар билан тагин қизларнинг олдига қайтиб келганида, ҳамма нарса изига тушган, милиционерлар кетганди. Шу куни у Валя опанинг назарида ҳақиқий қаҳрамонга айланди.

— Бопладинг ярамасларни. Қайтиб бу ерга қадам босишимайди, — дерди у.

* * *

Узоқ ўйлаб юргандан кейин Музофар қочиш ревясини ўзича топди. Ўрмон ичини, аввало, ўрганиш керак, бунинг учун ҳар куни бир баҳона билан икки йигитни ўрмонга юборади. Иккинчидан, бу ерга келадиган йўлга ёндош равишда йўл топиш керакки, йўлдан икки-уч чақиримлар нарида шу йўл бўйлаб кетиш лозим. Агар шу йўл бўйлаб кун чиқиши томонга жадаллаб юрилса, икки кунда Талдомга етиб бо-

риш мумкин. Аммо бу хомаки режа эди. Уни амалга оширишнинг ўзи ҳам минг бир хатарга тўла. Музaffer режасини кечқурун Рустамга айтди. Ҳамма йигитлар ухлаганларидан сўнг иккови ўтиришиб обдон муҳокама қилишди.

— Қандай қилиб йигитларни ўрмонга жўнатамиз?
— сўради Рустам.

— Ё ахлат ташлаш учун, ё қурилишга бирор ёғоч керак деб Пархомни алдаймиз.

— Ахлат ташиш баҳонаси тайинки, ўтмайди, — дарров биринчи баҳонани йўқقا чиқарди Рустам, — ёғоч масаласини ўйлаб кўриш керак. Булар керакли ёғочни ҳам дарров топиб келишади.

— Бўлмаса нима дейсан?

Музaffer билан ёши teng, ўзи ҳам чайиргина, гапирганда овози дўриллаб чиқадиган Рустам худди Музaffer сингари бир ишни қилишдан олдин роса мулоҳаза қилиб кейин шу ишга қўл урадиганлар хилидан эди. У ўтирган кўйи оёқларига тикилиб ўйлануб қолди. Музaffer энди гапга оғиз жуфтлаганди сўради:

— Бу ерда нима йўқ, биласанми?

— Нима?

— Ҳаммом. Ҳаммом йўқ.

Музaffer ҳеч нарса тушунмай унинг оғзига қарди.

— Агар кичкина ҳаммом қуриб олайлик десак, менимча, Пархом ҳам йўқ демайди.

— Ақлингга балли, — деб юборди Музaffer. Рустам эса фикрини давом эттирди.

— Ҳаммомга ёғоч кесиш баҳонасида тўрт нафар болани ўрмонга юборамиз: иккитаси ёғоч тайёрласа, иккитаси йўл ўрганади.

— Ҳаммом қурамиз десак, бу ердаги күриқчилар-нинг ҳам бошлари осмонга етса керак.

— Тайин. Ҳаммаси хурсанд бўлишади.

Иккови ўзлари топган фикрдан қувонишиб, тўлқинланишиб, бирининг гапини бири маъқуллашиб, узоқ сұхбатлашдилар.

Эрталаб Музаффар Пархомга ҳазиллашиб: “Бу ерда концлагердаги асиrlардан баттар кирга ботиб кетдик, бизни бирон марта ювенишга олиб борасанми, йўқми?”— деди.

— Бу ердан чиқиш мумкин эмас, сизларга ҳаммомни қаердан топаман, — деди Пархом қовоғини солиб.

— Ҳаммом топиб бермасанг, қуриб бер, бўлмаса, ҳаммамизни бит босиб кетади. Бизни бит босгандан кейин сенга ҳам ўтади. Қарабсанки, уч ойга қолмай бутун соқчилар отрядинг ҳам битнинг қурбони бўлади.

— Сув иситиб ювениб олаверинглар, олти ойдан бери ўзим сув кўрганим йўқ-ку, сен ҳаммом дейсан, — деди Пархом.

— Тўртта йигит ажратсанг, ҳаммом қуриш нима бўлибди, — Музаффар Пархомни яна қиздира бошлади.

— Буни ўйлаб кўриш керак. Босс нима дейди? — чайналди Пархом.

— Ўйлаб нима қиласан? Ҳаммом қурдирсанг, боссинг хурсанд бўлади. Анови соқчиларингга ҳам, сенга ҳам мазза бўлади. Қайтанга боссинг сенга раҳмат дейди.

Пархом иягини қашиб турди-да:

— Мен бир сўраб кўрай. Агар рози бўлса, ҳаммом

қурдириб бераман. Менимча, босс ҳам рухсат берса керак, — деди.

— Албатта-да, ундан сўрасанг сенга “ақлингга балли, Пархом”, дейди.

Пархом “эртага албатта сўрайман” деди-ю, йигитларнинг ишини назорат қилиш учун кетди.

Музаффар савол назари билан қараган Рустамга Пархомнинг орқасидан бошмалдоғини кўрсатди сўнг елкасига лопаткани ташлаб, йигитлар томон юрди.

* * *

Икки кундан кейин болаларнинг ишини бир қур кўздан кечиргач, Пархом Музаффарни ётоқхонанинг ёнбошидаги очиқ жойга бошлаб келди.

— Ҳаммолни шу ерга қурамиз. — деди у. — Хозир икковимиз шу ерда ўтириб ҳаммолнинг тархини чизамиз.

Музаффар Пархомнинг гапидан ичida хурсанд бўлиб турса ҳам, ичидагини сиртига чиқармай хўмрайганча унга қараб турарди. Пархом қўлига узун таёқ олди-да, икки-уч қадам чизиб “бу жой ечиниш хонаси бўлади”, деди.

— Ювениш хонаси эса кенгроқ, тўртга тўрт бўлади, унинг ёнида яна бир: иккига уч хона бўлади, — тушунтира бошлади иш бошқарувчи.

— Қачондан бошлаймиз? — сўради Музаффар сабри чидамай.

— Бугунча ишларни бир йўлга қўйиб олинглар, эртадан иккита-учта бола ажратсанг, бу ерни ҳам бошлайверасизлар.

Пархомнинг “бугунча ишни йўлга қўйиб олинглар” дейишининг сабаби йигитлар пойdevор қуйиш-

ни тугатишган, энди пойдеворга бугун фишт уришни бошлашлари керак эди. У шуни назарда тутмоқдайди.

— Яхши, — деди Музаффар, — бугун биринчи фишт қаторини қўйиб олсак, эртадан олти йигитни шу ерга ўтказаман.

— Нега олтитасини? — кўзларини пирпиратди Пархом.

— Ҳа, камми? — атай унинг ғашига тегди йигит.

— Бу кўп. У ерда одам етишмай қолади. Бу ерга фақат уч киши беришим мумкин.

— Кўйсанг-чи, Пархом, бизга ҳам, сенга ҳам тезроқ ҳаммом битиши керак. Иш бўлаверади.

Музаффар у деди, бу деди, охири, Пархомни бу ерда тўрт йигит ишлашига кўндириди. Келишиб олганларидан сўнг иккаласи қурилиш томон юришди. Уларнинг келаётганини кўришиб Рустам ичидаги “ҳа, энди иш пишди, демак, биринчи қадамни ташладик”, деб ўйлади.

Ниҳоят, эртасига тўрт йигит Пархом чизиб берган чизма бўйича ҳаммом пойдевори учун ер қазишни бошладилар.

* * *

Ана-мана деб кўз очиб-юмгунча майнинг ўн куни ҳам ўтиб кетди. Баҳорнинг иккинчи ойи бўлишига қарамай бу ерларда ҳали енгил кийиниб бўлмайди. Гарчи қишлиқ курткаларини ечишган бўлишса ҳам йигитлар эрталаб ва кечқурунлари коржома ичдан иссиқ жемпер кийишмаса дилдираб қолишади. Серёғин Москва ҳавоси қандайдир эзгин, бадани жунжитадиган.

Бугун фирмада маош бериладиган кун бўлгани учун эрталабдан йигитлар ўзларига яраша режа тузабошлашган. Холмат: “янги телефон оламан” деса, Искандар: “ўзимга уст-бош қиласман” дейишарди. Уларнинг гап-сўзидан Ўлмасжон кулиб қўяди. “Хали маош олдингу, пулинг ўйлаганингга етадими-йўқми? Бола экан-да булар”.

Тушликка яқин қизларни иш жойларидан битта-битта чақиришиб маошларини бера бошлашди. Ҳамма пул олиб хурсанд. Аммо Гулзира деган жувон ичкаридан қовоғини солиб чиқди-ю, Валя опанинг олдига югуриб кетди. Кўп ўтмай омборхонага Валя опа уни етаклаб кириб келди. У Хореннинг хонасига кириб кетди-ю, Гулзира эшик олдида қолди. Ўн дақиқалардан кейин Валя опа ичкаридан хўмрайиб чиқди. Худди шу дамда Ўлмасжон ичкари омборхонадан чиқиб қолди. Валя опа унга қараб қўли билан ўзи томон имлади. Ўлмасжон унинг ёнига борганда секингина қулоғига шипшиди.

— Яна беш-ўн дақиқалардан кейин менинг олдимга ўтиб боргин, гап бор.

Ўлмасжон “тушундим” дейиши билан у Гулзирани етаклаб ташқарига чиқиб кетди. Ана шунда Ўлмасжоннинг эсига Нодирнинг “қизлар билан қандай муомала қилишини биз билмаймиз”, деган гапи келди. Бу ерда қандайдир бир ноҳушлик борлигини сезиб кўнгли хира бўлди. Тушлик пайти бўлиб қолгани учун ошхонага кетаётиб суриштириб ўтаман деб ўйлаб Сергейни чақириш учун ортига қайтди. Омборнинг ўртасига туриб сигарет тутатаётган Сергей уни кўриб:

— Сен бориб тушлик қилиб кел. Мен бу ерда бироз

чала ишларни битираман-да, кейин бирйўла уйга кетаман, – деди. Ўлмасжон қўл силтаб қайрилиб чиқиб кетаётганда сўради:

– Мен икки кун келмайман, жавоб сўрадим. Ишларни ўзинг эплаб тура оласанми?

– Хавотирланма, уддалайман, – деди Ўлмасжон. Сергей унга кулиб бош силкиди.

Барга кириб кетаётиб йўлнинг нариги томонидаги Валя опа савдо қилаётган жойга қараганди, аёл ҳам унинг чиқишини кутиб турган экан, дарров кўзлар бир-бирини топа қолди. Валя опа унинг тушлик учун кетаётганини сезиб қўли билан “кириб чиқавер” деб имо қилди. Ўлмасжон барга кирди-ю, ўн беш дақиқага қолмай қайтиб чиқди. У чиқа солиб Валя опанинг ёнига ошиқди. Бу пайтда бир харидорга колбаса тортиб берәётган аёл кўзу қоши билан имлаб ёнига чақирди. Харидорни кузатгач, унга юзланди.

– Ўлмас, анови Гуляни Хорен “пулингни соат учда менинг хонамда оласан” дебди. Бир балоси бор бунинг. Гуля билан ўзинг бирга кирмасанг бўлмайди.

– Нима, қарз-парзи бор эканми?

– Йўқ, аввалги сафар ҳам шу қизни сал қийнаганди, ўшанда мен орага тушиб пулини олиб бергандим. Яна орага тушиш менга ҳам нокулай. Гапнинг очиғи, сизлар келиб кетадиган одамсизлар, мен эса шу ерда яшайман.

Ўлмасжон унинг гапидан сездики, Хорен Гулзирани ўзича бўш топиб, “истаган мақомимга юргизаман” деб ўйлаган.

– Мен Гулзира билан икки оғиз гаплашай, нима учун унга бундай дедийкин Хорен?

— Майли, бор. Очиқ-ойдин гаплашавер, Гуля тушунади, сен акаси қаторисан, — деди Валя опа. Ўлмасжон расталар бўйлаб Гулзира савдо қилаётган растага борди. Ўрта бўй, қошлари қилич мисол бирбирига туташган, йигирма олти-йигирма етти ёшлардаги бу жувон, тўғрисини олганда, жуда чиройли, юзлари оқ ўрик мисоли товланиб турарди. Кўп қизлар тап тортмай Ўлмасжон ва бошқа йигитлар билан ҳазил-ҳузул қилиб кетаверишса ҳам, аммо бу жувон кўп ҳам йигитларга сир бермасди. Шунинг учун Ўлмасжон жувон олдига борди-ю, пайпоқ, сочиқ ва яна бир нарсалар қўйилган пештахтани ушлаб гапни нимадан бошлашни билмай туриб қолди.

— Менда ишингиз бормиди, Ўлмас ака? — сўради қиз. Ўлмасжон унга “ҳа” дея бош силкиди-ю, яна нима деб гап бошлашни билмай иккиланди. Унинг тикилишидан жувон ноқулай ҳолга тушгандай юзлари қизарди.

— Мен... ҳалиги... Хореннинг олдига сен билан кираман, — Ўлмасжон тўсатдан уни сенсираб гапириб юборди. Шу тобдаёқ хатосини тушунди-ю, кечирим сўради.

— Кечирасиз, синглим, мен унча гапга уста эмасман, билмай сенсираб юбордим, кечирасиз.

— Майли, майли, сенсирайверинг, синглингизманку, хафа бўлмайман, — деди қиз жилмайиб.

“Гапирганда, кулганда жуда чиройли кўринар экан” хаёлидан ўтди Ўлмасжоннинг. Ҳудди шу дамда бошқа бир хаёл унинг кўз ўнгиди Нодирани гавдалантириди. Гўё жиноят устида қўлга тушгандай йигит қип-қизариб кетди. Унинг қизаришини ўзича тушунган қиз дарров қовоини солди.

— Менинг у ифлос билан ҳеч қандай алоқам йўқ,
— деди. Айни дамда Валя опанинг “очиқ-ойдин гаплашавер” дегани эсига тушиб Ўлмасжон очиқчасига гаплашишга ўтди.

— Нега бўлмаса бир ўзингизни чақирибди? Яна тағин ўзининг хонасида берармиш пулингизни?

— Нима қиласиз гап суриштириб? — қизнинг қувоғи солинди.

— Гап суриштирмадим, Валя опа айтди.

— Валя опа айтган бўлса, нима, сиз ёрдам беролармидингиз?

Унинг гапидан Ўлмасжон бироз оғринса-да, ўзини босди.

— Мен ёрдам бермасам, ким ёрдам беради, синглим?

Қиз кўзларини пирпиратди, бошини эгиб бурнининг остини қўли билан ишқай бошлади. Бу унинг ўпкаси тўлиб турганидан эди.

— Валя опанинг айтишича, ўтган сафар ҳам сизни анча қийнаган экан?

— Аввалги сафар ҳам икки марта пулимнинг ярмини бермаган, хонамда оласан деган, — тўсатдан жувон ўтириди-ю, йиғлаб юборди.

— Нега?!— деди-ю, Ўлмасжон унинг олдида серрайиб тураверди. Бунақа ҳолда нима дейиш керак, қанақа қилиб уни овутишу, унинг ичидаги гапини суғуриб олиш кераклигини у билмасди. Ҳудди шу пайтда гўё унга ёрдамга етиб келгандай ёнида Валентина Георгевна пайдо бўлди. Ўлмасжон нажот кутгандай унга мўлтиради.

— Гуля, ўрнингдан тур, йиғлама. Мана Ўлмас сенга ёрдам беради. Агар Хорен сени хафа қилаверса, бу

аканг унинг ҳам таъзирини беради. – Гулзиранинг елкасига қўлини қўйиб овутди Валя опа. – Нима дардинг бўлса шунга тортинмай айтавер ҳам аканг, ҳам юртдошинг.

– Бир одамнинг қўлидан нимаям келарди. Мусо-фир бўлсак. Кўряпсизку ёнида давангиридай-давангиридай йигитлари турибди. Мени ҳимоя қиласман деб бу киши ҳам абгор бўлсинми? – Гулзира рус тилида тутилмай гапирди.

– Менинг қўлимдан нима келишини билмай-сиз-ку, – деди Ўлмасжон ҳам Валя опанинг олдида ўнгайсиз бўлмаслиги учун русчалаб. Гулзира унга бир қараб олди. Ёнида турган йигитнинг астойдил ёрдам бермоқчи эканлигини шу қарashiда илғаб олди, шекилли, хаста овозда:

– У мени таҳқирламоқчи, – деди.

– Бу ерда мен бор эканман, бирортасини сенси-ратиб қўймайман бирорвга, – деди фазаб билан Ўл-масжон.

– Ана, кўрдингми? Сени ҳимоя қиласиганлар бор бу ерда, – Валя опа Гулзиранинг кўзларини қўли билан артиб бир қўлида елкасидан қучди, – шунинг учун нима ташвишинг бўлса, айтавер, қўлидан келган ёрдамини аяшмайди йигитлар. Бу ерда Ўлмас, яна Нодир бор. Гулзира иккиланиш ва умид билан Ўл-масжонга қаради. Унинг туришида “айтсамми, айт-масамми?” деган ҳадик борлигини сезиб Ўлмасжон уни ўзича даъват қилди.

– Тортинмай айтаверинг, нима қилай? Ҳали бирга кирамиз Хореннинг олдига.

– Агар қўлингиздан келса, паспортим ва пулла-римни олиб беринг, кетаман бу ердан, – деди Гулзи-ра ҳиқиллаб.

— Буни ҳали Хоренниг олдига кирганимизда ҳал қиласмиш, — деди Ўлмасжон.

— У ерга сизни соқчилари киргишишмайди.

— Мен кираман. Мана кўрасиз, — деди Йигит ишонч билан.

Гулзира унинг юзига тикилиб ўйланиб қолди.

— Ҳали кираётганингизда аввал менга учрашинг, бирга кирамиз. У ёғи нима бўлишини билмайману, аммо бундан кейин ё Хорен сизга осилмайдиган бўлади, ё бутунлай расво бўлади, — Ўлмасжон шундай деди-ю, Валя опага “қолганини сиз тушунти-ринг” дегандай бир қараб олиб ортига қайтди.

У омборга қайтиб келганда омборнинг орқа эшигида катта юк машинаси туар, Йигитлар янги келган молларни тушириб ташишаётганди.

— Қачон келдинглар бу ерга, ҳозиргина йўқ эдинглар-ку? — Нодирдан сўради у.

— Ановилар машинада бориб олиб келишиди, — жавоб берди Нодир қўлидаги яшикни ерга қўяр экан.

— Яхши, тезда келиб қолдинг, энди кетаман деб турганимда буни келиб қолганини қара, — қўлига ручка ва катта дафтар ушлаб олган Сергей нолиб гапирди.

— Ҳечқиси йўқ, ярим соатда тахлаб ташлаймиз, — деди Ўлмасжон ва Йигитларга ёрдам бериш учун ташқарига йўл олди. Машинанинг ичидаги юк яримлаб қолган, тепада нотаниш, миллатини билиб бўлмайдиган икки йигит юкларни кузов четига олиб келиб туришар, тўртови йигит зиппиллаб ташиб туришади. Уларга Ўлмасжон ҳам қўшилди.

— Мана, Ўлмас акам ҳам келиб қўшилди, энди юкимиз енгиллашади, — деди Холмат.

— Тезроқ, гапирмай юкингни күтар, бўлмаса, Ўлмас акам устингга ўзиникини ҳам ортиб қўяди, — деди Искандар инқиллаб.

— Тезроқ, бўлинглар йигитлар, юкни ташиб бўлсак, маошни бугун эртароқ оламиз, бир шаҳар айлантириб келаман сизларни, — Нодир йигитларни қистади. Ҳазил-ҳузул билан беш йигит машинадан яшик, рулон қилиб ўралган газмол, банкалар ва бошқа юкларни бир соат ичидаги туширишиб ташиб қўйдилар. Сергей чиқиб шофёрга аллақандай қофозни тутқазганидан кейин машина жўнаб кетди. Омборнинг ичига киришиб дарвозани ёпганларидан сўнг ҳаммалари дуч келган жойга ўтириб олдилар: бирор яшикка, бирор рулонлар устига. Нодир чўнтағидан сигарет олар экан Сергейга гап ташлади.

— Серёжа, кириб Хорендан сўра-чи, маошимизни ҳозир бермасмикин? Агар берса, бугун уйга жўнатишга улгуриб қолардик.

— Майли, бир йўла ҳамма иш битганини ҳам айтиб чиқа қолай. Мен ҳам тезроқ уйга боришим керак. — У коржомасини ечди-да, устига пиджагини илди ва тез-тез юриб чиқиб кетди. Вақтдан фойдаланиб Ўлмасжон Нодирни ўзи ўтирган яшик олдига имлади. Нодир келиб унинг рўпарасидаги чой яшикларнинг бирига ўтирди. Шундан кейин Ўлмасжон Гулзира билан бўлган воқеани сўзлаб берди. Унинг галини болалар жим тингладилар.

— Энди нима қиласиз, ҳайронман. Бу ифлос ҳали қизларга ҳам зулм ўтказаётган экан-да. Илгари ҳам шундай қилган эканми? — сўради Нодир.

— Пулларини бермаган экан.

— Ҳа, ифлос, тузоқ қўйибди-да, “пулинни берма-

сам, истагимни қондиради”, деб ўйлабди-да! – Нодирнинг кўллари мушт бўлиб тугилди. Нариги уч йигит эса акаларининг оғзига тикилган болалардай жавдираб қараб туришарди.

– Бугун соат учда катта тўполон бўлиши мумкин, – деди уларга қараб Ўлмасжон, – лекин сиз учовингиз ҳар нима бўлса ҳам хонадан чиқмай ўтирасизлар. Агар бир гап бўлса, сизларга жабр бўлиб қолиши мумкин.

– Қанақа қилиб қараб турамиз, – деди шошиб Искандар.

– Бу ёғини ўзимиз эплаймиз. Ёдингларда бўлсин, хонадан чиқиш йўқ, – яна таъкидлади Ўлмасжон. Учалла йигитнинг ваъдасини олгандан сўнг “сен нима дейсан?” дегандай Нодирга қаради.

– Мен ҳам Гулзира билан чиқаман Хоренning хонасига, – деди Нодир, – таваккал, бир бошга бир ўлим. Кўз олдимда қизни таҳқирлатиб қўядиган ношуд эмасман.

Ўлмасжон билан Нодир маслаҳатлашиб қандай ҳаракат қилиш кераклигини келишдилар. Улар гапни пишитиб бўлишувдики, эшик фийқиллаб очилиб Сергей бошини суқди.

– Йигитлар, бу ёғи байрам! Кириб пулингларни олинглар. Ўлмас, мен уйга чопдим

... Ҳар сафаргидек аввал Нодир кириб пулини олиб чиқди, ундан кейин Ўлмасжон. Бу гал улардан кейин кирган Искандар тўполон кўтарди. Аввал уни икки йигит сургаб олиб чиқишиди. Эшикда Хорен кўринди. У ташқарида турган қўриқчиларига Искандарни кўрсатиб:

– Бунинг тили чиқиб қолибди. Нариги хонага

олиб киринглар-да, эсини киритиб қўйинглар, токи кейинги сафар гап талашмайдиган бўлсин, — деди қўлини Искандарга нуқиб. Шу тобдаёқ Искандарни қўлларидан судраб тансоқчилар омбор ёнидаги хонага тортиб кетишиди. Хорен ичкари кириши билан Ўлмасжон Нодирга маъноли қаради-да, соқчилар кирган хона томон юрди. У кириб борганда уч йигит Искандарни бири уриб, бирига ошираётганди. Ўлмасжон югуриб борди-ю, Искандарни қучиб бир айланди ва даврадан уни олиб чиқди.

— Сен кимдан сўраб кирдинг?! — соқчилардан бири кавказча талаффуз билан Ўлмасжонга бақирди.

— Сен кимдан сўраб буни уряпсан?! — Ўлмасжон Искандарни қўли билан орқасига олди-ю, уч йигитга ҳезланди. Улар бир-бирига қараб олишиди-да, баланд бўйлиги ёнидаги бақалоқроқ шеригига имо қилди.

— Бунга ҳам бу ердаги тартиб-қоидани тушунтириб қўйиш керак экан, — шундай дея бирданига олдинга ташланди, аммо Ўлмасжон унинг қўлини ўзига етказдирмай тутиб олди-да, қайриб ўзига тортиді ва тиззаси билан қорнига бир тепди. Дарров ташланган иккинчи зоравонга ҳалиги шеригини ғов қилди ва бир айланиб бўйнига тепди. Учинчи йигит орқадан мушт отди, аммо унинг қўлини ўз вақтида тутиб олган Ўлмасжон яrim ўтирган ҳолда уни ҳам улоқтириб ташлади.

— Искандар, эшикка ўт, — деди Ўлмасжон. Искандар югуриб эшик томон ўтиши билан соқчиларга ташланди. Ўрнидан турган, энди тураётган ва турмоқчи бўлаётгандарга бир-бир тепки тушди-ю, яна ерга ётиб қолишиди. Шу дамда эшик очилиб Нодир кириб келди. У ерда ётганларни кўриб Ўлмасжонга

бир қараб олди ва югуриб бориб бояги новча зўравоннинг қовурғасига бор кучи билан тепиб юборди. Шу пайт ерда ётган бақалоқнинг қўйнига қўл согланини кўриб қолиб Ўлмасжон бир сакраб унинг устидага пайдо бўлди ва қўлини босиб бураб эзди. Бақалоқ ихраб юборди. Қўйнидаги ерга тушди. Бу тўппонча эди. Ўлмасжон уни олди-да, шимининг орқасига қистириб олди. Нодир эса бу пайтда учинчи йигитнинг қорнига тепаётганди. Ўлмасжон унинг қўлидан тутди.

— Бўлди, етарли. Булар билан келишиб оламиз.

Иккови бир муддат ерга ётганларга тикилиб туришиди. Беш дақиқалардан кейин инқиллаб новча ўрнидан турди. Ўлмасжон дарров унинг ёнига бориб тезда у ёқ-бу ёғини тинтиб кўрди — қурол йўқ экан. Нариги учинчи соқчининг ёнидан ҳам қурол топилмади.

— Тансоқчилликни эплай олмас экансизлар, йигитлар, — деди уларга Ўлмасжон, — хўш, давом эттирамизми? Ё гап шу ерда қоладими?

— Ара, биз сени билмабмиз, — деди новча, — тан бердим сенга.

Ўлмасжон бақалоқка юзланди. У ҳам шеригининг гапини маъқуллаб бош силкиди.

— Демак, гап бундай: бу хонада ҳеч нарса бўлмади, сизлар Хоренning топширигини бажардинглар. Ҳозир ҳамма ташқарига чиқади-да, ҳар ким ўз ишини давом эттиради. Агар калтак еганингларни Хорен билib қолса, сизларнинг ўрнингларга бизни ишга олади. Эркакча гаплашдик, иш ҳам эркакчасига бўлади, — деди Ўлмасжон.

Тансоқчилар Ўлмасжонга кучлари етмаслигини

сездиларми, ё Хоренning ғазабиданми, ҳарқалай унинг гапларига кўнишди. Уларнинг кўпроқ Хорендан қўрқаётганлари новчанинг саволидан аён бўлиб қолди.

— Хоренга ўзинг айтмайсанми? — сўради у айбордларча.

— Мен айтмайман, — деди Ўлмасжон ва гап та мом дегандай ортига бурилиб хонадан чиқиб кетди. Йигитларнинг ортидан учала соқчи чиқиб юваниш хонаси томон ўтиб кетишиди.

Ётоқхонада Искандар кўзини пирпиратиб Ўлмасжонга қараб қотиб ўтириб қолди. Унинг ўтиришидан Ўлмасжоннинг кулгиси қистади.

— Ҳа, Искандар, сенга нима бўлди? — сўради Нодир ҳижолатли кулиб. Ҳозир унинг кўнгли бунданда даҳшатли воқеалар бўлишини сезарди.

— Нима бўлди, сени Ўлмас aka қутқардими? — сўради Холмат.

— Ҳали кечқурун ўзим гапириб бераман. У ерда зўр томоша бўлди, — деди Нодир. Ҳудди шу сонияда Ўлмасжоннинг телефони жиринглаб қолди. У телефонда сўзлашиб туриб девордаги соатга бир қараб олди.

— Гулзира келяпти. Валя опа телефон қиляпти, — деди у Нодирга ва “хўп, тушундим” деди-ю, телефонни ўчирди.

— Йигитлар гап бундай: ўша гап — гап. Шу хонада қимирламай ўтирасизлар. Томошанинг каттаси энди бошланади, — деди Нодир ва кийимини алмаштира бошлади.

— Сизлар, йигитлар, ҳар эҳтимолга қарши ҳамма нарсани йиғиштириб тайёр бўлиб туринглар, яна

ярим соат – бир соатдан кейин бу ердан жүнаб кетамиз, – деб Ўлмасжон йигитларни қистади.

– Паспортларимиз-чи? – сүради Алишер. – Чала қолған пулларимиз ҳам бор.

– Ифлослар бу сафар ҳам пулимизни тұлиқ беришгани йүқ, – деди Холмат куюниб.

– Ҳаммасини оласызлар, – уларни тинчлантириди Ўлмасжон, – фақат менинг айтганимни қилиб тайёр туриңлар ва бу хонадан чиқманглар. “Кетдик” деганда бу ердан дарров қуён бўлишимиз керак.

– Ортиқча саволлар берманглар, болалар, – деди Нодир ва кароват остидан буклама сумкасини тортиб чиқарди-да, ёстиғи остидаги кўйлагини, кароватнинг оёқ томонидаги шимини сумкага солди.

– Менда бори шу.

Йигитларнинг учови ҳам индамай ўринларидан туришиб, нарсаларини йиғишири бошладилар. Аввал келишилгандек, Ўлмасжон Гулзирани кутиб олиш учун чиқиб кетди.

Кўзларида ҳадику ишончсизлик билан келаётган Гулзира Ўлмасжонни офис эшиги олдида кўриб қадамини тезлатди. Ўлмасжон уни олдинга ўтказиб ортидан ўзи эргашди.

– Кўрқмай, дадил кириб бораверинг, мен ортингиздан кираман, – деб шипшиди унга. Ётоқ эшиги ёнига келганда эшикни бир чертиб ўтди. Бу Нодирга ишора эди.

Гулзира ҳисоб хонасининг олдига келганда у ердаги соқчи уни “сен бу ёққа”, деб йўлак охиридаги эшик томонга эргаштириди. Бу ерда омборхонанинг ёнида кичкина, кўримсиз эшик бўлиб, юқорига шу ердан чиқилади. Кўриқчи эшикни Гулзирага очиб

берди-ю, “зинадан тепага чиқаверасан, сени шеф ўша ерда кутяпти” деди ва ўзи ташқарида қолиб эшикни ёпди. Ўлмасжон эшик олдига борганда ортидан бояги уч қўриқчи ҳам у томон юришди. Уларнинг ортида Нодир кўринди.

— Сен қаёққа? Бу ёққа мумкин эмас, — деди соқчи. Ўлмасжон орқасига ўгирилди-да, келаётган учала йигитни огоҳлантирди.

— Жанжал чиқмасин десанглар ўша ерда туинглар.

— Агар унинг айтганига кўнмасанглар, ўзингиздан кўринг, — орқадан Нодир ҳам таҳдид қилди. Уч йигит бир Ўлмасжонга, бир Нодирга қараб олишди-да, жойларида тўхтаб қолишли.

— Эшикни оч, — деди Ўлмасжон.

— Сенга мумкин эмас, деди соқчи. Аммо шу дамдаёқ қўлларин ёзиб орқасига қалқиб кетди ва секингина ўтириб қолди. Ўлмасжон унинг ияги остига бир мушт урганди. Соқчини аста ёнбошига туртиб йиқитди-ю, қўлида ҳозиргина ўйнаб турган калитини олди ва шошиб уни тинтиб чиқди. Унинг ёнидан худди бақалоқники сингари тўппончани олди-да, чўнтағига солди.

У зинадан чиқиб бориши билан хона эшиги олдида яна бир йигитга рўпара бўлди. Афтидан, бу йигит грузин бўлса керак.

— Сени ким бу ерга қўйди? — деди у ва Ўлмасжон томон бир қадам ташлади, аммо нафас йўлига урилган мушту қовуғига теккан тепки билан букчайиб қолди. Ўлмасжон унинг бўйнига мушт солди. Соқчи йиқилиб қимиirlамай қолди. У ҳушидан кетганди. Шундан кейин секин эшикни очиб ичкарига кирди.

аммо шу пайт “бу ҳушидан кетиб қолмасин!” деган Нодирнинг овозини эшилди. Ўлмасжон қайрилиб унга қаради. Нодир ерда ётганларга бир-бир қараб чиқди-да, уларнинг энди туролмасликларини сезиб хотиржам бўлди.

— Бундан ҳужжатларни олишимиз лозим.

Ўлмасжон маъқуллаб бошини силкиди ва Хоренни елкасидан ушлаб турғизди.

— Қани, энди сейфни оч, ҳужжатларни ол, ифлос.

Хорен калтак емаслигини сезиб сал дадилланиб қолди. У Ўлмасжонга қарамай секин:

— Бу ердаги сейфда ҳеч нарса йўқ. Пуллар уйимдаги сейфда, — деди.

— Йўқ, мен аввал шу ердагисини кўришим керак, — дўқ қилди Ўлмасжон.

— Калитлар квартирамда қолган, ўша ерга борсанглар олиб бераман, ҳужжатлар ҳам ўша ерда.

— Бу айёрлик қиласиди. Ҳозир кўчага чиқса, бор овози билан бақиради-да, қутулади-қолади, — Нодир секингина шипшиди.

— Менга сенинг сейфинг ҳам, пулинг ҳам керак эмас, ўлиминг керак, сен бу жинояting учун ўлишинг керак. Мингта ҳужжат топиш мумкин, — Ўлмасжон икки қадам ортига чекинди-да, шимининг орқасидаги тўппончани олиб курагини тортди ва Нодирга стол устида турган минерал сувни кўзи билан кўрсатди. Унинг мақсадини тушунган Нодир дарров елимшишани олиб очиб сувини тўкиб ташлаб идишини Ўлмасжонга узатди. У эса елимшишани тўппончанинг оғзига кийдирди ва Хореннинг пешонасини мўлжалга олди. Ростдан отиб юборади леб ўйлаб Хорен оғзини каппа-каппа очди ва зўрға овоз чиқарди:

— Ара, ара...

Ўлмасжон унинг пешонасига елимшишани тиради ва қатъий қилиб деди:

— Калит.

Шу сўз Хорен учун охирги имкон, охирги нажот эди. У секин шимининг чўнтағидан битта кичкина калит чиқарди.

— Бу стол тортмасининг калити, у ерда сейфнинг калити бор, — деди у ялинчоқ оҳангда. Ўлмасжоннинг имоси билан Нодир калитни олиб тортмани очди. Иккинчи калит билан деворга мўъжазгина қилиб ўрнатилган сейфни очди. Сейф ичидан ўндан ортиқ паспорт ва икки юз мингларча Россия пулини олиб стол устига қўйиб, “нима қилай?” дегандай Ўлмасжонга қаради. У паспортларни кўриб чиқишни буюргач, ўзининг ва йигитларнинг паспортларини чўнтағига жойлаб олди.

— Қолган ҳужжатлар кимники экан? — сўради Ўлмасжон.

— Ҳаммаси аёлларники.

— Барини олинг, — Ўлмасжон секин юриб келиб сейфнинг ичига қаради. Агар ҳозир сейфга Нодир ёки бошқа бирор қараганда эди, сейфни бўшатдик деб ўйлаган бўларди, аммо Ўлмасжоннинг синчков нигоҳи сейф тўридаги деворларнинг бурчагида салгина кўтарилиб турган қофоз қирраларини кўра олди. Сейф ичida ҳам сейф борлигини у тахмин қилди, холос. Лекин Хореннинг олдига келиб қатъий буйруқ берди.

— Бу пуллар эса сеники, ара. Энди менга сейфни очиб бер.

— Сейфни очдинглар. Пуллар ҳам, ҳужжатлар ҳам

сизларники, ара, гапимга ишон. – қўлларини кўксига қўйиб ялинди Хорен. Шунда Ўлмасжон сейф олдига қайтиб борди-да, тўрдаги деворга ёпиширилган қофознинг четини тирноғи билан кўчириб олди. Шундагина тахмин қилганидек, сейфнинг ичидаги сейф кўринди. Фақат буниси кодли сейф эди.

– Хўш, энди нима қиласиз? – Хоренга юзланди у.

– Аражон, бунинг коди квартирамдаги дафтарчада ёзилган, эсимда йўқ, – тиз чўкиб олди Хорен.

– Ҳа, майли, бунинг бизга кераги йўқ, энди сенга ҳам керак бўлмайди, – Ўлмасжон энди ростмана шаҳл билан Нодирни эшикни ёпишга имлади-ю, елимшишани унинг пешонасига босди. Важоҳатидан отиб ташлаши тайинлигини сезиб Хорен жон ҳолатда:

– Ҳозир топаман, топаман, – деди дағ-дағ титраб.

– Еттигача санайман, бўлмаса, кеч қоласан... бир... икки.. уч...

Хорен ўрнидан тураман деб йиқилиб тушди, аммо ҳозир бунга эътибор берадиган пайт эмасди. У тол томон эмаклаб бориб турди-да, стол устидаги қора, кафтдеккина келадиган дафтарчани олиб, қўллари қалтираб вараклай бошлади ва излаган нарсасини топди, шошиб сейф томон юрди. Бу пайтда Ўлмасжон шошилмай саноқни бешга етказди. Хорен дафтарчасига қарай-қарай рақамларни терди. Унинг чаккаларидан тер томчилаб турар, шошилганидан рақамларни адаштириб юборарди, шекилли, дарров дафтарга қараб-қараб яна бошқатдан рақам терарди, ниҳоят, у сейфнинг кодини терди. Деворга орқасини тираб туриб қолди. Гўё шу туришида “ўлсам ўламанки, сенларни сейфга яқинлаштирмайман” дегандай

бақрайиб қолди. Бироздан кейин аянчли инграганча түсатдан рўпарасидаги Ўлмасжонга ўзини отди. Ўлмасжон унинг қулоқ чаккасига бор кучи билан мушт туширди, қўлидаги тўппончани мушт уришдан олдин қўйиб юборганди, у дуп этиб полга тушди. Хорен полга йиқилди-ю, қимирламай қолди. Ўлмасжон тўппончани олди ва соқчилардан бирини бир тениди-да, Нодирга юзланди.

— Ичидаги бор нарсани олиб полга ташланг.

Бу сейф анчагина катта эди. Нодир ғиштга ўхшаб таҳлаб қўйилган долларларнинг ҳаммасини олиб полга қўйди. Бу ерда камида йигирма пачка пул бор эди.

— Бунча пулни нима қиласиз? — ҳайратланиб сўради Нодир.

— Болалар билан Гулзиранинг ҳақларини олиб қўйинг, қолганини Хоренга егизамиз. Буни омборга олиб тушинг, тезроқ қайтиб чиқинг, агар Гулзира кетиб қолмаган бўлса, йигитларнинг олдида кутсин, ўзингиз тезроқ қайting фақат, — Нодирни шоширди Ўлмасжон.

Йигирма дақиқага қолмай Нодир иккови Хорен ва соқчиларнинг қўлларини скотч билан чандиб ташлашди-да, уларни омборга ҳайдашди. Омбор ичидаги катта жойни бўшатишиб ўртага пулларни ташлашди. Пачкаларнинг бирини очиб Ўлмасжон бирма-бир ёқа бошлади. Оғзига скотч ёпиширилган Хореннинг кўзлари катта-катта бўлиб очилди, у аввал ёнаётган пулларга бир талпинди-ю, кейин кўзларидан тирқираб ёш чиқиб гоҳ Нодирга, гоҳ Ўлмасжонга қараб талпиниб кўзлари ва ҳаракатлари билан ялина бошлади. Пуллар ёниб тамом бўлгандан кейин фужа-

нак бўлиб ётиб олди. Аммо Ўлмасжон солярка тўлдирилган канистрни олиб атрофга соча бошлаганидан кейин (Ўлмасжон аслида ёлғондакам ёғ сепмоқда эди. У атайдан арzon турадиган бир неча палос устига сепди, холос. Бу моллар ёндирилган пулларнинг мингдан бир қийматига эга эмасди.) туришга интилиб кўзларидан дув-дув ёш тўка бошлади.

— Бирорнинг бегуноҳ қизига кўрсатган ҳурматсизлигинг учун молинг ҳам, жонинг ҳам ёнади, — Ўлмасжон Нодирдан ёндиргич олди-да, Хоренning олдига чўнқайди. — Ахир, биронта ватандошингизни хўрлаганимда сен ҳам менга шундай жазони лойиқ кўрардинг. Шундай эмасми?

Хорен бошини ликкиллатди. Сўнг аста пешонаси ни ерга босди. Бу унинг “мени кечир” демоқчи эканлигини англатарди.

— Сени омон қолдирганим билан яна шу ҳунарингни қиласан-да. Бизла бир мақол бор — “букрини гўр тўғрилайди”, деган. — Ўлмасжоннинг гапини эшитиб Хорен бошини кўтарди ва у ёқ-бу ёққа чайқади.

— Қайта такрорламайман деяпсан-да?

Хорен мўлтираб қараб тасдиқ ишорасини қилди. Шунда Ўлмасжон бир ёлғонни дарров ўйлаб топди:

— Мен нима учун сенинг идорангга келганимни биласанми? Бу ерда, Москвада, шундай кучлар борки, улар шаънимизни ҳимоя қиласди. Мен ўшаларнинг топшириғи билан бу ерга келганман. Бу сенга огоҳлантириш. Майли, бу сафар сени омон қолдирман. Аммо кейинги сафар сени кечиришмайди. — Ўлмасжон ўрнидан турди ва Нодирга соқчиларнинг ҳаммасини оғзи, оёқ-қўли яхши боғланганини текшириб чиқиб ортидан чиқишини буюрди-да, омбордан чиқиб кетди.

Ётоқхонада йигитлар Гулзира билан ўтиришар, тиқ этган товушга қулоқ тутиб зўр ҳаяжонда эдилар.

— Тайёрмисизлар? — деди Ўлмасжон кирибоқ. — Қани, жилдик бу ердан. Гулзира, синглим, сиз ҳам биз билан кетасиз. Ҳамма нарсангиз Нодирда: пулнингиз, паспортингиз.

— Мен квартирамдан нарсаларимни олишим керак, — деди Гулзира устига қараб ҳижолат бўлиб.

— Ҳеч нарса керак эмас. Кераклисини йўлдан оламиз. Ўртоқларингизга телефон қилиб қўясиз, жуда зарур нарсалар бўлса, олиб қўйишади. Кейинчалик мавридини топиб ўзим келиб олиб кетаман. Ҳозир шошилишимиз керак.

Шу дамда Нодир кириб келди.

— Ҳаммаси жойида, — деди у қўлларини бир-бира ишқаб.

— Ҳозир чиқиб иккита машина ушлаймиз, тўғри Митишега борадиган қилиб гаплашамиз. — Ўлмасжон олдинга юрди. Унинг ортидан бошқалар ҳам эргашдилар.

Митишега борадиган иккита машина топиш қийин бўлмади. Қўл кўтариб тўсилган таксиларнинг иккови ҳам уларни айтилган манзилга олиб бориб қўйишга рози бўла қолдилар. Ўлмасжон, Нодир ва Гулзира биринчи машинага, қолганлари кейингисига ўтиришди.

Машиналар ярим соатда уларни Митишега етказиб борди. Машиналар кетгандан кейингина Ўлмасжон йигитларни йўлга бошлиди. Улар йўловчи кутаётган таксиларга ўтирмай катта йўлга чиқиб пиёда кета бошлидилар.

— Қаёққа борамиз ўзи? — бетоқатланиб сўради Холмат. У тез-тез атрофга аланглаб борарди.

— Ўзингни хотиржам тут. Ҳар ёқقا аланглайверма. Ҳозир изимизни йўқотяпмиз. Шу йўлдан Дмитровга борамиз. Бу ердан йигирма километр, — деди Ўлмасжон.

— Ўҳ-ҳӯ. Шунча йўлга пиёда борамизми? — Искандар ҳайратланди.

Шу дамда Ўлмасжон ҳам, Нодир ҳам унга индашмади-ю, иккови баравар тўхташи, чунки орқада “Раф” келаётганди. Машина уларнинг олдига етиб келиб тўхтади. Шоффёр билан Ўлмасжон икки оғиз гаплашди-ю, боши билан йигитларга “чиқинглар” деб имо қилди.

Кун ботаётган маҳалда Ўлмасжон Гулзира ва йигитларни Рўзивойнинг олдига етказиб келди. Рўзивой Гулзира га қараб ҳайрон эди.

— Ҳайрон бўлма, кейин тушунтириб бераман, ҳозирча бизга бир-икки кунга жой топиб берсанг, кейин ўзимиз бир амаллармиз, — унга илтимос қилди Ўлмасжон ва ҳамроҳларини бирма-бир таништириди.

— Жойни-ку, бир иложини қиласиз, аммо... — Рўзивой тутилиб қолди. У аслида “йигитларни-ку, жойлайман, аммо бу қизни нима қилишни билмайман” демоқчи эканлигини Ўлмасжон сезиб унинг елкасига қоқди.

— Дунёда ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг чораси бор, ўйла... ўйла.

Рўзивойнинг елиб-югуриши билан бинонинг энг чеккасидаги хона Ўлмасжон ва тўртовлон йигитга, унинг ёнидаги кичик хона Гулзира га тайёрланди. У бир ерлардан амаллаб топган иккита ёстиқ ва икки адёлни Ўлмасжонга тутқазиб:

— Бу анови қизга. Тозароғи шу экан, — деди.

— Хижолат бўлма, бўлаверади. Бизга бирор егуликни ҳам иложини қил, ука, — Ўлмасжон Рўзивойнинг қўлига икки юз рубль тутқазди.

— Э, қўйинг, ака, бугунча меҳмонсизлар, — Рўзивой тихирлик қилишига қарамай пулни унинг чўнтағига тиқиб қўйди. Рўзивой икки йигитни шу дамдаёқ чақириб уларга бир нималарни тайинлаб, қўлларига пулни тутқизди.

Орадан бир соат ўтгач, Нодир Гулзирани ясатилган дастурхонга чақириб чиқди. Обдон қоринларини тўйдирашиб, маза қилиб чой ичганларидан кейин Нодир уч йигитга:

— Энди сизлар бир шамоллаб келинглар, бизнинг чала қолган гапларимиз бор, гаплашиб олайлик, йигирма дақиқалардан кейин келасизлар, — деди. Нариги ёқдаги юртдошлар билан танишиш иштиёқида учиб-қўниб турган бу уч бола чиқиб кетганидан кейин Нодир чўнтакларини кавлаб аввал бир сиқим долларни дастурхонга ташлади.

— Бу учала йигитнинг ва Гулзиранинг бир йиллик ушлаб қолинган пуллари, ойига беш юздан ҳисобланман. Роппа-роса йигирма тўрт минг. Ҳар бирига олти мингдан тегади, — деди.

— Ўлмас аканинг ҳақини шундан чиқариб беринг ўзингиз, — деди Гулзира, — ахир, бу киши бўлмаганида... мен шаънимни пулга тополмасдим.

— Ўлмас акамнинг ҳақи алоҳида, — деди Нодир ва икки ён чўнтағига қўлинни суқиб биридан икки, иккинчисидан бир пачка юзталик долларни олиб Ўлмасжоннинг олдига қўйди. Ўлмасжон унга қошини чимириб қараб қолди.

— Пулларни олиб тушаётиб чўнтакка солиб қўй-

гандим, — хижолатомуз гапирди Нодир, — бунда ҳаммамизнинг ҳақимиз бор леб ўйловдим.

— Ёкиб юбориш керак эди.

— Аслида бу пулларга лойиқ иш қилдинглар иккенинглар ҳам, Ўлмас ака, бу пуллар бизга ўхшаган қанча-қанча жабрдийдаларнинг ҳақи олаверинг, ҳалолингиз бўлсин, — деди Гулзира кўзлари чақнаб. Ўлмасжон бош чайқади.

— Мен ўзимнинг ҳаққимни олиб бўлганман, йигитларга бўлиб беринглар. Мен Рўзивой билан гаплашиб келгунча бўлишиб олинглар. Агар бу уч бола уйларига кетишни истаиса, эртагаёқ жўнатиб юборамиз, — Ўлмасжон ўрнидан турмоқчи эди, уни Гулзира тўхтатди.

— Тўхтанг. Агар бу пулни олмасангиз, мен ҳам ўзимнинг ҳақимдан воз кечаман. Ҳозироқ ёкиб юбораман, — деди. Ўлмасжон жойига яна чўк тушди-ю, қизга тушунтиришга ҳаракат қила бошлади.

— Ростдан ҳам мен ишлаган иш ҳақимни шартнома бўйича тўлиқ олганман. Бу пуллар менинг ҳақим эмас, тўғри тушунинглар.

— Унда теппа-тeng бўламиз, олтоворимизга, бу бизга ўхшаган ўзбекларнинг пуллари, — деди Нодир бошини эгиб.

— Нима қилсанглар, ўзинглар биласизлар. — Ўлмасжон юзига фотиҳа тортиб ўрнидан турди. У яrim кечагача Рўзивойнинг олдида қолиб кетди. Шолководаги бўлиб ўтган воқеаларни Рўзивой ҳам, унинг ёнида ўтирган уч-тўрт йигит ҳам киприк қоқмай тингладилар. Вақт алламаҳал бўлганда Ўлмасжон йигитлар чарчаганини билиб уларга хайрли тун тилади.

Эрталаб Ўлмасжон Холматни секин гапга солди.

- Уйга кетишни истайсанми?
 - Ҳозироқ жўнардиму, аммо ҳали тузукроқ пул топмай уйга қайтишга уяламан.
 - Қанча пулинг бўлса кетасан, — Ўлмасжон Нодирга кўз қисиб қўйди.
 - Билмадим. Ҳеч бўлмаса икки-уч минг кўкидан жўнатсам кейин борсам бўлади. Уйга совға-салом олиш керак, — чайналди Холмат. Ўлмасжон мийифида кулиб Нодирга имлади. У сумкасидан пулларни олди ва дастурхонга қўйди. Йигирма тўрт минг доллар дастурхонда ётар, учала бола ундан кўз узолмай қолгандилар.
 - Мана пулинглар. Олиб кетаман десанглар, бу гуноқ билетнинг иложини қиласиз, қолиб бу ерда ишлайман десанглар, пулларни уйингларга жўнатиб юборамиз, — деди Ўлмасжон уларга қараб.
 - Бу пуллар бизникими ростдан? Алдамаяпсизми?
 - Искандар бир Ўлмасжонга, бир Нодирга қаради.
 - Пуллар сизларники, — ҳазиллашгиси келди Ўлмасжоннинг, — Хорен бериб юборди. “Йигитлар билан ҳазиллашувдим, пулларини бериб қўй. Яна келишса, тўғри менинг олдимга келишсин”, деди.
- Унинг гапидан Искандар кулиб юборди. Нодир болаларга қисқача тушунтиргандан кейин Алишер:
- Шунча пулимиз бор экан, энди уйга кетаман. Менга билет олиб беринг, Ўлмас ака, — деди. Унинг кўзларига бодраб ёш тепчиб чиқди. Холмат билан Искандар ҳам Алишернинг гапига қўшилишди. Ўлмасжон қараса, бу уч бола ҳам уйга кетишмоқчи. Қўйиб берса, ҳозир пулларини олишади-ю, вокзалга жўнаб қолишадиган.
 - Демак, учовинглар ҳам кетасизлар? — ҳар бирига тикилиб чиқди Ўлмасжон.

- Мен кетаман, — деди биринчи бўлиб Ҳолмат.
- Мен ҳам.
- Мен ҳам.

Нодир Ўлмасжоннинг олдига тағин бир пачка пул қўйди.

— Мана, ҳар бирингларга ўн мингдан, — Ўлмасжон уч жойга ўн мингдан пул санаб қўйди. — аммо бу пулларни сизлар олмайсизлар. Тўққиз мингданини ҳозироқ Нодирбек икковимиз уй-уйингларга жўнатамиз, мингданини эса билет ва совға-салом учун олиб қўямиз. Ўзингларга ҳам уст-бош қилишинглар керак. Биз билет олиб келганимиздан кейин Гулзира опанглар билан бозорга чиқиб келасизлар. Рўзивойга айтаман, олиб бориб келади. розимисизлар?

Уч йигитнинг розилигини олганидан кейин пуллар яна Нодирнинг сумкасига жойланди...

Уч кундан сўнг Гулзира ва уч йигит самолётда Ўзбекистонга учиб кетишиди. Нодир эса Рўзивойнинг бригадасида ишлаб қолди.

* * *

Майнинг сўнгги кунлари ўтаётган бўлса ҳам йигитлар ҳали устларидаги фуфайкаларини ташлаганлари йўқ. Эрталаб этни дилдиратувчи совуқ шамол ўрмон томондан эсади. Қуёш кўтарилигандан кейин иссиқ бўлиб кетса ҳам, тушликдан сал ўтиб тағин совуқ ҳаво юриб қолади. Зах уфуриб турган бу муҳит тобора йигитларнинг тинкасини қуритиб борарди. Йигитлар учун қишдан ҳам бу ернинг баҳори оғир келди. Бундай рутубатли об-ҳавога ўрганмаган болалар баҳор келиши билан бирин-кетин хасталана бошлидилар. Бир кунда баъзан уч-тўрт бола ишга чиқол-

май қолар, Пархом эса йигитларни ишга чиқаришга уринар, унга тушунтираман деб Музаффарнинг жони ҳалак бўларди. Ҳар қанча уринмасин Пархом тихирлик қилди. Баъзи кунлари Музаффар билан иккови тиккама-тикка бўлиб кетишарди. “Сени боссга айтишдан бошқа чора қолмади, шекилли”, деб писанда қиларди у ҳар куни. Музаффар эса ундан дори-дармон келтириб беришини талаб қилиб турволар, иситмаси чиқаётган bemor йигит борки, унинг ҳимоясида эди. Пархом ҳар қанча тайсаллагани билан, ҳар қалай, озгина бўлса ҳам одамгарчилик қила оларди. Музаффарнинг зўри биланми ёки ўзи йигитларнинг аҳволини кўриб турганиданми, боссдан йигитларга тиббий ёрдам сўрашга журъат этди. Кунларнинг бирида қурилишга ғишт олиб келган “КамАЗ” машинаси шофёри помидор яшигича келадиган қофоз қути олиб келди. Унда енгил шамоллашга ишлатиладиган дори-дармон ва иситма кўтарилигандаги ишлатиладиган уколлар бор эди. Бу ҳимматдан Музаффарнинг боши осмонга етди. У Пархомнинг елкасига қоқиб раҳмат айтди.

Қурилишда эса бу пайтда ишлар жадал кетаётганди. Бинонинг девори кун сайин кўтарилиб борар, бекорчиликдангина эмас, ростмана ўз касбига меҳри баланд йигитлар, гарчи текинга ишлаётган бўлишса ҳам, фирромлик ёки ялқовлик нималигини билишмасди. Гоҳида умумий узунлиги етмиш, эни йигирма метр келадиган бу бинони кўриш учун босс ташриф буюрар, атрофни айланиб йигитларнинг ишидан қанчалик мамнунлиги шунда кўринардики, у келган кунлари йигитларга сигарет берар, баъзан бир-иккита шиша ароқ ҳам туҳфа этиш. Аммо бу дегани йи-

гитлар жон-жаҳдлари билан ишга ёпишганди дегани эмасди. Бу ерда йигитларнинг ишлашларига асосий сабаб учта эди. Аввало, йигитлар бекор ўтиришни ўзларига эп кўришмасди. Ўзбекчилик-да, меҳнат қилиш қонларида бор. Курилишда ишлаш улар учун кун ўтказиш эрмагига айланганди. Иккинчидан, бу зах ҳавода тинимсиз ҳаракат қилинмаса одам кун сайин ланж, касалванд бўлиб бораверарди. Буни ўз вақтида англаган Рустам билан Музаффар йигитларга тинмай уқтириб туришар, айни пайтда ҳаддан ортиқ меҳнат қилиб юбормасликларини ҳам назорат қилишарди. Шунинг учун баъзи кунлари ярим-бир машина аралашма ортиб қолар, Пархомга “бу музлаб қолди, фиштни ушламаябди” деган баҳоналарни рўкач қилишарди. Ва ниҳоят, учинчи сабаб, ишончга кириб олиш ва қочиш режасини бир уринишда амалга ошириш эди. Ана шу уч сабабга кўра курилишда ишлар яхши кетаётганди. Бундан Пархомнинг ошиғи олчи эди, албатта.

Ҳаммом ҳам деярли битиб қолган, Анваржон, Алижон, Элдорлар энди устини ёпиш билан банд эдилар. Ёғоч кесиш баҳонасида ўрмонга тез-тез боришиб бу ерларни ўрганишлари йигитларни қувонтиради. Кунда бўлмаса ҳам кунора Алижон билан Элдор ўрмон ичига йўл олишади. Уларнинг ўрмонга боришлири бора-бора соқчиларни ҳам безовта қилмай қўйди. “Барибир қочиб кетишолмайди”. Музаффар Элдорнинг хотирасига қойил қолди. Қаерга борса, ниманики кўрса эсда сақлаб қоларди у. Ҳатто йўлдаги дарахтларнинг синган шохигача ёдда сақларди. Кунлар илиган сайин йигитларнинг руҳи кўтарилиб

борарди. Тепаланиб яна бош кўтараётган майсадай уларнинг қалбларида умид бош кўтариб келмоқда эди. Ҳар куни кечқурун ҳаммаси Элдорнинг оғзига тикилиб қолишади. “Бугун нима кўрдинг? Қаерга бординг?” Маълум бўлишича Алижон билан Элдор ўрмонга киришгач, Элдор кеча бўлган жойларидан бор кучи билан ичкари югуриб кетаркан, айтишича, ҳозир у ўн чақиримча ўрмон ичига кириб борган, бу ерларни беш қўлидай биларкан.

Музаффарни бу нарсалар қувонтириб турса ҳам, дилининг тўрида бир ғашлик бор эди. Чунки Шуҳрат касал эди. Тўғри, ётиб қолган йўғу, аммо икки кунда бир боши қаттиқ оғриб қолади. Баъзи кунлари овқат емайди. Музаффарнинг зўри билан бир-икки тотиган бўлади-ю, узала тушиб ётиб олади. Эрталаб ўрнидан туролмай қийналади. “Елкамни бир нарса босиб қолгандай ҳеч кўтаролмайман, ётгим келади, холос” дейди. Ҳақиқатан ҳам, иш жойида ҳам бир-икки соат ишлагандан кейин девор тагига ўтириб олади. Яхшиям, Музаффар ёнида, бўлмаса, ҳоли ҳароб бўларди. Топганини, Пархомдан қанд ундирадими, консерва ундирадими, Шуҳратнинг оғзига тиқади. Агар шу аҳвол давом этса, қочиш пайтида унга оғир бўлади. Йигитлар билан баравар юролмаслиги мумкин. Музаффарни қийнаётган ғам мана шу эди.

Ниҳоят, яна бир ой ўтди. Энди кечалари салқин бўлса-да, кундузи bemalol кўйлакchan юриш мумкин. Йигитлар орасида кеча-ю кундуз қочиш ҳақида гап боради. Кечалари алламаҳалгача бир нарсаларни муҳокама қилишади. Бир куни Рустам Музаффарга:

— Пайт етганга ўхшайди, қоқи нонларни тайёрладик, йўлни Элдор билади, сен нима дейсан? — деди.

— Кетсак, кетаверамиз. Йўлни биладиган одам бўлганидан кейин бу ёғи қўрқинчли эмас. — Унинг гапини тасдиқлади Музатфар.

— Қачонга белгилаймиз?

— Соқчиларни шунча пайтдан бери бир нарсага эътибор бердим. Улар бизни шанба, якшанба кунлари қаттиқ назорат қилишар экан.

— Демак, душанбани мўлжалляпсан?

Музатфар индамай бошини хаёлчан ликкиллатди.

Рустам шу куни ёқ йигитларни огоҳлантириди: “Душанба куни ҳамма тайёр бўлиб турсин, кечқурин кетамиз”. Бу гап йигитлар учун интизорлик билан кутилаётган энг totли сўз эди. Гарчи душанбага уч кун бўлса ҳам, йигитлар тайёргарликни бошлаб юборишиди. Бирор шимини ямаган, бирор ботинкасини тиккан, бирор эса қоқ нон солинган халтани тайёрлаган, хуллас, ҳар кимнинг ўзича тайёргарлиги бор эди. Ҳатто бир-бири билан ҳазил қилувчилар ҳам топиларди:

— Уйга нима олиб борасан?

— Йиртиқ ботинка-ю ямоқ шим. Ўзинг-чи?

— Бу ерда боққан битларни олдимга солиб ҳайдаб бораман.

— Ҳайдаб нима қиласан, миниб олавер.

— Боргунча озиб кетишади-да...

Душанба кечаси соат тунги бир бўлганда Рустам Музатфарни туртди. Ёнбошлаб ўзини ухлаганга солиб, у ҳамма нарсани кузатиб ётганди. Шуҳратга бир қараб олди-да, секин гапиришга имлади.

— Иккита-иккитадан жўнайверайлик, ҳамма нарса тахт бўлди.

— Майли, соқчиларни бир қур кўздан кечириш ке-

рак, кузатишмаяптимикин? Пархом-ку кун ботмасданоқ “капут” бўлган – роса гиж бўлиб қолганини кўрганман. Иккитаси судраб олиб кириб кетишган.

– Соқчилар ҳам кўпам кўринишмаяпти, ўзим кузатиб келдим. Ҳаммаси уйқуда, шекилли.

– Яхши. Аввал кимларни мўлжалляпсан?

– Сен билан Элдор чиқсанглар. Бошқалар аста-аста чиқаверади.

– Мен чиқмайман.

– Нега? Нимага унақа дейсан?

– Ўйлаб кўрдим. Мен қоламан.

– Қоламан? Бу нима деганинг?

– Секин. – шипшиди Музаффар. – Сизлар кетаверинглар. Шуҳрат узоқ югуrolмайди. Кўлга тушиб қолишимиз аниқ.

– Бе, нима деяпсан? Кўтариб бўлса ҳам олиб кетамиз.

– Адашяпсан. Кўтариш бўлса ўзимдан ортмайди, аммо Элдорнинг гапидан маълум: йўлда шундай жойлар борки, ҳар ким ўзини ўзи эплаши керак. Гапнинг қисқаси, Шуҳрат бу йўлга ярамайди. Сизлар кетаверинглар, мен қоламан.

– Жинни бўлма, – ўз сўзини ўтказишга уринди Рустам, – кемага тушганинг жони бир. Шуҳратни олиб кета оламиз.

Музаффар ҳар қанча ялинишга қарамай унамай туриб олди. Ҳамма йигитлар ётган жойларида уларнинг буйругини кутишиб сергак ётишар, аммо иккови пичирлашиб тортишишдан тўхташмасди. Икки соатлардан кейин Музаффар Рустами ўзларини ташлаб кетаверишга кўндириди.

Тонг отишига бир соатлар қолганда ётоқдаги

охирги йигит – Рустам ҳам хайрлашиб чиқиб кетди. Ҳайҳотдек хонада Музаффар ва Шуҳрат қолдилар. Музаффар пича ўйланиб ётди-ю, секин ёнига ўгирилди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ, ухлаётган укасининг сидирилиб тушган кўрпасини аста елкасига тортиб қўйди...

– Тур, Музап, тур! – Шуҳратнинг силкишидан Музаффар зўрға кўзини очди.

– Ётиб ухлайвер, – ғўлдиради у.

– Э, тур, ташқарини қара, ёмон бўляпти у ерда, ҳаммасини тутиб олишибди.

– А? Нима? – Музаффар устидаги кўрпани шартта отиб юборди. – Нима бўляпти? Кимни тутиб олишади? – У ўрнидан турибоқ ташқарига югурди.

Қурилаётган бинонинг девори олдида барча йигитлар қатор туришар, қўлларида автомат тутган йигирма чоғли соқчилар отряди, уларнинг рўпарасида новча ва баҳайбат “Айик” лақабли соқчилар бошлиғи йигитларнинг гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг олдига келиб бир нарсаларни бақириб сўрар, жавоб ололмагач, бор кучи билан уради. Йигитларнинг кўпчилигини оғзи-бурни, уст-боши қон. Кўп калтак еган кўринишади. Музаффар югуриб борар экан “Айикқа” бақирли:

– Нимага уряпсан, Айик?!

Бир боланинг ёқасидан тутиб турган “Айик” яrim бурилиб унга қаради. У етиб борди-ю, “Айик”нинг қўлинини тутди.

– Нимага урасан буларни? Нима ҳаққинг бор?!

– Тур, йўқол сен! Буларнинг қочишга қанақа ҳақлари бор?!

– Қаёққа қочади?! Аҳмоқ! Қаёққа қочишади?! –

бақирди Музаффар. Унинг ҳайқириғидан “Айиқ” эсанкиради, шекилли, бир муддат йигитга қараб қолди.

— Ўзим тутиб олдим-ку буларингни! Мана гувоҳлар! — У соқчиларини кўрсатди. — Ҳаммасини ўрмондан тутдик.

Шу ерда ёлғон тўқиши ва лўлилик қилиш керак эди. Музаффар “Айиқ”нинг тумшуғига яқинлашди:

— Булар ярим тунда ўрмонга жўнашган, дарахт кесишга! Ҳавоза қуриш керак, ҳавоза! Тушуняпсанми?!

— Қичқирма! Қўлларида на болта бор, на арра...

— Ўша болта-ю аррани мен олиб бораман деб Пархомингни кутиб ўтирибман ярим кечадан бери. Унинг омборнинг калитини қиндирига қисиб олиб сасиб ухлаб ётгандир бир ерда. Буларни тутгунча, сассиқ тўнғизингни уйғотмайсанми?! — Музаффар “Айиқ”дан бир-икки мушт ейишни бўйнига олиб қўйганди. Аммо “Айиқ” унинг гапидан фўлдираб қолди. У атрофга аланглаб қаради. Булар томон келаётган Шуҳратни кўриб баттар каловланди. Ахир, қочганларида ҳаммаси қочарди-да, иккитаси бу ерда. Уларнинг ичида энг дадили бу бўлса... Унинг иккиланганини кўриб Музаффар яна босимни кучайтириди.

— Булар дарахт танлаб эрталабгача етказиб келишлари керак эди. Энди ўзинг жавоб берасан ўша босинг Арсений Лавровичингга. Бугун биттаси ҳам ишламайди. Ётиб олишади девор тагида. Отсанг, отиб ташлайверасан!

— Ахир, ўзлари шундай деб тушунтиришмади-да, индамай туравериши.

— Сен одамга ўхшаб қичқирмай сўрасанг бўла-

дими?! Ҳаммасини ушлаб қўлини қайриб автомат ўқталган бўлсанг, “бизни ўлдириш учун ўрмонга юборишган экан” деб ўйлашган-да! Буларнинг ичидага биронтаси сенинг тилингни тузукроқ билмайди. Сен буларни “овлаш”дан олдин ётоғимизга бир қараб қўймадингми? Ўша ерда сенга тушунирардим!

Ўзининг олдида қўрқмай гапириб, унга таъна қилаётган йигитнинг гапларига “Айик” ишонди. У хато қилиб қўйганидан нима қилишни билмай қолди. Ортига бурилиб йигитларнинг бирини олдига борди-да, унга бир нималар деди. Ўша йигит автоматини елкасига олди-ю, ўзларининг казармаси томон югуриб кетди. “Ўҳ, Пархомнинг олдига кетди. У келса, иш расво. Ёлғон фош бўлади. Барибир Пархомга ҳам кеча айтгансан “ғишт ургани болаларнинг бўйлари етмай қолди” деганимда: “ўрмондан дарахт кесиб келинглар” деганингни унудингми? деб лўлилик қилиб туриб оламан” деб ўйлади Музаффар. У йигитларга қараб кўзини қисиб қўйди.

Кўп ўтмай бояги соқчи йигит қайтиб келиб “Айикқа пичирлаб бир нималар деди. “Айик” унга яна икки йигитни қўшиб ортига қайтарди. Бу орада Музаффар бир неча маротаба сўкинди, зарда қилиб оёғи остидаги яримта ғиштни олиб нарига отиб юборди.

Йигитлар энди сал-пал ўзларини тутиб олишган, Музаффарнинг нима демоқчилигини англашганди.

— Ўрмонга дарахт кесгани бордик, “эрталабгача етказиб келасизлар дейишган” деб тураверинглар, болалар, — деди Музаффар ўзбекчалаб. Унинг йигитларга гап ўргатаётганидан гумонсираган “Айик” шартта гапини бўлди.

- Етар. Валдирاما. Гап ўргатма.
- Ўргатяпман. Еган калтагинглар учун боссдан хун талаб қилинглар деяпман, — бўйнини чўзди Музаффар.
- Бўпти, бўпти. Ҳозир Пархом келади, аниқлаймиз ҳаммасини. Билиб қўй, агар мени лаққиллатаётган бўлсанг...
- Нима? Отасанми? Ҳозир отиб юборавер, нима қиласан пайсалга солиб? Кейин ўзинг қураверасан иморатингни.

Музаффар бунаقا пайтда паст келмаслик кераклигини тушуниб дадил-дадил гап талашаверди. Унинг мана шу гап талашиши йигитлар учун сўнгги нажот эди. Агар йигитларнинг қочмоқчи бўлганларини бу “Айик” исботлай олса, қаттиқ жазо олишлари тайин. Ўрнак учун бўлса ҳам босс ҳеч бўлмаса икки-учтасини ё майиб қилдиради, ё нобуд қилдиради. Бу ерда йигитларнинг ҳаёти муҳим эмас, босснинг буйруғидан чиқмай итоат этишлари талаб қилинади. Шунинг учун ҳеч нарсани бўйниларига олмай бутун айбни Пархомга тўнкаб туравериш керак.

Бир неча дақиқа ичидаги йигитларнинг тақдири ҳал бўладиган пайт эди. Ана шу бир неча дақиқада йигитларнинг ҳаётларини гап билан сотиб олиш лозим эди. Фақат баҳтли тасодиф билангина, ҳа, ҳа, фақат баҳтли тасодиф билангина йигитлар муқаррар йўқотишлардан қутулиб қолдилар. Уларнинг баҳтига Пархом шу кеча тўйиб ичганди.

Уч йигит Пархомни деярли кўтариб олиб келишибди. Уни кўрди-ю, Музаффарнинг ичидан шунақанги қувонч тошиб келди-ки, ўзининг хурсандлигини яшириш учун йигитлар томонга бурилиб пича туриб қолди. У тўсатдан шарт қайрилди-да:

— Сен бизнинг оёғимизни кесдинг, — деди ғазаб билан. Икки йигитнинг қўлларида осилиб турган Пархом секин бошини кўтариб кўзларини базўр очди-да:

— Хўш... нима? Кесдингларми? — деб сўради. Бу ерда Музаффар ишлатган ҳийлани на “Айик” сезди, на соқчилар. У Пархомга “отрубить (кесмоқ)” сўзини ишлаттириши керак эди, айттира олди. Пархом билмасдан “кесдингларми?” деб сўраб қўйди. Бу Музаффар учун ҳам, йигитлар учун ҳам тўла ғалаба, аниқ нажот эди. Музаффар овозини баралла қўйиб Пархомга зарда билан бақира бошлади:

— Биз эмас, мановиларинг кесди. Ана қара, девор тагида нечтасининг оёғини кесишганини, улар энди ишга ярашмайди! Бугун сен ва манови “Айик” икковингнинг оёғингни Арсений Лавровичинг кесади! Йигитларни нобуд қилдинглар! Болта қани?! Аппа қани?! Қани арқон?!

Пархом унинг бақириғидан сал ўзига келди, шекилли, қаддини кўтарди. Ёнидаги йигитларнинг чангалидан қўлини силтаб бўшатди ва Музаффарга тикилди.

— Ҳамм... ҳиқ.... ма-сини топамиз ва чоп-памиз. Сени эса ўл-ўлдирама-ан!— у “Айик”қа қараб интилди-ю, қоқилиб ийқилди ва шу кўйи қимирамай қолди. Ана энди ҳаммаси тамом. “Айик”қа ташланса бўлаверади”, ўйлади Музаффар.

Воқеаларнинг ўзининг фойдасига ҳал бўлмаётганидан итдай бўлиб қолган “Айик” Музаффарга нима дейишни билмасди. У асабий бўлса ҳам йигитнинг кўзига қараб бир нарса дейишга ботинолмасди. Агар бу йигит боссга арз қилгудек бўлса, ўз

ишига совуққонлик билан қараганлиги учун жазога тортилади. Пархом ҳам омон қолмайди. Агар буларнинг қайсарлиги тутиб қолиб ишламай ётиб олишса, кўрадиганини кўради. Аммо унда ҳам ўзини оқлаш учун сабаб бор эди, бу сабаб ўртага ташланиши биланоқ Музаффар томонидан йўққа чиқарилди.

— Кечаки икки йигитинг ўрмон ичида анча ичкари кириб кетишди. Орқаларидан борган йигитларим уларни қидириб анча овора бўлишди. Эҳтимол, қочиш учун йўл излаётгандирсизлар?

— Кошиш учун, — унга бўйини чўзиб зўрайди Музаффар, — фарб билан шарқни ажратади олиш кифоя. Йигитларим дараҳт танлагани боришган. Яна қандай эътирозинг бор?

“Айиқ” жўяли гап тополмай каловланди. Ўрадаги қопқонга тушиб ўзини ҳар томон ураётган айиқ ҳолига тушганди у. Йигитларига жавоб бераб юбориб Музаффарнинг ёнига қайтиб келди ва гапни узоқдан бошлади:

— Мен ўзимга юклатилган вазифани бажардим, холос. Ўрнимда сен ҳам шундай қилган бўлардинг. Арсений Лавровичнинг буйруғини бажармасдан илож йўқ. Яхши, биз хато қилдик. Бу гапничуваштиришдан фойда йўқ — унутайлик.

Нима қилиб бўлса ҳам Музаффарнинг кўнглини юмшатиш-га уриниб у деб кўрди, бу деб кўрди, ахийри иккови бир битимга келганларидан кейин “Айиқ” казармаси томон кетди. У кетиши билан Рустам югуриб келди.

— Нима бўлиб қўлга тушдинглар? — сўради Музаффар.

— Билмай қолдик. Тузоқ қўйишган экан.

— Гапини эшитдингми? Улар кеча Элдорни хүб пойлашган. Гапига қараганда, яхшиям, унинг нима қилиб юрганини англашмабди.

Бирпасда йигитлар икковини қуршаб олдилар.

— Агар бирор суроштируса, бояги гап: “ўрмонга дарахт кестгани жўнатган”, деб тураверасизлар, — болаларга уқтириди Музаффар. Йигитлар ўзларича муҳокама қилиша-қилиша ётоқ томон юрдилар. Уларнинг шунча пайтдан бери кўрган тайёргарликлари шу тариқа чиппакка чиқди. Яна умидсиз кунлар бошланди. Бир неча кун олти нафар йигит ишга чиқа олмади. Уларни кўпроқ уришган экан. Вақт ўтиб улар тузалиб кетдилар. Ўша куни кечга яқин олдиларига ҳовлиқиб келган Пархомни эса Музаффар енгиб юборди. Унга таънаю дашномлар ёғдирди. “Ўзинг бу юриб яна нимасини сўрайсан? Атайлаб йигитларни калтак едириш учун шундай қилдинг”, деб асабини эговлаб ташлади. “Кайфлигимда шунақа буйруқ берибман-да”, деб ўйлаган Пархом (гарчи буни эслолмаса ҳам) ортиқча тихирлик қилмади. Шу билан ишлар босди-босди бўлди. Босс бу воқеадан хабар топмади. Бунинг учун “Айик” ҳам, Пархом ҳам соқчилар билан гаплашиб олдилар. Улар даъво қилади деб Музаффардан ҳадиксираб юриши, аммо унинг индамаганини кўриб миннатдор бўлдилар. Ҳатто бир сафар “Айик” Музаффарнинг елкасига уриб “сенлардан чақимчи, сотқинлар чиқмаган”, деди.

— Менинг халқым нақадар буюклигини англамайсан сен, — деди унга жавобан Музаффар.

Йигитлар дастлабки күнлари анча абгор бўлиб қолдилар. Кўнгилларига ғам ва тушкунлик ин қурди. Умидсизлик аста-аста қалбларни забт эта бошли-

ди. Кўплари бу ердан умрбод қутула олмасликларига ишона бошладилар. Уларнинг орасида парокандалик бошланди. Бирининг гапи бирига тўғри келмай жанжаллашадиган, сал нарсага бири-бирига зарда қиласидиган бўлиб қолдилар. Уларни қандай қилиб асл ҳолига келтиришни билмай юрган Музаффар билан Рустамнинг баҳтларига июннинг охирларида бир воқеа содир бўлди-ю, йигитларнинг қалбларида яна бу ердан қутулишга бўлган умидни уйғотди. Йигитлар ўзларининг озодлиги учун курашаётган одамлар борлигини англаб қолдилар.

* * *

“Мусоғирнинг тили қисиқ” деб бежиз айтишмаган. Қурилиш обьектида йигитлар баъзан шунаقا вазиятларга дуч келишадики, сабр-тоқат билан тишни тишга босишиди. Нариги бинода ишлашаётган молдаванлар гоҳида мазах қилишар, камситишарди. Мисол учун эндиғина тайёрлаган лойларини кранга илиб кетишиб қолар ёки зарурати бўлмаса ҳам икки соатлаб кранни бўшатмайдилар. Ёйинки атайлаб икки-учтаси келади-да, улар ишлатаетган баёкни илиб кетадилар. Бу ерда ишлаётган чечен ёки осетинларга ғинг дейиша олишмайди-ю, бизникларга кун беришмайди.

Бир куни тушлик пайти эди. Ўлмасжон ерга ўрнатилган вагонеткага кириб энди ортига ўгирилиб эшикни ёпмоқчи бўлганди, ташқаридан бирор эшикни зарб билан тепди. Шундоққина юзига ёпилган эшикни шарт очди-да, ташқарига қайтиб чиқди. Икки молдаван гаплашиб турарди.

— Ким тепди эшикни? — улардан сўради Ўлмасжон.

— Нима дейсан? Мен тепдим, — деди бири тап тортмай. Ўлмасжон икки қадам қўйди-ю, ўша боланинг ияги тагига бир урди. У “фиқ” этди-ю, ерга чўк тушиб қолди.

— Сенга қандай муомала қилиш кераклигини ўргатиб қўяман.

Иккинчи шериги аввал Ўлмасжонга қараб ташланмоқчи бўлди-ю, кейин фикридан қайтиб ўзиникилар томонга қараб қичқира кетди. Бирпасда беш-олти нафар йигит югуриб келди. Уларнинг олдида биринчи келган миқти, чайир йигит Ўлмасжонга зўрайганча яқинлашди.

— Нимага урдинг буни?

— Муомаласига ярашасини олди, — деди Ўлмасжон дадил. Иккови пича фиди-биди қилгандан кейин ҳалиги йигит Ўлмасжонга ташланиб қолди. Аммо биринчи зарбаданоқ мук тушиб йиқилди. Унинг шерикларидан бири олға ташланди, лекин Ўлмасжон уни чап бериб ўтказиб юборди-да, тўданинг ўртасига кириб олди. Кўз очиб юмгунча беш йигитни чирпирак бўлиб айланиб-айланиб тепиб ерга ётқизиб ташлади. У бир дам қўлларини конфунинг “йўлбарс панжаси” усулида айлантириб, оёқларини ростлаб, қолган уч йигитга ташланди. Бир неча сонияда учови ҳам ерда ётганларнинг сафига қўшилиши. Ерда думалаб ётганларни турғизишга кўймай, турмоқчи бўлганларни аямай тепди ва қаттиқ бақирди:

— Бирортанг ўрнингдан турма! Ўрнингдан турганинг муқаррар ўласан!

Бу шовқинга нариги бинодан югуриб келган бир тўда молдаван Ўлмасжонга етмай ўн қадамча нарида тўхтаб қолиши. Ўлмасжон уларга қайрилиб қўллари

билин усул кўрсатиб, бир оёгини боши баравар горизонтал ҳолда тутди-да, буюрди.

— Яқинлашганинг ўласан. Жойингдан қимирлама!

Молдаванлар жойидан қимирламай унга тикилиб қолишиди. Шунда бояги миқтини ўрнидан турғизди-да, сўради:

— Сен хоҳлаганимча ҳақоратласам бўлаверади деб ўйладинг-ми?

Нафас йўлига урилган зарбдан рақиб букчайиб қолди, бўйнига бир тепки еб яна ерга қулади. Энди бояги эшикни тепган йигитни вагонетканинг деворига турғизди-да, тўғридан пешонасига бир мушт урди. Йигит “шилқ” этиб қулади. Унинг ёнида бўлган иккинчи йигитни излаб тополмади.

— Қани бунинг шериги?! — ҳайқирди Ўлмасжон.

— Чиқ бу ёқقا, ифлос! Билиб қўй, сени албатта то-паман!

Бу пайтда молдаванлар сафи анча кўпайган, ўттиз-ўттиз беш нафар йигит Ўлмасжонга қараб туришар, аммо ҳужум қилишга юраклари дов бермаётганди. Вагонетканинг орқа тарафидан Нодир чиқиб келиб Ўлмасжоннинг ёнига турди. У ҳам “жангга тайёрман” дегандай устидаги коржомасини ечди-да, ерга ташлаб, қўлинни мушт қилиб Ўлмасжоннинг мушти билан уриштириб олди. Унинг бу қилиғи Ўлмасжонга бир далда бўлди. Чунки ҳар сонияда ташланиб қолишилари мумкин бўлган тўданинг назарида ўртада битта эмас, икки каратечи пайдо бўлганди. Ўлмасжон яна бояги йигитнинг чиқишини талаб қилди. Шунда тўдадаги молдаванлардан бири:

— Билмаймиз кимни сўраётганингни, у йўқ бизнинг ичимиз-да, — деди.

- Бўлмаса ўзинг кел бу ерга.
- Йигит иккиланди.
- Келавер. Нима, қўрқяпсанми?
- Мен бунақа жанжал тарафдори эмасман. Булар-нинг айби нима? Нимага урдинг?
- Олдимга келсанг тушунтириб қўяман.

Молдаван йигит олдинга юрди-ю, Ўлмасжонга етмай тўхтаб қолди.

— Нимага бу ерда хўжайнлик қиласяпсан? Ўзингни ким деб биляпсан? Агар бундан буён бирортанг ортиқча ғашга тегадиган ҳаракат қилсанг, бирортангни қўймай сўйиб кетаман бу — бир, — деди Ўлмасжон унга яқин бориб, — иккинчидан, сен мановининг шеригини бугун менга топиб берасан, — у эшик тепганни кўрсатди.

- Мен уни танимайман.
- Топмасанг, сен билан гаплашаман.

Молдаван оғиз очишга улгурмай беш йигит одамлар орасини ёриб ўтди. Булар шу ерда ишлайдиган чечен йигитлар эди. Уларнинг бари ўзига ишонган йигитлар бўлиб, тап тортмай бу жанжалнинг ичига кириб келишганларидан ўзига яраша нуфузлари борлигини билдиради. Ҳаммаси худди эгизаклардай бир-бирига ўхшаш бу йигитлар Ўлмасжоннинг олдига келишганда уларнинг бири устидаги енгил курткасини ечиб улоқтириб юбор-ди ва баланд овозда:

— Қани, муштлашадиган бўлсак, бошладик, биз шу йигитлар томондамиз, — деди Ўлмасжонга ишора қилиб. Йифилиб турганлар бир гувраниб олишди. Аммо ҳеч ким чурқ этиб овоз чиқармади. Молдавалар хўмрайиб айни пайтда ҳайратланишди. Ҳалиги чечен йигит ҳеч ким индамаганидан кейин буйруқ оҳангода яна қичқирди:

— Агар муштлашишни истамасанглар, томоша та-
мом, ҳамма ўз ишига жўнасин! Бу ерда қиладиган
ишинглар қолмади.

Унинг гапидан кейин тўда ичидагилар битта-
иккита бўлиб бурилиб кета бошлашди. Бир неча
дақиқада майдон бўшади. Ерда ётганлардан бирини
чеченлардан бири бир тепди.

— Бор, йўқол!

Эшик тепган йигитни ва биринчи ташланган миқ-
ти йигитни Ўлмасжон тутиб қолди.

— Сенлар ҳали жавоб берасан.

Аммо чеченларнинг бири уни қайтарди.

— Кўявер, ҳозир кетаверишсин, кечқурун гапла-
шиб оламиз.

Ўлмасжон чеченлардан таажжубда эди. Улар ҳам
Ўлмасжонга гўё қаҳрамон жангчини кўргандай ҳай-
рат билан тикилишарди.

— Сен худди нинзалардай ҳаракат қилдинг, ки-
нодаям бунақасини кўрмагандим, — деди уларнинг
бири ва қўл узатди, — менинг исмим — Рашид.

— Ўлмас, — жавоб бериб унинг қўлини қисди йи-
гит, — бу бола Нодир.

Шундан сўнг бошқа йигитлар ҳам исмларини ай-
тишиб иккови билан танишдилар.

— Закаря.

— Рустам.

— Рауф.

— Масхад.

Бир-бирлари билан танишиб олганларидан кейин
Рашид Ўлмасжонга бу ерда “ҳамма мусулмонларни
ҳимоя қила оламиз, сен булардан қўрқма, агар хоҳла-
сам шу бугун буларнинг танобини тортиб қўямиз”, —
деди. Ўлмасжон унга миннатдорчилигини билдириб:

— Раҳмат, энди биз билан ўйлашиб муомала қилишади, — деди.

— Биз аввалроқ сизлар билан танишмоқчи эдик, шунақа воқеа бўлмаса бир-бири мизни танимай ҳам юраверарканмиз. Бирор тангиздан садо чиқмаганидан кейин нима ҳам дердик. Жуда оғир-босиқсизларда, — кулди Рашид.

— Уларнинг ичидаги менга ўхшаган бесабрлари ҳам бор, — кулди Ўлмасжон.

— Мана шундай бўлиш керак, энди ўзингларга келдинглар.

Нодир иккси йигитлар билан анча суҳбатлашиб қолишиди. Суҳбат давомида Рашид иш юритувчи, Закаря шофёр, Рустам, Рауф, Масҳадлар қурилиш идорасида ишлашлари маълум бўлди. Ўлмасжоннинг гап-сўзи чеченларга маъқул тушди. Улар суҳбатлашгани яна келишларини, ҳозир вақтлари зиқлигини айтишиб хайрлашдилар.

Бу икки йигит ишлаётган бино томон юришар экан, Нодир деразалардан буларга қараб турган йигитларга ишора қилди. Деразалардан ўттиз-қирқ нафар бола қараб туришарди.

— Хей! — қичқирди уларга қараб Ўлмасжон, — Агар бирингни бирор туртса мана шундай томошабин бўлиб турсанг, ҳамма жойда оғзингдаги ошингни олдирасанлар! Нимага пастга тушмайсанлар?!

— Қўяверинг, фойдаси йўқ, — Нодир уни тинчитмоқчи бўлди. — Ақл кирсин, бир-бирини десин дейман-да.

— Бугундан ўзлари сезишади. Биронтасига “ғинг” дейишмайди энди. Бу болалар ҳаммаси ювош, мўмин экан. Ҳаммаси қўрққанидан эмас, бунақа муҳитни кўрмаганларидан шунақа юришибди.

— Тўғри айтасиз, — уни маъқуллади Ўлмасжон, — уларда айб йўқ, аммо баъзан ўзлигимизни ҳам кўрсатиб қўйишимиз керак.

Икки бола ана шундай гаплар билан йигитлар ишлашаётган қаватга кўтарилилар.

* * *

Кечқурун ётоқ жойга беш нафар молдаван йигит кириб келди. Улар кирибоқ Рўзивойни топишиб, у билан гаплашганларидан кейин ҳамроҳлигига Ўлмасжонларнинг хонасига йўл олишди. Уларнинг бошлиғи ўша — миқти йигит Ўлмасжондан астайдил кечирим сўради. Гап-сўзлардан маълум бўлишича, эшикни тепган йигит унинг укаси экан. Ўлмасжон ҳам, Нодир ҳам уларга кўп ҳам сир беришмаса ҳам, кечиришди. Йигитлар дарров кечиримдан хурсанд бўлиб кетишиб, иккитаси ташқарига югуриб чиқиб кетишли. Зум ўтмай стол усти турли егулик ва ичимликларга тўлиб кетди. Ўзини Владислав деб таништирган миқти йигит Ўлмасжоннинг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тинглар, иложи борича унинг кўнглини олишга ҳаракат қиласади. Ароқ шишалари очилгандан кейин Ўлмасжон билан Нодир ичмасликларига қарамай, Рўзивойнинг орқасидан келган икки йигит билан молдаванлар базмни бошлаб юбордилар. Вақт ярим кечага борганда кайф бўлиб қолган Рўзивой Владиславга суюниб олиб унга уқтиради:

— Яхши...ям, бугун кечирим сўр... сўрашга улгурдинг, бўлмаса... эртага у ҳаммангни текислаб ташларди. Биласанми, у ким? У — мастер. У ҳақиқий конфуустаси. Ҳақиқий ниндзя.

Владислав Нодир ҳақида ҳам сўради, шекилли.

— Улар икковиям мастер. Ик...кови бир батальон десантчиларни текислаб ташлайди, — деб кўпиртириди.

Молдаванлар ўзини зимдан кузатиб ҳайратлашиб, айни пайтда сал қўрқув билан ўтиришганини Ўлмасжон кўриб, шу қўрқувни уларда ушлаб туриш учун кўп гапирмас, Нодир билан секин-секин гаплашиб ўтиради. Ниҳоят, йигитлар бир-бирлари билан оғиз-бурун ўпишиб хайрлаша бошлиди. Улар чиқиб кетганларидан кейин Ўлмасжон Нодирга:

— Мана энди асосий ишга киришсак бўлаверади,
— деди.

— Глубинкага бормоқчимисиз?

— Ҳа, бормасам бўлмайди. Аввал бир бориб разведка қиласман. Аммо иккиланиб турибман — ўрмонда тунаш қанақа бўларкин?

— Егулик, иссиқ кийим олволишингиз керак. Истасангиз бирга боришим мумкин.

Тирикчилик илинжида бу ерга келган йигитни “юр” дегани Ўлмасжон тортиндиди.

— Аввал ўзим бир бориб шарт-шароитни билай. Ким билади, у ерга борса бўладими, йўқми? Салимнинг айтишича, назоратни кучли ушлашар эмиш. Йўлни ўрганишим зарур, қаерларда соқчилар бор, қайси йўл билан борилади — ҳаммасини ипидан игнасигача ўрганмай бир иш чиқариш қийин. Бориб келай, унга қараб иш тутамиз. Ҳали керак бўласиз сиз менга.

...Шу кундан бошлаб қурилишда чеченларнинг ҳам, молдаванларнинг ҳам йигитларга муносабат-

лари ўзгарди. Энди аввалгидек ўзларини юқоридан олиб муомала қиладиганларнинг шашти пасайди.

* * *

Дмитровдан Талдомгача қийинчиликсиз етиб келган бўлса ҳам, Талдомдан Запруднийгача бор-йўғи йигирма чақиримга етмайдиган йўлни босиб ўтиш анча мушкул кечди. Кеч туша бошлаётган пайтда Запруднийга етиб келган йигит кетаётган йўналиши бўйлаб бу кичик шаҳарчанинг ўртасидан кесиб ўтган йўлда тўғри кетаверди. Кичкинагина, бир посёлкача келадиган бу шаҳарчада аҳоли жуда оз, кўпгина ҳовлилар, уйларда одам яшамаслиги кўриниб турарди. Ўлмасжон нима қилишини билмай қолди. “Тунаш учун бирорта уйга кирсаммикин?” деб ўйлади-ю, тезда бу фикридан қайтди. “Кетавераман, шаҳарча тугаб, ўрмонга кириб кетадиган бўлсан, яна яхши, одамларга яқин жойдаги ўрмонда ту nab ўзимни ёлғизликка кўникутираман”, деб фикр қилди. Бир соатга қолмай, шаҳарчадан чиқиб олди. Энди бундан бу ёғига дала йўли бошланиб, икки-уч чақиримча олисда ўрмон қорайиб кўринарди. Йўлдан машиналар камдан-кам қатнаши билиниб турарди. Чунки йўлни ўт босиб кетган, худди киноларда кўрсатиладиган буғдойзор оралаб ўтган йўлга ўхшаб икки томонда ўсган ўтлар салом бергандай йўлга эгилиб қолган. Яна бироз юрганидан кейин кун ботди. Атрофда қушлар чуфури эшитирса ҳам, овоз қаердан келаётганини аниқлаб бўлмас, қушлар кўринмасди. “Ўтлар ичиди бўлса керак” – ўйлади Ўлмасжон. Ўрмонга яқинлашиб қолганда, энди фира-шира пайт бошланганда орқадан бир енгил машина кўринди. “Жигули” Ўлмасжоннинг ёнига келганда қўл кўтармаса ҳам тўхтади.

— Олиб кетайми? Ўрмонгами? — Ёши қирқлар атрофидаги, бўйинбоғ таққан, кўринишидан амалдорга ўхшайдиган одам Ўлмасжонга тикилиб қаради. Дарров бу ернинг одами эмаслигини сезди, шекилли.

Ўлмасжон боши билан тасдиқ қилди-ю, машинага ўтириб олди. Секин юриб бораётган машинада дарҳол савол-жавоб қизиб кетди.

— Балиқ овига кетаётганга ўхшамайсан. Аниқки, овчи ҳам эмассан. Кеч тушаётганда ўрмонда нима қиласан?

Шофёр саволларни кетма-кет қалаштирди.

— Ўрмонда бир тунамоқчиман. Айтишларича, ёз кунларида ўрмоннинг ҳавосидан тўйиб нафас олган одамнинг умри узоқ бўлар эмиш. Қўзиқорин тераман, тўғри келиб қолса, биронта яхши одам ҳамроҳ бўлса, ичкари томонга қараб кетавераман, хуллас, ўрмонни ўрганмоқчиман.

— Бир ўзинг қўрқмайсанми?

— Нимадан қўрқаман? Бу ерда ёмон одамлар бўлмаса.

— Ёмон одамлар бўлмаса дегин... — шофёр бироз жим қолди. Индамай озроқ юргач, Ўлмасжоннинг исмини сўради. Ҳаял ўтмай иккови танишиб олдилар. Маълум бўлишича, Николай Антонович институтда дарс берар экан. У ҳозир ўрмонда яшовчи қайнона ва қайнотасидан хабар олгани кетаётган экан.

— Инсон қизиқ-да, қара, — деди у, — қайнотам билан қайнонам бутун умрларини шу ўрмонлар бағрида ўтказишган. Шаҳардан уй олиб беришган ўғиллари. Аммо ўрмондан кетишни исташмайди. Уларни ҳеч ким кўндиrolмайди, шаҳарни мақтасанг, гапингни маъқуллашади-ю, кўчиш масаласига келганда уна-

майди. Неча йиллардан буён ҳар ҳафта улардан бир хабар оламан. Ҳар якшанба куни у-бу нарса олиб бориб ташлаб келаман.

— Кекса одамларни тушуниш қийин. Менинг онам ҳам эски уйни буздирмайди. “Янгисини чиройли қилиб қуриб берайлик” десак, “отанғдан қолган уйни буздирмайман”, дейди. — Үлмасжон Николай Антонович билан бу борада бир фикрда эканлигини изҳор қилди. Иккисининг қараши мос тушиб қолди. Очилиб-сочилиб гапга тушиб кетишли. Бирор соат юрганларидан кейин ўрмоннинг ичкарисидаги дарахтлар билан ўралган ёғоч уй олдига етиб келишиди.

Ўзини Дмитрий Аркадевич деб таништирган чол ўзининг айтишича, саксон бешга кирган бўлса ҳам, кўрган одам уни нари борса олтмиш-олтмиш беш ёшда деб ўйларди. Кампир Маша Исаевна ҳам тетик, сўзамолгина экан. Бу очиқўнгил одамларнинг келган меҳмонларни кўриб суюнишганини қўяверасиз. “Коля, Коля”, деб кампир Николай Антоновичнинг атрофида гирдикапалак бўлди. Ҳали ўтириб-ўтиришмай бир хурмача сут олиб келди.

— Оҳ, маза қилдим. Бу ерларнинг сути бошқача бўлади-да, — Николай Антонович сутни симириб бўлиб оғзини чаппиллатиб чўччайтириди. Чол қаёқдан-дир катта уч литрлик шиша топиб келди ва дарров кружкаларга қулқуллатиб қўйди.

— Бунақасини ҳам анчадан буён татимагандирсан?

— Сутдан кейин кетмайди-да, — Николай бош чайқади. Кампир қайнаб турган декчани олиб келиб шўрва қуя бошлади. Очқаб турган экан, шекилли, Николай ўзини овқатга урди. Үлмасжон ҳам такаллуфни кутиб ўтирумай қорнини тўйғаза бошлади.

Кампир икковининг овқатланишидан ҳузур қилгандай икки қўлини иякларига қўйиб уларга меҳр билан қаради. Чол-кампир куёвни жуда яхши кўриши уларнинг муомаласидан билинар, айни пайтда куёв ҳам уларни ота-онасидай кўриши сезиларди. Учви эркак икки кружкадан отволишгандан кейин Николай Ўлмасжонни худди эски қадрдонидек таништириди.

— Бу йигитнинг исми Ўлмас — ўзбек. Ўрмонни томоша қилмоқчи. Агар қарши бўлмасанглар, шу ерда икки-уч кун яшайди.

Чол-кампир ўзларида йўқ хурсанд эдилар. Яна икки соатлардан кейин Николай Антонович машинасидан бир нечта қофоз қутини Ўлмасжон ёрдамида ташиб кирди-ю, кетишга чоғланди. Қариялар уни қанча қисташмасин, қолмади.

Машина йироқлаб кетгач, чол-кампир билан уйга қайтиб кирган йигит ўзида алланечук ҳорғинлик сезди. У чол билан пича гаплашгач, кампир унинг юзига тикилиб:

— Сен ётиб ухла, чолга қолса, эрталабгача гапириб чиқади, чаласини эртага гаплашасизлар. юр, хонангни кўрсатиб қўяй, — деди. Ўлмасжон унинг синчковлигига тан берди. Чол эса кампирга ҳазил оҳангида:

— Ҳа, қари эчки. Одам билан гаплаштирмайсан ҳам, — деб қолди. У сұхбатдошидан айиргани учун кампиридан норози эди.

* * *

Ўрмоннинг нақ ўртасида яшайдиган бу чол-кампир учун Ўлмасжон гўё бир гўдаклек эрмак бўлди. Гоҳ униси, гоҳ буниси ўзининг ҳунарини ўргатмоқчи бўлади. Кампир қорамоли ва эчкисини кўрса-

тиб мақтанаар, ўрмонда қайси пайтда қўзиқорин кўп бўлиши-ю, ўрмон меваларини қайси пайтда териб олиш кераклигини уқтирас, чол эса ўрмон айланишини яхши кўрганидан ўрмонда бошидан кечирган хотираларни айтиб берарди. Ўрмон ҳаётидан бошқа ҳаёт бу одамлар назарида ёввойи ҳаёт эди. Баъзан чол ўғил-қизларининг ҳаммаси шаҳарлик бўлиб кетганидан ўкиниб: “улар шаҳарда темир одамга айланиб кетишади, биласанми, шаҳар одамни оламдан юлиб олади, қалб деган нарсани ўғирлайди”, деб ўзича куюниб қўярди. Бир ҳафта ичидаги икковиям Ўлмасжонга меҳр қўйиб қолишиди. Унинг баъзи ишларда ёрдамлашиши кампирнинг меҳрини ийдирса, чолнинг хотираларини тинглаши чолга маъқул эди. Бир одам тафтига, бола тафтига зор бу одамлар учун у ноёб топилма эди. Кампир турли овқатлар пишириб беради, ўрмон гиёҳларидан ҳар хил қайнатмалар қилиб ичиради, эрталаб турса бош томонида янги соғилган эчки сути.

Ўлмасжоннинг баъзи уқувсизлигидан гоҳо чолкампир хўп кулишади. Масалан, бир куни Дмитрий бобо унинг қўлига сават тутқазди. “Бор, ўрмондан қўзиқорин териб чиқ”. Ўлмасжон ўрмонга кирди-ю, муштдек-муштдек келадиган оқ қўзиқоринлардан бир сават қилиб териб чиқди.

– Ошхонага, кострюолга солиб қўй, ҳали пиширамиз, – деди чол кулиб.

Бир айланиб ошхонага кирган кампир ранги оқарив қайтиб чиқди.

- Ўлмас, ошхонадагини сен териб келдингми?
- Ҳа, энажон, ҳали ўзингиз пишириб берасиз.
- Ай-йай-йай-йай. Булар қўзиқорин эмас. Булар

— мухомор. Буни еган одам тил тортмай ўлади. Буни сенга анови қари маймун ўргатгандир?

Ўлмасжон шундагина чол уни эрмаклаганини тушунди. Эртасига Маша момо уни ўрмонга ўзи етаклаб борди. Қўзиқоринга ўхшаган нарса борки, ҳаммасини ўзи кўрсатиб, эринмай қайсиниси қўзиқорину, қайсиниси қўзиқорин эмаслигини, қайсиниси фойдали, қайсиниси заҳарли эканлигини тушунтириди. “Буниси оқ қўзиқорин, буниси қизилбош, буниси подберёзовик, буниси вешенка, шампион” ва ҳоказо. Буларнинг қайси бири тузланади, қайси бирини қандай пишириш керак — ҳаммасини ўргатди. Кечқурун ўзининг ёнига олиб анчагина қўзиқорин пишириб берди.

Кейинги куни Дима бобо уни ўрмонга олиб борди. Унинг гап-сўзидан бу чол ўрмон ҳақида энг катта олимлардан ҳам кўп нарса билишини англади йигит. Иккови қўлларида бигтадан милтиқ, тушликка қадар олдинга қараб боришиди. Чол соатига қараб олиб, тушлик қилиш учун ўтирганида, Ўлмасжоннинг очликдан силласи қурий деб қолганди. Ўзининг ҳикояларидан, дараҳтлар, ўтлар ҳақидаги маълумотидан олам-олам завқ олиб келаётган йигитнинг шашти сусайганини сезиб чол тўхтаганини сезса ҳам сир бермади.

— Ана шунақа. Шаҳарликлар бу ўрмонда, она табиат қўйнида ярим кун юришга ярашмайди.

— Сизга тенг келиб бўлмайди бу борада, бобо, — деди Ўлмасжон қуруқ ўтга ёнбошлаб. Чолга унинг гапи маъқул тушиб жилмайди. Иккови тамадди қилиб ўтиришганда у чолдан бу ўрмонлар қаергача чўзилишини сўради.

— Бу ўрмонлар шимолга, Архангельсккача чўзилиб кетган. Адоғи ўша ёқларда, — деди чол.

— Охиригача борганмисиз?

— Эсимда, урушдан кейинги йилларда уч ўртоғим билан, у пайтларда анча ёш эдик, отда ов баҳонасида тўрт ҳафта йўл юрганмиз. Фақат тўғрига қараб кетганмиз. Ўшанда Архангельскка яқин Зверопад деган посёлкагача борганмиз, — жавоб берди Дмитрий бобо. Шундай савол-жавоблар билан ярим соатлар ўтирганларидан кейин Ўлмасжон чолга бу ерларга нима сабабдан келганини яширмай айтиб берди. Ундан ўрмон ҳақида кўпроқ маълумот беришини сўраб, укаларини қутқариш учун бел боғлаганини тушунтирди. Унинг гапидан таъсирланган чол афсус билан бош чайқади.

— Одамлар қандай ваҳшийлашиб кетишган-а. Уялмай бир-бирини сотишади, бир-бирини текинга ишлатишади. Бу — ҳаммаси шаҳардан чиқмасликнинг оқибати. Мана сенга шаҳар феъл-атвори.

Дмитрий бобо шаҳарни ростдан ҳам ёмон кўрарди. Бу балки, болаларини шаҳар тортиб олганидан, уларнинг меҳри, дийдоридан жудо қилганиданdir.

— Менга ёрдам берасизми? — сўради Ўлмасжон. — Фақат ўрмонда қандай юришни, қандай йўл топишни ўргатсангиз бўлди.

— Ўргатаман. Лекин сен ўрмонга меҳр беришинг керак. Агар унга меҳр билан қарамасанг, босган қажаминг қаттиқ бўлса, у сени бағрига сифдирмайди. Агар унга озгина муруват қилсанг, сени бағрига олади. тўйдиради, кийдиради, тўйғазади бошпана беради, — деди бобо қўлинни мушт қилиб силкитиб.

— Меҳр бера оламан. Айтганингиздай қиласман.

Нимани ўргатсангиз, қулоғимга қуйиб оламан, – деди Ўлмасжон.

– Бу эркакча гап, қани, эркак, йўлга! Ўрмонни ўрганишга! – Чол ўрнидан шаҳдам турди. Ўлмасжон ҳам апил-тапил олдидағи егуликларнинг қолганини йиғишириб, саватга солиб унинг ортидан эргашди. Улар уйга қоронғи тушганда қайтдилар. Эртасига тонг отмасдан чол йигитни туртиб уйғотди.

– Тур, кетдик.

Шу куни уйга ярим кечада қайтишди. Дмитрий бобо уни кейинги кун пешинда тағин ўрмонга олиб борди. Кампир эса уларнинг санғишилариға эътибор бермас, чамаси, чолнинг бунақа феъл-авторига ўрганиб кетганди. Ё бўлмаса, чол унга бор гапни айтган.

Шу кунлар ичida Дмитрий бобо Ўлмасжонга ўрмон китобининг алифбосидан тортиб энг мураккаб дарслигигача ўргатиб чиқди десак бўлаверади. Қайси меваларни ейиш мумкин, қандай қилиб ичимлик сув топиш, йўлни қандай белгилаш, қандай ва қанақа жойларда тунаш – буларнинг ҳаммаси Ўлмасжоннинг хотирасида мукаммал муҳрланди. Энди уни сафарга жўнатишга чол тайёрлаб бўлган, ундан кўнгли хотиржам эди. Учинчи куни Ўлмасжон чол-кампирдан рухсат олиб йўлга тушди, уларга яна қайтиб келишга ваъда берди. Кампир унинг қўлига каттагина тугун тутқазди.

– Бунда қоқ нон ва айнимайдиган егуликлар бор. Худо ёр бўлсин сенга.

Йигит ўрмон ичига кириб кетаётib ортига бир қараб қўйди. Чол-кампир унинг ортидан худди ўғилларини узоқ сафарга жўнатишаётгандай мунғайиб қараб туришарди.

* * *

Ўрмон ичида икки кун юргандан кейин ўт-ўланлар ўсик, дарахтлар сийраклашган жойга етиб Ўлмасжон тунаш учун ўзига жой излай бошлади. У чол ўргатганидай аввал кўнгина қуруқ чўп топиб келди. Чўпларнинг ҳар бирини бир қулоч узунликда синдирди ва оралиғини бир қарич қилиб ўзининг бўйи узунлигига ерга суқиб чиқди. Иккинчи тарафига ҳам орада ярим метрча қолдириб худди шундай чўп суқди. Бош томонига ҳам ёғочдан иҳота қилгач, оёқ томонини очиқ қолдирди. Бу ерга ётаётганда тўртта чўп суқиб қўяди — тамом, шу билан ётоқ учун жой тайёр. Эни бироз қуруқ хашак олиб келиб ёғочларга илиб қўяди. Дмитрий бобонинг айтганини қилиб ўт ёқмади. Ётишдан аввал қоқ нонни қовурилган кўзиқоринга қўшиб еб олди-да, чор-атрофга қуруқ шохлардан айлантириб сочиб чиқди. Бирон ҳайвон келса, шу чўпларни босса, қарсландайди, ўз-ўзидан хавфдан огоҳ бўлади. Буни ҳам унга Дмитрий бобо ўргатганди. Ҳар эҳтимолга қарши, ёнига узун таёқни қўйиб ухлаш учун ётди. У хаёл суриб ётиб ухлаб қолди. Кўзини очганда қуёш аллақачон кўтарилган, кушлар сайрап, чигирткалар овози эши билар — ўрмоннинг кундузги ҳаёти бошланганди. У яхшилаб нонушта қилди-да, йўлга тушди. Ўзининг тахминича, тўғри йўналишда кетаётганди. Дмитрий бобонинг айтишига кўра, худди шу ердан сал ўнг томонроққа юрса Ярославлга, чап томонга юрса Твер томонларга ўтиб кетиш мумкин. Тахминича, бир неча километр ўнг томонга мойилроқ бўлиб юрилса, қандайдир катта сув омбори бор. Аммо Ўлмасжон излаган манзил

худди шу икки йўналишнинг ўртасида бўлиши керак эди. Эҳтимол, манзилга яқинлашиб ҳам қолгандир. Шунинг учун у ётган жойидаги дарахт шохига тугунини илди. Бугун йўлда қанча юрмасин тунаш учун яна шу ерга қайтиб келишга қарор қилганди. Бу ерларни яхшилаб ўрганади. Шу атрофда, беш-олти чақирик масофада бўлиши мумкин у излаган мақон. Эҳтимол, тўғрида, эҳтимол, ўнгда, ё чапда. Салим айтган жойларни ўзича тасаввур қилганда ҳам масофа бундан ортиқ бўлмаслиги керак эди.

Кетиб борар экан, хаёл олиб қочди. Армия ҳаёти, талабалик-даги саргузаштлар ёдига тушди. Ўйларичувалиб келиб тағин укалари томон элтди. Музаффарни кўтариб юрганлари, Шуҳратнинг тўрт яшарлигига Қобилжон икковига эргашиб кинога боргани, кино бошланиши билан экрандаги динозаврни кўриб “бўжидан қўрқяпман, уйга кетаман”, деб йиғлаганлари эсига тушиб кўнгли бузилди. Хаёл билан бўлиб дарахтлар сийрак ўстган жойга етганда рўпарасида унга тикилиб турган одамларни сезмай қолди.

* * *

Кўп ўтмай ҳақиқатдан ҳам деворга йигитларнинг бўйлари етмай қолди. Оёқ тагига қўядиган тахта етишмасди. Шундоққина ўрмон ичидаги бўлишига қарамай, тахта муаммо эди. Чунки дарахтни кесиб уни циркулярка ёки пилораммада тилишлари лозим. Бу ерда эса на униси бор, на буниси. Ишнинг шу сабаб бўлиб орқага тортилаётганидан хабар топди, шекилли, босс Пархомга дарахт кесиб “КамАЗ”га юклаш учун одам ажратишга буйруқ берди. Қаердадир тахта

қилиб чиқариб келишса керак-да. Эрталаб Пархом Рустам бошчилигига беш нафар болани ўрмонга жүнатди. Уларга шахсан “Айиқ”нинг ўзи бошчилигидаги беш соқчи эргашди. Беш ишчига беш соқчи. Музаффарнинг эътиrozига қарамай, Шуҳрат ҳам йигитлар орасида эди.

— Қўявер, борса бораверсин. Нима, биз уни оғир ишга солармидик. Ўрмоннинг ҳавосидан тўйиб-тўйиб симириб келади, — деди Рустам. Элёр, Ҳасанбой, Азизбек билан баравар ишлашга кўзи етмаса ҳам Шуҳрат ўрмонга боришга қизиқарди. Гапнинг сирасини айтганда, у ерга боришга ҳамма йигитлар талабгор эди-ю, аммо Пархомнинг ўзи бош бўлиб Рустамга йигитларни танлатди-да. У Шуҳратнинг “мен ҳам бораман” деган гапини ерда қолдирмади. Сал кўнгли ёзилади деди, шекилли. Бир томони Музаффар.

Йигитлар икки соатга қолмай бир катта қарағайни йиқитишиб, бутаб қўйиши. Одамнинг қулочи зўрға етадиган бу дарахтнинг шохлари ҳам чакана эмас экан, ўртачasi бир челакнинг айланасича келади. Тўртта шохини арралашиб алоҳида қўйиши, қолган майда шохларни эса бир четга ғарам қилиб босиб ташлашди.

— Энди буни беш метрдан қилиб бўлиб олсак, марра бизники, — Рустам қарағайни шапатилаб устига миниб ўтирди. У ҳам, бошқа йигитлар ҳам роса чарчашгани учун ҳар ким дуч келган жойга таппа-таппа ўзини ташлади. Рустамнинг ёнида тик турган Шуҳрат атрофни томоша қиласарди. У соқчиларни кузатиб, уларнинг ғоят усталик билан ўзларини қўриқлаётганларига амин бўлди. Ана “Айиқ”. У

иккита ёнма-ён ўсган кедринг ўртасида ўтирибди. Унга йигитлар ҳам, ўзининг қўриқчилари ҳам яққол кўриниб туради. Ўзи эса кўздан панада. Соқчиларнинг биттаси орқа томонда. Иккитаси олдинда. Улардан йигирма қадамча олдинда дараҳт панасида ўтиришибди. Улардан беш-олти қадам олдинда яна биттаси. У катта эман панасида буларга орқа ўгириб ўрмон томонга қараб ётиб олган. Қизиқ, худди ўрмондан бирор чиқиб келадигандек автоматини шайлаб олган. Унга қараб Шуҳратнинг кулгиси қистади..

— Нимага илжайяпсан, Шуҳрат? — сўради Рустам.
— Ҳов, ановини қаранг, худди урушдагидек душманни пойлаб ётибди.

Рустам иккови соқчини пича асқия қилишди. Айни шу маҳалда дараҳтлар орасидан бир йигит чиқиб келиб ўша соқчи беркиниб турган эман томон кела бошлади. Рустам ўша йигитга қўлини силкитиб соқчиларни кўрсата бошлади, аммо у кўрмасди. Олдиндаги соқчи эса орқадагиларга ишора бериб эманни айланиб ўтди-ю, ҳалиги йигитнинг орқасига автоматини тиради. Бошқа соқчилар ҳам ўша ёққа югуриб кетишиди. “Айиқ” бошчилигидаги учови етиб боришлари билан ҳалиги ўрмондан келган йигит бир айланди-ю, ўзига қурол ўқталиб турган соқчининг автоматини тортиб олиб унинг орқасига ўтиб бўйнидан қисди. Энди автомат соқчининг чаккасига тиралиб турарди. У бир нима деб қичқирганидан кейин уч соқчи ҳам автоматларини четга улоқтирдилар. Шу пайтда йигит атига бир оний лаҳза қўлида ушлаб турган соқчини унуди, шекилли, у автомат милини ўзидан нари суриб йигитга айланиб мушт отди. Йигитнинг қўлидан автомат тушиб кетди. Аммо

ўзи рақибнинг бўйнига икки марта уришга улгурди. Соқчи унинг оёқлари остига қулади. Учта соқчи эса баравар олдинга югуришди. Етиб келган иккенини сакраб тепиб икки ёнга йиқитган бўлса ҳам, “Айик”нинг зарбидан йигит орқага учиб тушди. У тезда ўрнидан турди-ю, энгашиб автоматга қўл чўзган “Айик”нинг устига сакраб, бўйнига тепди. Аммо қуролни олишга улгурмади. Ўринларидан туриб келган икковининг ҳамласини қайтариш зуур бўлиб қолди. Икки ўртада қаттиқ олишув кетмоқда эди. Ерда ётган қуролни соқчилар йигитга олдиришмасди, йигит ҳам уларга имкон бермасди. Икки соқчининг маҳсус мактаб кўргани билиниб турарди. Беш дақиқадан кейин йигит икки соқчини ҳам ерпарчин қилишга эришди. Бироқ бу пайтда энди “Айик” ўзини ростлаб олиб унга рўпара бўлди. Йигит сакраб уни икки-уч бора тепди, аммо йиқита олмади. Юзига тушган тепкиларга қарамай “Айик” рақибиға томон бостириб борар, афтидан, уни қучоқлаб босиб олмоқчи эди. У илдам ҳаракат қилиб ниятига эриши ҳам, йигитни маҳкам қучоқлаб қимиранлатмай кўйди. Бир неча сониядан кейин қовуғига ва икки қулоғининг орқасига тушган зарбадан кейин бўшшиб рақибини қўйиб юборди. Бўшалиб олган йигит “Айик”нинг икки қовурғасига икки қўллаб шундай тез урдики, ўнлаб тушган муштдан “Айик” мувознатини йўқотиб, қўлларини ёзиб орқага қалқий бошлиди. Тумшуғига ўхшатиб тепилган тепкидан сўнг ортига йиқилди. “Айик” йиқилди-ю, худди пружинадек сакраб ўрнидан туриб кетди. Бу йигит учун кутилмаган ҳол эди. Ҳа, бундай зарбалардан кейин ўрнидан туришнинг ўзи бўлмайди. Мана энди яна

қуролга етишнинг имкони йўқقا чиқди. Олдиндаги рақибдан кўз узиб бўлмайди. Ерда ётган соқчиларнинг биттаси қимирламай ётган бўлса ҳам, иккитаси ўринларидан кўтарила бошлашди. Йигит тезда ўша қўзғалаётган соқчиларга ташланди. Бирининг бўйнига уриб ётқизди, иккинчисини қовурғасига тепди – у ҳам қулади. “Айик” иккови тағин юзма-юз туриб қолишиди.

Бу пайтда дараҳт кесувчи йигитларнинг бешови ҳам оғизлари очилиб қотган кўйи туриб қолишганди. Шуҳрат олишаётганларни кузатиб туриб беихтиёр олдинга юрди. У уч-тўрт қадам юргандан кейин Рустам югуриб бориб қўлидан тутиб қолди.

– Тўхта. Қаёққа кетяпсан?

Икки кўзи олдинга тикилган Шуҳратни Рустам маҳкам ушлади.

– Эсинг жойидами? Тўхта!

– Акам... акам... – беихтиёр пицирлади Шуҳрат.

– Э, қанақа аканг? Валдирама.

Икковининг олдидан бешинчи соқчи югуриб ўтди-ю, тариллатиб автоматдан ўқ отди.

– Ака-а!!! – қичқириб юборди Шуҳрат.

“Айик”ни йиқитиб автоматга узалган йигит шарт ўзини ерга ташлади-да, эмаклаб эманинг ортига ўтиб кетди. Эман ортидан унинг қораси бир лип этиб кўриниб кейин фойиб бўлди. Дараҳт ёнига етиб борган соқчи ортидан пайдар-пай ўқ узди. Ўқдони тугагач, шерикларига қаради. Ўн дақиқаларда соқчиларнинг бешови ҳам оёққа турди. Улар маслаҳат қилишиди-ю, ўрмон ичига югуриб кетишиди. Орадан йигирма дақиқача ўтиб бешови шалвираб қайтиб келишиди.

Кечки пайт ишни тугатишиб, қурилишга етиб келганларида бу ердагилар ҳам бирин-кетин уларга қўшила бошлашди. Яна бир кун якун топганди.

— Хўш, ўрмонда ишлар қалай? — сўради Музаффар Рустамдан.

— Бўлди ажаб ҳангомалар. Кейин бафуржа айтиб бераман.

“Айик” Музаффарнинг олдига келганда тўхтади. Уни биринчи марта кўраётгандай бошидан оёғигача қараб чиқди.

— Мени биринчи марта кўряпсанми? — сўради Музаффар уни эрмаклаб.

— Сенинг аканг борми? — унинг пичингига парво қилмай сўради “Айик”.

Музаффар театр артистларига монанд икки қўлини ёзиб бошини эгди ва икки қўлида Шуҳратни кўрсатди.

— Яна-чи?

Музаффар икки кафтини кўрсатиб елкасини қисди.

— Ҳамманг бир-бирингга ўхшайсан сенлар, — “Айик” шундай деб ўтиб кетди.

— Танибди ифлос, — деди Шуҳрат у кетгач.

— Кимни?

— Акамни. Бугун акам келди, Музап. Ўзим кўрдим. Ҳамма кўрди.

— Бўлмаган гапни гапирма.

Музаффар Шуҳратдан кўзини олиб Рустамга қарди. Учови ётоқقا етгуналарича секин-секин юришиб, Рустам ўрмондаги воқеани ипидан игнасигача гапириб берди. Шундан кейингина Музаффар “Айик”нинг ўзига тикилиб қараганининг сабабини тушунди. Шуҳратнинг галига ишонди.

— Болалар, бу ердан тез кунларда қутулишимиз аниқ. Акам йўл топиб келибди. Ҳаммаси энди ўзимизга боғлиқ. Демак, бу ердан кетиш йўли бор экан. Биз учун қайғураётган одамлар бор. Дадил бўлинглар, — деди у кечки овқат маҳали ҳаяжонланиб. Шу кеча ярим тунгача Шуҳрат иккови акалари ҳақида гаплашиб ётишди. Унинг яна қайтиб келишига, бу сафар албатта бошқача тайёрланиб келишига иккови ҳам ишонарди.

— Мана кўрасан, Музап, акам энди албатта қурол билан келади, ё бўлмаса, ўзига ўхшаган шериклари билан келади. Мен биламан, акам албатта, ўзига ўхшаб шуғулланган болаларни топади, — дерди жўшиб Шуҳрат.

— Буниси аниқ. Акам нима қилишни билади, — уни қувватларди Музаффар. Ҳаммадан ҳам Шуҳратнинг кўнгли кўтарилиши, унинг қалбидаги тушкунликнинг йўқолиши муҳим эди. Бу кун Шуҳратнинггина эмас, барча йигитларнинг қалбида муҳрланиб қолган аллақандай куч уйғонган, бу куч озодлик сари талпинтирувчи энг катта нажот — УМИД эди.

* * *

Ўлмасжон автомат овозини эшитиб беихтиёр ўзини ерга отган пайтда ўнг курагининг устига нимагадир тегиб қўли илкас силкиганди. У эман ортига эмаклаб ўтди-ю, дарахтни пана қилиб олдинга югуриб кетди. Яхшиям, ўзини ўтлар қалин ўсган томонга ургани. Шу нарса жонига оро кирди. Ортидан анча пайтгача автомат тариллаб турган бўлса ҳам, йўлини ўзгартириб ўнг томонга бурилиб кетгани учун бу нарса хавф сололмасди. Югуриб борар экан, аввал ўнг қўлининг

елкасидан бошлаб оғирлашиб бораётганини сезди. Чарчаб тұхтаганда ўнг елкасида қаттық оғриқ турди. У чап құли билан орқасини силаб күрди. Орқаси құймичигача қонга ботибди. Қонни тұхтатиш керак. Ўтлар орасыга ўтириб оғриқнинг зўрига қарамай спорт курткасини ечди. Кўйлагини ечиб олди-ю, ич кийимини ечишга юраги безиллади. Қимирлаган сари қўлидаги оғриқ азоб берарди. Тишини тишига қўйиб ич кийимини ечиб, уни тишида йиртди ва рўмолчасини кураги устидаги яра устига тусмоллаб ташлади-да, мато билан елкаси оша бир амаллаб бойлади. Оғриқ ўтиб кетармикин деган умидда чўк тушиб ётиб олди. Ярим соатлардан сўнг зўрға курткасини кийиб ўрнидан турди. Елкаси зил-замбил бўлиб осилиб қолган, ўнг қўлинини қимирлатишнинг иложи йўқ эди. Шунда у тезроқ бу ердан кетиши, имкон қадар зудлик билан чол-кампирнинг уйига етиб олиши лозимлигини англади. Бундай жароҳат билан бу ерда қолиш ўзини ўзи нобуд қилиш билан баробар эди. У тунаган жойини йигирма дақиқада топди ва дараҳт шохига илиб қўйган тугунга ҳам қарамай, йўлини белгилаб олди-да, йўлга тушди. У чап құли билан ўнг қўлининг билагидан ушлаб олган, иложи борича кўп ҳаракат қилмасликка, оғриққа эътибор бермасликка уринар, аммо йўл унмасди. Қанча ўзини хотиржам тутишга уринса, шунча шошилаётган бўлиб чиқар, йўлида тез-тез қоқилиб кетарди. Иккинчи кун кун ботар пайтида тамоман ҳолдан тояётганини, йўлда юриб эмас, оёқларини зўрға судраб кетаётганини сезизб қолди. Йўлда қўлига тасодифан тушиб қолган уч кулочча, билакдек таёққа суюниб қоронғи тушгунча йўл юришга қарор қилди. Кун ботиб, атроф қоронғу-

ликка чулғанган пайтда қалин ўтлоқ ичида тұхтади. Аъзойи бадани ловуллаб ёнар, чанқоқдан лаблари гүё ёрилиб кетганга үхшарди. Иситма чиқаётганини сезиб унинг учун ҳар дам ғанимат эканини билиб турар, лекин ўрнидан туришга мажоли етмасди. Бир дам үзини бўшаштириб куч йифиб олиш учун ёнбoshига бошини қўйган йигит тонғи совуқдан жунжикиб уйғонди. Ўрнидан турар экан, совқотганидан тишлари таккиллар, қалтирарди, аммо юзига урилган муздай эпкин ҳузурбахш туюлди. Ўзини анча тетик тутишга уриниб ёғочни қўлига олди-да, йўлга тушди. Икки соатлардан кейин яна үзини лоҳас сеза бошлади. Яна аввалги ҳолга тушиб қолди. Энди у юриб борарди-ю, атрофни идрок қилолмас, кўзлари ўз-ўзидан юмилиб борар, үзини қўлга олиш учун тўхтар, бироқ қанча муддат туриб қолганини ҳам англамасди. Фақат ички бир сезги, вужудидаги ўзи англамаган аллақандай куч уни Дмитрий бобонинг уйи сари элтарди.

* * *

Эндиғина ўрнига кириб ётган Дмитрий бобони кампири туртди.

— Дима, қулоқ сол. Фаза жуда безовта ҳуряпти.

Дарҳақиқат ит эшик олдига келиб ҳуар, югуриб четан эшик томонга кетар, яна қайтиб келарди. У одатда бирор ёввойи ҳайвон яқинлашса шунақа узундан узоқ ҳуарди.

— Нима бало, яна айиқ-пайиқ келдимикин, — чол ғудраниб ўрнидан турди. Бир қўлига фонар, бир қўлига бешотарни олиб ташқарига йўл олди. У уйдан чиқиши билан ит олдига югуриб келди-да, думини

ликкиллатди ва бир марта “вов” деб четан эшик томон югуриб кетди. Зум ўтмай тағин қайтиб чолнинг олдида калласини ва думини ликкиллата бошлади. Агар бирон ҳайвон бўлса ит бундай қилмасди. Чол олдинга юриши билан югуриб олдига тушди. Таажжубланган чол фонарини четан эшик томон қаратди. Эшик олдида бирор турага, икки қўллаб ёғоч тўсиқни ушлаб олганди. Чол унга яқин бориши билан йигит секин-секин чўк тушди-да, юзтубан йиқилди.

* * *

— Яхшиям отишаётганда бошингни олиб қочган экансан.

Ёғоч сўрида юзтубан ётганча ҳушига келган Ўлмасжоннинг чолдан эшитган биринчи гали шу бўлди. У ўрнидан турмоқчи бўлиб чап томонига ағдарилди.

- Турма, ҳозир мумкин эмас.
- Ҳеч қаерим оғримаяпти, — деди Ўлмасжон.
- Одатда оғриқ тунда қўзийди. Ҳозир Маша келади, нима қилиш кераклигини айтади. Малҳам қўяди яна. Унгача дам ол.
- Маша буви қани?
- Сенга шўрва пиширяпти. Сени қара-ю, қаҳрамонларча кетдинг, қаҳрамонларча келдинг.
- Ярадор бўлдим-ку, — деди Ўлмасжон.
- Ҳамма қаҳрамонлар ярадор бўлади. Мана менда ҳам учта ўқнинг изи бор. Яна қаерда дегин? Бири чап қовурғам остида, бир нақ чап курагим остида, юракнинг шундоққина қўшниси, бири қўлимда, мана, — чол ўнг қўлини шималаб кўрсатди. Унинг ўнг билагида ёнфоқдек чуқурча бор эди.

— Дима бобо, кўп ҳушсиз ётдимми? — сўради Йигит.

— Кечқурун келдинг, мана, эрталаб турдинг. Бахтингга Маша шу ерда, ўтларни қайнатиб дарров дори қилиб ярангга қўйди, бир нималарни баданингга суртди.

— Раҳмат, сизларга, — Ўлмасжон беихтиёр ўнг қўлини кўтармоқчи бўлганди ғалати бир оғриқдан юзини буриштириди. Шу дамда буғи чиқиб турган шўрва кўтариб кампир кириб келди.

— Салом, Маша буви.

— Салом, салом, тентаквой. Қалай, ҳушингга келиб қолдингми? Маша бувингнинг қўли енгил шунаقا. Насиб қилса бир ҳафтада отдай бўлиб кетасан. Ўқ курагингни шилиб ўтибди, гўшти бироз титилган, суюкка зарар етмаган.

Кампир бир дунё гапни гапириш билан бирга косани Ўлмасжоннинг қўлига тутқазиб олдига сочиқ ёзди-да, икки бўлак нон қўйди.

— Шўрвани симириб-симириб ичиб ол. Кейин ётиб дам оласан.

— Турсам бўлмайдими?

— Аввал шўрвани ич. Ярангни қайта боғлайман, кейин тураверасан.

Ўлмасжон шўрвадан бир ҳўплади-ю, афтини буриштириб косани ерга қўйди. Шўрва жуда тахир эди.

— Ол, ич, афtingни буриштирма. Уч марта ҳўплаганингдан кейин ўрганиб қоласан. Бу сенга қувват беради. Бунаقا шўрвани ҳаммага ҳам қилиб беравермайман.

— Бу ўзи нима? — сўради Ўлмасжон чол-кампирга жавдираб.

— Тузалганингдан кейин айтаман. Ҳали яна сўраб қоласан бунақасини, — жилмайди кампир.

Ўлмасжон ўзини мажбурлаб шўрвадан яна ҳўпла-ди. Ажабо, кампир айтганидай уч-тўрт ҳўпламдан кейин оғзига ёқиб қолди. Беш дақиқада косани бў-шатди. Бироздан сўнг вужудига аллақандай тафт югурди. Пешонаси терлаб ўзини жуда енгил, аммо ғоят ҳорғин сезди.

— Чарчадим, ётаман, — деди у. Кампир унинг орқа-сига иккита пар ёстиқ қўйди. Чап ёнбошига суяниб кўзини юмди.

— Ичинглаги бор дардингни суғуриб олади бу шўрва, бир ухлайсан — тамом. Яна ўрмонга боравера-сан. Аммо бу сафар сени ёлғиз жўнатмайман, — ўзи-ча пўписа қилди Дима бобо ва ўрнидан турди. Чол-кампир уни қолдириб чиқиб кетишиди. Ўлмасжон эса ёш боладек пишиллаб ухлаб қолди...

— Ҳой, уйқучи, тур ўрнингдан, — Маша момо уни туртиб уйғотганда пешин бўлганди. Кўзини катта-катта очган йигит бошида турган кампирни кўриб унга қараб жилмайди.

— Туриб бет-қўлингни ювиб кел, ўрнингни бир қоқиб қўяй.

Ўлмасжон эринибгина ўрнидан турди. Бошини уқалаб-уқалаб ташқарига чиқди. Қўлини қимиirlата олмаса ҳам, оғриқ йўқолган, елкаси қотиб қолгандай эди. Бир амаллаб юзини ювиб киргач, Маша момо уни сўрига ўтқазиб ярасини очди. Аввал бир коса-даги ўрик шарбатига ўхшаган суюқ нарсага пахтани шимдириб ярасини ювди, кейин ликопчадаги қоп-қора автолга ўхшаган нарсани чаплади-да, устидан пахта босиб оқ сурп билан қўлтифи ва елкасидан ўт-казиб боғлаб қўйди.

— Мана энди бемалол айланиб юравер, фақат олис кетиб қолма, — тайинлади кампир.

Үрнидан турган йигит ўзини тетик ва бардам сезди. Аста юриб ҳовлига чиқди. Чиқишини кутиб тургандай Фаза югуриб келди. Уни эргаштириб Дима бобонинг олдига юрди. Чол ҳовли этагида, чавара олдидаги гилос остида фўлага ўтириб олиб арқон эшмоқда эди.

— Хўш, аҳволлар қалай? — сўради чол.

— Зўр. Нима қиляпсиз?

— Пичан ғарамини боғлашга керак бўлади деб әрқон тайёрлайпман. Қишиғамини ҳозирдан ейиш керак. Сигирларга пичан тайёрлайдиган вақт бўлди, эртадан оз-оздан ўриб қўявераман.

Ўлмасжон унинг ёнига чўнқайиб ўтириди.

— Энди гапир. У ёқда нима ишлар қилдинг? Келишингдан маълумки, бир ўлимдан қолгансан. Маша ярангни хавфли эмас деди. Аммо мен сенга айтсан, хилват ўрмонда арзимас жароҳат ҳам баъзан ҳалокатга олиб келиши мумкин. Вақтида улгуриб етиб келганинг — омад.

— Ўзим ҳам сездим. Ярадор бўлишим билан бу ёққа қараб йўлга тушдим. Агар ўзимни тутиб оламан деб яrim кун кечикканимда ҳам етиб келолмас эканман. Маша буви қўрқиб кетгандир?

— Қўрқмайди, — илжайди чол, — бунақа ҳодисалар авваллари бу ерда тез-тез бўлиб турарди. У кўпларни даволаган, бунақа яраларни кўравериб кўзи пишиб кетган. Бундан анча йиллар олдин бу ерда қишлоқ бўлган, одамлар яшашарди, ов қилишарди, ўрмона га боришарди, энди эса бирор қадам босмайди бу ёқларга. Ўрмоннинг сирдоши бўлиб Маша икковимиз қолдик.

- Ўзингиз ҳам овда яраланганмисиз?
- Ҳей-й, бола, шунақа яраларни овда орттиради-ми одам, урушда олганман, урушда, — кулди чол.
- Нима бўлган, гапириб беринг?
- Нимасини гапирасан. Уруш эди. Ўликлар, яра-дорлар, дўстлардан ажралишлар... — чол қўлида-ги арқонни ерга қўйиб хаёл суриб қолди. Бироздан кейин секин сўзлай бошлади:
- Курск дугасини эшитганмисан? Ўша ерда 1943 йил ёзида Молочи деган тепалик учун қаттиқ жанг бўлганди. Ўлар-тириларимизга қолмай биз олдинга интиламиз. Тепаликдан туриб душман бизни дўп-послайди. Бир куни шу тепаликни қандай қилиб бўлмасин қўлга олиш ҳақида қўмондонликдан буйруқ келди. Ҳали тонг отмасдан ҳужум бошланди. Тепадан отилган ўқлар бош кўтаришга қўймайди. Бу ёқда эса ортга чекинишга қўйишмайди. Кун тиккага келганда батальоннинг олдинги аскарлари тепаликка чиқиб олишга муваффақ бўлишиди. Шуларнинг ичида мен ҳам бор эдим. Яна бир шеригим бўларди. Икковимиз бир кунда батальонга келиб тушганимиз. У ҳам мен билан ёнма-ён. Пастдаги ҳам ҳолва экан. Тепада бўлди қирғинбарот. Эҳ-ҳе, ҳамма аралаш-қу-ралаш бўлиб кетган. Тепадан самолётлар бомбар-димон қиласи, бунинг устига, бизниклар бизнинг тепаликка чиққанимиздан хабари йўқ, шекилли, тўплардан отиб турибди. Бироздан кейин душман артиллерияси ҳам шу томонга қараб отиб қолди-ку. Чамаси, тепалик қўлдан кетди деб уларга ахборот етган. Шу ола-таъсир ичида икки томон қирпичноқ бў-ляпмиз. Автомат, милтиқлар тинмайди. Беркинишга жой қани-ю, имкон қани? Бир ерда ётсанг, тўп ўқи-

дан ҳалок бўласан, чор-атрофинг эса дайди ўқ. Шу тўполон ичида югуриб кетаётганимда чап қовурғамга нимадир тегди. Ишонасанми, гимнастёркамни “пиқ” этиб овоз чиқарганини эшиганиман ўшанда. Кейин ўнг қўлимдан милтиқ тушиб кетди. Ҳушими ни йўқотаётиб ўнг билагимдан ҳам қон оқаётганини кўрганиман. Кейин нима бўлди, нима қўйди эслай олмайман. Ўшанда учинчи ўқ нақ курагим остини тешиб чиқсан экан, балки ҳушимдан кетганимдан кейин теккандир. Кўзимни очсам, дала госпиталида ётибман. Ярадорларни ташийдиган аравага оргишаётгани элас-элас эсимда қолган. Ким мени тепаликдан олиб тушди, бу қирғиндан қандай олиб чиқди – эслай олмасдим. Кейинчалик олти ой ўтгач, батальонга қайтиб келганимда батальон ҳамширалари мени шеригим тепаликдан олиб тушганини, ярадорларни олиб кетаётган аравага ортиб, ўзи аравага осилганича ҳалок бўлганини айтиб беришди. Уларнинг айтишларича, шеригимнинг орқаси ўқдан имма-тешик бўлиб кетган экан. Шу ҳолида ҳам мени қутқаришга улгурибди. Мен ундан бир умр қарздор бўлиб қолдим. Уруш тугагандан кейин узоқ йиллар унинг манзилини суриштирдим – топа олмадим. Унинг ҳам сенга ўхшаб қошлари қоп-қора эди. Биласанми, у ким эди?

Ўлмасжон елкасини қисиб чолга қаради.

– Ўзбек эди. Исми Тожибой, фамилияси Усмонов. Ундан менга икковимиз тушган биргина сурат ёдгор бўлиб қолган. Ҳали уйга кирсанг, кўрсатаман.

Анча тин олганларидан кейин чол қўлига тағин арқонни олиб сўради:

– Ўзинг у ерда нима бўлганини айтмадинг-ку?

Шундан кейин Ўлмасжон қаерга боргани, нима воқеалар бўлганини эринмай гапириб берди.

— Қандай қилиб бу ерга етиб келдим, ўзим ҳам билмайман, — деб гапини тұгатди у.

— Демак, укаларингни топибсан-да?

— Лекин уларни қутқара олмадим. Шуниси алам қилади.

— Сабр қил. Вақт келади ҳали. Ҳамма нарсанинг ечими вақтда. — Дима бобо эшиб бўлган арқонни ўрам қилиб бойлаб ўрнидан турди. Иккови олдинмакейин бўлиб уйга кириб борганларида кампир чинни ликопларга шўрва сузаётганди.

* * *

Орадан ўн кунлар ўтгандан кейин Ўлмасжон чолкампир билан хайрлашди. Уни Дмитрий бобо от аравада кузатиб қўйди. Жўнаш олдидан кампир унинг кўлига бир халтачада гиёҳ тутқазди.

— Буни қайнатиб бир маҳалдан ўн кун ичсан, — тайинлади у.

Ўлмасжон энди яраси анча овора қилса керак деб кўрққанди, аммо ундей бўлмади. Маша момонинг қарови билан кураги устида озгина чандиқ қолганини ҳисобга олмаса, яра жуда тез битди. Қўлининг кучи қирқилмабди. Бемалол ўз машқларини бажарадиган бўлибди. Шундай бўлса ҳам, кампирнинг айтганини қилиб гиёҳларни қайнатиб ичиб туришни ният қилди. У то Дмитровга етиб келгунча воқеаларни ўзича таҳлил қилди. Ўйлаб-ўйлаб соқчига рўпара келиш олдидан хаёлга берилиб кетганини эслади. Ўшанда синчковроқ бўлганда, балки ҳозир бошқачароқ бўлармиди? Энди улар ҳушёр бўлиб қолишли,

назоратни кучайтиришади. Кейинги сафар борганда ҳамма нарсани ҳисобга олишга қарор қилди. Аммо уни яна бир нарса хавотирга соларди. Билишича, қўриқчилар сони ўттиздан кам эмас. Агар ҳаммасиям унга рўпара келганларига ўхшаб шуғулланган йигитлар бўлса, уларга бас келиши даргумон. Анови тўртovини-ку бир амаллади, аммо иchlарида улардан кўра ўткирроқлари бўлса-чи?

Коронги тушиб шаҳар шовқини бироз пасайган маҳали у йигитларнинг ётоқхонасига кириб келди. Биринчи бўлиб Нодир кўрди. Ярим тунгача Рўзивой, Нодир ва Салимларга бошидан кечирганларини гапириб берди.

— Ниҳоят, сен бўлган жойларни зиёрат қилиб келдим, — деди у Салимга ҳазиллашиб.

— Топиб бора олганингизга қойилман. Наҳотки биронтаси билан гаплашолмадингиз? Ана шуниси чатоқ бўлибди-да, — афсусланди Салим.

— Ўзим ҳушёрлик қилмадим. Ҳали анча юрсам керак деб ўйлагандим, олдимдан кутилмагандан чиқиб қолишиди.

— Сизни танишгандир биронтаси?

— Эҳтимол. Аммо қочиб кетаётганимда кимдир “Ака” деб қичқиргани қулогимга кирди, ё менга шундай туюлдими. Агар рост бўлса қичқирган аниқ Шуҳрат эди. Мабодо у мени кўрган бўлса, таниб қолган. Соқчилар билан муштлашаётганимда иккита йигитни менга қараб туришганини кўрдиму, лекин уларнинг юзларини кўришга имкон бўлмади.

— Демак, йигитлар сизни кўришибди. Энди яна қайтиб боришингизни кутишади. Ўзлари ҳам тайёрланишади. Музаффар ака, Рустам акалар бор. Қараб туришмайди, — умидворлик билан деди Салим.

— Улар бир иш чиқариша олишмайди. Айтдингизку, соқчилар кўп, назорат кучли деб, — деди унга қараб Нодир.

— Қочиш йўлини излашади. Биз “ ўрмон Архангельск томонга олиб боради. У ергача йўл оғир. ўрмондан ўтиб бўлмайди”, деб ўйлардик, — деди Салим, — мана, Ўлмас акани кўрганларидан кейин ўрмондан чиқиш мумкинлигини англашади.

— Гапинг тўғри, — тасдиқлади Рўзивой, — ҳар қалай, энди улар ҳам ҳаракатга тушиб қолишади.

— Бу ёғини энди вақт кўрсатади. Нима бўлганда ҳам эндиги сафар қаттиқ тайёрланиб бораман, — деди Ўлмасжон эснаб, — бугун жуда чарчадим, ётиб дам олайлик. Нима қилишни эртага ўйлаб кўраман.

У Рўзивойга қараб синиқ жилмайди.

— Бу сафар мен ҳам сиз билан бораман, — деди Нодир астойдил. Шу билан йигитлар дам олиш тадоригига тушдилар. Ўлмасжон Нодирга қўлини мушт қилиб кўтариб қўйди-ю, индамай бўш ўринга чўзилди.

* * *

Йигитларнинг ҳаммаси тағин Музаффар билан Рустам атрофида бирлашдилар. Улар ташқаридан келадиган ёрдам муқаррар эканлигини англағач, ўзлари ҳам курашга тайёр туришлари зарурлигини тушунишди. Иш жойида ҳам, ётоқда ҳам энди бир-бирлари билан ўзаро ҳурмат, бир-бирини авайлаш бошланди. Ҳамма талотўплар умидсизликдан бўлишини англаған Музаффар йигитларни шундай умид билан ушлаш ва уларни курашга чорлаш лозимлигини англар, кечалари Рустам иккови узоқ-узоқ бир нималарни муҳокама қилишарди. Уларнинг

аңгламаётган нарсаларини англашларига вазиятнинг ўзи имкон яратиб бера бошлади.

Бир куни кечқурун Музаффар Солижонни овқат тайёрлашини кузатар экан, унинг ўроғлиқ қоғоздан гўштни олиб столга қўйганини, кейин қоғозни юмалоқлаб ахлат чеҳак томон ирғитганини кўрди. Аввалига бунга эътибор бермади, бирордан кейин тўсатдан:

— Солижон! Қоғозни олиб кел! — деб юборди. Ҳеч нимани тушунмаган йигит унга қараб анграйди.

— Нима? Қанақа қоғоз?

— Челакка ташлаган қоғозингни айтяпман, — леди Музаффар. Йигит бир айб қилиб қўйдиммикин дегандай бир чеҳакка, бир у ёқ-бу ёғига қаради. Музаффарнинг юзида ним табассум пайдо бўлганини кўриб кўнгли хотиржам бўлди шекилли, чеҳакдаги юмалоқланган қоғозни келтирди. Музаффар столга қоғозни авайлаб ёзди. Фижимларини кафти билан сидириб текислади. Бу — Россия харитасининг бир бўлаги эди. Унда Москвадан Астрахан, Петербург, Архангельск шаҳарлари жойлашган жойлар акс этган, бошқа томонларнинг тасвири йўқ — йиртил-ганди.

— Мана йўл! — кафтининг қирраси билан столга урди Музаффар. — Бирор марта ақлимиизга келмаганини қара. Аввал харита излаш керак эди, харита!

Унинг қувониб ҳайқирганидан Рустам ва яна икки-уч йигит ўринларидан туриб келишди. Ҳаммасининг кўзи стол устидаги фижимланган, ёғ босган харитага қадалди.

— Биз қаерда бўлишимиз мумкин? — сўради Рустам.

— Мана қара. Бу — Москва, бу — Вологда, бу ерда

Твер, мана бу – сув омбори. Бу ерга олиб келишаёт-
ганда қанча юрганимиз ёдингдами? Машинада олти
соатдан ортиқ юрмаганмиз. Демак, биз Твердан ҳам
Вологдадан ҳам анча олисдамиз, айни пайтда, шу
икки шаҳарнинг ўртароғида бўлишимиз керак. Бу
сув омбори эса юқорида, биз унга яқин эмасмиз, –
Музаффар кўрсаткич бармоғи билан харитани кўр-
сатди.

– Тушунарли, – бошини қашиди Рустам, – биз
Москвага яқинлигимиз аниқ бўлди. Агар ўрмон ичи-
да кун чиқиш тарафга қараб юрилса, узоги билан уч
кунда бирор шаҳарга, ё посёлкага чиқиб борамиз.

– Қойил, қойил! Солижон, бугун сен зўр кашфиёт
қилдинг, – Музаффар гўё бу янгиликни Солижон
очгандай елкасига шапатилади.

Битта-битта бўлиб туриб келган болалар гўё бир
мўъжизани томоша қилгандай харитага тикилиб ту-
ришарди.

– Энди гап бундай, – деди Музаффар, – мана йўл.
Борадиган йўлимизни аниқлаб олдик. Фақат қочиш
режасини обдон ўйлаб, пишиқ-пухта йўл тутишимиз
қолди, холос. Ҳозирдан бошлаб қочишга тайёрланамиз.

– Аввалги сафаргидай қовун туширсак-чи? – сўра-
ди кимдир.

– Бу сафар бундай бўлмайди. Ўтган гал қаёққа бо-
ришни, қаёққа юришни билмасдик, – гапни илиб
кетди Рустам.

– Тўғри, бу сафар юрадиган йўналишимиз аниқ.
Энг муҳими, уч кунга чидаб берсак, бас – қутула-
миз, – уни тасдиқлади Музаффар.

– Қандай, қачон қочишимиизни белгилаб олиши-

миз керак, — орага суқилди Элдор, — бу гал бу ердан чиқиб кетишимиз қийинроқ бўлади. Назорат кучайтирилган. Эҳтимол, ҳозир ҳам бизни кузатаётганлар бордир.

— Элдор тўғри гапиряпти, — деди Рустам, — ҳозир бизга кўринмай кузатаётганлар ҳам бўлиши керак, чамамда. Кечаги воқеа ҳам уларни анча бесаранжом қилиб қўйди. Ўрмон ичига ҳам соқчилар жўнатишгандир, эҳтимол. Нафақат бизни, балки бу ерга келиш йўллари ҳам соқчилар томонидан қўриқланаётгандир. Буни ҳам ўйлаб кўриш керак.

— Менда битта таклиф бор, — худди синфда ўтиргандай қўл кўтарди Азизбек.

— Гапир.

— Гапир.

— Биз қочиш режасини тузишдан аввал соқчиларни ўргансак қандай бўларкин?

— Яъни? — Музаффар ялт этиб унга қаради.

— Яъни уларнинг нечтаси биз билан чиқяпти, нечтаси дам оляпти, нечтаси ўрмон ичига кетяпти, қайси соқчи қайси вақтда қаерда бўляпти — шуларни аниқ билишимиз керак.

— Гапингда жон бор, — уни маъқуллади Рустам.

Йигитлар Музаффар ва Рустамни ўртага олишиб му-ҳокамани бошлаб юбордилар. Бир соатлардан кейин овқатланишаётиб ҳам бири олиб, бири қўйиб нима қилиш кераклиги ҳақида фикр билдирадилар. Ниҳоят, ярим кечага яқин соқчиларни кузатиш ҳақида бир қарорга келишиб дам олишга ётдилар. Музаффарнинг топшириғи бўйича ҳар бир бола соқчиларни foят синчковлик билан кузатиши ва ҳар куни кечки пайт кўрганлари ҳақида бирма-бир ҳисоб

бериши керак эди. Рустам эса ўзига жадвал тузиб, соқчилар фаолиятини ёзиб борадиган бўлди. Йигитлар бу галги уринишларининг бесамар кетмаслигига ишонардилар.

* * *

Шу тонг эрталаб Ўлмасжон Маша момо берган гиёҳ дамламасининг охиргисини ичди.

— Мана, Маша момога берган вазъдамнинг устидан чиқдим, — деди у Нодирга. Униси индамай жилмайди.

— Тайёрланишни қачон тугатасиз? — сўради Ўлмасжондан.

— Яна бироз бор. Формага-ку кириб олдим, ҳар қандай жангга тайёрман, аммо қурол масаласи ўйлантириб турибди.

— Анавилардан олган тўппончалар-чи?

— Йўқ, улар ярамайди. Менга шунаقا қурол керакки, енгил ва кўп бўлсин.

Нодир унга тушунмай тикилди.

— Отадиган, аммо овоз чиқармайдиган бўлиши лозим. Бу нима биласизми?

Нодир елка қисди.

— Киноларда кўрганмисиз, нинзалар отади. Худди ўшанаقا қуроллар ясашим керак.

— Улар қанаقا бўлади? Ясашни биласизми ўзи?

— Биламан, фақат бир нарса ўйлантириб турибди.

Менга пайвандчи-токарь керак.

— Ўзимизда пайвандчилар бор-ку, — таажжубланди Нодир.

— Жуда нафис пайвандчи-токарь керак менга, жуда уста бўлиши шарт.

Нодир кулди. У Ўлмасжонга сирли қаради-да:

— Унақасини ҳам топамиз, хоҳласангиз ҳали иш жойига айланиб боринг, — деди. Ўлмасжон унга тасдиқ маъносида бош силкиди. Шундан кейин иккovi ўтириб чой ичдилар ва Нодир ишга жўнади. Ўлмасжон эса ярим соат ташқарида айланиб келдида, яна машғулотини бошлади. Унинг елкасидаги жароҳат из қолдирган бўлса ҳам, энди яна аввалгидек куч-қувватга тўла эди. Икки соат тиним билмай шуғуллангандан кейин иш жойига йўл олди. Иш жойида йигитлар билан ҳазил-хузул қилиб айланиб юрди. Икки соатлардан сўнг Нодир уни пайвандчилар ишлаётган ерга олиб борди.

— Бу боланинг исми Жонузоқ, — деди у Йигирма тўрт-Йигирма беш ёшлардаги бир йигит билан Ўлмасжонни танишитирар экан, — ўзи намангандлик, пайвандчилик ва темирчиликнинг барча сир-асрорларини билади, ота-боболари чилангар бўлиб ўтишган. Бу акангиз — Ўлмасжон, сизда иши бор экан, қўлингиздан келса ёрдам беринг.

— Жоним билан, нима хизмат бўлса қўлдан келганча, — Жонузоқ Ўлмасжонга қўл узатар экан, са-мимий жилмайди.

— Мана, танишириб қўйдим. Бу ёғини ўзинглар гаплашасизлар, мен кетдим, озгина сувоқ қолган, тушликкача тугатишими зарур, — деб Нодир қайтиб кетди.

Ҳол-аҳвол сўрашиб яхши танишиб олганларидан сўнг Ўлмасжон Жонузоққа ўзига керак бўлган нарсани тушунтироқчи бўлди, аммо унинг юзидан ҳеч нарсани англамаганини сезиб:

— Велосипед Филдирагини симидек, қаттиқ симинглар борми? — деб сўради. Жонузоқ югуриб тепа

қаватга чиқиб кетди-да, ҳаял ўтмай икки қулочча пўлат сим кўтариб тушди.

— Мана шу симдан бир қарич-бир қарич қилиб қирқиб беришингиз керак, орқасига қалай куядиган қилиб ишлов бериш лозим, кейин қолганини айтаман, — деди Ўлмасжон.

— Буни токарлик станогида қилиш керак экан-да, — деди Жонузоқ, — Майли, ўзим кечки пайт танишларимнинг олдига тушиб қирқиб қўярман, токарь ошналарим кўп бу ерда.

— Фақат ҳеч ким билмасин.

— Нечта керак ўзи?

— Қирқтacha бўлса етади.

— Осон экан-ку. Кечқурун ётоқхонангларга ўзим олиб бораман.

— Яхши бўларди, нима қилиш кераклигини маслаҳатлашардик.

Иккови кечқурун учрашишга келишиб хайрлашдилар. Ўлмасжон қурилишдан чиқиб қурилиш ашёлари сотиладиган бозорга томон жўнади.

Кичкинагина бу бозорчада михдан тортиб шифергача, оҳакдан тортиб лампа деворгача — ҳамма нарса сотиларди. Бу ерда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Ўлмасжон айланиб юриб ўзига майда тишли эгов ва қумқоғоз олди...

Кечқурун айтганидек Жонузоқ етиб келди. У ёқбу ёқдан гурунглашиб ўтириб овқатландилар, чой ичдилар. Нодир билан Жонузоқ “фалон жойда бўлганмисиз, фалондақа-пистондақа” деб гапга тушиб кетдилар. Бундан фойдаланган Ўлмасжон Жонузоқ келтирган симларни елим қофоздан олиб, бирини танлаб олиб эгов билан учини эговлай бошлади.

Столнинг қирғоғига қўйиб унга обдон ишлов берди. Кумқоғоз билан бир-икки ишқалагач, бигизга ўхшаб учли бўлиб қолди. Уни деворда осилиб турган Но-дирнинг коржомасига отди. Бигиз коржоманинг ен-гига санчилиб қолди.

— Санчилди, — деди Жонузоқ гапдан тўхтаб. Икки йигит суҳбатлашиб уни кузатиб туришганди.

— Коржома юмшоқ бўлгани учун санчилди. Аслида бу қаттиқ нарсага санчилмайди. Шуни қаттиқ нар-сага отганда ҳам санчиладиган қилиб беришингиз керак, эплай оласизми? — Ўлмасжон бигизни олиб келиб Жонузоқнинг қўлига тутди. Жонузоқ бигизни у ёқ-бу ёққа айлантирди, бармоғи билан учини босиб кўрди.

— Жуда ўткир бўлибди, — деди у.

— Фақат шу ҳолида ундан фойдаланиб бўлмайди, узоққа учмайди, деворга отсангиз сапчиб кетади, бундан йўғонроғи эса нокулай.

Жонузоқ бигизни деворга отди. Ҳақиқатан ҳам у деворга уни билан тегди-ю, тиринглаб ерга тушди.

— Бунинг орқа тарафини ярмидан қўрғошинга бо-тириб олса, узокроққа учади, — кўрсаткич бармоғини тепага қилиб уқтирди Жонузоқ, ортидан яна қўшиб қўйди: — Ё бўлмаса, никель ва қалай билан ишлов бериш керак.

— Нима бўлса ҳам беш-олти қадамдан деворга сан-чиладиган қилиб бера оласизми?

— Ваъда беролмайману, лекин эртага бир дона ясашга ҳаракат қиласман, — деди Жонузоқ бориб ер-даги бигизни олар экан. Ўлмасжон жойига ўтириб маъқул ишорасини қилди...

Эртасига кечки пайт эндиғина чойга ўтиришган

пайтда эшик тақиллаб Жонузоқнинг жингалак сочи кўринди.

— Ясадим, ака, — деди у ҳали ичкари кирмаёқ. Ўлмасжон ўрнидан туриб кетди. Қўлидаги матоҳни кўрди-ю, кўзлари чақнади. Жонузоқни ўтиришга таклиф қилишни ҳам унугиб курсини олди ва дебраза токчасига таглигини ўзига қаратиб қўйиб эшик олдига келди-да, бигизни отди. Бигиз “пиқ” этди-ю курсига санчилди.

— О, жуда зўр! Мана шунақаси керак эди, мана шунақаси! — Ўлмасжон ҳаяжон билан Жонузоқни қучоқлаб олди. Кейин югуриб бориб бигизни олди-ю, уни кўздан кечира бошлади. Симнинг учидан икки бўғимча қолдирилиб япалоқ қилиб текисланган, орқа томони тирнокдек қилиб айлана қилиб яссиленган, устидан қўрошин қуйиб чиқилган, орқа томонидаги яssi жойи эса қўрошиндан иборат эди.

— Ўзиям икки соат шу билан овора бўлдим-да, — гердайиб жавоб берди Жонузоқ.

— Биттасига икки соат вақт кетган бўлса, қирқтасига қанча вақт кетади-ю, эҳ-ҳей, — ҳайратланди Нодир.

— Йў-ўқ, фақат шунга анча ўйландим-да, қолганинни бемалол беш-олти кунда ясаб ташлайман, — қувониб гапирди Жонузоқ.

Учала йигит ҳаяжон билан гапга тушиб кетдилар. Орада Нодир пишириб келган макарон қовурдоқни едилар. Кичкинагина бигизни гоҳ униси, гоҳ буниси қўлига олар, гўё зўр топилмани томоша қилаётгандай унга завқланиб қаардилар.

— Бугун сешанба. Якшанба куни мен сизга роппа-роса қирқта шунақа бигиз олиб келиб топшираман, — деди Жонузоқ ифтихор билан.

У айтганини қилиб якшанба куни эрталаб Ўлмасжоннинг олдига қирқта ўшанақа бигиздан олиб келиб қўйди. “Мана энди ўрмонга жўнасам бўлади”, ўйлади Ўлмасжон. У ўзича икки кундан кейин жўнашга аҳд қилди. Энди укаларини бўғиб ётган аждарга қарши курашга қаттиқ бел боғлаган, ўзи учун муҳим қуролга эга бўлганди. Аммо орага бошқа бир воқеа тушди-ю, сафари тағин ортга сурилди.

* * *

Музаффар билан Рустам ҳар куни кечқурун йигитларнинг ахборотини биттама-битта тинглайдилар. Секин-аста шу нарса аён бўла бошладики, уларни кузатаётган соқчиларда тиним йўқ экан. На кундузи, на кечаси назорат бир дақиқа сусайтирилмайди. Энди нима қилиш керак? Бу савол бора-бора ечими йўқ масалага айланиб борарди. Шундай кунларнинг бирида дард устига чипқон деганларидай йигитларнинг бошига яна бир кулфат тушди. Иккитаси – Азизбек ва Ҳасанбойлар безгак бўлиб қолишли. Болаларнинг иккови ҳам тишлари таккиллаб қалтирашар, тинмай сув сўрашарди. Музаффар биринчи куниёқ ишдан қайтишда Рустам билан ўзидан бош-қаларни қурилиш бўлаётган бинода ётиб қолишини қатъий талаб қилиб туриб олди. Талабини ўринли деб билган Парҳом ҳам, “Айик” ҳам ноилож кўнишга мажбур бўлдилар. Икки кундан кейин Парҳом Музаффарнинг қўлига пакетчада дори тутқазди:

– Бу безгакка қарши таблеткалар, ўзингга ва болаларга, ҳар куни икки маҳалдан уч кун ичасизлар, уч кунга етади.

– Уларга-чи? – сўради Музаффар ётоқ томонга

ишора қилиб. Пархом ноиложман дегандай құлларини ёйиб, елка қисди.

Икки йигитнинг омон қолиши уларнинг қувватига боғлиқ бўлиб қолди. Йигитларнинг ҳаммаси ташвишда бўлсалар-да, ёрдам бериш қўлларидан келмас, бундан қаттиқ ўқинчда эдилар. Бир куни Рустам:

— Мен бир ерда эшитгандим, қарағайнинг барги кўп дардларга шифо бўлармиш, эҳтимол, қайнатиб берармиз, — деб қолди.

— Пархом билар балки бирор давосини? — сўради Элдор умид билан.

— У билганда аллақачон айтарди, — афсус билан бош чайқади Музаффар. Ҳамма жим. Бирордан садо чиқмагандан кейин Музаффарнинг ўзи йигитларнинг кўнглини кўтаришга тушди.

— Бу гриппга ўхшаган касаллик, ундан ҳеч ким ўлмайди, фақатгина парваришга боғлиқ. Биз — Рустам икковимиз парвариш қиласиз, ҳали отдай бўлиб кетишади. Шу кундан бошлаб қарағай баргини қайнатиб ичириб турамиз. Сизлар эса уч кунгача у ерга қадам босмайсизлар.

Бу талабини барча жимгина тасдиқлади. Тушликка яқин Музаффар қўлида уч литрлик банка билан ётоққа кириб келди.

— Мана, ниҳоят, сизларга дори топиб келдим, — деди у ҳушчақчақлик билан Азизбек ва Ҳасанбойга. Иккови ҳам жиққа терга ботиб кетишган, мадордан анча кетишганди.

— Музаффар ака, сизга юқмайдими? — сўради Азизбек кўрпасига букчайиб ўралар экан.

— Ҳазар қилсанг синикдан бошқа ҳамма нарса

юқади. Менга юқмайди, қўрқма. Пархом билан ўрмон четида яшайдиган бир кампирнинг олдига бордик, икки соатда шу дорини тайёрлаб берди. Уч кунда қувватга кириб кетар эмишсизлар. Кампирнинг айтишича, ҳозирги замон дўхтирлари бу доридан кучлироқ дори тайёрлай олишмас эмиш, — ўзини зўрлаб ёлғон гапирди Музаффар. Ортидан кириб келган Рустам ҳам унинг гапини маъқуллаб: “шундоққина, уч чақирим нарида одамлар яшашар экан, билмаганимизни қара”, деди Музаффарга сирли қараб. У ҳам йигитлар “ҳақиқий дори ичяпмиз”, деб ўйлашлари учун шу гапни гапираётганди.

— Буни бир стакандан уч маҳал ичасизлар. Ҳар куни таъсири ортиб бораверади. Яна айтиб қўйганимиз, индинга Пархом тагин келтиради, — деди Музаффар.

Музаффар ва Рустамнинг қаровлари яхши бўлдими ё қарағай қайнатмаси шифо бўлдими, ҳар қалай иккиси бир ҳафтада оёққа туриб кетишди. Ўнинчи куни Пархом иккисини етаклаб йигитларнинг олдига олиб борди.

— Мана, паҳлавонлар опоқ бўлиб қолишли, — деди у йигитларга ҳазиллашиб, — бугундан бошлаб шу ерда сизлар билан ётаверишади, ётоққа эса уч кундан кейин қайтамиз.

Йигитларнинг ҳаммаси болалар билан келиб кўришдилар. Айримларининг ҳатто кўзларида ёш милтиллади. Дори ҳақидаги сир эса сирлигича қолди.

* * *

Йигитлар ишга кетишгач, икки соат тиним бил-

май машқ қилған Ўлмасжон чарчаб елкасига сочиқни ташлаб йүлакка чиққанды ҳамки, зинапоядан шиддат билан югуриб чиқиб бу томон чопиб келаётганды йигитга кўзи тушди. Бу Салим эди.

— Уҳ, ҳайрият, шу ерда экансиз, — деди у келибоқ ва ҳансироғини босиш учун тиззаларини ушлаб энкайди. Иш жойида бирон ёмон ҳодиса бўлибди-да, деб ўйлаган Ўлмасжон: “Шошма, шошма, нима бўлди? Ўзингни бос”, — деди.

— Садр келди, — деди ҳансираф Салим.

— Садр?

— Ҳа, ўша ифлос. Ҳозир Рўзивой билан гаплашяпти, ёнида шериклари ҳам бор.

— Нимага келибди? Сабабини билдингми?

Салим энкайган кўйи “йўқ” деб бош чайқади.

— Шу ерда туриб тур, — Ўлмасжон кийиниш учун хонасига қайтди. Зум ўтмай ўзини одми кўрсатиш учун бўлса керак иш кийимини кийим чиқди-да, Салимни қистади: — Кетдик.

— Сени танимадими? — йўлда сўради Салимдан.

— Мени кўргани ҳам йўқ.

— Рўзивойда нима иши бўлиши мумкин?

— Чамамда, одам сўрайди-ёв.

— Сен уни танимаганга олгин, ҳўпми, — тайинлади Ўлмасжон.

— Ҳўп.

Улар учинчи қаватга кўтарилганларида йўлак ўртасида Рўзивой икки нотаниш йигит билан гаплашиб турар, уларга бир нималарни тушунтироқчи бўлар, улардан бири унга бир нималар деб эътиroz билдиримоқда эди. Салимни тўртинчи қаватга чиқишига имлаб Ўлмасжон йигитлар томон юрди.

Йигитларнинг бири ёш бўлишига қарамай соқол қўйиб олган, оёғида оқ шиппак, оқ шим, оқ кўйлакда, бошида тунги оқ дўппи, бўйи Ўлмасжон баравар бўлиб тинмай гапираётганди. У Рўзивойни бир нимага кўндиришга уринаётганди. “Шу Садр бўлса керак” ўйлади Ўлмасжон. Иккинчи йигит ундан кўра паст бўйли, юмалоқ. У ҳам оқ шим, оқ кўйлак ва дўппида. Ўлмасжоннинг бир кўнгли икковини ҳам шу ерда дабдаласини чиқариб қисти-қафасга олишга ундади-ю, яна бир кўнгли “шошма, қани, кутиб турчи, буларнинг мақсади нима экан”, деди. Ўзини куч билан босди-да, юзига самимий ифода беришга уриниб йигитларга яқинлашди.

— Ассалому алайкум, келинглар юртдошлар, — деди у.

— Ва алайкум ассалом, — Садр беписанд кўл узатди. Қўли сут соғувчи хотинларнинг қўлидай юмшоқ, аммо совуқ эди.

— Ўлмас ака, келдингизми? — сўрашди Рўзивой. Иккинчи йигит ҳам сўрашгач, гапини давом эттириди:

— Шунаقا, бизнинг ўзимизга ҳам пайвандчилар керак.

— Бор-йўғи ўн кунга беринг бўлмаса. Ишларини тугатишлари билан ўзим олиб келиб қўлингизга топшириб кетаман, иншооллоҳ, — деди Садр.

— Иш ҳақлари қанақа бўлади?

— Ҳар бирига кунига юз доллардан бераман, худо хоҳласа, ишонаверинг. Оз-моз пул ишлаб олишади-ку.

— Нима гап? — Рўзивойдан сўради Ўлмасжон.

— Бу акамларга пайвандчилар керак экан. Пайвандчилар эса ўзимизга ҳам зарур.

— Бу ерда бир ойда олган пулларини бир кунда олишади, — бидирлади Садр.

— Гапинглар ростми? — ундан сўради Ўлмасжон.

— Ёлғон гапиришдан Аллоҳ сақласин, биродар. Биз ёлғонни ёмон кўрамиз.

— Агар шундай бўлса, икки йигитни менга берсанг, ўзим олиб бориб келардим, — Рўзивойга маъноли қаради Ўлмасжон. Унинг нигоҳида ўзича маъно туйган Рўзивой пича сукут сақлади-да:

— Агар сиз бирга борсангиз, бераман йигитларни, — деди.

— Мана бу бошқа гап. Бир-биrimизни қўлласак, иншооллоҳ, кам бўлмаймиз. Аҳилликда барака бор, — гапни илди Садр дарров.

— Қачон кетишади, қачон келишади? Бу ёғини аниқ келишиб олайлик. Майли, мен сизга уч кишини бераман, — деди Рўзивой.

— Ҳозир биз билан боришади. Ҳудо хоҳласа, ўн кундан кейин ўзим олиб келиб қўяман, — тагин бидирлади Садр.

— Яхши. Бу акам бирга боради. Бу кишининг хизматига қанча берасиз, йигитларга қанчадан?

— Айтдим-ку, йигитларинг кунига юз доллардан. Ҳисоб шу кундан бошланади. Бу биродаримизга эса кунига эллик доллардан берамиз, иншооллоҳ.

— Йўқ, — деди Ўлмасжон қатъий, — менга ҳам, болаларга ҳам кунига юз элликдан, ками бўлмайди.

— Бўпти, келишдик, пайвандчиларни олиб тушаверинг, вақт зиқ. Тезроқ боришимиз керак, — осонгина кўнди Садр. Унинг гапидан Ўлмасжоннинг шубҳаси тасдиқ топди. Бирорга ҳақ тўлаш нияти бор одам бундай қиммат нархга ўла қолса кўнмасди.

— Келишдик. Роппа-роса ўн кундан кейин сизларни шу ерда кутиб оламан. Мен чиқиб болаларни олиб тушай, — Рўзивой Ўлмасжонга бир қараб юқорига чиқиб кетди. Пайтдан фойдаланиб Садр Ўлмасжонга қўлида яна ўттизта йигит ишлаётгани, уларнинг ҳаммаси пулларини вақтида олаётгани, айримлари бир йилда уйига бориб машина олиб қўйиб келгандарини гапириб кетди. Гап орасида Ўлмасжонни нағоз ўқиш-ўқимаслигини сўради.

— Вақти-соати келса ўқирмиз, — деди Ўлмасжон. Садр унинг қаерлик эканини сўраганди, тўғрисини айтди. Бу билан унинг юзида бирор ўзгариш бўлиш-бўлмаслигини синчков нигоҳ билан кузатди. Йўқ, Садрнинг юзида ҳеч бир ўзгариш сезмади. Демак, бу палид Музаффарларнигина эмас, балки юзлаб шундай ватандошларни сотиб юборганки, уларни эслай олмайди. Агар фақат бир маротаба шу ишни қилгандা, ҳозир Ўлмасжондан гумонсираган бўларди. Ахир, бир кўрган одамларнинг кўпчилиги Музаффар билан Ўлмасжонни адаштириб қўйишарди-да.

Икром ва Мурод деган йигитларни эргаштириб Рўзивой тушиб келди.

— Мана шу акаларинг. Бу киши — Садржон. Бу киши — Эсонбой. Мен бир нарса деёлмайман сизларга, ўзинглар рози бўлсанглар, боринглар:

— Сизлар билан ҳали кўп борди-келди қиласиз. Бир ишимиз тушди. Ёрдам беринглар, биродарлар. Худо хоҳласа, биз яхши ҳақ тўлаймиз. Ҳали яна “иш борми?” деб бизни излаб қоласизлар. Гап-гап. Ҳар бирингларга кунига юз элликдан тўлаймиз, — уларни оғиз очтирмай сўзлади Садр сўрашаётиб.

— Агар Ўлмас ака борса, бораверамиз, — деди Икром. Мурод ҳам уни тасдиқлади.

— Ана келишдик. Худо йўлимизни очди, кетдик бўлмаса, — гапни илди Садр. Сўнг йигитларга қараб сўради:

— Паспортиналар ёнинглардами?

— Буларда ҳужжат йўқ, — деди шоша-пиша Ўлмасжон, — икковиникиям йўқолган. Менда бор, шу етар.

Садр талмовсираб қолди.

— Нима, бўлмайдими? Майли, ишларига чиқаверишсин булар. Анови молдаванларнининг бригадасида ҳам пайвандчилар бор, ўшаларни гаплашамиз, — деди Рўзивой.

— Майли, бир иложини қиласиз. Юраверинглар бўлмаса, — Эсон иккови болани қучди.

— Бир дақиқа. Мен телефон қилиб олай, — Ўлмасжон уларни тўхтатди ва икки қадам юриб телефонини олди-да, Нодирнинг рақамини терди. У атайлаб овозини кўтариб русча гапира бошлади:

— Алло, Виталик, мен зарур иш билан бир ерга кетяпман, бу якшанба бўлмайман, қуролдошларга айтиб қўй... А?.. Ҳа... ҳа... кейингисига албатта келаман... Э, нима деяпсан? Келмасам ўзинг излаб бора-сан-ку. Ҳўп, ҳозирча.

У қайтиб келди-да, Рўзивойга уқтириди:

— Нодирга айтиб қўярсан. Ҳалиги рус болалар излаб келишса, қаерга кетганимни тушунтириб қўйсин. Телефонда биттасига айтдим-ку, барибир, бошқалари излаб келаверишади.

Унинг гапидаги ўйинни сезиб Рўзивой илжайди.

— Ҳўп, айтиб қўяман. “Афон”ларингиз сизни у ерга ҳам излаб боришади, кўрасиз, — қўл силкиди Рўзивой.

Бинодан чиқишиб “Раф”га ўтиришаркан Эсон сўради:

— Афғонда хизмат қилганмисиз?

— Ҳа.

— Бу ерда қуролдошларингиз борми?

— Иккитаси билан бирга хизмат қилганман. Бошқалари бошқа-бошқа қисмларда хизмат қилишга бўлишса ҳам, қуролдош деб билишади ўзларини. Ҳаёт якшанба бир йифилишиб Афғонистонни эслаймиз, — ёлғонни боплади Ўлмасжон.

— Кўпчиликмисизлар?

— Мен билан ўн тўрттамиз. Иккитаси Рязандан қолганлари шу ерлик болалар.

Садр билан Эсоннинг бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб олганлари Ўлмасжоннинг синчкоғнигоҳидан четда қолмади.

Ярим соатдан ортиқроқ юрганларидан кейин улағ қалин бетон деворли бино олдига келиб тўхтадилар Садр дарвоза дарчасидан дарвозабонга бир нима дегач, дарвоза очилди-ю, машина ичкари кирди. Бу жой катта бир ҳовли бўлиб, узунлиги юз, эни олтмиш метрлар келар, ҳовлининг ўртасида катта чуқур кавланган, у ерда одамлар ишлашаётган, пастдағашлаб девор уриб чиқишаётганди. Девордан деворга симлар ҳам тортилаётган экан. Афтидан, биронтас бой одам бу ерга лимонарий қурмоқда эди. Садр айтганидек, бу қурилишда ўттизга яқин одам ишлаётганди. Уларни кўриб ишлаётганларнинг аксарияти тикилиб қолдилар. Улар ҳам ўзбекистонликлар эди.

— Мана шу ерда ишлайсизлар, — Садр қўли билағ кўрсатди, — аммо айтиб қўяй: бу ерда интизом қаттиқ, рухсатсиз дарвозадан чиқилмайди, чиққанлағ

аёвсиз жазоланади. Рухсатсиз ишдан дам олиш ҳам йўқ. Энди паспортингизни берсангиз, сизларга ишга рухсатнома тайёрлаб беришим керак.

— Мана, — Ўлмасжон унинг қўлига икки бувланган қоғоз тутқазди.

— Нима бу?

— Паспортнинг нусхаси. Менда ҳам паспорт йўқ, — унинг кўзига тикилди Ўлмасжон.

— Бу билан бўлмайди. Менга паспортингизни беринг, — буйруғомуз деди Садр. Ўлмасжон қўлини ёзиб елка қисди. Садр Эсонга қаради. “Бир илож қилармиз”, деб минфирлади униси.

— Бўпти. Сизларга ётоқни кўрсатиб қўяй, кейин ишга чиқасизлар. — Садр уларни девор ёқалаб бошлаб кетди. Нарироқдаги учта вагонеткаларнинг бирига уларни бошлаб кирди. Вагонетканинг деворидан бошқа нарсаси олиб ташланган, ерга наридан бери рандаланиб тахта ётқизилган, устидан эса линолеум тўшаб қўйилганди. Бу хонага ўн киши бемалол жойлашади, кароват йўқ, бир четда беш-олтида кир босган матрац тахлоғлик.

— Мана шу ерда ётиб тура турасизлар. Имкон бўлганда чойшаб-кўрпа топиб берамиз, — деди у.

— Бу жойнинг олдида ўзимизники шоҳона кўринаркан, — Мурод Ўлмасжонга қаради.

— Шунисига ҳам шукур қилиш керак, — димоғ билан унга қаради Садр.

— Нима бўлса бўпти. Биз бу ерда вақтинчамиз-ку, чидаймиз. Ишга қачон чиқамиз? — сўради Ўлмасжон.

— Ҳозир анови йигитлар тушликка чиқишиади, — соатига қараб олди Садр, — биргаликда тушлик қилиб олганинглардан кейин ишга турасизлар. Нима қилиш кераклигини ўзим айтаман.

У гапини тугатар-тугатмас ташқарида қандайdir темир даранглади. Бу тушликка чорлов эканини йигитлар англашди. Садр билан Эсон уларни қолдириб чиқиб кетиши. Хонага икки нафар йигит кириб келди. Улар ўзларини Рустам, Асқар деб таништирилар. Икки йигит ҳам йигирма-йигирма икки ёшлардаги, чуваккина, аммо серҳаракат йигитлар экан. Дарров полга дастурхон ёзишиб, ташқаридан тунука ликопчаларда овқат, нон ташиб келтириши. Битта темир чойнакдаги чойни кир босган, сарғайған стаканларга Асқар қуйиб қўйди-да, иккови ҳам индамай карам шўрвани хўриллатиша бошлашди.

— Олинглар, акалар, эндиғина ишга чақиришади, — орага гап суқди Асқар. Йигитлар ҳам уларнинг кўнгли учун истар-истамас овқатланган бўлиши.

— Бунақа bemаза овқатни пиширган ошпазга раҳмат, — деди Икром, — доим шунақа овқат ейсизларми?

— Шунисига ҳам шукур, — деди Рустам жавдираб.

— Нимасига шукур дейсиз? — ажабланди Мурод.

— Садр аканинг айтишича, ҳозир Москвада қанчаканча одамлар оч, ишсиз юришганмиш. Бошпанасиз одамларга ёрдам бериб тургани учун Садр ака баъзан бизга ўхшаганларнинг пулини вақтида беролмас экан.

Унинг гапидан Ўлмасжон кулиб юборди.

— Ким айтди сизга буни?

— Ана, Садр ака ҳар куни “бугун фалон ерлик ўзбек болага билет олиб бериб уйига жўнатдим, бугун фалончи деганнинг иш ҳақини ундириб бердим, бугун фалончи деган болани фалон пулга милициядан қутқариб чиқдим, бўлмаса, қамалиб

кетарди”, деб келади. — Асқар шеригининг гапини ўзича далиллади.

— Ўзингларга қанчадан маош беряпти?
— Бизга ойига беш юз доллардан беради, — жавоб берди Рустам.

— Шу пайтгача қанча олдинглар?
Иккиси ҳам Ўлмасжонга қараб қотиб қолишиди.
— Келганларингга қанча бўлди? Қанча олдинглар?
— саволини такрорлади у.
— Уч ой бўлай деб қолди, — фудранди Рустам.
— Ҳали пул олмадинглар?
— Бизга ҳаммасини тўплаб бермоқчи Садр ака, — деди Асқар.

— Уч ойдан буён пул бермаган бўлса... — Мурод гап бошлаганди, Ўлмасжон тиззасига шапатилаб гапини бўлди.

— Чойингларни ичинглар, ҳаммаси тушунали, бориб нима иш қилишимиз кераклигини кўрамиз,
— Ўлмасжон ўрнидан турди. Бу болалар билан сұхбатни давом эттиришнинг фойдаси йўқ деб ўйлади у. Чунки буларни шу даражада авраб олишибдики, энди улар қорни тўйганига шукур қилиб юраверадиган ҳолга келишибди.

Ташқарига чиққанларидан сўнг Садр келиб уларни қурилаётган иншоот томон олиб борди. Узун деворнинг ҳар беш метрига арматурадан устун қилиб тўқиб пайвандлаб чиқиш керак экан. Шундан кейин бу арматура устунлар ичига цемент қуйиб чиқилишини Садр тушунтирди.

— Қанчада тугата оламиз? — Муроддан сўради Ўлмасжон.

— Етти-саккиз кунда қотириб ташлаймиз, — ишонч билан деди Мурод.

— Яхши. Қанча тез бўлса, шунча яхши. Сизларга керакли асбоб-ускуналар шу ерда, ҳозир келтиришади, ишни бошлайверинглар. Ўша гапимиз гап. Ишни тугатасизлару ҳақингларни оласизлар. Сизларга нима керак бўлса, бунга айтасизлар, — Садр бидирлаб Эсонни кўрсатди. У йигитлар билан Эсонни қолдириб ўзи аллақаёққа кетди. Зум ўтмай икки йигит иккита пайвандлаш асбобини судраб келдилар. Мурод билан Икром дарров биттадан кўз ҳимояловчи ниқобни олишди ва ўзларига қалин, пайвандчилар кийимини олиш учун Эсон билан омбор томон кешиди.

Бир соатлардан кейин икки йигит иш бошлади-пар. Ўлмасжон эса гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг әлдига борар, ўзича уларга ёрдам бериб, баъзан сим, баъзан болға узатиб турарди. Аксар ҳолларда унинг кўзи ғишт тераётган, лой қилаётган нариги йигит-парда бўларди. Бу ерда ишлаётган ўттизга яқин йигитнинг бари алданган одамлар эди.

Орадан тўрт кун ўтди. Бу орада йигитлар шу ерда ишлаётган ҳамюртлари билан танишиб ҳам олди-пар. Гарчи кўпчилик йигитлар иш ҳақи берилмаётганидан норози бўлишса ҳам, уларда кетиш имкони йўқ эди. Чунки ҳужжатлар Садрда бўлиб, у йигит-парни қўрқитиб олганини Ўлмасжон билиб қолди. Бир куни у Нормат деган бола билан гаплаша туриб ҳунга амин бўлди. Унинг “Бошқа ердан иш топсанг бўлмайдими?” деган саволига Нормат деди:

— Э, ака, қаерга ҳам бораман. Бу ердан чиқишимиз билан мелиса ушлаб қамаб қўйса. Ана, Садрнинг гапига қараганда, ҳужжатсиз одамни ушлаб олишса уч йилга қамашар эмиш.

Ўлмасжон унга алданганини тушунтириб берганидан кейин ўйланиб қолди. Эртасига келиб бу ердан қандай кетиши мумкинлиги ҳақида Ўлмасжондан маслаҳат сўради.

— Ҳамманглар бир бўлиб чиқиб кетсанглар — тамом, — деди Ўлмасжон.

— Ҳужжатларимизни қандай оламиз?

— Судга арз қиласизлар.

Унинг гапидан Норматнинг ҳафсаласи пир бўлди. У ўла қолса бош кўтара олмайдиганлар хилидан чиқиб қолди. Бунақаларга “мана пулинг, мана ҳужжатинг” десанг бўлмаса, “тақдирим шу экан”, деб юраверади.

— Инсофга кириб қолишар, — деди у хомуш. Ўлмасжон унга қараб ҳам ачинди, ҳам ғаши келди.

Аммо бу ердаги йигитларнинг ҳаммаси ҳам Норматнинг тоифасидан эди десак хато бўларди. Уларнинг ичида курашиб керак бўлганда қайтмайдиганлари ҳам бор эдики, улардан айримлари кечқурунлари Ўлмасжонларнинг хонасига кириб қандай қилиб бўлмасин пулларини ва ҳужжатларини қайтариб олишни маслаҳат қила бошлишди.

— Мен сизлар билан кетаман, — деди бир куни Муҳаммадали деган фаргоналик йигит, — нима қилиб бўлса ҳам мени олиб кетинглар.

— Ҳужжатингизни-ку бир амаллаб қўлга киритамиз, лекин пулингизни... — ўйланди Ўлмасжон.

— Э, ўлиб кетсин. Булар бундан кейин ҳам пул беришмайди. Бундан кўра бирон жойга тезроқ жойлашиб пул топганим яхши.

— Бу бошқа гап. Аллақачон шундай қилиш керак эди, — уни маъқуллади Икром.

— Қачон кетсанглар, мен тайёрман. Фақат сизлардан илтимос, мени ташлаб кетманглар.

Үлмасжон Мұҳаммадалига ёрдам беришга ваяда қиңди-ю, бошқа йигитлар ҳақида унга индамади. Бунинг сабаби, бу ерда ўзига ортиқча муаммо оттириб олмаслик фикрига келганди. Садрни қаердан тошишни аниқлади. Ундан қасос олишни ортга сурғани маъқул. Олдинда укаларини қутқаришдек вазифа турганда бу ерда ўралашиб шарт эмас. Агар Садр ваядасини бузмай вақти келиши билан иш ҳақларини бериб бу ердан чиқариб юборса, индамай кетади. Мабодо... бу ёғини яна ўйлаб кўрар.

Ниҳоят, айтилган муддатда, роппа-роса ўн кундан кейин Икром билан Мурод ишни тугатишиди. Ун биринчи кун эрталаб учовининг ишини Эсон бирмабир юриб кўриб чиқди-да, сўнг сўради:

— Қачон кетмоқчисизлар?

— Ҳозир кетамиз, у ёқда бизни кутиб туришибди, — жавоб берди Ўлмасжон.

— Маъқул. Юринглар бўлмаса, сизларни кузатиб қўяй, — Эсон пилдираб дарвоза томон кета бошлади.

— Тўхтанг, — уни тўхтатди Ўлмасжон, — биз нима деб келишгандик?

Эсон унга тушунмагандек қайрилиб қаради.

— Биз билан ким ҳисоб-китоб қиласиди?

— Мен билмайман. Садрбек сизларни кузатиб қўйишимни айтган, холос.

— Чақиринг ўша Садрни, — важоҳат билан деди Ўлмасжон.

— У йўқ. Кетган, — фўлдиради Эсон.

— Қаёққа кетган?

— Билмайман, ака. Сизлар бу ердан тезроқ чиқинглар, кейин гаплашамиз.

— Калланг борми? — Ўлмасжоннинг жаҳли чиқиб уни сенсирашга ўтди. — Қаёққа чиқамиз? Ҳозир топ ўша Садрни. Ҳаққимизни оламиз, кейин чиқамиз бу ердан.

Эсон у ёқ-бу ёққа қараб тўсатдан дадилланди.

— Яхшиликча чиқинглар бу ердан бўлмаса, қўриқчиларни чақираман. Пулингларни Садрбек ўзи олиб бориб беради.

— Ахмоғингни топибсан, ука. Аввал пулни берасан, кейин гаплашамиз.

Эсон унга жавоб бермади-ю, бирданига бурилиб, тез-тез юриб дарвозахона томон кетди. Хаял ўтмай у ердан туришидан қанақа миллатлигини билиб бўлмайдиган йигитни бошлаб келди. Уларнинг иккovi ҳам малла, аммо мўгулбашара йигитлар бўлиб, икковининг ҳам бўйлари Ўлмасжон билан баравар, чамаси, ўзига бино қўйганлардан эдилар. Бирининг қўлида нимчак. Бир томонини ушлаб, бир томонини қўлтиғига қистириб олган, ўзи тақирбош. Шуниси уларнинг каттаси экан шекилли, келибоқ Ўлмасжонга қараб:

— Нима ғалва бўляпти бу ерда? — деб сўради ва қўлидаги нимчакни бир айлантириб қўйди. Бу билан у ўзининг зўравонлигини намойиш қилмоқчи бўлдими, ё “шуғулланганман, кўриб қўй”, дедими. Ўлмасжон уларга ҳақини олмай бу ердан чиқмаслигини тушунтиromoқчи бўлди, аммо ҳарчанд уринмасин, улар тушунишни исташмай бу ердан чиқишини талаб қила бошлашди. Охири иш шу даражага еттики, ўша нимчак тутган йигит Ўлмасжонга ошкора таҳдид қила бошлади.

— Еттигача санайман, бу ердан яхшиликча чиқ-

санг, чиқдинг, бўлмаса, улоқтириб ташлайман! – дўқ қилди у. – Ҳисоб кетди – бир.... икки...

Ўлмасжон Икром билан Муродга дарвоза олдига боришлини буюрди ва ўзи тақирбошнинг кўзига боқиб унинг саноқни тугатишини кута бошлади.

– ... Олти... Етти...

Саноқ тугади-ю, тақирбош Ўлмасжонга тишларини фичирлатиб олайди.

– Сен яхши гапни тушунмадинг. – У Ўлмасжоннинг ёқасига қўл чўзди-ю, қовуғига ва нафас йўлига тепки еб букчайиб қолди. Унинг елкасига икки қўлини қўйиб туриб иккинчи йигитнинг бўйнига тепиб йиқитгандан кейин Эсонга қаради.

– Шуларми ишонганларинг?

Орқага тисарила бошлаган йигитни огоҳлантириди.

– Агар қочсанг, етиб оламан-да, қўл-оёғингни синдириб ташлайман. – У шундай дея ёнидаги тақирбошни ҳам, унинг шеригини ҳам яна бир мартадан тепди.

– Телефонингни ол! – буюрди Эсонга ваҳшат билан. – Садрнинг рақамини тер!

Эсон унинг важоҳатидан қўрқиб шоша-пиша телефонини олиб рақам терди. Телефондаги гап-сўзидан маълум бўлдики, буларни дўқ қилиб ёки куч билан ҳайдаб юбориш Садрнинг режаси экан.

– Айтиб қўй, агар ҳозир келмаса, сени ҳам, манови йигитларни ҳам ўлдираман, – орада дўқ қилди Ўлмасжон. Эсон пича гаплашгандан кейин Ўлмасжонга қараб:

– Борар эканмиз, ўша ерда ҳақингларни берар экан, – деди кўзини олиб қочиб. Бу ерда бир шумлик яширинганини сезиб Ўлмасжон унга буюрди.

— Айт. Тезда ўзи келсин. Бўлмаса, эртага “Аффон”лар билан бораман — кўради томошани. Эсон Садрга унинг талабини етказди. Чамаси, ундан қўриқчиларни сўради, шекилли:

— Улар ётишибди оёғининг остида, — деди, сўнг қўшиб қўйди: — Ҳозир етиб келади.

Бу сафар у Ўлмасжонга қараб гапирди. Бироздан кейин икки соқчи инқиллаб ўринларидан туришди. Ўлмасжон ерда ётган нимчакни оёғининг учи билан илиб қўлига олди-да, рўпарасида турган тақирбошга уқтириди.

— Бу жуда ҳам хавфли қурол. Аммо у устасининг қўлига тушса. Сен эса бунинг нима эканлигини англамай туриб қўлингга олибсан. Ишонаманки, бу билан муомала қилишнинг мингдан бир усулини билмайсан. — У қўлидаги нимчакни бир қур шундай тез айлантириди, тақирбошнинг оғзи очилиб қолди. Ўлмасжон нимчакни шимининг орқасига қистириб қўйди-да, тақирбошга буюрди:

— Энди ўзингнинг хонангга бор-да, бизнинг ишга аралашмай жим ўтири. Мен бу ерда ёлғиз эмасман. Менга ўхшаган мастерларнинг ўн биттаси бор Москвада, тушундингми?

Тақирбош ҳам, шериги ҳам унга ғинг демай дарвоза томон кетишиди. Ўлмасжон Эсонга индамай ортига қайрилиб қаради. Қурилишда ишлаётган йигитларнинг кўплари бу томонга қараб туришар, афтидан уларнинг баъзилари ўтишга иккиланиб туришарди. Ўлмасжон уларга томон қўл силкиб қўйди.

Ярим соат ўтмасдан дарвозаҳонадан қўлида тасбеҳ тутганча Садр пилдираб чиқиб келди.

— Ишни тугатибсизлар-да, биродар, — у ҳеч нарса

бўлмагандай қўлини узатди. Ўлмасжон унинг қўлини сиқиб ушлади-да, сўради:

- Биз бошида нимага келишгандик?
- Келишувимиз ёдимда, биродар, ёдимда. Фисабилло келишганмиз.
- Бўлмаса, ҳисоблашволайлик, — унинг қўлини қўйвормай талаб қилди Ўлмасжон.
- Гап бўлиши мумкин эмас. Албатта, ҳисоблашамиз, — Садр қўлини сирғантириб тортиб олди.
- Келишганимиздек, ҳар биримизга бир яrim мингдан, — гапни лўнда қилди Ўлмасжон.
- Биримизнинг ҳақимиз биримизда қолиб кетармиди, биродар, оласиз ҳақингизни.
- Яхши. Биз ҳозир кетмоқчимиз.
- Ҳозир бизда озгина муаммо пайдо бўлиб қолди пул масаласида. Сиз билан, биродар бундай қилсак: ҳозир учовинглар кетаверинглар. Мен пулингларни индинга етказиб бераман, ишооллоҳ.

Садрнинг кўзларида йилтиллаган қувликни кўриб Ўлмасжон бош силкиди.

- Йўқ, бўлмайди. Шартимиз — шарт. Ҳозир ҳисоб-китоб қиласиз.
- Кўйинг, биродар. Бир-биримиз билан ҳисоблашибишиш қочмас. Пул ўлсин-а, пул ўлсин. Наҳотки бир-биримизни пулга чақсаг-а, биродар. Бундай ноинсоф бўлманг.
- Йўқ. Сиз ноинсоф бўлманг. Ҳақимизни беринг — тамом.
- Сиз менинг кимлигимни билмайсиз шекилли?
- Сизнинг кимлигингиз билан нима ишим бор. Ҳақимни беринг тамом-вассалом.

Садр чўнтағидан бир сиқим доллар олди-ю, Ўлмасжонга тутқазди.

- Мана, биродар, ҳақингиз.
- Ўлмасжон қўлидаги пулни санади — роппа-роса бир ярим минг.
- Қолгани-чи? — Садрдан сўради у.
- Бу сизнинг ҳақингиз, биродар. Шуни олиб кетаверинг.
- Йигитларники-чи?
- Укаларингизни ўзингиз у-бу деб юмшатиб қўярсиз. Иншооллоҳ, янаги сафар уларнинг ҳақини ҳам кўпайтириб берармиз. Уларни йўлга солишни эпларсиз? Уч-тўрт сўм бериб қўйсангиз...
- Э, йўқ, оғайни, — Ўлмасжон Садрнинг қўлига пулни тутқазди, — бунақаси кетмайди. Йигитларнинг пулинни қўшиб тўлик қилиб беринг.
- Сиз билан келишолмаймиз шекилли, — деди Садр тумшуғи-ни кўтариб.
- Бунақада келишолмаймиз, — деди Ўлмасжон шартта.
- На чора бу ердан қуруқ қўл билан кетасиз-да энди. — Садр дарвоза томон қараб кўрсаткич бармоғи билан имо қилди. Унинг имосига маҳтал бўлиб туришган эканми, шу тобдаёқ дарвозахонадан тўрт нафар милиция кийимидағи бақувват йигит кела бошлади. Ўлмасжон уларни етиб келгунларича синчиклаб кузатишга улгурди. Учтасидан бирон шубҳали нишон тополмади-ю, аммо уларнинг тўртинчисининг оёғидаги ботинка диққатини тортди. Бу йигитнинг оёғидаги ботинка десантчи аскар ботинкаси эди. Устида милиция офицерининг мундирини — лейтенант, оёғида оддий аскар ботинкаси. “Демак, булар сохта милиционерлар” ўйлади Ўлмасжон.
- Нима гап, ўртоқлар? — милиционерларнинг бири келиб Садрдан сўради русчалаб.

“Үртоқлар”. Шу сўз Ўлмасжоннинг шубҳасини тасдиқлади. Ҳозирги милиционер бу сўзни ишлатмайди. Бу овсарлар тилидан илинди – қўйди.

– Мана бу ўртоқнинг ҳужжатларини текшириб қўйсангиз, – Садр Ўлмасжонни кўрсатди. У Ўлмасжоннинг довдираб қолишини, “нима қилиб бўлса ҳам мени булардан қутқаринг” дейишини кутганди, аммо у ўзидан ҳужжат талаб қилган милиционерга дадил қаради-да:

– Илтимос, аввал ўзингизни таништирсангиз, ўртоқ капитан, – деди. Капитан ён чўнтағидан гувоҳнома олди ва уни Ўлмасжоннинг кўзига яқин тутди. Бундай яқинликдан гувоҳномани ўқиб бўлмасди.

– Милиция капитани Игорь Фёдоров. Мана, бўлдими? – сўради у дағаллик билан.

– Ишонган бўлсангиз ҳужжатингизни кўрсатинг, – деди ёнидагиси.

– Менда ҳужжат йўқ, – қўлларини ёзди Ўлмасжон.

– Ундай бўлса, биз билан пунктга боришингизга гўфри келади, – деди капитан.

– Майли, бoramан, аммо сизлар истаган пунктга эмас, – Ўлмасжон ёнидан телефонини олди-да, рақам тера бошлади. Капитан унинг қўлига чанг солиб телефонни тортиб олмоқчи бўлди. Шериклари эса Ўлмасжоннинг қўлларига ёпишишди. Афтидан, унинг қўлини қайириб олмоқчи эдилар. Бироқ оний лаҳза улардан илдам ҳаракат қилган йигит капитаннинг қўлини бўғинидан ушлаб қайирди-да ўзининг гавдасини шерикларига кўндаланг тутиб олди. Шунда йигитлардан бири капитаннинг гавдаси оша гўё бир уришда масалани ҳал қиласигандай бор кучи билан мушт солди-ю, Ўлмасжон унинг қўлини тутиб олиб

қайириб ташлаши билан капитаннинг устидан ўмбалоқ ошиб оёқ остига тушди. Ўлмасжон дарвозаҳонадан югуриб келаётган бояги икки соқчини ҳам кўриб қолди. У пайсалга солмай капитаннинг кўксига бир тепди ва иккала йигит томон бир айланди. Иккиси ҳам буқчайиб қолгандан кейин яна бир сидра барчасига бир мартадан зарба берди-ю, ҳаммасини ерпарчин қилиб қўя қолди. Олдига етиб келган соқчиларни эса қўлида нимчак ўйнатганча кутиб олди. Кўз олдиларида пириллаб айланган нимчак ўз ишини қилди. Соқчиларнинг бири бошини, бири юзини ушлаганча аста-аста чўк тушдилар. Тўртowi милиционерни туришга қўймай яна бир мартадан нимчак билан сийлагандан сўнг Садрга рўпара бўлди.

— Сиз... сиз... мен билмабман. Хоҳласангиз... — аммо жағига тушган муштдан Садр ортига учди кетди. Шу онда Ўлмасжон югуриб келаётган одамларни сезиб ортига ўгирилди. Муҳаммадали ва икки йигитни кўриб таажжубланди. Бу уч йигитнинг қўлларида лопатка.

— Биз сиз билан, — дели Муҳаммадали. Ўлмасжон эса узоқдан Икромни ёнига имлади. У Икромга дарвозани маҳкам, бирор киролмайдиган қилиб тамбалашни буюргач, Муҳаммадалига қаради.

— Ҳаммасига етадиган чилвир керак.

Бири аллақаёқقا югуриб кетди. Яна ўн беш дақиқалардан кейин оёқ-қўллари чандиб ташланган олти киши ерда ётар, Садрнинг оғзи-бурни қон, чўккалсанган, Эсон эса нима қилишни билмай серрайганча турарди.

— Хўш, энди нима қиласиз? — сўради Садрдан.

— Сизни ўзимга ишга оламан... Сизга икки ҳисса тўлайман... Сиз... моҳир...

— Мен бошқа одамлар хизматидаман, — унинг жағини нимчак дастаси билан кўтарди Ўлмасжон, — сенинг қўлинг қисқалик қиласди мени ишга олишга.
— Сўнг Эсонга юзланиб уни олдига чорлади.

— Сенга роппа-роса йигирма дақиқа вақт бераман. Борасан-да, қаерга қўйган бўлсанг ўша ердан бу йигитларнинг ҳужжатларини келтирасан. Вақт кетди. Ўз вақтида келмасанг, бу ерда манови еттовининг ўлигини кўрасан. Сен ҳам тирик қолмайсан. Жўна! Эсон кўзлари ола-кула бўлиб Садрга қаради.

— У сендан шуни сўраяпти, тўғрими? — сўради Ўлмасжон Садрдан.

— Боринг, боринг. Ҳужжатларни келтиринг. Бу биродаримиз билан бундан буён яхши алоқада бўламиз, бирга ишлаймиз.

Ўлмасжон унинг бошига бир мушт туширди. Эсон эса пилдираганча дарвоза томон кетди.

Эсон қайтиб келгунча Ўлмасжон ва Муҳаммадали ҳалиги милиция формасидагиларни тинтиб чиқишиди. Ўзи ўйлаганидек булар сохта милиционерлар эди. Уларнинг фақат устки кийимлари милиционерларники эди. Ҳужжатлар эса бириникида лейтенант деб кўрсатилган, лекин формаси сержантники, бириники майор деб кўрсатилган, лекин формаси лейтенантники.

— Бу фирибгарликка Россия милицияси қандай қарап экан, ҳозир кўрамиз, — деди у Садрга синчков тикилиб.

— Мусулмонмиз, биродар. Мусулмонлар бир-бирларини сотишмайди. Мусулмонлар бир-бирларини қўллашлари керак. Бу ишингиз худога хуш келмайди, биз бир-биримизни қўллашимиз керак бегона юртда. Инсоф қилинг.

— Ўзингда инсоф борми? Ё мусулмонлар бир-бirlарини сотса худога хуш келаверадими, сенингча? Сен ўзинг мусулмонмисан? Қайси диндасан ўзинг?

— ғижинди Ўлмасжон. Унинг важоҳатидан Садр бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. Агар бир оғиз ғашига тегадиган гап қилса, бу йигит бир уриб ўлдириб қўйишдан ҳам тоймайдиган авзода эди. Шунинг учун қўлларини тиззасига қўйиб бошини эгиб жим қолди. Унинг учун фақат кутиш қолганди. Мабодо, Эсон ҳужжатларни олиб келмаса, тамом...

Айтилган муддатдан бир-икки дақиқа ўтиб Эсон дарвозадан кириб келди. Унинг қўлида жамадон бор эди.

Ўлмасжоннинг буйруғи билан Эсон жомадонни очди ва ҳужжатларни олиб унинг устига қўйди.

— Ҳақимизни ҳали ҳам бермоқчи эмасмисан? — сўради Садрдан.

— Уни ҳам олиб келдим. — Эсон шоша-пиша чўнтағидан пул чиқарди ва Садрга узатиб қўшиб қўйди:
— бу уч минг.

Садр унга чўнтағидан пул олиб узатди.

— Мана ҳаммаси. Учовингларники тўрт ярим минг.

Ўлмасжон унинг қўлидан пулни олиб кўкрак чўнтағига солди ва жомадон устидаги ҳужжатларни олиб Садрга қаради.

— Мен сени ҳозирча омон қолдирман. Аммо тез кунда алоҳида ҳисоб-китоб учун қайтиб келаман. Сен айрим одамлар олдида жавоб берасан ҳали. Сени суд қиласиганлар бор.

У ишларини қўйиб бу томонга баъзилари ҳайратланиб, баъзилари қизиқиб ёки қўрқиб қараб турган ишчилар томон юрди.

— Йигитлар, ким биз билан бу ердан кетмоқчи бўлса, мана паспорти. Ким қоламан деса, ўзи билади.

Унинг ортидан қўрқа-писа Садр яқинлашиб йигитларга паст овозда мурожаат қилди:

— Биродарлар, мен бу одам олдида айбор бўлиб қолдим. Аммо сизларни алдамоқчи эмасман, иншооллоҳ. Бу объектни топширишимиз билан, худо хоҳласа, пул бўлади ва ҳақларингни тўлиқ қилиб бераман, улгуржи пул оласизлар, худога қасам.

— Ўчир овозингни! — унга ўшқирди Ўлмасжон.

— Аллоҳ сизга инсоф берсин, биродар, шайтонга ҳай беринг, — Садр қўли кўксига ортига тисарилди.

Қурувчилар орасида саросима, ғовур-ғувур бошлиниб бир-биридан маслаҳат сўрага тушди.

— Сен кетасанми? Мен кетаман.

— Уч ой ишлаб қўйдик-ку, ҳақимиз нима бўлади?

— Бу ифлос пул бермайди бизга.

— Айтяпти-ку, объектни топширгач, бераман деб.

— Шунча вақтдан бери бир тийин бермаган одам энди берармиди?

— Худони ўртага қўйиб қасам ичяпти-ку, сабр қил.

— Барибир, бунга ишонмайман, кетаман.

— Уч ойлик пулимизга куямиз кетсак. Шошма.

— Ўзинг биласан.

Ўлмасжон гап-сўзларга анча пайт қулоқ солиб турди. Сўнг бир қўлини кўтариб йигитларга мурожаат қилди:

— Ким биз билан кетмоқчи бўлса, деворнинг бу томонига ўтиб паспортини олсин. Кутишга вақт йўқ, кетамиз. Аммо айтиб қўяй, бу ердан ҳозир чиқиб кетиш имконинглар бор. Бундай имконият бошқа бўлмайди, ўйлаб кўринглар, мен сизларни мажбур-

ламайман. – У паспортларни кўкраги баравар кўтарилиган девор устига қўйди-да, ортига қайтди. У Икром билан Муродга шу ернинг ўзида пулларини тақсимлаб берди-да, қўли билан уларни имлаб дарвоза томон юрди. Учови дарвоза олдига келишиб ортдаги йигитларга қараб бироз кутиб қолишиди. Ўн дақиқалардан кейин бир тўда бола улар томон юрди. Олдинда Муҳаммадали. Ўлмасжон йигитларни санаб кўрди – ўн икки нафар. Қолганлар чала урилган девор олдида бир тўп бўлиб туришар, Садр уларга зўр бериб бир нималарни гапирмоқда эди.

* * *

Улар дарвозадан чиққанларидан кейин шаҳарча томон юрдилар. Кўпчилик бўлиб юришнинг нокулай томони шуки, улов дарров топила қолмайди. Шаҳарчадаги катта чорраҳада кутишларини айтиб тўхтаганки машинага йигитларни учта-тўрттадан ўтқазиб жўнатиб бўлгач, охирида Икром ва Мурод билан машина кутиб қолишиди. Ўчакишгандек биронта кирақаш тўхтамасди. Айримлари ичидаги иккита-учта одам борлиги учун уларнинг уч кишилигини кўриб фарасини бир ёқиб ўчиради-да, жўнаворарди. “Уч киши экансизлар, сифмайсизлар”, дегани эди-да бу. Йигирма дақиқалардан сўнг уларнинг олдига бир қизил “Москвич” келиб тўхтади. Учови ҳам “тап-тап” ўтиришиди-ю, машина силжиди.

Келишилган жойга етганларида барча йигитларнинг бир ерда фуж бўлиб кутиб туришганини кўрган Ўлмасжон машинадан шошиб тушди-да, Муҳаммадалига:

– Кутиб қолдингларми? Мана келдик, келдик, – деди.

Энг каттасининг ёши йигирма бешга етмаган, жисмонан бақувват бўлсалар ҳам содда, беозор бу йигитлар хавотир билан икки ёқقا аланглаб туришарди. Гўё ҳозир биронта милиционер келади-да: “Қани, олдимга тушинглар, сизларни олиб бориб қамаб қўяман” дейдигандай. Ахир, уларга Садр шундай деб уқтирган-да: “Кўчага чиқсанг – тамом. Ё бир неча кун калтак остида мелисаҳонада ўтирасан, яъни жарима тўлагуningча. Агар жарима тўлай олмасанг, қамаласан. Ё бор-йўғингни тортиб олишиб депорт қилишади”. Ўлмасжон уларнинг кўзларидаги ҳадикни кўриб ачиниб кетди.

– Қайси томонга юрамиз, aka? – овози титраб сўради Нормат.

– Бу ердан икки чақиримча келади, шундоқ пиёда ўтиб қўя қоламиз. Манови дарахтзорни кесиб ўтиб етамиз. Юринглар, болалар, – Ўлмасжон йўлни қўндаланг кесиб ўтиб ўрмонча томон юрди. Ортидан бошқа йигитлар ҳам эргашишди.

Йигитлар яшаётган бинонинг орқа тарафидаги бу дарахтзор, гарчи шаҳарчага яқин бўлса ҳам, хилват эди. Чунки йўл йўқлигидан йигитлар бу томонга деярли юришмасди. Айниқса, қоронғи тушгач, ҳеч ким йўламайди. Ҳозир кундузи, бунинг устига кўпчилик бўлишгани учун Ўлмасжон болаларни шу томонга бошлаганди.

Ўрмонча кичкина бўлишига қарамай, қаровсиз, дарахтлар жуда қалин бўлиб, шохлари баъзи ерларда бир-бирига айқаш-уйқаш бўлиб эгилиб тушган, юрган одамнинг йўлини тўсарди. Бир чақиримлар индамай юриб боришгач, Ўлмасжон йўлини тўсиб турган тол шохларини суриб ўтди-ю, фалатӣ манзарани

кўриб тўхтади. Унинг ортидан келаётганлар ҳам унга етиб тўхташди. Ҳамманинг кўзи олдинга қадалди. Қарағай дарахтининг остида уч нафар йигит турар, уларнинг оёқлари остида бир одам ётарди. Ерда ётган йигитнинг уст-боши йиртилиб тупроққа беланган, оғзи-бурни қон эди. Буларни кўриб уч йигит бир-бирига қарашди, аммо жойларидан қимирламай тикилиб қолиши. Ўлмасжон бир қарашда булар безори одамлар эмаслигини сезди. Айни пайтда ерда ётган одамни юртдош деб гумон қилди. Йигитлардан ажралиб олдинга борди ва учаласининг олдига етганда ерда ётган йигитнинг юзига бир қараб олди.

— Нимага уряпсизлар буни? — Рўпарасидаги йигитдан сўради.

— Юртдошингнинг ўзидан сўра, — деди йигит дадил боқиб, сўнг қўшиб қўйди: — Бунаقا ишлар учун сизларда одамнинг калласини олишади.

Ўлмасжон ерда ётган йигитнинг елкасидан чангалилаб тортди. У инқиллаб ўрнидан туриб қўли билан оғзидаги қонни артди.

— Нима бўлди? — сўради ундан ўзбекчалаб. Йигит эса унга қаради-ю, кўзини олиб қочди. Бўйи Ўлмасжондан баланд, кенг елкали, ўттиз ёшлардаги бу йигитнинг ҳолати аянчли эди.

— Нима бўлди? Нимага уришяпти сизни? — саволини такрорлади Ўлмасжон. Йигит бир муддат Ўлмасжонга қаради-да:

— Менга ёрдам бер, — деди русчалаб. Шу пайтда ҳалиги йигит Ўлмасжонга қараб ғазабли шивирлади:

— Бу сенинг миллатдошинг нима қилганини мен айтайми сенга? Мана бу Сашанинг ўн беш яшар қизини куппа-кундуз куни зўрламоқчи бўлибди. Яхшиям, устига Саша ўзи кириб қолибди.

— Нимага бу менинг миллатдошим бўлади? Сен унинг миллатини сўрадингми? — Ўлмасжон жавоб кутмаёқ рўпарасидаги одамнинг уст-бошини тинта кетди. Орқа чўнтағидан паспортини топиб олиб очди-ю, бир муддат калтак еяётган одамга ғазаб билан боқди, қўли қаттиқ мушт бўлиб тугилди ва бор кучи билан унинг жағига солди. Ортига учиб тушган одамга қараб тупурди ва ёнида турган йигитнинг кўзига паспортни тутди.

— Мана кўриб ол, бунинг кимлигини. Менинг миллатимга бундай түхмат қилма, серий. Менинг ўзбекларим ановилар, — у боши билан йигитларни кўрсатди, — содда, ювош, меҳнаткаш. Бундай ифлос ишлардан ҳазар қилишади.

Ўлмасжон паспортни қўлига тутқазди-ю, йигитларни юришга ишора қилди. Ҳамма ўтиб бўлгач, охирида ўзи уларнинг ортидан кета бошлади. Ўн қадамлар юргач, ортидан бояги рус йигит чақирди. Ўлмасжон ортига қараб унинг шитоб билан келаётганини кўрди.

— Менинг исмим Павел Егорович, Паша десанг ҳам бўлаверади, — шошиб-пишиб деди йигит, — шу ердаги кабель заводида ишлайман. Йиғма цехга кириб дуч келган одамдан сўрасанг кўрсатиб қўяди. Сен мени кечир, юртдош. Биз адашибмиз.

— Сўраш керак эди кимлигини. Бу анчагина жиддий хато, — афсусланди Ўлмасжон.

— Сўрадик, сўрадик, — деди тез-тез Павел, — ўзи ўзбекман деди-да, қайдан билайлик.

— Буларда шундай одат бор, Паша, билиб ол. Агар бирон ёмон ишининг миси чиқса, иложи борича четдан келганларга ағдаришни хоҳлашади. Мабодо,

бирор мақтовга сазовор иш қилишса, “биз фалон-миз”, деб кўксига уришади.

— Гапинг рост экан, энди ишондим. Ўзбекларга бўлган фикрим бир дақиқада бутунлай ўзгариб кетди. Бизни кечир, дўстим, — деди Паша айборларча.

— Бу ишда сенинг айбинг йўқ, кечирим сўрамасанг ҳам бўлади. Сизлардан хафа эмасмиз.

— Вақтинг бўлганда менинг олдимга кир, бир отамлашамиз, ажойиб одам экансан. Мана менинг телефоним, — Паша ёнидан ручка ва ён дафтарчасини олиб рақамини ёзиб берди.

— Имкон бўлганда албатта кираман. Мен анови беш қаватли бинода ишлайман, исмим Ўлмас.

— Ҳа, у ердами? Биламан, биламан. У ерда сизни-килар ишлашади.

Ўлмасжон Паша билан хайрлашиб икки қадам юрмай ортидан яна сўраб қолди:

— Ҳа, айтганча, ановини нима қилайлик?

— Ўзинглар биласизлар, — Ўлмасжон елкасини қисди ва ортига бурилиб тез-тез юриб кетди.

* * *

Йигитларни ётоқ жойга бошлаб келгандан кейин уларни қандай жойлаштиришни ўйлаб боши қотди. Рўзивойга телефон қилганди, у кечки пайт келишини айтди.

— Бир илож қилиб кунни кеч қиласиз, бошқа илож йўқ, — деди у. Қисиниб-қимтиниб турган йигитларни Икром билан Мурод хоналарга олиб киришиб дам олиб туришлари учун кафил бўлишди. Ниҳоят, кечга томон йигитларни бошлаб ишдан қайтган Рўзивой воқеадан хабар топганидан кейин пича хафа бўлди.

— Бунақа одам бошлаб келаверишингизда бизни қийнаб қўясиз, Ўлмас ака. Бу ерда ишга жойлашиш қанақа эканини кўриб турибсиз-ку. Бунинг устига, иш топгунларича буларни ўн-ўн беш кун боқишига тўғри келади.

— Боқиши-ку, ўз зиммамга оламан, бу ёғидан хавотир олма. Жон ука, шу болларни бир амаллаб ишга жойлаб берсанг бўлди. Кўриб турибсан — ҳаммаси ўзимизга ўхшаган одамлар. Қандай қилиб ташлаб қўямиз. Кел, энди бир гап бўлар. Буларнинг ҳам бирор ердан ризқлари чиқиб қолар. Айтишади-ку “карвон кўп, ризқи бўлак”, деб.

Рўзивой бошини қашиб ўйланиб турди-да, кейин негадир Нодирга қараб:

— Хоналарга иккита-иккитадан бўлиб чиқамиз. Болаларга ўзим тайинлаб қўяман. Иш топилгунча ёнларига олишади, — деди.

Аввал бироз тихирлик қилган бўлса ҳам Рўзивой ётар пайти бўлгунча йигитларни хоналарга жойлаштириб чиқди, елиб-югуриб, айримларни у ёқ-бу ёққа жўнатиб матрац, чойшаблар топтириб келди. Унинг бу ишидан ҳаммадан ҳам Ўлмасжон билан Нодир хурсанд эдилар.

Кечқурун ташвишлар бироз аригач, Ўлмасжон Нодирдан сўради:

— Хорсндан қолган пуллар борми? Энди керак бўлиб қолди.

Ўлмасжон Хорендан тортиб олинган пуллардан ўз улушини олмаган бўлса ҳам, Нодир уларни қўл текизмай сақлаб қўйганди. Сумкасини титиб бир даста пулни дастурхон устига қўйди.

— Мана. Ҳаммасини сақлаб қўйганман.

— Менга ўн иккита керак, холос. — У ўн иккита юзталикни санаб олди-да, қолганини Нодирга узатди.

— Буларни яна сақлаб қўяман. Булар сизнинг улушингиз, барибир, бир кун оласиз, — ярим ҳазил, ярим жиддий қилиб деди Нодир кулганча.

— Менинг эмас, мана буларга ўхшаганларнинг улуши булар, — Ўлмасжон Нормат билан Муҳаммадалини кўрсатди. (Улар тақсимланганда шу хонага тушишганди.)

Эрталаб йигитларнинг ҳар бирига юз доллардан улашди ва иш топилгунча расамади билан ишлатиб туришларини тайинлади.

— Худо хоҳласа, бу пулингизни ортиғи билан қайтарамиз, — деди кўзи пирпираб Нормат, — яхшилигингизни унутмаймиз, ака.

— Бу пуллар сизларга ўхшаган одамларники эди, энди сизларники бўлди. Қарзга бераётганим йўқ, еб кетишга. — Ўлмасжон Норматнинг елкасига шапатилади. Йигитларнинг баъзилари қўлларида пул тутганларича иккиланиб туришарди. Уларнинг кўзларида кўпроқ ҳадик борлигини кўриб Ўлмасжон қўшиб қўйди, — Бу қарзни тўлаш шарти шундай: пайти етиб бирор юртдошимиз сизларга ўхшаб қийналиб қолганини кўрсангиз, шу пулларни ўша одамга берасизлар. Биздан олдингилар бизга беришган, биз сизларга беряпмиз, сизлар кейингиларга дейсизлар.

У йигитларни қолдириб машқ қилиш учун ташқарига чиқиб кетди. Шу куни роса ҳолдан тойгунча қунт билан шуғулланди. Жонузоқ ясаб берган бигизларни отишнинг ҳадисини олди. Кунни шу билан кеч қилди. Кечқурун ётар пайти Нодирга гап солди.

- Индинга жўнаб кетаман. Мен билан борасизми?
- Албатта бораман, албатта. Фақат шанба кунга қолдирайлик шу ишни, чунки жума куни маошимизни беришади. Пулни уйга жўнатаману, жўнаймиз.

Ўлмасжон уни иккиланаётган гумон қилиб ўзи кетаверишини айтганди, Нодир илтимос қилиб туриб олди. Ноилож унга шанбагача кутишини айтиб ўрнига чўзилди. Ҳаёлида “бу тўрт куни ичида бигиз отишни пишиқтириб оламан”, деб ўйлади. Эрталабдан жон-жаҳди билан тағин машқларига берилди. У кунни тенг икки қисмга бўлди: тушликкача югуради ва машқ қиласди, ўзини чиниктиради. Тушлик қатъий бир соат. Тушликдан кейин бигиз билан машқ. Қатъий мақсад сари бел бойлаган йигитнинг тўрт куни ана шундай тартибда ўтди.

* * *

— Мен ҳалоскорлик жангига тайёрман! — Жума куни кечки пайт Нодир ҳайқириб кириб келди. Ўлмасжон у уйига пул жўнатганини, кўнгли хотиржам эканини сезди. Аммо ўзи иккиланиб қолди. Нодирни ўзи билан олиб кетсинми, ё... Олиб кетай деса, пул топаман деб бу ерда сарсон юрган йигитни ўз мақсади учун хизмат қилдириш инсофдан бўлмас. У бу ҳақда ўтган кунлар ичида роса бош қотирган, Нодирни ўзи билан боришга ундан хато қилиб қўйганини англағанди. Ҳар томонлама ўйлаб кўриб бир қарорга келиб қўйганди.

— Йўқ, Нодиржон, сиз бормайсиз, — деди унга, — ўйлаб-ўйлаб шу қарорга келдим. Бу иш — менинг муаммоим, уни ўзим ҳал қилишим керак. Сизни бекор овора қилгим йўқ.

- Нега? Нима, мени қўрқади деб ўйлаяпсизми?
- Асло. Биламан сизни қўрқмаслигингизни. Анча-мунча муштлашишни ҳам боплайсиз.
- Нимага бўлмаса бунақа дейсиз?
- Гап бошқа ерда. Мен у ерга бордим, шароитни ўргандим, йўлларни ўргандим. Ўйлаб қарасам, бир ўзим бу ишни яхши режалаштирсам уддасидан чиқа олар эканман. Сиз бу ерда қолиб ишингизни давом эттиринг. Менга бу ерга қайтганимдан кейин бошқа масалада ёрдамингиз керак бўлади. Анови Садр билан ҳисоблашишимиз керак ҳали. У бу ерда ўралашиб қолибди, пойини қирқишимиз керак. Ўшанда ёрдам берасиз.

Аммо Нодир Ўлмасжоннинг гапига кўнмай туриб олди. Иккови қизғин тортишувга киришган маҳалда Муҳаммадали билан Нормат кириб келишди. Уларнинг ортидан Рўзивой одатдагича аввал эшикдан бир мўралаб сўнг ичкари кирди.

— Бу ёғи вадаванг, тўйни бошласак бўлаверади, акалар! — ҳаяжон билан ҳайқирди у. Сўнг икковининг жиддий ўтиришганини кўриб сал пасайди.

— Нима бўлди, тинчликми?

— Ҳа, ўзимиз, пича баҳслашиб ўтирибмиз. Бекорчилик-да. Кел, ўтир, — Ўлмасжон ўрнидан туриб унга жой кўрсатди. Икки йигит ҳам Рўзивой билан ўтиригандаридан кейин Ўлмасжон унга қаради.

— Шаҳдинга қараганда катта бир суюнчилик топиб келганга ўхшайсан.

— Э, ишлар “беш”, ака. Бугун болаларнинг пулини тўлиқ олдик. Ундан ҳам қувонадигани — яна бир жойдан буюртма тушди. Ўн беш кишига бир ҳафталик иш топдим. Ҳақи ишбай. Айтишларича, оз-

гина жой бор экан, шу ерни сувоқдан чиқариш керак экан. Сиз олиб келган болаларнинг ризқи бутун чиқиб қолди.

— Ў-ҳў, жуда зўр бўлибди-ку. Қаерда экан? Шартшароитини суриштиргандирсан?

— Мени биласиз-ку, обдон ипидан игнасигача сўрадим. Боя тушликдан кейин олдимга бир ҳарбий одам келди. Гапига кўра, бир кичкинагина бўлинмами, нима дейди, хуллас, штабми, казармами. Казармаси бўлса керак. Янги қурилаётган экан. Биринчи қавати битибди. “Иккинчи қаватини сувоқ қилиб беринглар. Ўн олти хона бор. Бориб кўр. Неча пул десанг, ишни битиришинглар билан нақд бераман”, дейди. Эртага болаларни олиб бориб жойлаштириб. бирйўла қилинадиган ишни ўлчаб, пулини келишиб келамиз.

— Яхши бўлибди. Мана, Нодирбек билан бориб келишиб келасизлар, — деди Ўлмасжон жилмайиб.

— Нодир ака шу ерда керак. Агар бу киши кетиб қолса, иш орқага сурилади. Ўзи шундоғам бизда фишт терувчи етишмаяпти. Анови келган йигитларнинг ичida ҳам фишт терувчилар йўқ экан, бўлганда ишга олардим ўзимга.

— Майли, болаларни олиб бориб мана, Муҳаммадалини бошлиқ қилиб келаверасан, — деди Ўлмасжон бепарво.

— Сиз-чи?

— Мен сафарга кетадиган бўлиб турибман.

— Жон ака, шу сафарингизни бир ҳафтага суриб туринг. Ахир, уйга ҳам пул-мул жўнатишингиз керак-ку, — ялинчоқ овозда деди Рўзивой.

— Мен учун ўша иш муҳим ҳозир.

— Мен ҳам тушунаман сизни. Лекин сиз бўлмасангиз бўлмайди. Аввало, борадиган жойимиз Дмитровнинг нариги четида. У ерларда сал тартибсизлик кўпроқ. Қолаверса, бу болаларни жўнатгани сиз бўлмасангиз қўрқаман. Чунки анови Садр дегани буларнинг пайига тушиб қолиши мумкин. Унинг ҳам ўз тўдаси бор. Ана шуниси чатоқ.

Рўзивойнинг гапида жон бор эди. Садр гарчи келишга ботинмаса ҳам, йигитлар бу ердан чиқишгач, хитланиб топиб олиши мумкин. Ким билади, шаҳарда қанча исковучи бордир унинг. Шунинг учун Ўлмасжон нима дейишни билмай қолди. “Сен нима дейсан?” дегандай Нодирга қаради.

— Бор-йўғи бир ҳафта экан. Болалар сал ўзларини ўнглаб олишарди, — деди Нодир иккиланиб.

— Аниқ бир ҳафтада битадими? — сўради Ўлмасжон.

— Э, бир ҳафтада қалпоқ қилиб ташлашади, ака, ишонаверинг. Сиз борсангиз, кўнглим хотиржам бўлади-да.

Унинг гапидан Ўлмасжон ўйланиб қолди. Индамай қолганидан фойдаланиб Рўзивой яна ўз фикрини маъқуллади.

— Бораверинг, ака, уйга пича пул жўнатиб, кўнглини хотиржам қилиб, иннайкейин укаларингизни қутқаргани борасиз. У ёқда нима бўлади, қанча юрасиз...

Рўзивой “ўтган сафаригига ўхшаб ярадор бўлиб ёки қўлга тушиб қолсангиз нима бўлади”, деб юборишига сал қолди. Яхшиям, ўз вақтида Нодирга кўзи тушди-ю, тилини тишлади.

— Ўйлаб кўраман. Эрталаб жавобини айтаман, —

деди Ўлмасжон пешонасини ушлаб. Унинг бу гапини Рузивой розилик аломати деб билди ва ўрнидан қўзғалди.

— Албатта, албатта. Эрталаб гаплашамиз. Мана кўрасиз, ака. Бўлти бўлмаса, менинг қиладиган ишларим бор эди. Учта боланинг пули қолиб кетган, шуни бериб қўяй, — Рузивой қўли билан хайр ишорасини қилиб ўрнидан турди. Уни кузатиб қўйганларидан сўнг Ўлмасжон Нодирдан маслаҳат сўради. У ҳам Рузивойнинг фикрини маъқуллади.

— Биринчи навбатда рўзғорни бут қилиб қўйиб кейин курашга отланинг, кўнглингиз бу томонга бўлиймаслиги керак, — деди у. Ўлмасжон мулоҳаза қилиб кўриб унинг фикрига қўшилди.

Гоҳ укаларини, гоҳ оиласини, гоҳ бу ерда унга эргашиб келган йигитларни хаёлидан ўтказиб Ўлмасжон узоқ ўйланиб ётди. Ниҳоят, Рузивойнинг таклифига рози бўлишга қарор қилди. Сабаби, бу ердаги ўн икки нафар йигит уни қора тортиб шу ерга келишди-да, уларни ора йўлда ташлаб қўйишни ўзига эп кўрмади. Тун ярмидан ўтгандагина кўзига уйқу илинди. Укаларини халос қилувчи калитни ўша ердан топишини у ҳали билмасди.

* * *

Рузивой йигитларни бошлаб келган жой ҳақиқатдан ҳам ҳарбийларга тегишли эди. Дарвозанинг ўнг томонида қоровулхонага ўхшаган хона. Деворлар икки томонга эллик қадамча келади, баланд. Чап томондаги деворнинг дарвозага яқин жойида катта оҳак ўра. Нарирогида катта кум уюми. Тўғрида қурилаётган икки қаватли бино. Рузивой айтганидай, ҳар бир қаватда катта-кичик ўн олти хона. Биринчи қаватнинг

ташқариси яхшилаб сувоқдан чиқарилган, иккинчи қават ғиштлари яланғоч. Девор ёнида сувоқда ишлатиладиган темир супалар. Афтидан, бу ерда анча олдинроқ қандайдир бригада ишлагану номаълум сабабга кўра иш тўхтатилган.

Уларни икки аскар билан жиккаккина, эллик ёшлардаги бир майор кутиб олди. Рўзивой билан жуда қалин сўрашди. Рўзивой Ўлмасжонни бригадир деб таништириди. Ўзини Виталий Сидоров деган бу майор бир қоп ёнғоқ экан. У Ўлмасжон ва Рўзивойни эргаштириб юқори қаватга етгунларича бу жой алоқа қисмининг янги штаби бўлиши-ю, бу бинони қуриш қачондан бошлангани, қандай қилиб қурилиш учун рухсат олганигача гапириб ташлади. Орада қурилиш учун маблағ топилмай қолиб ўтган йили иш тўхтагани ва энди бир ерлардан маблағ ундириб иш бошлаётганини ҳам қистириб ўтди. Тепага чиққанларидан кейин Рўзивой хоналарни роса айланди, ўзича бир нималарни хомчўт қилди. Дераза ва эшикларнинг ўринини ўлчаб кўрди. Деразаларнинг фишти текис-нотекис урилганини синчиклаб ўрганди. Деворларнинг баъзи жойларига узун андавани қўйиб кўрди. Майор эса унинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб туар, девор ғиштлари тўғри урилганини, эшик-дераза ўринлари ўлчаниб, шуларга мос эшик-деразалар буютирилганини таъкидлаб қўяр, чамаси, Рўзивойнинг “йўқ, биз бу ишни қилмаймиз” дейишидан ҳадиксиради, чунки икки гапнинг бирида аввалги бригада бу ердан маблағ берилмагани сабабли ноилож кетганини, уларнинг иши ҳам сифатли бўлганини, булардан рози бўлишиб иш ҳақларини тўлиқ олганликларини таъкидларди.

Майорни роса оғзига қаратиб ичини ғимиллат-гандан сўнг Рўзивой сувоқ учун ҳар квадрат метрга бериладиган суммани айтди. Эшик ва деразаларни ўрнатиш нархини ва буларнинг пули иш битгандан берилишини алоҳида айтиб ўтди. Унинг гапидан майор бироз ўйланиб қолди. Сўнг қўлидаги папка-дан бир неча қофоз олди-да, уларни кўра бошлади. Бу олдинги қилинган ишлар ҳисботи эканини англа-тиб турарди. Майор қофозларни кўздан кечириб бўл-гач, Рўзивой билан бироз савдолашишди. Охирида эшик-дераза ўрнатишни ҳар бирига икки мингдан, ҳар квадрат метр сувоқ учун уч мингдан келишиб олишгач, иккиси қўл ташлашди.

— Ишни бу одам бошқаради, исми Ўлмас, — деди Рўзивой Ўлмасжонни кўрсатиб. — Йигитларнинг ту-нашлари учун жой кўрсатсангиз, жойлашадилар.

Майор Ўлмасжонга қўл узатиб яна бир бор ўзини таништирди.

— Биринчи қаватда ётишинглар мумкин. У ерда матрац ва чойшаблар бор, аммо кароват масаласида...

— Бўлаверади. Биз японларга ўхшаб полда ётиб ўрганганимиз, — майорни хижолатдан қутқарди Рў-зивой.

— Чойшабларни ҳар ҳафтада алмаштириб бераман, — қувониб кетди майор. — Бу ерни озода тутсанглар бўлди. Пастда ошхона ҳам бор, ўша ерда овқат қила-сизлар. Қозон-товоқ — ҳаммаси бор. Овқат қилишни биласизларми?

Рўзивойнинг маъноли жилмайишидан сўнг у бо-шини қимирилатди.

— Биламан, биламан. Сиз ўзбеклар таом масаласи-ни боллайсизлар.

Пастга тушганларидан кейин майор иккисига биринчи қават хоналарини кўрсатди. Бу хоналар шударажада озода эдикни, ташқаридаги одам қурилиш кетаётган бинонинг биринчи қаватини бунақа эканлигини тасаввур ҳам қилолмасди. Поллар паркет, деворлар ялтироқ бўёқлар билан бўялган, ҳатто деразаларга пардалар тортилганди.

— Мен сизларга учта хонани очиб бераман, етадими? — сўради майор.

Рўзивой бош силкиди.

— Фақат илтимос, йўлакни, ошхона ва душни озода тутасизлар. Йигитларга тайинлаб қўй. Деворларга чизиб-нетиб юришмасин. Агар ишинглар раҳбарларга ёқиб қолса, бўёқ-сўёқ ишларини ҳам ўзинглар қилиб берасизлар. Албатта, у ёғи алоҳида келишилади.

Шундай дея майор киришдаги эшикка яқин хоналарнинг бирини очди. Бу ерда элликка яқин матрац тахлаб қўйилган, хонанинг бир четида яп-янги чойшаблар ҳам бор эди.

— Мана шулардан ўн бештасини олинглар, кейин эшикни қулфлайман.

Рўзивой болаларни бошлаб кириб майор кўрсатган хоналарга матрац ва чойшабларни ташитиб бўлгач, майор уларни ошхонага олиб борди. Оддий мактабнинг ошхонасича келадиган хонада ҳамма нарса муҳайё эди.

Виталий Сидоров озодалик ҳақида таъкидлай-таъкидлай, эрталабдан иш бошлашларини айтиб қаёққадир шошиб кетди. Рўзивой ҳам болаларга тартибли бўлишни уқтириб Ўлмасжон билан хайрлашди.

— Мана, Ўлмас ака, бу болалар ҳам кўнгилдагидай иш жойига эга бўлишди. Сизга Равшан билан

Камол ёрдам бериб туришади. Улар анча эсли болалар: ичишмайди, чекишмайди, шунинг учун буларга қўшдим. Мен энди борай, у ёқда ҳам қиласиган ишлар қалашиб ётиби.

Уни кузатиб қайтиб кирган Ўлмасжон йигитларнинг бештадан бўлиб хоналарга жойлашгандарини кўрди. Муҳаммадали Ўлмасжонни ўзининг хонасига тақсимлабди. Равшан, Камол, Нормат ва Ўлмасжон билан бешови. Йигитларнинг ҳаммаси хурсанд. Аввалги иш жойлари билан бу ерни таққослагандага ер билан осмонча фарқ бор эди-да. Ҳамма ўзининг жойини тартибга келтириб, жойлашиб олганларидан кейин Ўлмасжон уларни йўлакка чақириб тўплади ва бу ерда қандай юриш-туриш ҳақида пича гаплашди. Кун пешин бўлаётгани учун ёнига Муҳаммадаличи олиб ташқарига чиқиб кетди.

Коровулхона олдида уларни соқчи кутмоқда эди. Баланд бўйли, елкалари кенг, юзи тиниқ, барвастагина бу йигит ўзини Тима деб таништириди. Ичкарига ишора қилиб шериги ётиб дам олаётганини, иккови навбатма-навбат навбатчиликда туришларини айтди.

— Шеригимнинг исми Виталий, ажойиб йигит, ҳали танишиб оласизлар. — деди у. Ўлмасжон Тимадан озиқ-овқат магазинини сўраганди, у:

— Мана, йўлнинг нариги тарафида, бор-йўғи эллик қадам келади. Ҳамма нарсани топасизлар, — деб кўрсатиб қўйди.

Муҳаммадали иккиси нондан тортиб сабзи-пиёз, туз-қалампиргача харид қилиб қайтиб келишгач, Равшан билан Нормат овқатга уннаб кетишиди. Шундай қилиб йигитлар ишга жойлашиб олдилар. Уларнинг барчаси руҳан тетик, кайфияти чоғ эди.

* * *

Кечқурун хоналарига Тима кириб келиб анчаги-на сұхбатлашиб үтирди. Бу йигит анчайин сўзамол, ҳазилкаш экан. Ўзининг Ростовдан эканлигини, бу ерда икки йилдан буён хизматдалигини айтиб берди. Дилкаш йигит бўлгани учун болалар билан тез чиқишиб кетди. Бирнасда Равshan билан Муҳаммадали у билан улфат бўлиб қолиши. Қаёқдан топилди, анови қурғур шиша ҳам топила қолди учовига. Ярим кечагача улфатчилик қилдилар. Уларнинг ўзлари билан ўзлари бўлиб қолганларини кўриб Ўлмасжон Камол ва Норматга кўз қисди: “Дам оламиз”. Учови қачон тарқалди, қачон ётиши, билмайди. Эрталаб турса, Равshan шундоқ полда ухляяпти. Чалқанчасига ётиб олиб ҳурракни вадаванг қўйяпти. Муҳаммадали болишни қучоқлаб олибди, оғзидан суви оқиб бўйнигача тушган. “Буларни қаттиқроқ ушламасам, билган ҳунарларини қилишади”, ўйлади Ўлмасжон. У ўрнидан туриб йўлакка чиқди, ундан иккинчи қаватга чиқиб хонларни кўздан кечирди. Яхшироқ, бемалолроқ машқ қилиш мумкин бўлган кенг бир хонани танлаб шу ерда ярим соатлар шуғуллангач, пастга тушиб йигитларни уйғотди. Хоналардан бирин-кетин йигитлар туриб чиқиб келганларидан кейин Камол билан Норматни нон ва шакар олиб келиш учун юборди.

Нонушта қилиб бўлганларидан кейин Равshan билан Муҳаммадалини огоҳлантирди.

— Бугундан бошлиб ичиш таъқиқланади. Ҳеч кимга рухсат йўқ. Кечқурун бир ҳафталик майшатни қилиб олдинглар. Энди фақат иш ва иш бўлади.

— Бир ёзилдик-да, ака, бўлди, бу охиргиси, — деди Равшан жилмайиб.

Нонуштадан кейин болаларни ишга тақсимлаб чиққан Ўлмасжон тўртта йигитни қоришма қилдириш учун пастга олиб тушди. Шу билан иш бошланди. Тўрт йигит ҳаш-паш дегунча қоришмани тайёрлаб тепага кўтарадиган мосламага таший бошладилар. Бекор турмаслик учун Ўлмасжон ҳам қоришмага сув ташиб бериб турди. Гарчи у ишламаса ҳам бўлаверарди-ю, лекин бекордан бекорга болаларнинг атрофида ўралашаверишни ҳам ўзига эп кўрмасди. Тушликка яқин тепага чиқиб йигитларнинг ишларини бир қур кўздан кечирди. Бунаقا ишларни қилиб юрган йигитлар ўз ишларини билиб бажараётган эдилар. Уларга “сен у ишни қил, сен бундай қил”, дейишга ҳожат ҳам йўқ. Ҳар ким ўз ўрнини топиб олганди. Содик, Умарали деган йигитлар эшик-деразаларни ўрнатишни боплашар экан, бинойидек уста эканликларини кўриб Ўлмасжон суюниб кетди.

Биринчи кун ана шундай ҳамжиҳатликда бошланди. Демак, бундан бу ёғи силлиқ кетаверади.

Кечга яқин Виталий Сидоров келди. У йигитларнинг ишларини кўздан кечириб кўрди. Ўрнатилган эшик-деразаларнинг учига узунчоқ темир осилган ип билан текшириб кўриб:

— Қойил, Мана шундай ўрнатиш керак эди, — деди. Сувалган деворларнинг айрим жойларини узун андавасини қўйиб текшириди. Сувоқчиларнинг иши ҳам унга маъқул келди, шекилли, бошини ликкиллатиб “яхши, яхши” деб қўйди. Унинг ишларидан мамнун эканлигини кўриб Ўлмасжоннинг ҳам кўнгли кўтарилиди. Майор озиқ-овқат масаласини сўраганди, ҳозирча бир амаллаётганини айтди.

— Агар эшик-деразаларни ўрнатиб бўлсанглар, пулени олиб келаман, ишлатиб турасизлар, — кўз қисди майор.

— Яхши бўларди. Тирикчилик қилиб турардик, — деди Ўлмасжон ҳам.

Шу куни кечки овқатни Ўлмасжон ўзи қилмоқчи бўлиб ошхонага борганди, ортидан Рашид деган бола ҳам эргашди.

— Ака, мен ўзим боплаб ташлайман ҳар қандай таомни, — деб унинг қўлидан пичоқни олди. Маълум бўлишича, Рашид ҳақиқий ошпаз экан. Шу кундан бошлаб ошпазликни бўйнига олди.

Кунлар шу зайлда ўтаверди. Тўрт кунда болалар эшик ва деразаларни ўрнатиб бўлдилар. Ваъда берганидек, Виталий Сидоров ҳам пулни олиб келиб берди. Аммо бу пулларни Ўлмасжон болаларга бермади.

— Ҳозирча тирикчилик учун пулимиз етади. Қозонни бир амаллаб қайнатиб турибмиз. Улгуржи пул олганимизда қўшиб бераман, ҳаммасини уйга жўнатасизлар, — деб уқтириди у. Гапи болаларга ҳам маъқул тушди.

* * *

Бу ҳовлининг дарвозаси аксарият ҳолларда очиқ туради. Чунки гоҳ оҳак, гоҳ аллақандай мебеллар келтирадиган машиналарга дарвозани очиб-ёпавериб Тима билан Витя чарчаб кетишади. Шунинг учун аксарият ҳолларда дарвоза очиқ қолдирилади. Айниқса, Тима навбатда турган пайт эрталабдан дарвозани очиб қўяди-да, ўзи лой ташиётган йигитларнинг ёнига келиб олиб уларга тегишгани тегишган. Унинг бир одати бор: қайси йигит ҳовлида рўпара

келса, ўзича карате кўрсатади. Тўсиб олиб бўлса-бўлмаса осилаверади. Табиийки, бу баҳайбат йигитга ҳеч бири бас келолмайди, қочиб қутулишади. Бора-бора йигитнинг айримлари уни ташқарида учратмасликка, учраса, йўлни чаппа соладиган бўлиб қолдилар. У бир марта Ўлмасжонга ҳам қўлларини каратечасига тутиб ҳазил қилмоқчи бўлди, аммо жиддий туриб уни огоҳлантириди:

— Мен билан бу борада ҳазиллашма. Бунақа ҳазилни кўтармайман.

Тима сир бермаганини кўриб ҳазилини бас қилди. Кўп ҳам сир бермай юргани учун Ўлмасжонга дадил яқинлашолмади. Доим кечқурунлари карате ҳақидаги фильмларни кўриб шуларга тақлид қилиб ўзича машқ қиладиган бу йигитнинг қилиғидан Ўлмасжон ичидаги кулиб қўяди. Тима машқ қилганида кечқурун қандай фильм кўрган бўлса, шунга мослаб машқ қиласади. Мисол учун кечқурунги фильмда бош қаҳрамони гишт синдириган бўлса, Тима ҳам қўлига латта ўраб олиб гишт синдиради. Агар фильм қаҳрамони оёғи билан кўпроқ ишлаган бўлса, эрталаб Тима ё деворни, ё темир тўсинларни тепаётган бўлади. Биринчи синф ўқувчисининг ёзув маҳорати қандай бўлса, Тиманинг ҳаракатлари ҳам шунга монанд эди. Сал имкон берса, Ўлмасжон билан ҳам бир куч синашмоқчи эди-ю, аммо Ўлмасжоннинг бу ердаги мавқеи, қолаверса, командирлар билан доим мулоқотда бўлиб туриши уни иккилантиради. Ўлмасжон билан олишиб кўриш унга насиб этмади. Иш бошлаганларининг саккизинчи куни содир бўлган воқеа Тимага Ўлмасжоннинг кимлигини кўрсатиб қўйди. Бу воқеага Тиманинг ўзига ортиқча бино қўйгани

сабаб бўлган бўлса ҳам, Ўлмасжон учун кутилмаган бир совға ҳадя этди.

* * *

Ўша куни чошгоҳ пайтида Тима одатича йигитларнинг ишини томоша қилиб девор ёнида турганди. У зерикканидан бирор эрмак топилиб қолармикин деб эринчоқлик билан у ёқдан бу ёқقا бир-икки марта бориб келди-ю, кейин тепада лойни қабул қилиб олаётган болаларнинг иши мароқли туюлди, уларга термулиб туриб қолди. Шу дамда дарвозада икки аскар кўринди. Чамаси, иккови ҳам Тимага ўхшаб шартнома асосида хизмат қиладиган десантчи йигитлар эди. Уларнинг бири зарурат учун бўлса керак шундоқ дарвозадан кирди-ю, деворга қаратиб...

У ишини битиргач, кузатиб турган Тима:

— Хой, аҳмоқ, нима, бу ер сенга хожатхонами? — деб сўкинди.

Десантчи аскар орқасига ўгирилди ва Тимага қараб юрди. Тима ҳам унга ошиқди. Иккиси тўқнашганда десантчи йигит Тиманинг жафига бир мушт солди.

— Мана сенга!...

Аммо бақувват Тиманинг боши орқага бир қалқи-са ҳам йиқилмади. У рўпарасидаги йигитни бир уриб йиқитиб ташлади. Шу тобда иккинчи аскар югуриб келди ва Тимани сакраб тепди. Кўкрагига тушган тепкидан Тима гандираклаб қолди. Унга имкон бермай ҳалиги аскар яна мушт отди, кетма-кет дўппослай кетди. Тима ҳам унга бўш келмай тапиргупур муштлаша бошлади. Биринчи аскар бу дамда ўрнидан турди-ю, Тиманинг орқасидан тиззасининг ортига тепди. Мувозанатини йўқотиб чўк тушиб

қолган йигитни икки аскар аямай тепишиди. Уларни жимгина кузатиб турган Ўлмасжон чидолмади. Агаф ҳаялласа иккови Тимани майиб қилиб қўйишлари мумкин эди. Шунинг учун шитоб билан десантчилар томон отилди. Тепадан кимдир “Ўлмас ака, аралашманг!”, деб қичқирди. Лекин вақт ўтган, Ўлмасжон десантчиларнинг бирини Тимадан нари итариб, иккинчисига рўпара бўлганди.

— Керакмас, йигитлар, бўлди, бас! — деб қичқирди у.

— Жўна сен... — десантчи йигит айланиб тепди. Унинг зарбасини қайтаргунча иккинчиси ҳам ташланди. Шиддатли селни жиловлаб бўлмаганидек, ҳозир бу икки йигитни ҳам гап билан тўхтатиб бўлмасди. Шунинг учун Ўлмасжон бир сакраб ўзини четга олди-да, рақибларга қаради. Улар бир-бирла-рига бир қараб олишди-да, “ҳозир сени ҳам...” дейишиб бир-бирларининг қўлларини ушлашиб чархпаклак усулида Ўлмасжонга ташланишиди. Ёнбошга бир қадам, тўғрига бир қадам, сўнг бир сакрашда иккавининг қўллари устига тушган йигит рақибларни ажратиб ташлади. Уч дақиқага қолмай икки десантчини йиқитиб Тимага қаради. Ўрнидан турган бўлса ҳам, идрокини бир жойга йиғолмаган Тима ерда ётган десантчиларга қаради-да, тўсатдан гандираклаб бориб уларни тепа бошлади. Ташқаридаги шовқинга уйқусираб югуриб чиқсан Виталий ҳам кела солиб десантчиларни ура кетди. Ўлмасжон бир амаллаб ажратиб олди.

Бироздан кейин икки десантчи ўринларидан туриб уларга қарай-қарай ташқарига йўл олишиди. Дарвозага етганларида бири ортига ўгирилди-да:

— Сенлар билан яна гаплашамиз! — дея дағдаға қилди. Тима уларга ташланғанди, Ўлмасжон түсіб қолди.

— Құявер, кетаверишсін. Энди бу ерга қадам қўйишмайди.

— Яна қайтиб келишади, — деди хавотирланиб Витя.

— Келишмайди.

— Йўқ. Ишонавер. Ҳозир бориб шерикларини бошлаб келишади. Десант взводи бор — икки чақирим нарида. Сен уларни билмайсан. Улар кўплашиб келишади, балога қолдик.

— Келишса, гаплашаверамиз, — Ўлмасжон мийиги-ла кулиб Тимага қаради.

— Балки келишмас, — умид билан Витяга қаради.

— Қўрқма. Келишса, биз ҳам қараб турмаймиз. Нима, биз озчиликмидик. Ана, йигитлар ишлашяпти, қараб туришмайди.

Витянинг гапидан Тиманинг ҳадиги бироз боси-либ Ўлмасжонга илтижоли боқди.

— Юртдошларингнинг ичидә сал пичоққа ярайди-гани борми, ўзингга ўхшаган?

— Хавотирланма. Бошладикми, бу ёғини ҳам эп-лаштирамиз. Биз сен билан.

Тима унга бир бошқача қаради-да:

— Сен чакки эмас экансан. Мен эса сен билан... — леб тутилиб қолди.

— Болаларнинг ичидә менга ўхшаганлардан учта-түртта бор. Фақат сен уларга билиб-билмай осилиб юрибсан, — Ўлмасжон атай ёлғон гапирди.

Тушлик тугаб йигитлар эндигина иш бошлаган пайтда дарвоза олдига бир юк машинаси келиб тўх-

тади. Дупур-дупур билан ундан одамлар тушаётганини сезиб Ўлмасжон ичида “бошланди” деб ўйлади. У шу заҳотиёқ ёнидаги йигитларга зудлик билан ичкарига кириб эшикларни беркитиб олишларини, тепадагиларни ҳам огоҳлантиришларини тайинлади.

— Умуман ҳеч кимнинг қораси кўриимасин, — қаттиқ уқтириди у. Шу заҳотиёқ ёнидаги тўрт йигит ҳамма нарсани ташлаб югуришиб ичкари кириб кетишиди. Ташқаридаги шовқинга Тима билан Витя югуриб чиқишиди. Улар Ўлмасжоннинг имлови билан тез-тез юришиб олдига етиб келишиди. Иккови келар-келмас дарвозада роппа-роса ўн нафар десантчи аскар кўринди. Уларнинг олдида келаётган эрталабки икки аскарнинг бири буларни кўрсатиб:

— Мана қаҳрамонлар! — деб қичқирди. Десантчилар ҳаялламай булар томон югуриб қолишиди. Бу ерда энди ҳеч қандай гап-сўзга ўрин йўқ эди. Дастрлаб югуриб келганларни Тима мушти билан қарши олди. Витя ҳам жон-жаҳди билан муштлашишга киришиди. Ўлмасжоннинг қархисига келган бир йигит унинг муштидан “ҳиқ” этди-ю, энгашиб қолди. Ўлмасжон эса сакраб ўзини орқага олди ва қичқирди:

— Тима, ўзингни орқага ол!

Унинг мақсади орқага, кенгроқ жойга аскарларни тортиш эди, аммо улгурмади. Ҳаш-паш дегунча десантчилар ўз маҳоратларини кўрсатдилар. Қўл жанги билан мунтазам шуғулланган йигитлар учун Тима билан Витя ҳеч қандай муаммо эмасди. Гарчи учтасини ағдаришган бўлишса ҳам, десантчилар уларни кўпга қолдирмай оёқдан қулатишиди. Энди навбат Ўлмасжонга эди. Қолган етти нафар йигит уни тутиш учун уринишар, лекин у чап бериш билан бирга,

икки-уч марта аниқ зарба йўллади. Десантчиларнинг икки нафари йиқилиб, бештаси Ўлмасжонни айлана бўлиб ўраб олишган пайтда дарвозадан қўлида фуражкаси билан майор формасидаги бир одам югуриб кирди. У кирибоқ бешовлон қуршовидаги йигитни кўриб унга тикилиб қолди. Бу маҳалда беш аскар ҳужумни бошлишган, Ўлмасжон ҳам астойдил курашга тушганди. У йигитларнинг яна иккитасини йиқитди-ю, қуршовдан чиқиб кетди. Йиқилган йигитлар ерда ётар, ҳали-бери турмасликлари аниқ эди. Уч йигит яна уч томондан уни қуршадилар. Аскарларнинг бири олдинга ташланувди, Ўлмасжон қўлини тутиб қайирди ва устидан айланиб ошиб ўтиб шеригининг нақ кўкрагига товони билан тепди, қўли қайрилган йигит эса оғриқдан додлаб юборди, бўйнига тушган зарбдан оёқ остига гуппа қулади. Ёлғиз қолган сержант формасидаги йигит Ўлмасжонга ҳужум қилишга иккиланди, лекин ортга чекинишни ҳам ор билиб, аста ёнбошига айланиб юра бошлади. Чамаси, бу аскарларнинг етакчиси ҳам, энг кучлиги ҳам шу эди. Аммо қархисидаги йигитга кучи етмаслигини англаб бўлганди.

Бу пайтда эса майор ерда ётганларга эътибор бермай, уларнинг ёнидан шошилмай, битта-битта қадам ташлаб улар томон келаётган, икки кўзи Ўлмасжонда эди.

— Малахов! Унга кучинг етмайди!

Ўлмасжон ҳам, десантчи ҳам ярқ этиб ён томонга қарашиди. Майорнинг кўзлари чақнаб тикиларди, Ўлмасжон бир муддат қараб турди-ю, бор овози билан: “Боря-я！”, деб қичқириб ўзини унга отди. Майор ҳам уни маҳкам қучоқлади.

— Қандай тақдир, қандай тақдир! — дерди нуқул у.

Бу одам Борис Седюк эди. Ҳа, ҳа, айнан Седюк эди. Ўз командирларининг аллақандай ишчи билан қучоқлашиб турганидан аскарлар ҳангу манг бўлиб қолдилар. Уларнинг айримлари ерда ётганларга ёрдам бериб турғиза бошладилар. Ҳаммаси қандай шиддат билан бошланган бўлса, шундай кутилмаганда, бирданига тугаганди. Инқиллаб ўрнидан турган Тима ҳам ёнидаги десантчи йигитларга қараб ҳайрон бўлиб турарди...

— Сени тирик кўрганимга ишонмайман, — дерди Седюк.

— Мен ҳам.

Икковининг ҳам кўзларида ёш ғилтиллар, бирбирларини қучоғидан қўйворишмасди. Седюк ўз аскарларининг ортидан ғазаб билан келган бўлишига қарамай ҳозир улардан миннатдор эди.

— Қара, менинг безориларим биринчи маротаба фойдали иш қилишди, сени топиб беришди, — кулади Седюк. Сўнг уларнинг ёнида шалвираб турган сержантга қайрилди:

— Малахов, ёдингдами, сенга бир куни Шаолин мактаби таълимини олган сержант ҳақида гапириб бергандим. Мана ўша йигит, қаршингда турибди.

— Аммо у Афғонда... — тутилиб қолди сержант.

— Ҳалок бўлмаган экан. Қандай омон қолганини ўзидан сўраймиз.

Ўлмасжон сержантни нокулайликдан чиқариш учун унга қўлинни узатди. У дарров қўл олди. Қаршисида кулиб турган йигитга ҳайрат билан боқди.

Седюк атрофга аланглаб деразалардан уларга қарётгаган йигитларни кўрди. Болаларнинг ҳаммаси

жимгина тикилиб туришар, Ўлмасжоннинг буйруғини унутиб қўйишганди.

— Сенинг юртдошларингми? — сўради Седюк.

— Ҳа, шу йигитлар билан ишлаяпман.

Седюк тепадаги болаларга қараб қўл силкиди, кеъин қўлидаги соатига қаради.

— Та-ак. Мен ҳозир бу урушқоқларимни казармага олиб бораман. Бир соат тарбиявий сұхбат ва икки соат жисмоний машфулот ўтказаман-да, роппа-роса соат бешда келиб сени олиб кетаман.

— Мен... болалар... — деб гап бошлиғанди Ўлмасжоннинг оғзини ёпди.

— Ҳеч қандай эътиrozга ўрин йўқ. Ҳозирча... — у Ўлмасжонга қўлинини узатиб фуражкасини кийди ва баланд овозда аскарла-рига буюрди.

— Қани, ҳамма машинага!

Ўлмасжон Седюкни ташқарида турган “Виллис”игача кузатиб қайтиб кирди. Ичкарида Витя кўзининг остига ҳадеб рўмолча ҳўллаб босар, Тима эса қўлининг бўғинини иҳраб уқаларди.

— Жуда мардонавор олишдинг, Тима, — деди унга.

— Ҳарқалай осон қутулдик, — деди Витя бошини чайқаб.

— Мана, десантчилар билан ҳам танишиб олдик. Энди улар бизга дўст деб қарашади. Ҳаммаси яхши бўлди.

— Ҳа, яхшиям, анови майор келиб қолди, бўлмаса... — Тима ҳижолатли жилмайди.

— Бўлмаса, Ўлмас ҳаммасининг суробини тўғрилаб қўярди, — гапини тўлдирди Витя.

Ўлмасжон икковини қолдириб болаларнинг олдига чиқиб кетди. Ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас ишни бошлиғилар.

Айтганидек, роса соат бешда Седюк кириб келди. Ўлмасжон уни ҳарчанд ичкарига ундашига қарамай, “уйда гаплашамиз”, деб туриб олди.

* * *

Борис Николаевичнинг уйи шаҳарчанинг нақ марказида экан. Беш хонали уй жуда чиройли қилиб жиҳозланган, озода ва саришта эди. Уй бекаси Зинаида Парфёновна хушчақчақлик билан қарши олди.

— Мен сизни фойибона жуда яхши танийман. Боря сиз ҳақингизда жуда кўп гапирган. “Шундай йигит афғон тоғларида қолиб кетди”, деб афсусланарди доим. Кечирасиз, биз сизни ҳалок бўлган деб юрадик.

— Тўғрисиям шу-да. Бошқа қандай ўйлаш мумкин эди. Тақдирнинг муруватини қара, Зиночка, — Седюк ўзида йўқ хурсанд, Ўлмасжонни қаерга ўтқазишни билмасди. Меҳмонхонага ўн беш ёшлардаги бола ва ўн икки-ўн уч ёшлардаги қизча кирди.

— Булар менинг фарзандларим, — уларни қучиб танишитирди Борис Николаевич, — Бу — Миша, бу йил тўққизинчини битирди, буниси эса Таня, олтинчи синфни тугатди. Болалар, бу одам менинг қуролдош дўстим. Афғонистонда бирга жанг қилганмиз. Сизлар уни яхши биласизлар, исми Ўлмас.

Таня кўзларини пирпиратиб бир отасига, бир Ўлмасжонга қаради-да:

— Ўлмас рус эмасмиди? — деб сўради. Унинг саволидан ҳаммалари кулиб юбордилар.

— Йўқ, қизим, Ўлмас ўзбек эди. Мана қаршингда у, — Седюк барчани столга томон имо қилди. Ўтиришгач, Таня Ўлмасжоннинг ёнига ўтириб олди ва

ҳеч кимга гап бермай ундан “Ўзбекистонда қишиш бўлмайдими?”, “қорни кўрганмисиз?”, “узум дарахтми ё сабзавотми?”, деб турли саволларга кўмиб ташлади. Ўлмасжон унинг саволларига эринмай жавоб берди ва “Ўзбекистонга борсанг, сени ҳамма нарса билан танишираман”, деб ваъда берди. Миша ҳам уни зимдан кузатар, аммо савол бергани тортинарди. Унинг қизиқиб турганини кўриб Ўлмасжон ўзи унга гап ташлади.

— Миша катта йигит бўлиб қолибди. Уни самолётга ўтқазиб Ўзбекистонга жўнатсангизлар бўлар экан. Бир айлантирадим.

Бола шундан кейин очилиб кетди.

— Сиз каратэ ўрганиш учун Хитойга борганмисиз? — сўради у.

— Йўқ, хитойлик бир чол келиб уйимда ўргатган.

— Неча ёшда бошлагансиз?

— Тахминан, ўн икки ёшимда.

— Энди менга кеч бўлдими? Ёшим ўтиб қолдими?

— Йўқ, айни пайти. Каратэ учун ёшнинг аҳамияти йўқ. Хоҳлаган пайтда ўрганса бўлаверади. Фақат иштиёқ бўлса бас.

— Сиз менга ўргатасизми? Ҳеч бўлмаса, китобларидан топиб берсангиз, яхши бўларди.

— Ўргатаман. Китоб ҳам топиб бераман. Фақат битта шарт билан, — унга тикилди Ўлмасжон.

— Майли, шартга розиман, — деди дарров Миша.

— Аввал дадангдан қўл жанги машқларини ўргасан. Ахир, у энг катта мастер. Ана ундан кейин мен ўргатаман.

Борис Николаевич “ана кўрдингми?” дегандай қош қоқиб бошини ёнбошга эгди. Зинаида Парфё-

новна патнисда таом олиб кирди ва болалариға танбек берди:

— Болалар, меҳмонни чарчатиб қўйманглар. Қани, ҳамма овқатга. Гап-сўзлар кейин.

Овқатланиб бўлганларидан кейин болалар ўз хоналариға чиқиб кетдилар. Стол устини йиғишириб, тартибга келтирганидан кейин бека ҳам узр айтиб уларни ёлғиз қолдирди.

— Юр, менинг хонамда гаплашамиз, — Седюк Ўлмасжонни ўзининг хонасига бошлади. У жавончадан иккита рюмка ва ароқ, минерал сув олди. Уларнинг бу хонага кўчганини билиб хотини оламжаҳон газак олиб кириб қўйди.

— Мана энди гаплашсанглар бўлади. Болаларнинг олдида сал ноқулай, — у ароққа ишора қилди.

— Албатта.

Иккови бир рюмкадан ичганларидан сўнг Седюк сўради:

— Қандай омон қолдинг, қора бола?

— Бунинг тарихи узун.

— Гапиравер, гапиравер. Уч кунга дам беришган менга. Сен билан бўламан. — У шундай деб ароқ қўйди. Иккови уришириб ичдилар. Ортидан Седюк яна қадаҳларни тўлдирди-да:

— Қайтмаган дўстларимиз учун, — деди. Иккови ҳам “ширин” бўлиб олганларидан кейин Ўлмасжон артиллерия отишмаси бошлангандан бошлаб то қисмдан қандай қилиб “дембль” бўлганигача айтиб берди. Унинг ҳикоясини Седюк жон қулоги билан тинглар, ора-чура қадаҳларни тўлдириб иккови сўзсиз уришириб ичардилар.

— Ана шунаقا синовлардан ўтдим. Хўш, ўзинг-чи,

ўзинг қандай омон қолдинг? – сўради Ўлмасжон.
– Гришин ҳам, мен ҳам ҳеч ким қолмаганига ўша пайтда ишонгандик. Артиллерия ўзиям тофни элаб ташлаганди-да.

Седюк бошини эгиб пича ўтирди. Сўнг сигарет ту-татиб олиб ҳикоясини бошлади:

– Ўшанда қандай тирик қолдим, ҳали ҳануз ту-шунмайман. Мен рацияда марказга хабар бердиму, рацияни ҳам, ортиқча ашқол-дашқолларни ҳам ўша ерда қолдириб, биттагина автомат билан ортга юурдим. Эллик қадам югурмасимдан тўплар тилга кирди. Илк портлашдаёқ мен турган ер ҳавога кўтарили. Чирпирак бўлиб айланганимни биламан, кейин ҳушимни йўқотибман. Кўзимни очсан қоп-қоронги ерда ётибман. Устимда зил-замбил бўлиб тош, тупроқ босиб ётиди, қимирашининг имкони йўқ. Кўзим узоқдаги ёруғликка тушди. Бу – мени босиб турган тошлар орасидаги тирқиш эканини кейин англа-дим. Минг мاشаққат билан ўнг елкамни салгина кўтардим, кейин чапини ҳам бир кўтариб тушири-дим. Тепамда тошлар шақир-шуқур қилди. Аста-аста узалган қўлларимни йифиб олишга муваффақ бўлдим. Ишонасанми, шунинг ўзига нақ тўрт соат урингандирман. Қўлларим билан бошим сиққудай гешик очиб у ердан илондек сирғалиб чиққанимда тонг эндиғина ёриша бошлаганди. Ўзимнинг абадий қабрим бўлиши мумкин бўлган тошлар устида яна ҳушимдан кетибман. Кўзимни очганимда қуёш оғган эди. Каерга бориш керак? Нима қилиш керак? Узоқ ўйландим. Тимошенконинг гаплари эсимга тушди. Бизнинг тирик қайтишимиз қўмондонлик учун кони зарар эканини ўйлаб эзилдим. Зенит снарядла-

ри портлаган томонга қараб ўйланиб ўтиравердим. Назаримда, менинг тирик юришим учун ер юзида бирон макон йўқ эди. Кун ботаётган маҳали таваккал деб келган йўлимиздан ортга қайтдим. Бироқ ўн чақирилар юриб бошқа томонга бурилдим. Қанча қисмларни, постларни четлаб ўтдим. Очликдан, сувсизликдан шунаقا абгор ҳолга келдимки, асти қўяверасан. Тентирай-тентирай кунларнинг бирида кичкинагина, вақтинчалик аэродромга кириб бордим. Шу ерда яхши бир одамни учратдим. Қирувчи самолётлар эскадрилияси командири полковник Симородов Виктор Павлович деган одам экан. Мен унга бор ҳақиқатни яширмай айтиб бердим. Ундан бир умр қарздор бўлиб қолдим мен. Ўша одамнинг буйруғи билан тунда ҳавога кўтарилиган самолётларнинг бири “адашиб” Термиз томон ўтиб кетди ва мен парашютдан сакрашга улгурдим. Вагонма-вагон юрдиму ниҳоят, полковник Вороновнинг ҳузурига етиб келдим.

— Беловеж ўрмонига қайтдингми? — сўради Ўлмасжон.

— Бошқа иложим ҳам йўқ эди. Бу ёқда оилам. Агар мени тутиб олишса, уларга ҳам қийин бўларди. Ўйлаб-ўйлаб шу йўлни танладим. Воронов яхши одам эди. У мени штабда қолдирди. Бир-икки йил ўтиб тарихим билан қизиқувчилар топилди. Шахсий фолиятимни кавла-кавла бошланди. Аммо баҳтимга, кўп ўтмай Иттифоқ тарқаб кетди. Бу ҳам бир омад бўлди менга. Вороновни мудофаа вазирлигига чақириб олишди. Бир ойдан кейин у мени ҳам Москвага чақирилди. Мана ҳозир алоқа — десантчи взводини бошқараман. Булар асосан, алоқачилар асли. Мен

уларга қўл жанги бўйича инструкторман. Ҳаммаси яхши йигитлар. Мен улар билан яхши чиқишаман.

Седюк гапини тугатганда тонг ёриша бошлаган, кичкинагина шаҳарча уйғонганди. У ўрнидан туриб деразани очиб юборди. Ҳонага муздай шабада эпкини урилди. Бир-бирининг ҳикоясини ҳазм қилиш учун бўлса керак икки қуролдош жим қолдилар. Шудамда уларнинг хаёлларидан ўтаётган воқеалар ўзларигагина аён эди. Ўлмасжон индамай бориб кароватга чўзилди. Унга қараб бир кулди-да, Седюк ҳам диванга ёнбошлади.

* * *

Кейинги икки кунни Ўлмасжон Борис Николаевич билан ўтказди. Иккови сұхбатга берилганларда кунлар ботди, тонглар отди — гаплари тугамади. Бу орада қанча-қанча одамларни эсладилар. Учинчи куни Ўлмасжон Москвага нега келганини айтди. Укалари ишлаётган жойга борганини, уларни кутқаролмай ярадор бўлиб қайтганини гапириб берди. “Бу ердаги ишимизни тугатгач, яна уларнинг олдига жўнайман”, — деди у гапининг охирида.

— Бир ўзинг қўрқмайсанми? — сўради Седюк кулиб.

Саволи оҳангида “Мени юр демайсанми?” деган мазмун бор эди.

— Бир ўзимга қийин, аммо на чора, — деди Ўлмасжон маъюс.

— Қароринг қатъийми?

— Бошқа қарорим ҳам, бошқа йўлим ҳам йўқ.

— Бўлмаса, яна уч кун сабр қиласан. Индинга мен, Малахов Саша ва Сергей Ежов таътилга чиқамиз. У ёғини бир гап қиласиз.

— Мен билан борасанми? — Ўлмасжон “хотининг нима дейди?” дегандай эшикка қаради. Седюк бепарво қўл силтади.

— Ўрмонга олиб бориб Ўлмасни бир айлантириб келаман дейман. Тез-тез ўрмонга боришимга болалар ўрганиб қолишган.

Ўлмасжон унга нима дейишни билмай қолди. Седюк елкасига қоқди.

— Бўлмаса, сен бориб йигитларингдан хабар ол. Ишни тугатишган бўлишса, бориб бир-икки кун яхшилаб дам ол. Бир ҳафтадан кейин, шанба куни жўнаймиз.

* * *

Ўлмасжон тушликка яқин болаларнинг олдига қайтганда улар ишни тугатишиб, қайтишига маҳтал бўлиб туришганди. Ўйлаганидек, Виталий Сидоров ҳам шу ерда. У хоналарни бирма-бир кўздан кечириб юрарди. Ўлмасжон ҳам унга эргашди. Одатича майор сувоқ қилинган жойларни эринмай кўздан кечирди: ўлчади, ўлчов таёғини қўйиб кўрди, айrim жойларни болғача билан таққиллатди. Йигитларнинг ишларидан қониқди, шекилли, Ўлмасжонга қараб:

— Мана буни иш деса бўлади. Боплабсизлар, азamatлар, — дея хурсанд жилмайди.

— Агар ишимизда камчилик бўлмаса, энди бизга рухсат берсангиз, кетсак. Ҳисоб-китобни ҳам...

— Ҳисоб-китобни қиласиз, — унинг гапини бўлди майор, — аммо сизларга рухсат йўқ.

Ўлмасжон унга қошини чимириб қаради. Майорнинг гапини бошқача тушунганди. Майор ҳам буни сезди ва унинг билагидан тутди.

— Сизлар менга ёқиб қолдинглар, йигитлар. Айтмоқчиманки, оқлаш, бўяш ишларини ҳам ўзинглар қилиб берсанглар. Унисини алоҳида келишамиз. Бизга шундоқ тайёр қилиб беринглар-да, пулини санаб олаверинглар. А, нима дейсан? Яна ўн кунда ҳаммасини бўлсанглар керак? Ахир, барибир, бошқа ерда ҳам ишлайсизлар-ку.

Ўлмасжон майорнинг таклифидан иккиланиб қолди. Бунақа, қурилиш ишларини у билмаса. Сувоқ қанча туради, оқлаш, бўяш қанча? Шунинг учун майорга:

— Мен буни у ёқдаги бошлиғимдан сўрашим керак, — деб жавоб берди.

— Сўра, сўра. Албатта сўраш керак, илтимос қиляпти дегин, — деди майор.

Ўлмасжон икки қадам четланди-ю, Рўзивойнинг рақамини терди. Унга вазиятни ўзича тушунтириди ва қанча пулга келишиш мумкинлигини сўради. Рўзивой унга аввал қилинган ишнинг пулини олвотлишни тайинлаб, анча муддат ўзича ҳисоблади-да, суммани айтди. Ўлмасжон майорга шу суммани айтганди, у рози бўлди.

— Фақат бугун бизнинг пулимизни берасиз, — деди Ўлмасжон. Майор кулиб бошини сарак-сарак қилдида:

— Бўпти, бўпти. Ҳозир берайми ё кечқурунми? — деди

— Иложи бўлса, ҳозир. Болалар уйларига жўнатишлари зарур, — деди Ўлмасжон. Сўнг майорга ишончсизроқ муомала қилгани учун хижолатли жилмайди.

— Мени кечирасиз. Йигитлар анчадан буён уйларига пул жўнатишмаган. Уларнинг ҳар бирида болача...

— Албатта, албатта, — уни тўғри тушунди майор, — юр, мен билан.

Улар пастга тушганларидан кейин майор “Виллис” машинасидан бир пакет пул олиб келди.

— Мана бу иш ҳақинглар. Ҳаммаси тўппа-тўғри ҳисобланган. Санаб олишинг мумкин.

Ўлмасжон пулни олганидан кейин Виталий Сидоров унга яна бир бор эслатди:

— Демак, ишни давом эттирамиз.

Ўлмасжон унга тасдиқ ишорасини қилгач, иккови қўл олишдилар. Майор хайрлашиб машинаси томон кетди.

Ўлмасжон Муҳаммадали ва Равшанни ҳоли бир хонага чақириб, дарров пулларни тақсимлашни буюди. Аввал пулни эринмай санаб чиқкан Равшан ёнидан икки буқланган ўн икки варакли дафтар чиқарди ва Муҳаммадали иккови бир нималарни роса ҳисоблашди. Бу дафтарда ким нима иш қилган, ким қанча ҳақ олиши керак — ҳаммаси кунма-кун ҳисоблаб борилганди. Ўлмасжон Равшаннинг писиқлигига ичидан тан бериб уларнинг ишини кузатиб ўтиради. Иккови бир тўхтамга келганларидан кейин Равшан ҳар бир боланинг исмининг тўғрисига пулинини ёзиб чиқа бошлади.

— Ҳар бирини алоҳида-алоҳида чақириб берайликми ё ҳаммасини бир жойга тўплаб тарқатайликми?

— Бирор норози бўлмайдиган қилдингларми? — сўради Ўлмасжон. — Агар биронтаси сал норози бўлиб қолса, гап-сўз кўпаймасин.

— Ҳаммаси нуқта-нуқтасига қўйилган. Оладиган пулларини қилган ишларига қараб тақсимладик. Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин, — қўлида ручкани ўйнаб жавоб берди Равшан.

— Бўлмаса, ҳаммани бир катта хонага чақирамиз. Мен ёнингларда тураман. Сизлар ҳар бир болани рози қилиб пул тарқатасизлар.

Иккови рози бўлгач, Ўлмасжон йигитларни ёнбошдаги кенг хонага таклиф этди. Бу хонага сиқилишиброқ бўлса ҳам ҳамма сифди. Тўрда Равшан билан Муҳаммадали олдиларига пулларни қўйиб ишни бошлашди. Биринчи марта пул олаётган йигитлар жимгина ким биринчи бўлиб чақирилишини кута бошладилар. Равшан қўлидаги дафтарга қараб бир томоқ қириб олди-да, гап бошлади:

— Хў-ўш. Иш ҳақини беришни аввал, Ўлмас ака, сиздан бошлаймиз. Сиз бу ерда бизга бригадирсиз, иш ҳақингиз усталар билан бир хил бўлиши керак. Улар қанча олса, сиз ҳам шунча. Аммо икки кун бу ерда бўлмаганингизни ҳам ҳисобга олдик. Ўша кунларни ҳисобдан чиқариб ташлаб сизга йигирма минг берадиган бўлдик. Агар тўлиқ бўлганингизда йигирма беш минг рубль олган бўлардингиз. Розимисиз?

— Сизлар нима десанглар — шу. — Ўлмасжон бориб Равшан узатган пулни олди. Болалар бир-бирларига қарадилар. “Бу одамга шундай тақсимланибдики, демак, иш ҳақини тақсимлашда адолат бор”.

Ўлмасжон ташқари чиқиб болаларнинг чиқишини кута бошлади. Охирги йигит олиб чиққандан кейин Равшан йўлакда эълон қилди:

— Ким уйга пул жўнатмоқчи бўлса, бизга учрасин. Биз Ўлмас ака билан бир соатдан кейин пул жўнатишга борамиз.

Йигитлар иккита-учта бўлишиб Равшанга уй манзиларини ёздиришиб, юборадиган пулларини топшириб чиқа бошладилар.

Шу куни Равшанга пул топширган бўлса ҳам, пуллар жўнатилмай қолди. Чунки кун анча кеч бўлиб қолган, банклар бу пайтда иш кунини якунлаётганди.

Эрталаб Равшани ёнига олиб банкка жўнаб туришган пайтда Седюк келиб қолди: ёнида Саша ва Сергей. Таажжублиси учови ҳам ҳарбий кийимсиз эди. Улар ҳам бирга кетдилар. Банкда Равшан эрин масдан ҳар бир йигитнинг уйига пул жўнатди. У анча-мунча ишни пухта бажариб ўргангани учун бунақа ишларда хатога йўл қўймаслигини Ўлмасжон сезиб унинг ёнида индамай кузатиб турди. Ҳамроҳлари эса курсиларда уларни кутишиб, гаплашиб ўтиришиди. Банкдан чиқишаётганда эшикда тўсатдан Садр пайдо бўлиб қолди. Ҳар доимгидек ёнида Эсон ва яна икки йигит, булар ўша калтак еган қўриқчилари. У Ўлмасжоннинг ёнидаги рус йигитларни кўрди-ю, ўзини кўрмасликка олмоқчи бўлди, аммо вақт ўтганди – томонлар рўпарама-рўпара келишди. Булардан ожиз эканлигини англаб улгурган бу одамсотар дарров тулкилик йўлига ўтди:

– Ассалому алайкум, азиз биродарлар. Худонинг паноҳида соғ-саломат юрибсизларми? Шукур, шукур. Хайрият, Аллоҳнинг иродаси билан яна кўришдик. Ўзинглар яхшимисизлар? Аллоҳ сизларни доим паноҳида асрасин.

– Ваалайкум ассалом. Аллоҳ сени ҳам ҳидоят қилисин. Бировнинг ҳақидан қўрқадиган қилисин. – Алик олди Ўлмасжон ва унинг кўзларига қаттиқ тикилди. Садр тиржайди ва “қуллуқ, қуллуқ” деганча ўзини ичкарига урди. Равшан “бу ким?” дегандай Ўлмасжонга қаради.

— Биз алоҳида ҳисоб-китоб қиласиган одам шу, яхшилаб таниб ол, — деди Ўлмасжон.

Бешови ташқарига чиққанларида Седюк уларни бир ерга олиб боришларини айтиб бошлаб кетди. Пиёда йигирма дақиқалар юришгач, тепасига “Динамо спорт комплекси” деб ёзилган бинога етдилар.

— Шу ерда бир маҳоратингни кўрсатасан йигитларга. Мен уларга бор гапни айтиб бўлдим. Улар сенинг нечоғлик уста эканингга яна бир бор амин бўлишмоқчи, — Седюк Ўлмасжонга маъноли қаради.

— Ихтиёринг, — деди Ўлмасжон.

— Аммо бу ерда жуда катта мастер борда. Олдиндан айтиб қўяверай, у жаҳон чемпионатида қатнашган одам.

— Чемпион ҳам бўлганми? — сўради кулиб Ўлмасжон.

— Фақат бир марта. Аммо ҳозир устозлик қиласи, — гап қўшди Сергей.

— Майли, кўрамиз.

Бу ердаги бир неча залларнинг бирида ўттиз беш-ўттиз олти ёшлардаги, қотма, новчагина одам ўн чоғлик йигитга машғулот ўтмоқда эди. Йигитлар сараланган эканлигини Ўлмасжон бир қараашда сезди. Ҳалиги одам булар томон бурилиб келиб ҳаммаси билан қадрдонларча сўрашиб чиқди. Сергей Ўлмасжонни кўрсатиб:

— Мана шу йигитни айтгандим, — деди унга.

— Владимир Виталевич, — мураббий (сенсей) нимагадир каратечасига саломлашди.

— Ўлмас, — Ўлмасжон ҳам унга бир муштининг устига кафтини кўндаланг қилиб бош эгди.

— Мана бу ерда кийиниб олишингиз мумкин.

Сизга мос кимано ҳам топилади, — Владимир Виталевич ёнбошдаги кичкина хонани кўрсатди. Ўлмасжон у кўрсатган хонага кириб кетди ва кўп ўтмай оқ кийимда, ялангоёқ қайтиб чиқди.

Владимир Виталевич айлана бўлиб чўк тушиб ўтирган шогирдларини бир қур кўздан кечириб чиқиб уларнинг ичидан бирини имлаб турғазганди, Сергей унга қараб:

— Володя, яххиси, ўзинг бир ҳалигидай... нима десамикин... синаб бера қол, — деб қолди. Володя елка қисиб Ўлмасжонга қаради. У ҳам “ихтиёринг” дегандай ишора қилгач, “марҳамат” деб даврани кўрсатди. Одатдагидай икки четда туриб бир-бирларига салом берганларидан кейин Владимир Виталевич синов усулларини кўрсатди ва Ўлмасжонга дарров бир неча зарба берди. Зарбаларини осонлик билан қайтарган йигит шошилмай, босиқлик билан уни ўргана бошлади. Иккови бир-бирини пойлаб беш дақиқалар айланганларидан кейин Володя тепди. Унинг оёқлари орасидан ўзини олиб ўтган йигит ҳаёт нуқталарининг бирига енгил урди. Рақиби татамига орқамчасига йиқилди, аммо сакраб ўрнидан турди. Шундан кейин Володя қаттиқ олишувга ташланди. Бироқ бир неча дақиқадан сўнг оёқлари керилган, бир қўли қайрилган ҳолда иккинчи қўли билан татамини таппиллатди. Бу унинг енгилгани эди.

— Зўр, зўр. Бунақасини кўрмагандим, — Володя ҳансира бирнидан тураг экан, Ўлмасжоннинг қўлини сиқиб Сергейга бошмалдоғини кўрсатди. Седюк ҳам қошини қоқиб Сергейга маъноли кулиб қаради. Сўнг Володяга юзланди.

— Володя, бу йигит ҳам сенсей. Бизнинг юртга

меҳмон бўлиб келган. Насиб қилса, сизлар билан келажакда ҳамкорлик қиласди. Фойдаси кўп тегади ҳали. Яхшилаб танишинглар.

— Владимир Виталевич.

— Ўлмас Музаффаров.

Қайтадан қўл олишдилар.

— Сизни аввал ҳеч эшитмаган эканман. Мусобақаларда қатнашганмисиз?

— Халқаро аренага ҳеч чиқолмаганмиз, — кулди Ўлмасжон.

— Шундай маҳорат билан-а, — унинг гапи мазмунини тушунмай бош чайқади Володя, — эсиз, эсиз.

Седюк Володяга ҳозир зарур ишлари борлигини, кейинроқ яна келишларини айтиб хайрлаша бошлиди. Улар ташқари чиққанларидан кейин тўғри Седюкнинг уйига кетдилар. Икки соатлардан сўнг Ўлмасжон юртдошларининг ҳузурига қайтди.

* * *

Ўлмасжон тушликка яқин Равшани олдига чақириб бундан буён ишни бошқаришни унга тайинлади. Йигитлардан унинг гапига қулоқ солишларини, тез кунларда қайтиб келишини айтиб улар билан хайрлаши. Гарчи шундай ҳимоячиларидан ажралишаётган бўлишса ҳам, йигитларнинг энди хавотирланадиган жойи йўқ эди. Энди Тима ҳам бемаъни ҳазил қилмайдиган бўлган, кўча-кўйга чиқиш ҳам бемалол бўлиб қолганди. Шунинг учун кўнглини тўқ қилиб Равшанинг гуруҳни бемалол бошқаришига ишонса бўларди.

Рўзивойнинг ётоғига етиб келгандан кейин энг аввал Жонузоқ ясад берган бигизларни яширган

жойидан олди-да, уларни саралаб-саралаб ўттизтасини танлади. Шу кеч у Нодир ва Рўзивой билан гаплашиб ётди. Ҳар қанча сўрагани билан Нодирни ўзи билан боришига унамади. Унга шериклари борлигини, энди ёлғиз эмаслигини тушунтириди. Эрта тонгда бу ердаги йигитлар билан ҳам хайрлашди-ю, ўрмонга жўнади.

* * *

Уни кўриб Дмитрий бобонинг боши осмонга етди. Маша буви эса ўтқазгани жой тополмасди. Ҳар нарсага чаққон кампир суюнганидан оғзи ҳам, қўл-оёғи ҳам тинмай дарров дастурхон тузади. Янги қовурилган қўзиқориндан тортиб ҳар хил печенъеларгача уйиб ташлади.

— Мана бу нондан еб кўргин таъми оғзингда қолади, — у қоп-қора нонни бўлаклаб кесиб Ўлмасжоннинг қўлига тутқазди. Печкада пиширилган нонни кўриб Ўлмасжоннинг кўз олдига саватда нон узиб келаётган онаси кўринди. Нодира, Абдуқодир хаёл ойнасидан лип-лип ўтди.

Кампир суюнганидан бу сафар одатига хилоф равишда битта шиша олиб чиқиб столга қўйди.

— Қани, биттадан оламиз, — Дмитрий бобо кўзлари чақнаб чаққонлик билан икки кружкага ароқ қўйди.

— Менга ҳам қуй, бугун байрам, — кулди кампир, орқасидан қўшиб қўйди: — Шундай кунлар учун ўзим тайёрлаганман.

Ўлмасжон чол-кампирнинг муомаласидан сездики, энди шу оиланинг аъзосидай бўлиб қолибди. Кенжа фарзандини эркалатишгандай чол-кампир бири олиб

— бири қўйиб елкасидан қучишарди. Икки марта кружкалар кўтарилиганидан кейин гапга тушиб кетдилар. Дима бобонинг хотира дафтари очилиб кетиб ҳаётида бошидан кечирган қизиқ-қизиқ ҳикояларни гапириб берди. Кампир ҳар замонда “тўғри айтяпти”, “шундай бўлган” деб уни маъқуллаб ўтирди. Кеч тушиб ташқаридаги сигир, бузоқларни қўрага қамаш пайти келгандагина кампир чолни огоҳлантирди. Икковига қўшилиб Ўлмасжон ҳам уларга ёрдамлашди. Уни таниб атрофига айланиб юрган итни бўйнидан ушлаб эркалатди. Ташқаридаги ишларни битириб қайтишгач, кампир Ўлмасжонга атайлаб мўрчани иситиб берди. Маза қилиб ювениб чиққан йигит ўзини қушдай енгил сезди.

Эрталаб ҳали тонг ёришмасдан чол уни туртиб уйғотди.

— Юр, сени ўрмон маликаси билан таништираман.

Эринибгина ўрнидан турган йигит бет-қўлини ювиб Дмитрий бобога эргашди. Чол шаҳдам қадамлар билан ўрмон ичига кириб борар, қўлида билакдай келадиган узун таёқ тутганди. Беш юз қадамлар ичкари киришгач, чол тўхтади.

— Қани ўрмон маликаси? — Ўлмасжон унга тикилди.

— Мана. Мана шу ўрмон маликаси, — чол қўлларини ёзиб чуқур нафас олди-да, атрофни кўрсатди, — айтишларича, худди шу маҳалда ўрмон ичидаги ўрмон маликаси кезиб юрармиш. Унинг ортидан майин шабада эргашаркан, кимки шу насимдан тўйиб-тўйиб шимирса, умри чинордай узун, соғлиғи дубдай мустаҳкам бўлармиш. Умр узайтирувчи ҳаводан шимириб қол. Қушларни қара, қушларни. Улар кезиб юр-

ган ўрмон маликасини олқишлишмоқда, қулоқ сол, яйраб қол, яйраб.

Чол маза қилиб керишди, ўпкасини тўлдириб-тўлдириб нафас олди ва Ўлмасжонга жилмайиб қаради.

— Қалай, зўрми?

— Зўр бўлганда қандоқ. — Ўлмасжон кўзларини юмиб, қўлларини икки томонга чўзди ва табиат билан ўзини уйғунликда сезиш учун ярим медитация ҳолатига ўтмоқчи бўлди. Бир пайтлар Бойбува ўргатганидай бурни билан шошилмай чуқур нафас олиб оғзида чиқарди. Роппа-роса қирқ тўққиз марта шундай қилгандан кейин қўллари аста-аста конфу машқларини бажара бошлади. Унинг машқ қилаётганини англаб чол ҳалал бермаслик учун нарироқقا бориб дарахтларни завқ билан томоша қила бошлади.

Бир соатдан кейин уларни кампир қўлида янги соғилган сут тўлдирилган кўза билан кутиб олди.

— Тонгни қирқ йилдан буён шундай кутаман. Менинг Машам эса қирқ йилдан буён мени мана шундай кутиб олади. — Дмитрий бобо кампирнинг қўлидаги кўзани кўтарди. Яримлатиб Ўлмасжонга узатар экан, уқтириди:

— Узоқ ва соғлом яшашнинг сири шунда.

Ўлмасжон кўзани бўшатиб кампирга раҳмат айтди.

— Мана энди икки соат меҳнат ва ундан кейин бошқа эҳтиёжларга ўрин берамиз. Қани, Ўлмас, кетдик. Менга қарашиб юборасан.

Иккови қўра томонга ўтишиб, чол аравада ташиб келтириб қўйган пичанни ғарамга боса бошладилар. Чол тепага чиқди, Ўлмасжон пастдан туриб паншахада ҳашакни узатиб турди. Тепада Дмитрий бобо

болаларча кулар, йигитни тез-тез ишлашга ундар, “тез бўл, тонгда терласанг бор ғуборинг чиқиб кетади”, деб ҳазиллашарди. Ҳақиқатан ҳам ярим соатда Ўлмасжоннинг аъзойи баданини тер босди. Ишни тугатганларидан кейин ўзини шундай бардам сездики, ўзича “агар ҳозир деворни урсам, тешиб юборсан керак”, деб хаёл қилди. У Дмитрий бобога қўшилиб чол нима юмуш қилса, баравар кўмаклашиб юраверди: сигирларнинг тагини тозалашди, қудуқдан сув чиқариб, охур ёнидаги катта новларни тўлдирди, атрофни супургида супурди. Нихоят, чол:

— Бугунги иш тамом, — деди ва устидаги кўйлагини ечиб ярим яланғоч бўлиб олиб сув тўлдириб қўйилган бочка ёнига бориб атрофга сув сачратиб пишқира-пишқира ювина бошлади.

Ўлмасжонга Дмитрий бобонинг кундалик ҳаёти ёқди. Ҳар тонг чол билан ёнма-ён унинг ишларига шу тариқа кўмаклашди. Бу ердаги сокинлик унинг бўлажак жангга тайёрланиши учун ҳам айни муддао эди. У сира зерикмаётган бўлса ҳам, дўстларини интиқлик билан кутаётганди. Нихоят, бир ҳафтадан кейин Дима бобоникига уч киши кириб келди. Булар: Седюк, Саша ва Сергей эдилар. Кечқурун чол оғзига мум согандай индамас бўлиб қолди. Ахир, у шундай ҳамроҳидан ажralаётганидан хафа эди-да. Ўлмасжон ўзининг барча режасини яширмай айтиб берганди. Яшириб нима ҳам қиласди. Чол-кампир, барибир, ҳамма гапдан хабардор. Седюк зийраккина эмасми, дарров халтасидан битта шиша чиқариб қўйди. Икки марта қадаҳ айланганидан кейингина чол жонланиб қолди. Ўрмонда эҳтиёт бўлишларини, эрталаб ўзи кузатиб қўйишини айтди.

— Маймоқдан эҳтиёт бўлинглар, ҳозир айни чегара белгилаб чиқадиган пайти, — деди у, — ҳар йили шу маҳалда дарахтларга белги қўйиб чиқади хумпар.

Чол “маймоқ” деб айиқни айтмоқда эди. Седюк унинг гапини маъқуллади. У ҳам айиқларнинг ҳаётидан хабардор шекилли, дарров мавзуни айиқлар томон бурди. Соддадил чолнинг айиқлар ҳақидаги ҳикояларини мароқ билан тингладилар. Ҳаммасининг диққат билан ўзининг гапига қулоқ солаётгани баҳри дилини очиб юборди. Ётар пайти етганда Маша момо уни туртди.

— Дима, йигитлар эртага оғир вазифага кетишаяпти. Яхши дам олишлари зарур. Вақт ҳам алламаҳал бўлди.

Кампир стол устини йиғиширишга тушди. Ўлмасжон унга қарашиб юборди. Дима бобо бўлса, ҳафсаласи пир бўлиб қўл силтади. Аммо кампирнинг гапига кириб ўрнидан турди...

* * *

Тонг қоронғисида йўлга тушган йигитларни Дима бобо бир чақиримлар кузатиб борди. У хайрлашиш олдидан ўрмоннинг қаеридан юрилса, қулай бўлишини, қанақа жойларда ёввойи ҳайвонлар кўп бўлишини тағин бир карра тушунтириди-да, ортига қайтди.

Аввал келган йўли Ўлмасжоннинг ёдида қолган экан. У ҳеч бир қийналмай шерикларини бошлаб борар, йўл-йўлакай ким қандай ҳаракат қиласди, ишни қаердан ва қай пайтда бошлайдилар, шу ҳақида режа тузиб кетардилар. Тўрт соат тинмай юрганларидан кейин дам олишга қарор қилишди. Ҳар тўрт соатда

дам олишга келишиб олгандилар. Навбатма-навбат навбатчилик қилиш ҳам режаларида бор эди. Олдинги сафар уч кун юрилган йўлни бир ярим кунда босиб ўтиб Ўлмасжон манзил тутган дарахт остига келганларида Седюк:

— Шу ердан жанговар фаолиятни бошлаймиз, йигитлар, — деди ва бугунча кечани шу ерда ўтказсак деб таклиф қилди. Йўл юриб чарчаган йигитлар учун бу айни муддао эди. Тун осойишта ва сокин ўтди. Тонг отишига яқин Седюк Ўлмасжонни уйғотди.

— Тур, икковимиз разведкага бориб келамиз. Соқчиларни учратган жойни кўрсатасан.

Иккиси тайёрланиб йўлга тушиш олдидан Седюк Сашанинг устига энгашди.

— Саша, биз разведкага кетяпмиз. Агар бир гап бўлса, шу ердан ўнг томонга икки чақирим юрасизлар, ўша ерда учрашамиз. Тушундинг-а?

Саша “тушундим” деб фўлдиради-ю, курткасига ўраниб гужанак бўлиб олди.

Ҳар қадамда зийраклик билан олдинга юрган йигитлар Ўлмасжон соқчилар билан олишган жойга етиб келдилар. Аввалига у бу ерни танимади. Чунки йўл устида кўндаланг йиқитилган дарахтлар ёдида қолганди, холос. Кейинроқ атрофга разм солиб ўзига паноҳ бўлган катта эманни танди.

— Шу ерда, — деди у пичирлаб, — ҳув, анови ерда кесилган дарахтлар бор эди. Кўряпсанми, шохчалирини қолдиришибди.

Седюк индамай олдинга юришга ишора қилди. Иккови дарҳол ўн қадамлар бир-биридан узоқлашишди-да, ўттиз қадамлар юришгач, кесилган дарахт тўнкаси устига чиқиб олган Седюк шеригини ёнига чақирди.

— Улар бу ерда фақат дарахт кесишган, холос. Бу ердан қанча узоқликда яшашлари номаълум. Бундан бу ёгини билмасанг керак?

— Мен шу ердан қайтганман. Лекин бу ердан унча олис бўлмаса керак, чунки, менимча, улар бу ерга пиёда келишган.

— Гапинг тўғри, биттагина юк машинасининг изи бор. Яхши сақланибди.

Иккови олдинга юришга қарор қилдилар. Яна олдинги тартибда, ўн қадамлар оралиқ сақлаган ҳолда кета бошлишди. Қуёш найза бўйи кўтарилиб, нурлари сершоҳ ўрмонда япроқ-япроқ бўлиб ўйнай бошлаган пайтда Ўлмасжон дарахтлар орасида қад ростлаб турган ғишиң бинони кўриб қолди. У Седюкка қаради. У ҳам ўша томонга қараб турарди. Иккови индамай бир-бирига яқинлашди.

— Улар шу ерда, топдик, — деди Седюк — Укаларинг шу ерда эканига аминмисан? Тағин бошқа бирорвларга ҳужум қилиб қолмайлик.

— Аниқ, шу ерда.

— Бугун кечгача пойлаймиз. Ўрганамиз. Қандай ёриб кириш йўлини топишимиз керак.

Ўлмасжон гапини маъқуллаб бош силкиди.

— Яқинроқ борамизми? — сўради у.

— Шошма. Ҳали ишга чиқишин, шунга қараб йўл тутамиз. Ўзимизни билдириб қўймаслигимиз керак.

— Седюк ўтлар устига ётиб олди. Ўлмасжон эса дарахт шохлари орасида туриб теваракни кузата бошлади. Каттагина бинонинг биринчи қавати тикланиб, иккинчи қаватига ғишт териш бошланган, у ер-бу ерда дераза, эшик ўринлари билиниб қолган. Бу иморатдан нарироқда каттагина, аммо бир қаватли яна ик-

кита бино бор. Чамаси, соқчилар ва йигитлар шу биноларда бўлишса керак. Оралиқ анча олислиги учун бу биноларни у яхшироқ кўра олмади.

— Эҳтимол, яқинроқ борармиз, Боря. Бу ердан яхши кўринмаяпти, — деди у.

— Ўтириб дамингни олавер, улгурамиз, — деди Седюқ бепарво. Ўлмасжон ҳам индамай унинг ёнига ўтирди. Бироздан кейин унга ўхшаб ётиб олди. Иккovi гарчи ётишган бўлишса ҳам, ҳар бир товушга қулоқ солиб ётишарди. Агар ҳозир дараҳтдан кичкина қуруқ шоҳ синиб тушса ҳам уларнинг сезгисидан қочиб қутулмасди. Бунақа пайтда кўпни кўрган жангчилар тилни тиядилару бутун вужудлари қулоққа айланади. Бу улар орасидаги одат. Ёзилмаган қонун дегандай гап. Бундай пайтда кўзлар, қўллар тилга айланади. Тик турган жангчи ниманидир кўрмай қолиши мумкиндир, аммо ётган жангчининг сезгилари шундай кучли бўладики, ён-атрофдаги борлик билан бир танга айланади. Бир соатлардан кейин Седюқ кўрсаткич бармоғини тикка қилди. Бу унинг “турамиз” дегани эди. Шу заҳоти иккиси икки томон думалашди-да, чўк тушиб ўтиришди, сўні бир-бирига қараб аста оёққа турдилар. Седюқ кўрсаткич бармоғи билан олдинни ва муштини кўксига қўйиб синчалоғини юқори кўтарди. Бу унинг “сен олдинга юр, мен сенинг орtingда қўриқлаб борман” дегани эди. Ўлмасжон энгашиб олдинга юрди. Тўхтаб-тўхтаб юз қадамлар юргач, иморатга юз қадамлар яқинлашдилар. Ортидан енгилгина ҳуштак эшитилди, демак, шу ерда тўхташ керак. Бу ердан энди орқадаги бинолар ҳам яхши кўринар, одамлар у ерга кириб-чиқиб юришарди. Қурилишга яқин-

роғида йигитлар, наригисида қўриқчилар яшашар экан. Энди уларни бемалол ажратиб олиш мумкин эди. Ярим соатлардан кейин қурилишнинг ёнбошидаги ва йигитлар яшайдиган бинонинг ёнбошидаги дараҳтлар ичидан, икки томондан елкасида автомат билан иккитадан одам чиқиб қўриқчилар биноси томон юрдилар. Ўлмасжон ўнг қўли билан ўнгга, чап қўли билан чапга ишора қилди. Ортидан яна қисқа ҳуштак эшитилди – Седюк тушунибди. Демак, бу одамлар туни билан қўриқчилик қилишган. Бироз ўтиб қўриқчилар биносидан икки одам чиқди. Бири ўрта бўй, иккинчиси баланд бўйли. Бериги бинонинг олдига етганларида ўрта бўйли одам ичкарига қараб бир нима деб қичқирди ва иккови берироқ юришиб кута бошлашди. Ичкаридан эса битта-иккита бўлиб йигитлар чиқиб кела бошлашди. Йигитлар шу тартибда қурилишга томон юрдилар. Ўлмасжон болаларнинг иш куни бошланганини англади. Сал пасайиб ўтириб олди-да, атрофидаги ўтлардан юлиб олиб бошига қизларникига ўхшатиб чамбарак қилди. У энди сал тепароқ кўтарилиб кузата бошлади. Болаларнинг овозларига қулоқ солиб ўзбекча гапираётганларини англади. Бу маҳалда кун анча кўтарилган, қорин таталай бошлаганди. У аста Седюкка қайрилиб қаради. У эса икки бармоғини кўрсатди: “Икки соат кузатамиз”.

...Нариги томонда илиб қўйилган темирни бирор уриб жаранглатди. Ишчилар учун тушлик маҳали бўлганди. Шундагина Седюк ҳуштак чалиб орқага чорлади. Гап-сўзсиз ортга қайтдилар. Шериклари қолган жойга етиб келгунларича на Ўлмасжон, на Седюк лом-лим демади. Иккови ҳам ўzlари кўрган-

лари асосида етарли хулоса чиқаришган, улар учун бир-бирига изоҳ берадиган ҳеч қандай тушунарсиз нарса йўқ эди.

— Жуда узоқ қолиб кетдинглар, — уларни кўриб Саша хавотирли кўз билан боқди.

— Биз уларни топдик, — деди Седюк.

— Хўш, қалай, яқинми? — сўради Сергей.

— Унча олис эмас. Биз ёнгинасидамиз. — Седюк ерга ўтирас экан, йигитларни бошқа савол беришларига қўймади. — Бироз тамадди қилиб олайлик, ҳаммасини тушунтириб бераман. Шундай оч қолдимки, асти қўяверасан.

Сергей ҳаш-паш дегунча юк халталарнинг бирини дастурхон қилиб ёзди ва нон, консерва, озгина ичимлик сув қўйди.

Икки йигит тушлик қилиб бўлишган шекилли, шерикларининг қорин тўйдиришларини бетоқатлик билан кутиб ўтиришарди.

Тушликдан кейин Седюк кўрганларини айтиб берди. Ҳозир Ўлмасжон билан яна ўша ерга қайтишиб, кечгача ўша ерда бўлишларини айтди.

— Биз бугун тўлиқ маълумот тўплаб қайтишимиз шарт. Улар бизнинг исимизни олмасдан аввал ишни саранжом қиласдимиз. Кечқурун нима қиласдимиз, қандай йўл тутамиз маълум бўлади, — деди у.

Шундай қилиб, Ўлмасжон билан Седюк чорак соатдан кейин яна аввалги жойларига қайтишиди. Улар то қош қорайиб, ишлаётган йигитлар ётоқларига қайтгунларича жойларидан жилмадилар. Седюкнинг ишорасидан кейин ортга қайтган Ўлмасжон нима қарорга келганини сўради.

— Тунги соқчилар қаерларда жойлашишар экан,

шуни ҳам билиб қўйсак ёмон бўлмасди, — деди у.
Аммо йигитлар икки соат кутишиб ҳеч нарса аниқлай
олишмади.

— Ҳа, майли, шуниси ҳам бўлади. Қайтдик ортга,
— Седюк ўрнидан туриб йўл бошлади.

Тўртови кечкурун роса маслаҳат қилишиб ҳужум-
ни йигитлар ишга чиқмасдан олдин бошлашга ке-
лишилар.

— Шундай қилишимиз керакки, тунги соқчилар
инларидан чиқишиган, ичкаридагилар эса ҳали рост-
мана уйғонмаган пайтни танлашимиз керак, — уқ-
тирди Седюк. Йигитлар ҳам унинг гапларига қў-
шилдилар.

* * *

Эрталаб Саша юхалтасидан тўртта кичкина ўра-
маларни олиб тарқатди. Ярим літрлик елимшиша-
деккина идишда улар учун керакли нарсалар бор
эди: юпқа матодан бошдан оёқ қора кийим, никоб,
қатто, панжалари очиқ, муштнинг устига мос кела-
диган жойига бўртма металл ёпиширилган қўлқоп-
чагача. Ҳамма тезда кийиниб тайёр бўлгандан кейин
Ўлмасжон бигизларни олиб Седюкка кўрсатди.

— Бу билан муомала қилишни биласанми?

Учови ҳам унинг қўлидаги қуролга қарашибди. Бит-
гадан олишиб кўздан кечириб чиқишигач:

— Бу бизга тўғри келмайди, бунақасини ишлатма-
ганмиз, — тан олди Седюк.

— Ҳар эҳтимолга қарши бештадан олинглар, керак
бўлиб қолади. Енгил, осон отилади, — деб Ўлмасжон
уларга бештадан бигиз берди ва қолганини иккига
бўлиб кўпроғини оёғининг болдирига, озроғини би-

лагининг орқасига бойлаб қўйди. Бир-икки ҳаракат қилиб бигизлар ҳалақит бермаслигига амин бўлгач, шериклариға қаради.

— Мен тайёрман.

Уч шериги ҳам унга ўхшаб бигизларни жойлаштиришди. Тўғри жойлаштирганлариға ишонч ҳосил қилишгач, йўлга тушдилар. Олдинда Ўлмасжон ва Седюк. Келишилганидек, тунги соқчиларни бир ёқлик қилишгач, бирлашиб ҳужум уюштирадилар. Кеча Ўлмасжон яшириниб ётган жойга етганларидан кейин Седюк чап томонга, Ўлмасжон ўнг томонга ўрмалаб кетдилар. Саша ва Сергей эса шу жойда қолишиди.

Ўлмасжон қурилаётган бинонинг бурчагини мўлжаллаб эллик қадамча яқинлашганда тўхтади. Бундан бу ёғида ўтлар йўқ, беркиниш мушкул. У шу ерда ётиб зийраклик билан шитир этган нарсага қулоқ солар, ҳар замонда бошини кўтариб Седюк томонга назар ташлаб қўярди. Ҳозир у ҳам ана шундай масофада қўриқчининг қаердан чиқишини кутиб ётибди. Келганига беш дақиқа бўлмай Ўлмасжон учун жуда узоқ вақт ўтгандай туюлди. У сабри чидамай ўтлар орасидан мўралаб атрофдаги дараҳтларнинг қуюқ шохлари орасини синчиклаб кўздан кечира бошлади. Ундан йигирма қадам наридаги эгилиб ётган буталар гўё унинг орқасида эчки ёки қўй еяётгандай бир-икки силкинганини кўриб қолди. “Шу ерда экансан-да” хаёлидан ўтди унинг ва ёнбош томондан аста ўша жойга сурила бошлади. Бу томондаги ўтларнинг қуюқ ўсганлиги унинг учун анча қулайлик туғдирди. У қўриқчининг ё ён томонидан, ё орқасидан чиқиши мўлжаллаб доирани кенгроқ айланиб

ўтиб дарахтлар ичига кириб қолди. Дарахтлар остида эмаклаб борар экан, олдиндан кўз узмас, бутун вужуди кўз ва қулоқقا айланганди. Кўп ўтмасдан кўзлаган жойига етиб келди-ю, бу ерда ҳеч ким йўқлигини кўриб ҳафсаласи пир бўлди. У секин қад ростлаб эгилган шохлар олдига келди. Шохларни шитирлатмай суриб олдинга қаради. Ундан бор-йўғи ўн қадамлар олдинда елкасига автомат осган соқчи кетиб борарди. Кўринишидан парвойи палакка ўхшарди. Ўлмасжон энгashiб шохлардан ўтди-да, товуш чиқармай олдинга югурди. Орқасидаги шарпани сезиб қайрилган соқчи “у-у” дейишга улгурди, холос. Йиқилган йигитни бўйнига бир тепди-да, кўлидаги автоматини олиб узоқقا ирфитиб юборди. Соқчининг қимиrlамай ётганини кўриб олдинга юрган йигит қарши томонда, ўзидан юз қадамлар нарида Седюкнинг келаётганини кўрди. У қўли билан “мен бу ёқдан, сен у ёқдан”, деб ишора қилди. Шу дамда Саша ва Сергей ўринларидан туришиб улар томон чопишиди: бири Седюк томон, бири Ўлмасжон томон.

Ўлмасжон билан Сергей қурилаётган иморат бурчагига етиб келишиб аста мўралашди. У томондагилар ҳам асиrlар ётоқхонасининг бурчагига етиб олишганди. Седюк соқчилар биносини кўрсатиб орқадан айланиб келишга ишора бера бошлади. Бурчакда турган Ўлмасжонни соқчилар кўришмаса-да, рўпарадаги болалар кўриб қолишлари мумкин эди. Ҳудди шундай бўлди ҳам. Ташқарига чиқсан бир йигит ювинчиқда қўлини юва туриб уни кўриб қолди. Ниқобдаги одамни кўрган йигит қотди-қолди. Ўлмасжон кўрсаткич бармоғини тепага кўтариб оғзининг олдига олиб келиб кўрсатди ва тез ортига қайт-

ди. Бола эса сочиғини йўлда чувалантириб тушириб ичкарига югуриб кириб кетди. Зум ўтмай ичкаридан ўнлаб йигит югуриб чиқиб эшик олдида ғуж бўлиб қолдилар.

Бу пайтда соқчилар биносининг у бурчагидан Седюқ, бу бурчагидан Ўлмасжон эшик томон яқинлашмоқда эдилар. Саша ва Сергей ҳар эҳтимолга қарши икки бурчакда қолгандилар. Ўлмасжон энгашиб юриб келаётиб тўпланиб турган йигитларга кўзи тушди. Олдинда турган Музаффарни таниб юраги бир ҳаприқди. Унга, айнан унга қараб муштини кўрсатди-да, “ичкари кир” дегандай кескин қўл силкиди. Седюқ ҳам орқа ўгирилиб болаларга қўли билан “кет” деб ишора қилди. Худди шу дамда ичкаридан Пархом чиқиб келди ва тўпланиб турган болалар томон юрди-ю, бўйнига тушган зарбдан гуп этиб қулади. Седюқ ва Ўлмасжон эшик олдига боришиб бирбирига қарашди-да, бирданига ўзларини ичкарига уришди. Бу маҳалда Саша билан Сергей бурчакдан чиқишиб эшик томон югуришган, улар атрофда бошқа соқчи йўқлигига, ҳаммаси ичкарида эканига амин бўлишганди.

* * *

Музаффар бошланган гала-ғовурни босиш, йигитларни тинчлантириш учун ҳаммани кучи борича ичкарига қайтармоқчи бўлиб уринар “Ҳозир отишма бошланади, бошинг керак бўлса, ичкари кир!! деб қичқиради. Шунча огоҳлантиришга қарамай йигитлар ичкари киришса ҳам, эшик ва деразалар ёнидан кетмай туриб олишди. Рустам билан Музаффар ҳарчанд уринишмасин болаларни эплаёлмасди. Ҳат-

то Музаффарнинг “булар ОМОНчилар, ҳали ҳар биримизни элакдан ўтказишиади. Жимгина, ўзингларни кўрсатмай ўтиринглар”, деб бақириши ҳам уларга кор қилмади. Ташқарида Музаффарнинг ортида туриб ниқобли йигитнинг уларга мушт кўрсатганини кўриб қолган Шуҳрат ўзини у ёқ-бу ёққа урас, нуқул “Музап, ўша акам эди, акам эди. Бизни таниди”, деб жаварарди.

— Ўзингни бир балога урволмай тек ўтири. Ҳовлиқма. Сал орқароқда тур! — Музаффар уни итариб йигитлар орасига киргизди.

— Музаффар, улар ОМОНчилар эмас. Қарадингми, тўрт киши холос. ОМОН бўлганда группаси билан келарди, — орадан қичқирди Шуҳрат. Шундагина Музаффарнинг калласи ишлаб кетди. У Рустамга қаради ва ўзи гомон чақирди.

— Рустам, бу ёққа ўт!

Биринчи деразани қўллари билан тўсиб олган Рустам болалар орасидан сирғалиб чиқди-да, Музаффарга яқинлашди.

— Нима дейсан, Музаффар?

— Ёрдамга боришимиз керак.

Рустам иккиланиб қаради.

— Уларни қурол ишлатишга қўйишмади. Бостириб боришимиз керак.

Рустам индамай ташқарига чиқди ва боши билан “кетдик” деб ишора қилди. Музаффар эса йигитларга баланд овозда деди:

— Ким хоҳласа, биз билан юрсин! Қўлга теккан таёқни олинглар!

Икки йигит соқчилар биноси томон югуришлари билан ортларидан бошқалар ҳам таёқ, темир — қўлларига илинган нарсани олишиб ортидан чопишиди.

* * *

Бинонинг ичкарисида бу пайтда қўл жанги авжига чиққан, Седюк билан Ўлмасжон йўл очиб боришар, Саша ва Сергей эса ўз-ўзидан тозаловчиларга айланышганди. Каттагина йўлакда одамлар дупур-дупур қилиб айқаш-уйқаш бўлиб ётишарди. Хоналардан югуриб чиққан соқчилар бирини бири туртиб олдинга интилсалар-да, кўп ҳолларда ўзлариға ўзлари ҳалақит бермоқда эдилар. Мана шу паллада жанг кўрган йигитлар ўзларининг маҳоратини кўрсатдилар. Рўпарадаги рақибларининг дастлабки пайтда эсанкираб қолганларидан улар моҳирона фойдаланишган, ўзлари учун энг қулай имкониятга эга бўлишганди. Бироздан кейин Сергей Ўлмасжоннинг ортидан етиб келиб унинг ёнбошида туриб олиб узун оёқлари билан рақибларни Ўлмасжонга таянган ҳолда тепа бошлади. Бу Ўлмасжоннинг бигизларни ишга солиши учун яхши имконият эди. Сергей унга таяниб бир зарба берганда икки марта бигиз отишга улгурди. Буни кўриб Сергей нима қилиш кераклигини англади. Энди Сергей ва Ўлмасжон рақиблар қархисида ҷархпалак бўлиб айлана бошлишди. Сергей тўсади, Ўлмасжон бигиз отади, Ўлмасжон олдинга ўтганда у оёқларини ростлашга улгуради. Седюк билан Саша ҳам етти-саккиз одамни ерга қулатишга улгуришганди. Мана шу лаҳзада таёқлар билан қуролланган йигитлар бостириб киришди. Улар ерда ётган, турмоқчи бўлаётган, орқада қолган соқчиларни дўппослай бошлишди. Энди иш анча осонлашган, орқадаги хавф бартараф қилинганди. Йигитларнинг тўртови ҳам фақат ёриб ўтиш, кесиб муштлашиш керакли-

гини англашди. Уларнинг тўртowi ҳам рақибларига тўғридан ҳужум қилишга ўтишди. Орқадан қуршаб олишолмайди. Ярим соатдан ортиқ давом этган ур-йиқитдан кейин йўлак йиқилганларга тўлди. Соқчиларнинг ҳаммаси батамом мағлуб этилганди. Шунда асир йигитлар билан ниқобли жангчилар юзма юз туриб қолишиди.

— Сизларда ким ётакчи? — деб сўради Седюк.
— Мен. — Музаффар унга яқин келди. — Сизлар кимсизлар?

— Иложи бўлса чилвир олиб келинглар, тезроқ. Бу ердан тез кетиш керак. Бошқа гапларни кейин гаплашамиз. Ҳозир ҳамма ташқарига. Тез, тез, бўлинглар.

Йигирма дақиқага қолмай соқчиларнинг ҳаммаси чандиб ташланди. Асир йигитларни эса Седюкнинг топшириғига кўра Сергей ўрмон ичига бошлаб кетди. Кетиш олдидан Музаффар Седюкка деди:

— Бизнинг ҳужжатларимиз ҳам шу ерда сақланади, олиб кетайлик.

Седюк ўзлари орқаларидан олиб боришлирини айтиб уларни шоширди.

— Манови билади ҳужжатлар қаердалигини, — Музаффар эшик олдида ётган девклебат бир соқчини кўрсатди. Бу ўша “Айик” эди.

Улар кетишгач, Седюк ичкари олиб кирилган Пархомни сўроққа тутиб ундан ҳужжатларни олиб беришни талаб қилди. Аммо у кўзлари жавдираб қўлидаги ўлжа автоматга қарап, тили калимага келмасди. Ундан бир иш чиқмаслигига ишонган Седюк “Айик”нинг устига келди.

— Мен фақат бир марта сўрайман. Жавобингга қараб ё тирик қоласан, ё...

— Мен билмайман. Сейфнинг калити Арсений Львовичда, — шу кунгача исми шарифи айтилмаган босснинг номини айтиб “Айик” умидсиз бош эгди. Шу маҳалда кутилмаган ҳодиса содир бўлди. Эшик зарб билан очилди-ю, остонаяда қора костюм-шим кийган, бўйинбоғ таққан қадди расо бир йигит пайдо бўлди. У ичкаридаги ҳолни кўрди-ю, орқасига томон “Орқага!” деб қичқирди ва дарров қўлтифи остидан тўппонча чиқаришга улгурди. Аммо моҳирлик билан отилган бигиз тепкини босишига қўймади. Йигит бўйини ушлаб зинадан йиқилиб тушди.

Ташқарига қора рангли хорижий русумли машина келиб тўхтаганини, шофёрганинг ёнидаги ҳалиги йигит тушиб ичкари юрганини сезмай қолишганди. Тансоқчининг қичқириғидан Арсений Львович яrim йўлда тўхтаган, ортидан эргашиб келаётган икки соқчиси уни паналарига олишиб эшикка қаратса ўқ уза бошлашганди. Ҳамма ўзини полга ташлади. Седюк бир думалаб дераза олдига борди-ю, ойналарни чил-чил қилиб машинани ўққа тутди. Йўллари тўсилган тансоқчилар машинага боролмасликларини сезишиб ён томонга сурилдилар. Саша ва Ўлмасжон ҳам қўлларига ўлжа автомат олишиб Седюкка ёрдамга шошилишди. Тансоқчиларнинг чекинаётган томони ҳам ўққа тутилгач, улар нима қилишларини билмай қолдилар. Шунда Седюк қичқирди:

— Қуролларни ташлаб юзтубан ётинг, акс ҳолда ортингиздагилар қириб ташлашади!

Арсений Львович ҳам, тансоқчилар ҳам бинонинг ортида одамлар бор деб ўйлашди шекилли, икки томонга қарашиб олазарак бўлиб қолишли.

— Сўнгги марта такрорляяпман! Қуролларни ташлаб юзтубан ётинглар!

Арсений Львович аввало машинага қаради. Унинг ойналари чил-чил бўлиб, филдираклари аллақачон илма-тешик қилинганди. Бу заҳил одам алам билан бошини чайқади ва ўзича бир нималарни чамалаб олгач, ёнидаги соқчиларга паст товушда нимадир деди. Икки соқчи ҳам тўппончаларини олдинга улоқтиришди-да, ерга ётишди. Хўжайнлари эса ўрнида кўққайганча қолаверди.

Ўлмасжон ва Саша автоматларини соқчиларга тўғрилаганларича олдига боришли. Саша дарров учовини ҳам тинтиб чиқди. Ўлжа олинган тўппончаларни шимиға қистирди-да, учовини ҳам олдинга юришга ундали. Хонага киришгач, йигитлар икки соқчини ҳам чўк тушиб қўлларини бойлашди. Босс эса кўз олдида оёқ-қўллари бойлаб ташланган одамларини кўриб кўзларини бақрайтириб уларга қараганча қотиб турарди.

— Хўш, сиз билан қандай гаплашамиз? — сўради Седюк.

- Кимсизлар? — ўзини йўқотмай сўради босс.
- Ҳалоскорлар ва қасоскорлар.

Босс истеҳзоли кулди. Чамаси, бу одамларнинг кўлидан ҳеч нарса келмайди деб ўйлади.

— Фикрингизни уқиб турибман, биламан, сизнинг қўлингиз узун. Хоҳласангиз бизнинг ўзимизни бадном қилишингиз мумкин. Аммо янгишаپсиз. Биз на ҳарбиймиз, на милициядан, ва на бошқа ташкилотдан. Бу ердаги одамларнинг тирик қолишади. Бизга фақат сизнинг жонингиз керак. Гуноҳларни қон билан ювиш керак. — Седюк хўжайнинга гапириб бўлиб йигитларга юзланди.

- Ортиқча гапга ҳожат йўқ, олиб чиқинглар. Ана

шу қурилаётган бино тагига олиб боринглар. Қони деворларга сачрасин. Қон сўрувчи бу қонхўрнинг қони сероб бўлса керак.

Шуни кутиб тургандек иккалла йигит босснинг икки елкасидан ушладилар-да, ташқарига судраб кета бошлашди.

— Тўхтанг, илтимос, тўхтанг! Бир оғиз гапимни эшигинг! — жонҳолатда қичқирди босс. Седюк унга таъсир қилишнинг энг содда усулинин танлаб қўя қолганди. У эса ростдан отади деб ўйлаб дод солди. Седюк қўли билан ишора қилганди, йигитлар тўхташди.

— Охирги тилагингизни бажарамиз, сўзлані!

— Мен... мен... менинг айбим йўқ. Бу одамларни ўз пулимга сотиб олганман, ишонинг. Ҳеч қандай фирмлик қилганим йўқ. Уларни ўз юртдошлари сотиб кетишган менга. Пулларини тўлаганман. Менда айб йўқ. Мен буларга яхши муомалада бўлганман. Яхши таъминот буюрганман.

— Бу сизни оқлай олмайди. Сўнгги тилагингизни айтинг. Бундай гап-сўзларнинг бизга кераги йўқ.

Йигитлар яна босснинг елкасидан тутишди.

— Шошманг, шошманг. Келишиб оламиз. Келинг, мен бунаقا... Нима истасангиз муҳайё... айтинг...

— Сиз билан келишиб нима қиласиз.

— Илтимос. Мен йигитларнинг ҳаммасини ҳақини сақлаб қўйганман. Уйларига кетаётганда бераман деганман. Мен сизларга ҳам тўлайман.

— Энди бунинг ҳожати йўқ. Тўлов учун пулингиз эмас, қонингиз етарли. — Седюк қўлинин силкиди. Йигитлар боссни судраб оstonага олиб боришли.

— Ўлдирманг мени, илтимос! — Икки йигитнинг

қўлида қўғирчоқдай бўлиб қолган бу зулук кўзларидан ёш оқиза бошлади.

— Яхши. Сизга бир имкон бериб текшириб кўраман, — деди Седюк унинг устига келиб, — қани сейфни очинг-чи, кўрамиз, ростдан ҳам у ерда йигитларнинг иш ҳақлари борми йўқми?

Йигитларнинг қўлидан бўшалган босс “ҳозир... ҳозир” дея пилдираб олдинга ўтди. У ерда ётган йигитларига қоқила-суқила ўз хонаси томон юрди. Ичкари хонага киришгач, босс девордаги кодланган сейфнинг рақамини териб очди. Сейф ичидан аввал бир даста қофоз олиб стол устига қўйди. Сўнг дастадаста долларни тахтай бошлади.

— Мана. Ҳаммаси шу. Ойма-ой ҳисобланган. Ҳар бирига ойига беш юз доллардан ҳисобланган. Бу ерда роппа-роса уч юз эллик минг. Ўттиз беш нафар ишчининг икки йиллик иш ҳақи, сал ортифи ҳам бор.

Ўлмасжон қофозларнинг бирини кўрди. Қатор фамилиялар ёзилиб худди кассирларнидек қўл қўйдиришга тайёрланган маош ҳисобномаси эди бу. Ҳаммаси рисоладагидай. Агар бирорта текширувчининг исини олганда бу қаллоб “одамларнинг иш ҳақларини берганман” дейиш учун тайёрлаб қўйганди. Фақат имзолар кам.

— Ишчилар ўзлари “пулимизни уйга кетаётиб оламиз,” дейишган, — бидирлади босс.

— Ҳужжатлар-чи? — сўради Ўлмасжон.

— Қанақа ҳужжатлар? — босс “ана, турибди-ку” дегандай Ўлмасжоннинг олдидаги қофозларга қаради.

— Ахир, одамларнинг паспортларини олиб қўйгансиз-ку.

— Олиб қўйганим йўқ. Сақлаб қўйганман. Бу ерда-

ги шароит маълум – қурилиш. Йўқолиб-нетиб қолса, йўлда қийналишади деб... – Босс сейфдан дарров бир тахlam ҳужжат олди-да, уни ҳам пуллар ёнига қўйди. Ўлмасжон “нима қилдик?” дегандай Седюкка қаради.

– Яхши. Гапингизга ишондик ҳам дейлик. Аммо буни ҳали исботлашингиз керак. Ўша одамларнинг олдига ҳозир олиб борамиз. Агар улар чиндан ҳам гапингизни тасдиқлашса, тирик қоласиз, акс ҳолда... Ҳаммасини тугинглар, йигитлар.

Саша диванга ёпилган оппоқ жилдни чиқарди-да, пулларни ҳам, ҳужжатларни ҳам тугди.

– Қани, кўтаринг, Арсений Львович, – деди нуқиб Седюк. Босс ноилож тугунни кўтарди. Оёқлари майишиб ташқари юрди. Уни олдилариға солиб учови ташқари чиққанларидан кейин Седюк қурилиш ортидаги эмас, унга қарши томондаги ўрмон томон юриб кетди. Ўрмон ичидаги юз қадамлар юришгач, Седюк ҳарсиллаб қолган боссни кўрсатиб Сашага “тугунни ол” дея имо қилди.

– Келинг, азизим, сизга ёрдам берай, қийналиб кетдингиз, – Саша босснинг елкасидаги тугунни қўлига олди.

– Раҳмат, раҳмат сизга, – босс тўхтаб чўнтағидан рўмолчасини олиб бўйни ва юзини арта бошлади. Шу дамда унинг ортида пайдо бўлиб қолган Седюк тўппонча дастаси билан бўйнига урди. Қўлларини ёзиб ортига йиқилаётган боссни тутиб қолиб секин ерга ётқизди-да, йигитларга юзланди:

– Буни топиб олишади. Энди тезроқ орқага қайтамиз. Йўлни чалғитиш учун шу томонга бошлагандим. Биноларни айланиб ўтамиз, кетдик.

Тугуннинг бир четидан Ўлмасжон, бир четидан Саша тутганларича югуриб кетдилар.

* * *

Сергей ўзлари тунаған манзилга етиб келишгач, йигитларга шу ерда ўринларидан турмай жим ўтиришни буюрди. Ўзи ҳар хил гап-сўзларга аралашмай, бир четга чиқиб ўтириб сергаклик билан кута бошлади. Ҳатто Музаффарнинг “ораларингда бир одам ўзбек эдими?” деган саволига “қанақа ўзбек” деди-ю, у билан гаплашиш истаги йўқлигини билдириб четга қаради. Ҳафсаласи пир бўлган Музаффар Шуҳратнинг олдига қайтгач, унга қараб тўнғиллади:

- “Акам”, “акам” дейсан, юрагимни ҳаприқтириб. Уларнинг ичida ўзбек йўқ экан.
- Бекор айтибсан, акам бор эди, — деди Шуҳрат қайсарлик билан.
- Ана, бориб сўра. Анови йигит айтди. Ичларида ўзбек йўқ экан.
- Сени алдабди. Ўша қолган учовидан бири акам.
- Э-э, валдирама, — Музаффар қўл силтади.
- Ишонмадинг-а, мана кўрасан, — Шуҳрат ўзининг гапини маъқуллади, — мен акамни, ҳалику ниқобда экан, етти чақиримдан қорасини кўрсам танийман.
- Бўпти, бўпти келишганда “Ака” деб таваккал бирининг бўйнига осилаверасан. Ҳозир валдирамай тек ўтири.
- Менга ишонмадинг, — Шуҳрат қўлларини бoshининг орқасига чалкаштириб ётди.

Икки соатлардан кейин дарахтлар оралаб уч киши югуриб келди. Уларни кўриб Сергей ўрнидан туриб

қарши юрди. Йигитларга эса жойларидан турмасликларини айтди. Учови Сергейнинг олдига тугунни таппа ташлашди-да, иккитаси дарров ерга ўтиришиди. Бири эса ҳансираганча йигитларни кўздан кечира бошлади ва тўсатдан Музаффар билан Шуҳрат ўтирган жойга томон шошиб юрди. Уларга етишига беш қадамлар қолганида юзидағи ниқобни сидириб олди.

— Ака-а! — Шуҳрат ўзини унга томон отди.

* * *

Икки кундан кейин тонгда Дмитрий бобоникига тўртowi кириб келдилар.

— Хў-ўш, қани болалар? Уларни қутқармадингларми? — сўради бобо.

— Қутқардик, бобо, қутқардик. Йўлда кетишяпти. Биз ҳам тезроқ уларга етиб олишимиз керак. Сизни босиб ўтиб кетгимиз келмади. Хайрлашгани ва раҳмат айтгани келдик, — деди Седюк.

Дмитрий бобоникида ярим соатлар ўтиришгач, чол-кампир билан хайрлашдилар.

— Биз энди сен билан кўришмасак керак, — чол Ўлмасжонни қучоқлаб, кўзи ёшланди. Маша момо ҳам кўзидан дув-дув ёш тўкар, бир бурдагина бўлиб мунғайиб қолганди.

— Нега ундей дейсизлар? Насиб этса, янаги ёзда яна келаман, — деди Ўлмасжон. Унинг ҳам кўнгли бузилиб кўзида ёш айлана бошлади. Учовининг бирбиридан ажралиши қийин кечди.

— Бор энди, бор, ҳамроҳларинг кутиб қолишли, — кафти билан кўзини сидирар экан, Ўлмасжонинг елкасидан итарди. Ўлмасжон чолни ҳам, кам-

пирни ҳам юзларидан ўпди-ю, шарт бурилиб нарироқда кутиб турган шериклари томон юрди. Томоғига муштумдек нарса тиқилған йигит очилған оғзини ёполмай энтика-энтика зўрға “хайр” дея олди. Ортидан норасида болалардек чол-кампир бир-бирига суюнишиб қўл силкиб қолдилар.

— Улар сени жуда яхши кўришаркан, — деди Саша бироз юришгач. Кўзидаги ёшни ютишга уриниб кўзларини пирпиратаётган йигит индамади.

— Оқ танми, қора танми — ким бўлишидан қатъи назар инсонлар бир-бирларини мана шундай сева олганларида эди, олам гулистон бўларди. Ҳақиқий инсонларгина миллатига қарамай бир-бирларини шундай севадилар. Бу борада сенга ҳавасим келяпти, Ўлмас. Қара, рус одамлари сени ўз болам деб кузатишяпти, — деди Седюк.

Тўртови тез-тез юриб кетдилар. Ўрмондан чиқаверишдаги йўл бўйида уларни йигитлар кутиб туришарди...

Тушга яқин бир амаллаб Запруднийга етдилар. Уларнинг баҳтига, бу ерга онда-сонда келадиган автобус энди жилмоқчи бўлиб турганди. Автобусни тўлишидан шофёр хурсанд бўлди. Гўладек бесўнақай бу одам йигитларни шоширди:

— Тезрок бўлинглар, жўнаймиз.

Седюк шофёрнинг олдига ўтиб у билан гаплашди. Бир нималарни тушунтирди. Иккови пича тортишганларидан кейин шофёр маъқул ишорасини қилиб бошини ликиллатди. Седюк Ўлмасжонга қараб бошмалдоғини кўрсатар экан, шофёрга “кетдик” дегандай қўл силкиди. Демак, шофёр йигитларни Дмитровгача олиб бориб қўйишга кўнибди.

* * *

Осмон шом чодирини ёя бошлаган маҳалда Ўлмасжон йигитларни Рўзивойлар яшаётган бинога бошлаб келди. Аввалдан қўпчилиги таниш бўлгани учун ҳамқишлоқлар бир-бирлари билан қучоқлаша кетдилар. Йигитларни ўз ҳолларига қўйишиб Седюк бошчилигида Ўлмасжонлар Рўзивойнинг хонасига киришди. Ўлмасжон секингина унга шипшиди:

— Бошқа бирорни киргизмай тур, гап бор.

Олти киши bemalol жойлашадиган озодагина хонага кирганларидан кейин Седюк оғир юхалтани (йўлда пулларни йўлхалта топиб шунга солиб олишганди) столга қўйди.

— Буни эгаларига бўлиб берасан. Бизга икки шиша ароқ ва ярим килограмм колбаса етади, — деб кулиб қўйди.

— Бўлмайди. Бунинг ярми сизларники, — Ўлмасжон пулларни столга тўқди ва иккига бўла бошлади.

— Тўхта. Нима қиляпсан?

— Иккига бўляпман, — деди Ўлмасжон.

— Бундай қилсанг ҳақиқатга тўғри келмайди, — деди Седюк Ўлмасжоннинг қўлинини босиб, — биз фақат сенинг учун одамгарчилик қилдик, пул учун эмас. Қолаверса, шу пул учун юртдошларинг икки йил битга ем бўлишган, ололмаймиз. — У Саша ва Сергейга қаради.

— Бизга пул керак эмас, — деди Саша.

— Керакмас, Ўлмас, — деди Сергей ҳам.

— Агар сизлар бўлмаганингларда улар муқаррар ҳалок бўлишарди. Ҳаммаси рози, қолганини бўлиб бераман, — Ўлмасжон Борянинг қўлинини суриб, пул-

ларни бўлди. Седюк уни гапидан қайтариш қийин-лигини билиб дарров бошқа қарорга келди:

— Тўхта. Бошқача тақсимлаймиз.

Ўлмасжон унга қаради.

— Бу ерда қанча деганди анови?

— Тўрт юз эллик минг деганди, — жавоб берди Ўлмасжон.

Седюк бошини қашиб пича ўйлаб қолди, ўзича ичидаги бир нималарни ҳисоблади-да, саккиз боғлам пулни олиб тахлади ва Ўлмасжонга қаради.

— Бу бизники, қолганини халтага сол. Ҳар бирига ўн бир мингдан тегади, беш минг ошиб ҳам қолади. Унисини ўзинг биласан. Бунисига биз розимиз.

— У кутмасдан пулларни ўзи халтага солди. Иккови ишни тугатишиб Ўлмасжон юкхалтани бурчакка олиб бориб қўйгач, Седюк йигитларга икки дастадан берди-да, қолган икки дастанинг иккитасини чўнтағига жойлади ва яна иккитасини Ўлмасжонга узатди.

— Бу сеники. Ана энди ҳаммаси текис бўлди. Эътиrozга ўрин йўқ. Нима дейсизлар, йигитлар? — У Саша ва Сергейга қаради.

— Адолатли қарор, — деди Сергей.

— Ўлмаснинг битта қарзи қолди, — деди Саша. Ўлмасжон ялт этиб унга қаради. Саша қўлидаги пулларни унга узатди.

— Шу... ҳунарингни менга ўргат. Бўлмаса, пулларингни ол, — деди Саша. Ҳаммалари баравар кулиб юбордилар. Бунча пулни кўриб анграйиб ўтирган Рўзивой ҳам гап нимадалигини англаб қотиб-қотиб куларди. Ўн дақиқалардан кейин у ташқарига чиқиб кетди. Ҳаял ўтмай стол усти ноз-неъматларга тўлди.

— Бугун бир ўзбекча палов еймиз, сизлар билан

танишганимиз шарафига тонггача базм қиласыз, — Рүзивой Седюкка қараб жилмайды.

Шу кеча чиндан ҳам бешови тонготар қилдилар. Тонг отиб ишчиларнинг саҳаркезлари ўринларидан турганларида Седюк ҳам ўрнидан қўзғалди.

— Энг мушкул муаммони ҳал қилдик. Мана, ўзбекча меҳмондўстликни ҳам кўрдик. Энди ҳамма уй-уйига.

— Ўтирибмиз-да, сен билан яна қачон кўришаман, Боря? — деди Ўлмасжон норози бўлиб.

— Нега кўришмас эканмиз? Бугун дам ол, индинга учрашамиз. Гандираклаб ўрнидан турган Саша Ўлмасжонни қучоқлабди.

— Менга ўргатасанми?

Ўлмасжон уни қучди.

— Албатта. Фақат битта шарт билан.

Саша уни қучоғидан қўйиб юзига тикилди.

— Ичишни ташласанг, ўргатаман, — деди Ўлмасжон жиддий.

— Гап-гапми?

— Гап-гап.

— Бўлди. Бугундан ташладим. Агар энди иссам...

Мана булар гувоҳ. Мен сўзимда тураман, эркакча гап.

— Эркакча гап. Мен ҳам сўзимда тураман. Бир ҳафта сен билан шуғулланаман.

Иккови қаттиқ қўл олишдилар. Ташқарига шерикларини кузатиб чиққан Ўлмасжондан Седюк сўради:

— Бу келган йигитлар нима қилишади энди?

Ўлмасжон елка қисди.

— Уларни эртагаёқ жўнатиб юбор — кетишсин. Улар бизнинг изимизни қидиришади ҳали. Бу ерда ўралашишлари ҳаммамиз учун хавфли.

— Кечқурун билетга борамиз бўлмаса. Шунча, ўтиз беш нафар одамга билет ололармикинмиз?

— Иложини қиласиз, чораси бор. Ўзим келаман, — деди Седюк ва қўл узатди.

Ичкари киргандаридан кейин Ўлмасжон Рўзивойга қаттиқ тайинлади:

— Гапини эшитдинг-а? Бу ерга келганлар ҳақида бирорга оғиз ёришмасин. Битта яримта бегона одам сўраса, бу ерга ҳеч ким келмаган дейишишин. Музофарга ўзинг алоҳида тайинла. Бугун бу бинодан ҳеч ким ташқарига чиқмасин. Кундузи бирор кирса, мени уйғотсин.

— Тушундим, Ўлмас ака, тушундим. Ҳаммасини сиз айтгандай қиласан. Болаларнинг оғзи маҳкам, бирорга чурқ этишмайди. Оббо, сиз-еъ, одам ишонмайдиган иш қилдингиз-а. Мана шундай ошналарингиз бор экану бу ерда, бизга билдирамбасиз-а.

Ўлмасжон унга маъноли кўз қисиб кулди.

* * *

Ёз мавсуми бўлгани учун чипта топиш ҳартугул мушкул бўлмади. Седюкнинг ёрдами билан муаммо осонгина ҳал бўлди. Ҳужжатлар ва чипталарни олиб келиб тарқатгач, Ўлмасжон йигитларга тайинлади:

— Поезд эртага соат ўн бирда жўнайди. Унгача йўлга лойиқ пул олинглар, қолганини уйингларга жўнатасизлар. Банклар соат тўққизда иш бошлайди, bemalol улгурасизлар. Ўзим ҳам пул жўнатаман.

Шу кеча Ўлмасжон Нодирнинг хонасида укалари билан bemalol, бафуржа суҳбатлашди. Ака-укалар бир-бирларининг дийдорларига тўйдилар. Музофар уйдан чиқсандан бошлаб бўлиб ўтган воқеаларни сўзлаб берди.

— Агар ўша Садрни бир марта кўрсам эди, ҳар қандай жойда, ҳар қандай шароитда кўзини ўйиб олардим, — қўлларини мушт қилиб, тишларини ғижирлатди Музаффар, — мени унинг олдига олиб бормайсизми?

У аллақачон Садрнинг тузофидан йигитларни акаси қутқариб келганини эшитганди.

— Қўявер. У билан ҳисоб-китоб қиласидиганлар бор, сен тезроқ бориб апамни қувонтири, кеча телефонда овозингни эшитибок ҳушидан кетгандир. Бугун гаплашдингми? — Гапни бошқа ёққа бурди Ўлмасжон.

— Ҳа, икковимиз ҳам гаплашдик. Аҳволи яхши, хурсанд. Аввал икковимизни роса койиди. Йўқ, кейин “болам, болам, тезроқ келинглар”, деб йиғлаб юборди.

— Борганда кўрасан. Эшитадиганингни эшитиша-сан икковинг ҳам, — кўрсаткич бармофини силкиди ака...

Эртасига роппа-роса соат ўн бирда “Москва – Тошкент” поезди ўрнидан жилди. Юзлаб йўловчилар ичидаги Ватан нима эканини англашиб етган ўттиз беш нафар йигитни ҳам олиб ВАТАН сари тобора тезлаб кета бошлади.

Адабий-бадиий нашр

Собиржон ҲАКИМОВ

ХАТАР ЧАНГАЛИДА

Қисса

Масъул мұхаррир:	<i>A. Қоржовов</i>
Мұхаррир:	<i>O. Қанаев</i>
Дизайнер:	<i>P. Ташматов</i>
Мусаххих:	<i>M. Холиқова</i>
Сағифаловчи:	<i>Г. Курбанбаева</i>

Нашриёт лицензияси: АI №270

**Босишига 07.02.2018 йилда берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16
“Vitec Times UZ” гарнитурасыда оғсет усулда босишли.
Нашр босма табоги 16,0 Адади 4000 (1- завод) Буюртма №11**

**«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.
«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.**

**Телефон: (371) 273-19-51
Факс: (371) 273-19-50**

**Email: *dizayn-print@mail.ru*
*www.IjodPress.uz***

ХАТАР ЧАНГАЛИДА

СОБИРЖОН ХАКИМОВ

ISBN 978-9943-994-02-7



9 7 8 9 9 4 3 9 9 4 0 2 7

